

Т. К. ЧОРТЕГИН, Т. Н. ӨМҮРБЕКОВ

ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ

7





Т. К. ЧОРТЕГИН, Т. Н. ӨМҮРБЕКОВ

ҚИРҒИЗИСТОН ТАРИХИ

IX — XVIII асрлар

*Ўрта умумтаълим мактабининг
7-синфи учун дарслик*

БИШКЕК - 2010

Қирғиз Республикаси

Билим, Ғиёлим ва Ғадиқат Министрлиги

И. Ғ. Ғ. Ғ.

№ _____

Министр _____

Қирғиз

Средня Ғ. Ғ. Ғ.

А. Р. Ғ. Ғ.

№ _____

Ғород Оси

УДК 373.167.1
ББК 63.3 (2 Ки) Я721
Ч-75

Маъсул муҳаррир: тарих фанлари доктори проф., Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби **Ускон Осмонов**.
Такризчилар: тарих фанлари доктори проф., Қирғизистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби **Закирбек Эралиев**
тарих фанлари номзоди, доцент **Аскар Беделбаев**.

Чоротегин Т.К., Өмүрбеков Т.Н.
Ч-75 Қирғизистон тарихи: IX-XVIII асрлар. – Б.: 2010.- 192 б.
ISBN 978-9967-442-22-1

Ч 4306020600-10
ISBN 978-9967-442-22-1

УДК 373.167.1
ББК 63.3 (2 Ки) Я721

© КР Таълим ва фан вазирлиги, 2010
© Т. К. Чоротегин, Т. Н. Өмүрбеков, 2010
© «Азур» нашриёт уйи, 2010

МАЗМУНУ

КИРИШ	5
I БОБ.	
БУЮК ҚИРГИЗ ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ҰРНИ. ЭНАСОЙ ВА ТАНГРИТОҒ ҚИРГИЗЛАРИ	7
<i>1-§ Буюк қирғиз давлати ва унинг дасталабки тараққиёт йиллари</i>	7
<i>2-§ Қирғиз давлатининг галабалари</i>	11
<i>3-§ Тангритоғ ва Энасой қирғизлари X-XII асрларда</i>	13
II БОБ.	
ҚИРГИЗИСТОН IX-XII АСРЛАРДА. ҚОРАХОНИЙЛАР ВА КИДАНЛАР	19
<i>4-§ Қорахонийлар сулоласининг келиб чиқиши. Сатук Бугрохон</i>	19
<i>5-§ Қорахонийларнинг гарбдаги галабалари</i>	27
<i>6-§ Қорахонийлар ва шарқий турклар</i>	36
<i>7-§ Сиёсий бошқарув тизими. Ҳоқонликни иккига бўлиниши</i>	43
<i>8-§ Қорахонийлар давридаги маънавий ҳаёт. Юсуф Хос Ҳожиб (Баласоғун)</i>	47
<i>9-§ Маҳмуд Қошғарий (Барсканий) ва унинг «Девон»и</i>	53
<i>10-§ Қорахонийлар ҳоқонлиги XII аср бошида. Шарқдан қора хитойларнинг босқини. Қора Хитой давлати</i>	62
III БОБ.	
МҮҒУЛЛАР ДАВРИ	68
<i>11-§ Найманларнинг Тангритоққа кўчиши. Кучлукнинг ҳукмронлиги</i>	68
<i>12-§ Чингизхон империясининг асосланиши. Қирғизларни босиб олинишининг бошланиши</i>	73
<i>13-§ Мўғуллар ҳукмронлигига қарши кўзғолонлар</i>	79
<i>14-§ Мўғул хонларининг юришлари ва қирғизлар</i>	82
<i>15-§ Чигатой улуси. Ҳазаро феодал урушлар</i>	86
<i>16-§ Хайду давлати</i>	91

IV БОБ.

КИРГИЗЛАР ВА КИРГИЗИСТОН XIV АСР ЎРТАСИ - XVII АСР БОШИДА	97
17-§ Мўғулистон давлати	97
18-§ Тангритоғлик ва шарқий туркистонлик қирғизлар XVI аср – XVII аср бошида	103
19-§ Сибирь қирғизлари XVII- XVIII асрларда	113
20-§ Қирғизистоннинг XIII- XIV асрлардаги маданияти	115

V БОБ.

XVII- XVIII АСРЛАРДА ҚИРГИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛИШИ ВА ҚЎШНИ ХАЛҚЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ	121
21-§ Қирғизлар хўжалигининг асосий тармоқлари	121
22-§ Парнарихал-уруғчилик муносабатларининг қолдиқлари. Синфлар	123
23-§ Тангритоғдаги қирғизларнинг XVII- XVIII асрларда қалмоқ босқинчиларига қарши кураши. Қирғиз-қозоқ ҳарбий иттифоқи	127
24-§ Фарғона водисий ва Помирдаги қирғизлар	132
25-§ Қирғизлар ва «исҳоқия» сўфилик жамоалари	135
26-§ Қирғиз халқининг XVIII аср иккинчи ярмидаги сиёсий аҳволи	139
27-§ Қирғизларнинг XVI- XVIII асрлардаги маданияти	149
Яқуний такрорлаш учун савол ва тўғриликлар	157
Хронологик жадвал	158
Хрестоматик илова	161
Синфдан ташқари ўқиш учун адабиётлар	190

КИРИШ

Хурматли ўқувчилар!

Қўлингиздаги дарслик Ватан тарихининг иккинчи қисмидир. Биринчиси билан сиз олтинчи синфда танишгансизлар. Бу китоб қадимги Қирғизистоннинг VII-XVIII асрлардаги тарихини ўз ичига олади. Бир қарашда бу давр тарих учун бир лахзалик муҳлатдек туюлиши мумкин. Бирок, ўтган 12 аср тарихий воқеаларга жуда бой, эл-юрт тарихининг муҳим даври ҳисобланади.

Мамлакатамиз мустақил ривожланишга янги қадам ташлаётган шу пайтда фуқаролик ор-номуснинг, миллий онгнинг жонланиши, миллатлараро иттифок халқ бирлиги ўта муҳимдир. Бунда Ватан тарихининг аҳамияти каттадир. Ўз диёрининг қомил ишончли фуқароси Ватанининг эртанги қуни учун қурашиши шарт. Элга, ерга бўлган чуқур муҳаббат ҳисси, ватандошларни ҳурмат қилиш, ўтмиш тарихни пухта билишгина чинакам фуқарони тарбиялайди. Шу боисдан юртимизнинг ўрта асрлар тарихининг унутилаётган саҳифаларини очишга кўпроқ ҳаракат қилдик. Зеро ўша даврлардаёқ ота-боболаримиз умуминсоният тарихида из қолдиришиб, муҳим воқеаларнинг иштирокчилари, ташаббускорлари сифатида танилишган. Қаҳрамон боболаримиз мардлик намуналарини кўрсатишган, шухрати етти иқлимга етган ғалабаларга эришган. Ўша боболаримиз ўғит-насиҳатлари сиз учун, ҳаммамиз учун, бебаҳо сабоқ бўлиши шубҳасиздир.

Аталган даврда ота-боболаримиз яшаган ҳудуд ўзгарди, турли қабила, халқлар билан аралашиб этник таркиби бойиди. Эл-юрт кўплаб қувончли ва фожияли воқеаларни бошдан кечирди, истиклол учун бўлган қурашларда анча чиникди.

Ўрта асрларнинг бошларида қирғизлар Энасой бўйидаги кенг водийда макон қуриб, мустақил давлатга асос солишган. IX аср ўрталарида қирғиз давлати Марказий Осиёдаги энг йирик, қудратли давлатга айланди. Ўша даврда (IX аср-X асрнинг биринчи чораги) қирғизларнинг таъсири шарқда Катта Хинган, Манчжурияга, жанубда Буюк Хитой деворига, ғарбда Шарқий Туркистон, Еттисувгача бўлган кенг ҳудудга тарқалган, деб айтиш мумкин. Ўрта асрларда қирғизларнинг айрим гуруҳлари Шарқий Туркистон орқали Тангритоққа кўчиб кела бошладилар. Бу кўчиш мўғул истилосидан кейин,

айниқса, кучайди. Натижада XV-XVI асрлар бошида Қирғизистон худудида маҳаллий халқ сифатида қирғиз халқининг шаклланиши ниҳоясига етади. Қадимдан бу худудда макон қурган эрон, турк, мўғул тилларида сўзлашувчи халқлар, қабилалар қирғиз халқининг таркибига қўшилишгани шубҳасиз.

XIV—XV асрларда қирғизлар Мўғулистондаги, кейинроқ Шарқий Туркистон, Фарғона водийсидаги сиёсий воқеаларга фаол аралашиб турдилар. Муҳаммад Қирғиз, Қубатбий, Ажибий каби таникли инсонлар эл учун хизмат қилиб, номлари тарихда абадий қолди. Қирғизлар қўшни ўлкалар, халқлар билан ҳар доим тотувликда яшашга, ўзаро фойдали муносабатлар, алоқалар ўрнатишга интилишган.

Дарсликда халқимизнинг жонажон ва гўзал Ватанимизнинг тарихини тўлиқроқ ифода-лашга ҳаракат қилдик. Мақсадимиз — ёш авлод қалбига Ватан тарихини жо этиш. Агар боболаримиз ўтмишига болаларнинг қизиқиши ортса, унда муддаога эришган бўламиз.

Албатта, Ватан тарихини чуқур билиш учун дарслик билангина чекланиш камлик қилади. Шу сабабли ўқувчиларга илмий-оммабоп китоблар, тарихий-бадий асарларни кўп ўқишни таклиф қиламиз. Шунингдек, ўқувчилардан, ўқитувчилардан, олим-мутахассислардан дарслик хусусидаги фикр-мулоҳазаларини кутамиз. Билдирилган ҳолис танқидий ўй-фикрлар дарсликнинг кейинги нашрлари сифатини яхшилашга хизмат қилиши аниқ.

Муаллифлар

I БОБ

БУЮК ҚИРҒИЗ ДАВЛАТИ ВА УНИНГ ТАРИХИЙ ЎРНИ. ЭНАСОЙ ВА ТАНГРИТОҒ ҚИРҒИЗЛАРИ (IX — XII АСРЛАР)

1-§. Буюк қирғиз давлати ва унинг дастлабки тараққиёт йиллари


Уйғур ҳоконлигидаги ички низолар. Шарқий турк халқлари орасида энг қудратли мамлакатлардан бири бўлган Уйғур ҳоконлигининг ички аҳволи бирдай бўлмай, ўзаро жанжаллар кучая бошлади. Ҳоконлик ҳокимиятга эга бўлиш учун уйғур лашкар бошлиқлари билан эдиз уруғи йўлбошчилари ўртасидаги тахт талашув кураши ҳеч тўхтаган эмас. Уйғурларнинг диний томондан ҳам парокандалиги бунга қўшимча бўлган. Ўрта Осиёдаги турк биродарлари каби VIII асрдан бошлаб уйғурлар ҳам Ғарбдан кела бошлаган диний таълим ва диний тизимларнинг кучли таъсири остида эди. 763 йили манихей (моний) дини Уйғур ҳоконлигида расмий равишда қабул қилинган. Лекин ҳоконликда тангричиликка, бутпарастликка (буддизмга), христианлик (насронийлик) оқимиغا ишонувчилар ҳам бор эди.

Уйғур ҳоконлигининг манихей динини расмий равишда қабул қилиши унинг Хитойдан, Шарқдан узоқлашиб, Ғарбий Осиё ва Ўрта Осиё диний ва маданий йўналишга эътиқод қилганлигини кўрсатади. Уйғур ҳоконлигида моний ва насронийлик диний оқимларининг ёйилиши умуман Шарқий турк халқлари учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Бу янги ғарбий йўналиш шарқий туркларда уйғур ёзуви деб аталган ёзув тизимини яратишга имкон берди. Хуллас, IX асрнинг бошларида уйғурларнинг ҳар хил динларга эътиқод қилиши уларнинг давлат бутунлиги ва миллий тотувлигининг заифлашувиغا таъсир этмай қолмади.

Уйғур ҳоконлигидаги тахт талашини билан боғлиқ бўлган ўрда кураши IX асрнинг 20—30 йилларда авж олиб кетди. 20 йил ичида олти ҳокон алмашган. Масалан, 832 йили Чжоали хон сарой кўзғолонида ўлдирилган, 839 йили эса Ху-тўра деган уйғур ҳокони кўзғолончилари ўрдага яқинлаб келганда, ўзини ўзи ўлдирди. Кўзғолонни уюштирган биринчи вазир Гуй-ло-фу (Цзуй-ло-фу) ҳокимиятга балоғат ёшига етмаган Кеси тўрани кўйиб, амалда давлатни ўзи бошқарган. Бу бошқа уйғур зодагонларининг Гуй-ло-фуга нисбатан норозичилигини тобора кучайтирган.

Уйғур ҳоконлигидаги офат. Сиёсий бирлиги парчаланиб турган уйғур жамоасига табиий офат ҳам оғир зарар келтирди. Гуй-ло-фунинг кўзғолонидан кейин Урғун вилоятига қор қалин тушган. Қор босиб, ўтлай олмай қолган чорва моллари туғидан ажраб, очликдан қирилган (кишлик учун ем-хашак тайёрлаш у вақтларда бўлмаган).



Буюк Қыргыз дәуірінің дәуірінің күйішілері. (IX ғасыр басы - X ғасыр басы).

Қўйларгина эмас, балки харбий транспорт сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлган йилқиларгача қирилиб кетган. Ўлкани очарчилик қоплаган. Олик-солик сифатида озик-овқатни тортиб оладиган тобе ўлкаси бўлмаган Уйғур ҳоқонлигини офат ва очарчилик қаттиқ ижтимоий-сиёсий исканжага олди.

Қирғиз ҳоқонлигининг талабномаси. Бу даврда Қирғиз ҳоқонлигининг иқтисодий ва ижтимоий аҳволи дуруст эди. Шунинг учун унинг Уйғур ҳоқонлигига нисбатан зўравонлиги кучайиб, ниҳоят, Қирғиз ҳоқони Мўғулистоннинг шимолидаги Ўрдабалиқ шаҳридаги уйғур ҳоконига, агар рад қилса даҳшатли фожиа юз беришини эслагиб, ультиматум (талабнома) юборган: «Сенинг тақдиринг ниҳоясига етди. Мен яқинда олтин юргизилган ўрдангни эгаллайман. Унинг ёнига арги-моғимни боғлаб, туғимни санчаман. Агарда куч синашга қудратинг етса, дарҳол келгин. Ундай қилишга юрагинг дов бермаса, тезроқ чиқиб кетгин».

Бу хабар баён қилинган Тан сулоласининг йилномасида уйғур ҳоқони урушини давом эттира олмаганлиги қайд этилган.

Ўрдабалиқнинг босиб олинishi. Қирғиз ҳоқони Уйғур ҳоқонлигининг марказий шаҳрини босиб олиш учун қудратли куч тўплади. 30 минг (уч туман) аскардан иборат бўлган сараланган қўшиндан ташқари, қирғизларга бўйсунган бошқа халқлардан ҳам қўшин тўплади. Ҳатто тадбиркорлик билан уйғурларнинг айрим аскарбонилари ва зодагонларини жангчилар билан бирга ўзига қўшиб олишга эришди. Масалан, тўнтариш қилиб, Ўрдабалиқдаги ҳокимият тизгинини ўз қўлига олган Гуй-ло-фуга қарши Қулуғ Бага (Цзуйлу Мо-ха) деган бошқа бир уйғур саркардаси исён кўтарган ва қирғизларнинг армиясига ўтиб кетган.

Умумий сони 100 минг аскардан иборат Қирғиз ҳоқонлигининг йирик қўшини 840 йили Ўрдабалиқни босиб олди. Ўрхундаги Уйғур ҳоқонлигининг сўнгги ҳокони жангда қурбон бўлди. Қирғиз ҳоқони ўзи назорат қилиб, уйғур ҳоконининг олтин саройини ёндириб, мол-мулкни мусодара қилди. Уруш пайтида қўлга тушган малика Тхайхо (Тан сулоласининг император авлодидан бўлган уйғур маликаси) келажакда хитойликлар билан муносабатни мустаҳкамлашда фойдаланиш учун омон қолдирилиб, маҳсуе назоратга олинган.

Ўрдабалиқнинг бўйсундирилиши билан ўрта асрларнинг илк давридаги уйғурлар империяси тор-мор қилинди.

Қирғиз ҳоқонлиги пойтахтининг Мўғулистонга кўчирилиши. Уйғур ҳоқонлигининг асосий кучлари мағлубиятга учраб, пойтахти Ўрдабалиқ ишғол



Булок Қирғиз давлатини асослаган қирғиз ҳокони IX аср

этилгач, киргиз ҳокони ўзига тобе бўлган ҳудудларни қулайроқ бошқариш учун ўрдасини Энасой водийси (Ҳозирги Хакас Республикасининг ҳудуди)дан жанубга кўчиришга қарор қилди.

Кўчманчилик ва ярим кўчманчи турмуш тарзи ҳукм сурган Марказий Осиёдаги империялар учун пойтахтни янги юртга кўчириш унчалик оғир муаммо эмас эди. Ҳатто айрим шарқий турк ўлкалари иккитадан (ёзи ва кишки) ўрда шаҳарларга эга бўлганлиги маълум.

Киргиз ҳокони ўз қароргоҳини ўрнатган жой — Лаошань (Танну-Ола) тоғининг жанубида. Бу ҳудуд ҳозирги Шимолий-Ғарбий Мўғулистондаги Убсу-Нор ва Қирғиз-Нор қўллари жойлашган масканга тўғри келади. Ҳақиқатдан ҳам бу макон ҳозирги Мўғулистоннинг бошқа ҳудудлари, Олтой, Жунғория ва Энасой водийси билан боғланиш учун қулай жой эди.

Буюк Қирғиз империясининг барпо этилиши 840 йили Қирғиз ҳоконлиги ўрдасининг Энасойдан Қирғиз-Нор ҳудудига кўчирилиши, сиёсий парокандаликка дуч келган уйғур гуруҳларининг Мўғулистондан бошқа Марказий Осиё ҳудудларига тарқалиши, уйғурларга тегишли кўп ерларнинг киргизлар қўлига ўтиши билан боғлиқдир.

«**Буюк Қирғиз давлати**» иборасининг маъноси. Бу тушунчани тарих фанига илк бор академик Василий Владимирович Бартольд (1869 — 1930) киритган. Мазкур атама Энасой Қирғиз ҳоконлигининг 840 йилгача бўлган тарихидан бошлаб, унинг алоҳида аҳамиятга эга бўлган тарихий босқичи бўлган IX асрнинг ўртаси — X аср бошидаги саксон тўрт йилча ҳукм сурган даврни алоҳида кўрсатиш учун қўлланилади.

Буюк Қирғиз давлати пайтида ҳам киргиз ҳукмдори бошқа турк империяларидаги каби ҳокон макомидан фойдаланган («ҳокон» сўзининг қискартирилган кўриниши «хон»). Демак, 840—924 йиллардаги бу давлатни Буюк Қирғиз ҳоконлиги деб аташ ҳам мумкин.

«Син Таншу» («Тан сулоласининг янги тарихи») номли асарда (IX асрда ёзилган) йирик ҳоконлик хусусида куйидаги изохнома бор: «Қирғиз-катта давлат бўлган. Ҳудуди бўйича туркий мамлакатлар билан тенглашади. Шарқи Куракан мамлакатигача, жанубий Тибетгача, жануби-ғарбий Қарлук мамлакатигача чўзилиб боради».

Буюк Қирғиз давлатининг ғарбдаги чегараси Етгисув ва Марказий Тангритокқа яқинлашиб қолганлиги араб ва форс тилларидаги айрим мусулмон манбаларидаги маълумотлар билан ҳам тасдиқланади. Ўтукент диёрини босиб олиб эгаллагани тўғрисида энасойлик киргизларнинг ўзлари қолдирган ёзма ёдгорлик Мўғулистон шимолидаги Сужин-Довон (Сужи) тепалигидан топилган.

Шундай қилиб, 840 йил — Буюк Қирғиз давлати (ҳоконлиги)нинг барпо этилган даври бўлиб ҳисобланади. Кейинги киргиз тарихи учун жиддий ўзгаришларга тўртки берган давр худди шу йилдаги йирик воқеалардан бошланади.

Саволлар

1. Уйғур ҳоконлиги нима учун кучсизлана бошлаган?
2. Уйғур ҳоконлигидаги хахатчилик ва қирғиз ҳоконининг ультиматуми тўғрисида нималарни биласиз?
3. Уйғур ҳоконлигининг пойтахти Ўрдабалиқни қирғизлар қандай ишғол қилишган?
4. Қирғиз ҳокони нима учун ўз ўрдасини Мўғулистонга кўчирган?
5. «Буюк Қирғиз давлати» тушунчаси қандай маънога эга?

2-§. Қирғиз давлатининг ғалабалари

Уйғурларнинг Ўтуқентдан суриб чиқарилиши. Ўрдабалиқнинг кулаши унинг-сиз ҳам ички низоларга ботган уйғур қабилалари учун сиёсий бирликдан ажрашдек мушкул иш билан бир вақтда содир бўлди. Уйғур қабилалари парчаланиб кетди. Масалан, хитойлик маликадан тугилган хонзода Пантегин билан уйғур вазир (бек) ларидан бири Сачжи ўн беш қабилини бошлаб, Шарқий Туркистонга — қарлуқлар томонга қочган. Пантегин билан бирга беш оға-иниси ҳам кўчиб кетишди. Шарқий Туркистонга бу беш қабиладан бошқа уйғурларнинг икки гуруҳи ҳам кўчиб, бири Анси (Куча) худудига, иккинчиси ундан шарқроқдаги тибетликлар вақтинча эгаллаб турган Шарқий Туркистон худудларининг бирига келган.

Ўн уч қабиланing зодагонлари эса ўзларича У-цзе (Уге) тегин (хон авлодидан чиққан зодагон)ни мустақил ҳокон деб эълон қилиб, жанубга — Хитойнинг чегарасига яқин худуд (Олашон томон)га кўчишган. Яна бир гуруҳ Эдзин-Гол (Қора ўзан) дарёси томон кўчишган.

IX—X асрларда қирғизлар томонига ўтган айрим уйғур уруғлари ўз ерида қолиб, қирғизларга ва бошқа ўрхун (ўтуқент)лик туркий халқлар (масалан, тили бўйича эмас, дини бўйича фарқ қилувчи татар қабилалари)га қўшилиб кетган.

Сужин-Довон ёзуви. Ўтуқентдаги нафақат қирғиз ғалабаларининг, балки ёзма маданиятнинг ҳам намунаси бўлиб хизмат қилган ажойиб ёдгорлик – Сужин-Довон эпиграфик ёзуви ҳисобланади. У 1900 йили Селенга дарёсининг бошланишидаги Сужин тепалигидан топилган. Бу ёзув матнида эпитафик ёдгорлик бағишланган одам (Бўйла Қутлуғ Иарған исмли қирғиз зодағони)нинг исм-шарифи, авлоди, тарихий хиссаси тўғрисида ҳикоя қилинади. Уларнинг турмуш шароити, акалик ва оталик вазифаларини ўташининг махсус белгиланишини Бўйла Қутлуғ Иарғанга бағишланган асардаги миннатдорлик сўзларидан ҳам англаса бўлади. Қирғизлар кейин ҳам ҳар хил дoston ва қўшиқларида марҳум хаётлигида қилган яхши ишларини санаб ўтишни удум сифатида сақлаб қелишмоқда.

Сужин-Довондаги ёзув, шунингдек, сиёсий маънодаги васият сифатида қолдириб,



IX—X асрлардаги киргиз жангчисининг реконструкцияси

лари учун ёдгорлик сифатида қолдирган қабр тошидаги лавҳадир. Турли даврлардаги қахрамонлар тўғрисидаги ҳикоялар киргизларнинг халқ оғзаки ижодига булок суви каби қўшилаверган.

Қиргизларнинг Марказий Осиёдаги ғалабалари. Уйғур қабилалари ўз юртида қолиб, шунчаки қиргиз ҳоконига тобе бўлишга кўнса, Марказий (Ички) Осиёдаги тарихий вазият бошқача ривожланиши эҳтимол эди. Ўтукентни тўлиқ эгаллаган қиргизлар учун 840 йили бепоён кенгликлар бўйлаб гуруҳ-гуруҳ бўлиб қочган уйғур қабилаларини бўйсундириш учун улар ортидан соядек эргашнишдан бошқа йўл қолган эмасди. Марказий Осиёдаги кўчманчи империялардан бири бўлган Буюк Қирғиз ҳоконлиги ҳам қочок ёвнинг ортидан тушиб, оз вақт ичида ўз имкониятидан ҳам ортиқча йирик ҳудудни эгаллашга ҳаракат қилди.

Қиргизларнинг IX аср ўртасидаги ғалабалари ёзма манбалар (хитой, араб, форс ва турк тилларидаги ҳар хил ёдгорликлар) да, шунингдек, археологик, ономастик, этнографик ва бошқа тадқиқотлар асосида исботланмоқда.

842 йили Тапу Алп Сўл деган қирғиз сарқардаси элчи сифатида Тан сулоласининг пойтахтига келиб кетгач, хитойлик ўрда тарихчилари унинг маълумотларини ёзиб олишган. Қирғиз аскарлари ўша 840—842 йиллари Куча (Албси), Бешбалик (Бэйтин) шаҳарлари, яъни Тангритоғнинг шарқий қисмига, Тарим пасттекислигигача кириб келишган, бундан ташқари, Мўғулистондаги бошқа дин (насоний) вакилларини, туркийзабон татар қабилаларини ҳам ўзига бўйсундириб олган. Шунингдек, Қораўзан (Хэлочуань, кейин Эдзин-Гол аталиб қолган) гача кўчиб келиб, бу ёқларда кўним топган шарқий уйғур гуруҳини ҳам итоат эттиришга ҳаракат қилганлар.

довюрак бўлишга, қирғиз ҳоконига таъзим қилиб, бош эгиш, унга садоқат билан хизмат қилишга ўғилларини даъват этувчи чакирикларни ўз ичига олади. Бу вазият қирғиз давлатчиларини қадрлай олган олижаноб зодагоннинг авлодлар учун қолдирган улуғ сўзлар эди. Матнда Бўйла Қутлуг Иарганинг катта инсоний изтироби, яъни тўнғич ўглининг ўзидан аввал вафот этганлиги алам билан хотирланади. Ўглини «арслоним» деб аташига қараганда, унинг тўнғич ўғли балоғатга етган чоғида қахрамонларча қурбон бўлган.

Сужин-Довон ёзуви ўз қахрамонларини улуғлаб, улар ўлгандан кейин ҳам унутмай, авлод-

Қирғиз аскарларининг ҳаракат йўналишлари шарқда Байкал кўлининг ғарбий қирғоқларини эгаллаган куриканлар (сахаларнинг қадимий аجدодлари) юрти билангина чекланиб қолган эмас. Куриканлар 840 йилгачаёқ қирғизларга тобе бўлган эди. Тан сулоласининг йилномаларида қирғизнинг А-бо (Апу) номли саркардаси (вазири) етти туман (70 минг) аскарни бошлаб, Хинган тоғларининг этакларида яшаган шивэйларгача муваффақиятли ҳужум қилгани таъкидланади. Қирғизлар шимолга ҳам етиб, бўма номли маҳаллий халқ (кет тилига яқин тилда сўзлашувчи сибирлик халқ) билан урушлар олиб борган. Археологик казишлар ҳам қирғиз аскарлари (гуруҳлари)нинг изларини Энасой, Олтой, Шимолий Мўғулистон, Том, Қизилжар (Красноярск), Тангритоғ ҳудудларидан топмоқда.

Қирғиз ҳоконларининг асосий ғалабалари IX аср ўртаси (40—50-йиллар)га тўғри келади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қирғизлардан енгилгандан сўнг уйғурлар қайси ҳудудларга кўчиб келишган?
2. Сужин-Довон ёзувида қандай маълумотлар мавжуд?
3. IX аср ўрталарида қайси ҳудудлар қирғиз ҳоконлигининг тасарруфига ўтган?
4. А-бо (Апу) номли қирғиз саркардасининг ҳужуми тўғрисида нималарни биласиз?

3-§. Тангритоғ ва Энасой қирғизлари X—XII асрларда

Марказий Осиё ва Сибирда кенг тарқалган қирғиз қабилаларига тааллуқли археологик ёдгорликлар. Буёқ қирғиз давлати (IX аср ўртаси -X аср боши) хусусида қирғиз маданиятига тааллуқли археологик материаллар Энасой водийсидангина эмас, балки Сибирдаги Қизилжар-Кан, Обь дарёси водийси, Олтой, Еттисув, Тува, Мўғулистон, Байкал кўлининг водийси каби ҳудудлардан, айрим қирғиз ёдгорликлари Шарқий Туркистон, Марказий Тангритоғ (Норин, Қўчқор) дан топилган.

IX асрга оид қирғиз қабристонлари тарих фанида «хир-гисхур» (мўрулча «қирғиз қабри») деб аталмоқда. Бундай қабрлар устига тош уюлиб, қўрғон ёнига тош ўрнатилиб, унга одатда харфлар, руний алифбосидаги эпитафия ёдгорлиги матни битилган. Марҳумнинг жасади қўйдирилиб, махсус чуқурга қўмилган. Унинг ёнидан «нариги дунё»даги ҳаёти учун қўй, мол, йилқининг суяклари ва суюқ овқат қўйиш учун идиш, харбий қурол-яроқлар, қилчлар, ханжар, ойболта, найза, ўқдон, совут ва ҳоказолар, от жабдуғлари учун нафис ишланган металл тақинчоклар, шунингдек, сирға, узук ва бошқа буюмлар топилмоқда. Қабрлардан пичок, эгов, ўрок, чалғи, устига руний ёзув акс эттирилган Хитой (Тан сулоласи)нинг тангалари ҳам топилмоқда. Бу тангалар Қирғиз ҳоконлигида пул сифатида ишлатилган, деган фикр ҳам бор. VIII—IX

асрларда Энасойда аҳоли доимий яшайдиган шаҳарсимон жойлар (Уйбат ўзанининг куймаси) ҳам қурилган.

XI—XII асрларда қирғизларга оид археологик ёдгорликлар «қирғислар суяклари» («қирғиз суяклари») деб аталмоқда. Бу даврда Энасой маданияти Ўрта Осиё ва Шарқий Осиё маданиятидан бошқачароқ бўлиб қолгани сезилади.

Дунёдан эрта кетган ёш болаларнинг жасадларини Энасой қирғизлари куйдирмасдан кўмишган. Демак, уларнинг «гуноҳ»ларини олов ёрдамида тозалашнинг зарурати бўлмаган.

Қирғиз ёдгорликлари орасида уларга бўйсунган бошқа халқлар (умуман айтганда, киштимлар)нинг жасадни куйдирмай кўмган қабрлари, йилқи териси қўшиб кўмилган айрим уйғур гўрлари, қадимги туркларнинг йилқини қўшиб кўмган удумининг айрим такрокланишлари учрамоқда. Қирғизларнинг Сибирь ва Марказий Осиёдаги турли қабилалар устидан ҳукмронлик қилган даври археологик материалларда худди ўшандай ёритилиб, ўзаро этник маданий алоқаларнинг туркий халқларда янада ривожланишидан хабар беради.

Шарқий Тангритоққа келган қирғизлар хусусида ёзма манбалар. Қирғизларнинг қатор гуруҳлари Буюк Қирғиз давлати даврида (IX аср ўртасидан бошлаб) Энасойдан Шарқий Тангритоққа ва Қашғаргача етиб келгани тўғрисида янги маълумотлар ўтган аср охириларидан бошлаб топилмоқда. Улар араб, форс, хитой тилларида ёзилганлиги ва алоҳида-алоҳида эканлиги билан қимматлидир.



Соғол тахталарга берилган нақшларнинг фрагментлари. X—XI асрлар.

Чуй vodiёсидан топилган

X аср араб географи ал-Истахрий «Китоб масалик ал-мамалик» («Мамлакатлар йўлларининг китоби») деган асариде: «Хулиги тоғлар... туркларнинг ички ҳудудларига-қирғизлар ёнидаги Илоқ (ҳозирги Ангрён) билан Шош (Тошкент) атрофларигача чўзилади. Бу тоғлар бошдан-оёқ олтин билан кумуш қонига лик тўлган, энг бой қонлар қирғизлар мамлакатиде жойлашган», - деб ёзади. Бунда Илоқ билан Шошга яқин Талас, Чотқол водийлари ёки ҳеч бўлмаганда, Тангритоғ тизими эътиборга олиниши зарур.

Муаллифи номаълум бўлган «Худуд ул-олам» («Олам худудлари», 982 йил) деган форсча географик асарда қирғизларнинг Энасойдан ташқари турли худудлардаги гуруҳлари хусусида қизиқарли хабарлар берилган. Масалан, туғузлар (Турфондаги уйғурлар) ҳақида ёзилиб, уларнинг шимолидагина эмас, ғарбида ҳам айрим қирғизлар яшаши



X-XII асрлардаги кыргыз йиғини

этноними билан ва Энасой кыргызларининг ўттиз минг аскар гуруҳини таққосланг). Айрим олимлар Талас ёзувларининг келиб чиқиши Энасой кыргызларининг бир қисмини Талас водийсига IX асрда кўчиши билан боғлиқ, деб тахмин қиладилар.

X асрда Шарқий Тангритоққача, Турфон пасттекислигидаги Уйгур Идикути давлатигача келган хитойлик Сун сулоласининг элчиси Ван Яндэ бу Шарқий Тангритоғни Жанубидаги кичик, лекин кучли Уйгур ўлкасида айрим кыргыз, яъни каби турк қабилалари яшаганини кўрсатади.

Араб тарихчиси Ибн ал-Асир (XIII- аср) Ғазнавийлар тарихи билан боғлиқ маълумотларида, XI аср ўртасидаги Қирғиз исмли обрўли саркарда ва хожиб (ўрдадаги юқори мартаба эгаси)ни хотирлаб, Ғазнавийларга тааллуқли бўлган султон ҳокимиятини 1052—1053 йилларда кўзғолондан сақлаб қолишдаги унинг ролини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Кейинги кыргыз тарихий афсона ва шажаралари (масалан, XVI асрда Сайфиддин Ахсиқентий ёзган ва XIX—XX асрларидаги шажаралар)да кыргызлар мўғул босқинигачаёқ Ўрта Осиёда яшагани тўғрисида баён қилинади.

таъкидланган. Қирғизлар Пенчул шаҳри (Шарқий Туркистондаги ҳозирги Учтурфон ёки Оксув шаҳри)ни эгаллаб олгани ҳам ўша манбада кўрсатилади. Бошқа бир ерда кыргызлар Қашғар ҳудуди билан чегарадош чигиллар, яғмоларга кўшни сифатида баён қилинади. Худди ўша манба Тангритоғдаги кўчманчи тухси қабилаларини таърифлаб, уларнинг ғарбида кыргызларнинг бир гуруҳи жойлашган, деб эслатади.

Муҳаммад ибн Нажиб Бекраннинг «Жаҳоннома» номли форсча асари (XIII аср)да Фарғонадан шарққа чўзилган тоғлар билан далалар кыргызларнинг истиқомат қилаётган жойларигача етгани айтилади. Бундан кыргызлар Тангритоғ ҳудудида яшаган деб ҳулоса чиқарса бўлади.

Айтмоқчи, Талас руний ёзувлари Урхун ёзувларига эмас, балки типологик хусусиятларига кўра Энасой ёзувларига яқин. Талас ёзувларида Ўттиз ўғлон қабила оти учрайди (кыргызнинг кейинги ўттиз ўғил



X-XII асрлардаги кыргыз келини

Шаркий Тангритоғдаги киргизларнинг дафн этиш маросимининг ўзгариши.

Тангритоғ киргизлари мусулмон Қорахонийлар ҳоконлигининг-шаркий тарафдан чегарадош худудларида жойлашган. IX–XI асрлар мобайнида уларнинг урф-одатлари ўзгара бошлаган. Бунга Қорахоний турк кабилаларнинг маданий ва этник ўзаро интеграцияси, тангритоғлик халқлар маданиятининг шаклланиши ўз таъсирини кўрсатади.

Форс олими Гардизий (XI аср) ўзининг «Зайн ал-ахбор» («Чиройли хабарлар») асарида киргизлар тўғрисида VIII асрга оид Ибн Мкаффа ва унинг ўғли қолдирган куйидаги маълумотни келтиради: «...Киргизлар ҳам мархумнинг жасадини ёндириб юборишади, ўт-энг тоза нарса, мархумни ҳам ўтга тушган нарсаларининг барчаси тозаланади. Ўт губорлардан ва гуноҳдан фориг этади», дейишади.

1120 йили эса ўзининг арабча «Табаи ал-хайван» («Ҳайвототнинг табиий хосиятлари») номи асарини ёзган Шараф аз-замон Тохир Марвозий Тангритоғдаги киргизларнинг гуруҳи тўғрисида қуйидагини қайд этади: «Куча билан Арк уларнинг жануби-ғарбий билан жанубида жойлашган». Киргизларнинг бу гуруҳидан ғарброқда яғмолар ва қорлуқлар яшаган.

Тангритоғдаги киргизларнинг худди ўша гуруҳи X асрдан бошлаб исломлашни доирасига кириб, ўз урф-одатларини ҳам ўзгартиргани Марвозий томонидан қайд этилади: «Мусулмонлар билан кўшни бўлиб қолишгач, улар (киргизлар) мархумни қабрга кўма бошлашди», — деб қайд этади Марвозий. Бу мархумнинг жасадини ёкиш удумини тангритоғлик киргизлар қўлламай қўйганлигининг, киргизларнинг бу қисми ислом динини мўғуллар босқини давригачаёқ қабул қила бошлаганини исботлайди.

Энасой, Шимоли-ғарбий Мўғулистон ва Олтойдаги киргизлар. X — XII асрларда Энасойда, Мўғулистоннинг шимоли-ғарбидаги Чўнг кўкларнинг худудида (уларнинг бири ҳозиргача Қирғизнор-Қирғиз кўли деб аталади), шунингдек мўғуллар Олтой билан унга чегарадош худудларда шаркий киргизлар майда давлатларини ташкил қилиб яшаган.

X — асрнинг дастлабки чорагидан бошлаб Шимолий-Ғарбий Мўғулистондаги киргизлар қидавлар (китанг) ва бошқа мўғул тилли кабилалар билан тўқнаша бошлашади.

XI — аср охирида шаркий киргизларда асосан учта майда давлат мавжуд бўлган. Улардан бири ҳозирги Хакас (Хоорай) ўлкасида, иккинчиси Тува ва Шимоли Мўғулистоннинг унга чегарадош айрим худудлари Ла, учинчиси Олтой (хусусан, мўғул Олтойи)да жойлашган.

1125 — 1128 йиллари Шимоли-Ғарбий



Товоқ. Полхром глазурь нақши. XI — XII асрлар. Тағас водийсидан топилган

Мўғулистондаги ва шаркий Тангриноғдаги киргизлар қора хитойларнинг босқинига қарши курашишади.

Бирок XII аср ўртасида Шимоли-Ғарбий Мўғулистондаги киргизлар найман хонидан мағлубиятга учраган. Ҳана даврдан бошлаб бутун Мўғулистондаги сиёсий ҳокимият мўғул тилли қабилаларга ўта бошлаган.

Руний Энасой ёзувлари ва ёдгорликлари, ёзма маданият, дин ва киргизлар. Мўғуллар босқинигача бўлган даврда Энасой киргизлари умумтурк дунёсининг маданий бойлиги бўлган руний ёзувининг тузувчилари ва ундан фойдаланувчилардан бири эди. Ҳозирги пайтда Энасойда 150 дан ортиқ руний ёзма ёдгорликлар топилган.

VII—XII асрлар мобайнида пайдо бўлган бу ёзма ёдгорликларнинг бир нечаси буюм, идиш, танга юзига, кўпчилиги эса харсанг тош бетларига битилган. Улар ичида Элекеш, Уйук, Улуғкем, Оккус, Қорауус, Қизилчора, Хербисбари, Сарғалахси, Хуктарлағ ва бошқа ерлардаги ёдгорликларнинг мазмуни фанга маълумдир.

Энасой ёдгорликларида «тангри», «тангри куди», «тангри эли» каби сўзларнинг учраши бу халқнинг асосий дини тангричилик билан боғлиқ эканлигини билдиради. Бирок Сужин-Довони ёдгорлигидаги «мар» сўзи («диний раҳбар») киргизларнинг айрим қисми моний динига эътикод қилганини кўрсатади. Дуньхуанда Қирғиз мамлакатидagi хон авлодидан чиққан Хасето Абгаден исмли киши бўлган (IX аср). У бутпарастлик динидаги хитой китобларини тибет транскрипциясида кўчирган. Демак, айрим киргиз қабилалари ислом, моний ва бутпарастлик динларига боғлиқ алифболарни ва ёзув тизимлари (хусусан, хитой иероглиф ёзуви)ни ҳам ўзлаштиришган.

Энасойдаги Берге ёзувида Тўрапа деган бир киргиз амалдори («ичреки») ўн беш ёшида Табгач (Хитой) хони мамлакатига тарбияланишга юборилган. Билимдон аслзода киргизлар Турғаш, Қарлук, Тибет, Хитой мамлакатларига элчиликка юбориб турилган.

Араб географи Абу Дулаф киргизларнинг «ёзадиган қалами бор» деб эсга олса, хитойча «Синь Тан шу» («Тан сулоласининг янги тарихи», XI аср)да киргизларнинг ёзуви ва тили уйғурларникига ўхшаш эканлиги айtilган. Моний динини қабул қилганлиги муносабати билан уйғурлар VIII аср охиридан бошлаб янги турк ёзуви (уйғур ёзуви)га ўтишган, лекин киргизлар кейинги тўрт юз йилда IX—XII асрларда руний ёзувдан фойдаланишда давом этаверган. Бу ёзув унли ва ундош товушларини аниқ ифодалай оладиган алифбо тизими бўлиб саналади. Унинг Энасой водийсида кенг қўлланиши Жанубий Сибирь ва унга чегарадош ҳудудлардаги турк қабилалари билан киргизларнинг ўзаро маданий алоқаларини ва этник жиҳатдан қўшилишини тезлатган омиллардан бири бўлади.

Тангриноғдаги киргизлар гуруҳи ва бошқа турк қабилалари X аср бошидан Урхун-Энасой руний ёзувидан фойдаланишмай қўйдилар.

Бирок бу ёзув тизимига асосланган ва ривожланган ёзма маданият сўғд,

сурияне-сториан, араб, уйгур ёзувлари туфайли барча турк халклари орасида кенг тараккий эта бошлади.

Саволлар ва топшириклар

1. «Хиргис уур» кабристонлари кайси асрларга тааллуқли? Улардан нималар топилган?
2. Қайси ёзув манбалари Шаркий Тангри-тоқча етиб келган кирғизлар тўғрисида хикоя қилади?
3. Тохир Марвозийнинг асарида кирғизларнинг мархумни дафи этиш маросимининг ўзгариши тўғрисида қандай янги маълумотлар берилди? Қирғизларнинг дастлабки гуруҳи қачон ислом динига ўта бошлаган?
4. Энасой ва Шимолий-Ғарбий Мўғулистонда қолган кирғизлар хусусида айтиб беринг.
5. Ёзма маданият кирғизларда ривожланганми? Улар қайси ёзув тизимларидан хабардор бўлишган?

II БОБ

ҚИРГИЗИСТОН IX—XII АСРЛАРДА. ҚОРАХОНИЙЛАР ВА КИДАНЛАР

4-§. Қорахонийлар сулоласининг келиб чиқиши. Сатук Бугрохан

Ҳоқонликлар тарихидаги тартибот. Қирғизистоннинг, умуман Ўрта Осиёнинг аввал ўтилган тарихидан сизга маълум бўлганидек, қадимги саклар, усулар, хуннуларнинг тарихий мамлакатлари давридан буён Қирғизистон ҳудуди Марказий Осиёдаги йирик давлатлар агрофидан ўрин олиб келган. Шимолий Қирғизистонда (Иссиқкўл қирғоғидаги Чигу шахрини эсланг) Усул давлати ва Жанубий Қирғизистонда (табаррук тоғ этагидаги, ҳозирги Ўш шахридаги Сулаймон тоғи ёқасидаги шахарни эсланг) Довон (Фарғона) мамлақатининг марказлари ва ўрда шахарлари жойлашган даврлар ҳам бўлганини биласиз. Марказий ва ички Осиё таркибида бўлган Қирғизистон ҳудуди кейинчалик ҳам йирик давлатларнинг сиёсий ўчоғи бўлди.

Гарбий турк ҳоконлигининг (581—704) етакчи халқи он ок эли ўз ўрдасини Шимолий Қирғизистондаги Чуй водийсида Суйаб шахрида асослади, натижада бу ҳудуд ҳоконлиқнинг сиёсий маркази бўлиб қолди. Бу шахарнинг қолдиғи ҳозирги вақтда Тўқмоқ шахрининг жанубий-ғарбидаги Акбешим шахрининг қолдиғи сифатида маълумдир.

Кейинги турк мамлакатларининг зодагонлари ҳам Қирғизистоннинг Чуй водийсини ўзларининг сиёсий маркази деб ҳисоблашган. Турғаш ҳоконлиғи (704—766) даврида ҳам, Қорлуқ жабғулигининг (766—940) даврида ҳам Суйаб сиёсий ўрда шахри эди. Шарқда-Хитойдан, ғарбда-Яқин Шарқдан буёғига оқиб келадиган савдо қарвонлари ва уларга эргашган саёхатчилар, диний пешволар, элчилар келиб, бу шахарнинг овозасини ўз халқларига етказишган.

Буларнинг ичидан охириги мамлакат бўлган Қорлуқ жабғулиғи IX асрнинг бошигача кучайиб, ундан кейин сиёсий тарқоқлик гирдобига йўлиққан. (XI асрнинг боши — 940) Бу парокандалик даврини шартли равишдагина Қорлуқ жабғулиғи пайтига қўшиб ҳисоблашади. Ўшандай сиёсий тарқоқлик вазиятида ҳам Чуй водийсидаги шахарлар аймок микёсидаги сиёсий-стратегик аҳамиятидан ажраган эмас. Мамлакатнинг номлари ўзгариб, уларда ҳокимиятни бошқарган сулолалар доим алмашиниб турса ҳам, асосий халқ — бизнинг тарихий ота-боболаримиз асрлардан асрларга турғун кўниқиб яшаб келишаверган. Доим янги келиб қўшилган Шарқий турк гуруҳлари уларнинг тиллари ўхшаш биродарларидан бўлган. Бу тарихий тартибот X асрда пайдо бўлган янги турк давлатининг иккинчиси нима учун айнан шу Чуй водийсида ташкил топганини тушунишимизга ёрдам беради.

Чигиллар-Қорахонийлар ҳоконлигининг асосчилари. Тангритоғ воҳасида жойлашган кўчманчи ва ярим кўчманчи турк халқларининг Жанубий Тангритоғ ҳудудидаги

бошқа бир сиёсий макони Қашқар шахри эди. Бу шахар азалдан Буюк Ипак йўлининг муҳим тармоқларидан бири томонида жойлашиб келган. Унинг ўтrockлашган халқи фақат турклардангина иборат бўлиб қолмасдан, балки турклашиб кетган тили бошқачарок халқлар ҳам бўлган. Х асрларда эса бу ҳудудда сиёсий устунилик шахар атрофларида жойлашган кўчманчи турк халқи-чигилларга тааллуқли бўлган.

Махмуд Қошғарий ўзининг «Девони луғоти турк» («Турк тиллари луғати») асарида чигилларнинг бир гуруҳи Иссиқкўлдаги Қуйас шахрида, иккинчиси Таразга яқин бўлган Чигил шахрида, учинчи гуруҳи Қашқар атрофидаги кишлоқларда жойлашганини эслатади.

Х асрдан бошлаб таңгритоғлик туркларнинг дастлабки халқи чигиллардан иборат эди. Сиёсий тизгин (бошқариш ҳуқуқи) уларга текканлиги учун бошқа шарқий турк халқларини ҳам Марказий Осиёнинг ғарбий ҳудудини эгаллаган туркларни — ўғизларни умумлаштириб, чигил деб атаганлар. Бу тўғрисида Махмуд Қошғарий: «Ўғизлар Жайхундан (Амударёдан) юқориси Чин (Хитой) гача бўлган ҳамма туркларни чигил деб аташади. Бу тўғри эмас», — деб уқтирган.


Ўғизлар ўзларининг шарқ томонидаги турк халқларининг ҳаммасини, айниқса Қорахонийлар ҳоконлигига кирган турк халқларининг “чигил” деб аташининг яна бир томони шарқ халқларининг расмий тили сифатида чигил тили (диалектика)дан фойдаланишига боғлиқдир. Олимлар ҳозирги вақтда туркларнинг адабий тили чигил тилига асосланган дейишмоқда. Бу адабий тилни Юсуф Хос Ҳожиб «Бугрохоннинг тили» деб атаса, Махмуд Қошғарий эса «Хаканиялик туркий тил» деб атаган.

Махмуд Қошғарий Қашқар ҳудуди хақидаги маълумотларида: «Марказий шахарларнинг халқи хаканиялик туркий тилда сўзлашган», — деган хулосани беради. Яна ўша тилни адабий тил деб ҳисоблаб: «Хаканиялик ҳукмдорларга ва уларга бирлашганларга тааллуқли жуда барқарор тил», — деган эди.

Албатта, у ёки бу сулоланинг келиб чиқиши айрим бир тарихий шахслар билан боғлиқ бўлган Қорахонийлар сулоласига асос солган Сағун Бугрохон хақида қуйироқда баён қиламиз. Аммо ўрта асрлардаги ҳар хил турк халқларидан ва уруғлардан ташкил топган йирик турк давлатининг бошқарувчи сулоласи хақида гап кетганда, у қайси халқ ёки уруғдан чиққан, деган савол туғилади.

Профессор Аҳмад Заки Валидий Тўғон, Умуркул Қараев каби бир қатор олимлар Қорахонийлар ҳоконлигини чигил халқининг зодагонлари асослаган, деган фикрни билдирадилар. Турк олими Решат Генч эса Қорахонийларни Норин ўлкасида яшаган бошқа бир таъсирли кўчманчи халқ -йағма халқларидан чиққан деган тахминни айтади. Албатта, чигиллар доим йағма халқи билан тотувликда яшашган, уларнинг сиёсий мартабалари ҳам тенг бўлган. Аммо Қорахонийлар давлатининг асосий тузувчилари чигиллар эканлигини исботловчи далиллар кўпроқ.

«Қорахонийлар» номламини. Шубҳасиз, «Ундок бўлса, бу мамлакат нима учун «Чигиллар ҳоконлиги» эмас, «Қорахонийлар ҳоконлиги» деб аталади?» деган



Қирғизистон X—XII асрларда



Динорлар. Олтин. XI — XIII асрлар.
Чуй водийсидан топилган

сиёсий сулола бўлганлиги учун ўзини умумий атама билан «ҳоконлик» деб атаган. Ўрта асрлардаги мусулмон диний адабиётида бу мамлакатни оддийгина «Турк ҳоконлиги» деб атаб келишган.

Афросиёб Алп Эр Тунга. Ўзларининг расмий шажараларида Қорахонийлар энг қадимги бобоси сифатида ривоятлардаги Афросиёбни кўрсатишган. Турк халқларидаги эмас, эронликлар орасида ҳам кенг тарқалган бир ривоятга кўра Афросиёб номли қадимги турк ҳокони Тангритоғ ҳудудида ва Марказий Осиёда яшаган турк халқларини — туронликларни бошқарган. Унинг биринчи душмани форсий тилда сўзлашувчи халқларнинг боболари эронликлар бўлган. Машҳур форс шоири Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonида ҳам ўша ривоятнинг асосий ўзаги тасвирланади.

Барча турк халқлари ривоятларида қайт этилган Афросиёб Қорахонийларнинг сулоласининг асоси сифатида танланиши, бу мамлакатда яшаган барча турк халқлари учун Қорахонийларнинг умумий ҳокимияти «қонуний», «одобдаги ҳокимият» бўлганлигини исботлаш учун зарур эди. Айнан шунинг учун, Қорахонийлар ўзларининг чигиллардан чиққанлигини қайта-қайта таъкидлашига караганда, Афросиёб ҳақида гапириш самаралироқ бўлган.

Афросиёб сўзи қадимги турк тилидаги, бизгача етиб келмаган сўзнинг эронликлар томонидан бузиб айтилиши бўлса керак деган фикрлар бор. Туркиялик олим Хусайн Амасейли, «Афросиёб ким?» деган мақоласида масалан, Афросиёбнинг этимологик илдизини қадимги туркча «Барс алп» деган сўз билан боғлаб, бу сўзни эронликлар алмаштириб, Афросиёб деб бузиб олган деган тахминини айтади.

Бу тахминлар ҳақиқатдан узоқ бўлган пайтларда ҳам Қорахонийлар ажлоди Афросиёб каби қадимги туронликларнинг ҳукмдорлари сифатида тасвирланган ривоятларга ҳеч алоқаси йўқ, деб айтилган бошқача фикрлар ўрта асрларда ҳеч ёзилган эмас.

Маҳмуд Қашғарий эса, Афросиёб қадимги турк қаҳрамонининг ва ҳоконлигининг

савол туғилиши табиий. Бу Қорахонийлар давлати» деб аталиши фан доирасида XIX асрнинг иккинчи ярмидагина рус шарқ тадқиқотчиси Василий Васильевич Григорьев (1816—1881) томонидан таклиф қилинган. Фанда бу мамлакат «Элинхонлар мамлакати» деб ҳам аталиб келинган.

Қорахонийлар жамоасининг ўзи эса ҳар хил турк халқларидан ва уруғларидан, шунингдек, уларга тобе бўлиб, бора-бора турклашиб кетган бошқа халқлардан ташкил топган. Бу вазиятда мамлакатни биргина кичик халқ номи билан аташ хавфли бўлар эди. Бошқарувчи

номи бўлган «Алп Эр Тўнга» деган сўзнинг форсча бузиб айтилиши сифатида баҳолаган. Унинг асарида: «Борскон— Афросиёб ўғлининг исми, Борскон (шаҳари) ни курган—ўша», - деган маълумот ҳам учрайди.

Машхур қорахонийлик шоир, донишманд ва давлат арбоби Юсуф Хос Ҳожиб (Баласоғуний) ҳам ўзи хизмат қилган ҳоконнинг шажарасини Афросиёбга (Алп Эр Тўнгага) боғлайди:

Назар солсанг, бу туркларнинг беклари
Дунёдаги олийжаноб инсонлар.
Улар номи барча элга машхурдир
Алп Эр Тўнга каби бахтли ўғлонлар.

Форс ёзма ёдгорликларидаги ривоят туфайли Қорахонийлар зодагонлари азалдан буён давом этган ўз ҳукмронлиги тарихий «мерос» эканини тасдиқлашга зришишган. Аслида Марказий Осиёда қиёсий этник жиҳатдан тарихий мерос бўлгани билан, сулола жиҳатидан давом этиб келган тартибот бўлмаган. Турк халқларининг зодагонлари доим бошқа қардош уруғ ва халқларнинг зодагонларини четга суриб, ўзларининг сулоласини ўрнатиб келишган. Демак, Алп Эр Тўнга ҳақидаги ривоятлар Марказий Осиёдаги у ёки бу сулолалар тарихинигина эмас, умуман турк халқларининг умумий тарихий тартибот йўлини ойдинлаштиришга ёрдам беради.

Сатук Бугроҳон. Қорахонийлар давлатининг ҳақиқий асосчиси, қадимги ривоятлардаги Алп Эр Тўнга эмас, балки X асрда яшаган, чигилларнинг зодагонлари уругига мансуб оиладан чиққан Сатук Бугроҳон бўлган. Бу ҳақда мукамалроқ тарихий ривоят таңритоглик тарихчи Жамол Қарши (тўлиқ исми Абдул Фадл ибн Мухаммад Жамол ад-Дин Қарши, 1230—1231 йилларда Еттисувдаги Олмалик шаҳрида туғилган, XIV – асрнинг бошларида ўлган) томонидан яратилган асар орқали бизга етиб келди. «Мулҳақат ас-сурах» («Ас-сурах асарига қўшимчалар») номи араб тилида ёзилган асарда Сатук Бугроҳонга «ал-Мужоҳид» «Муқаддас газот уюштирувчиси» деган сифат ҳам қўшиб айтилади.

«Сатук Бугроҳон Қашқарда туғилиб ўсган. Ўша вақтда Қашқар ҳудудини унинг отаси Базир



Чавгин. Подпхром глазурь нақши.
XI—XIII асрлар.
Чуй vodiysидан топилган.

Арслонхоннинг бир туғишгани Ўғилчак Қодирхон бошқариб турган эди», — дейди Жамол Қарши.

Қуларнинг бирида Қашқарга, Марказий Осиёнинг таг-туғлик ўлкалари ҳукмдори бўлган Сомонийлар сулоласининг (875—999) бир вакили Наср ибн Мансур ўз туғишгани Исмоил ибн Мансур ас-Сомонийдан жон сақлаб қочиб келади. Тангричиликка (исломгача турк диний эътиқод тизими)га сиғинган Ўғилчак Қодирхон ўз душмани — мусулмон Сомонийлар мамлакатидан қочиб келган қочокка Қашқар яқинидаги Ортиш шаҳарчасида қолишга рухсат беради.

Айни ўша даврда Бухоро билан Самарқанддан Ортишгача кўп қарвонлар кела бошлайди. Наср ибн Мансур қарвонлар келтирган қимматбаҳо товарлардан Ўғилчак Қодирхонга совға-саломлар бериб, унинг кўнглини олиб, ниҳоят, Орташда мусулмонлар учун жума намозини ўқийдиган жомий масжидини қуришга рухсат олади. Ун икки яшар Сатук Бугрохон бир куни Қашқардан Ортишга келиб, қарвонларнинг товарларини кўрмоқчи бўлади. Уни Ортишда Наср ибн Мансур ас-Сомоний яхши кутиб олади. Сатук умрида биринчи марта мусулмонларнинг масжидда намоз ўқиганини кўради. Хайратда қолган Сатукка Наср ибн Мансур ислом дини ҳақида умумий маълумот беради. Сатукка бу янги дин ёқиб қолади, тангричиликдан юз ўгириб, исломга ўтади. Ўзининг навқарларига ҳам исломни қабул қилишга буйруқ беради.

Айниқса, Сомонийлар давлатига ва Араб халифалигига қарши турган Ўғилчак Қодирхон Тангрига янги диннинг — душманлари сиғинувга диннинг кириб келишига қарши эди. Ўғилчакни Сатукнинг мусулмон бўлиб келгани ҳақидаги хабар



Сатук Бугрохон
940—955 йиллар

газаблантиради, укасининг ўғлини синамоқчи бўлади. Аммо, маликасини (хотинини) Сатукка юбориб, меҳрибонлик кўрсатган бўлиб, насронийлар учун ибодатхона(сиғиниш жойи) қурдирмоқчи эканлигини айттириб юборади. Сатук эса бу ибодатхонани кураётиб, келажакда ундан масжид сифатида фойдаланишни дилига тутиб қўяди. Унинг қурилишида юракдан ишлаётганидан кўнгли тўлган Ўғилчак Қодирхон шу билан тинчиб қолади.

Сатук эса яширин равишда мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръон»ни, шариат қонунларини ўрганишни давом эттираверган. Йигирма беш ёшга етганда ўзининг сиёсий муддаоси-ҳоконлик ҳокимиятини тортиб олиб, ўлкани ислом мамлакатига айлантиришга бел боғлайди.

Ислом тарафдорларининг кўзғолони. Сатук қуларнинг бирида 50 нафар жўра. Сатукка Қашқардан, унинг атрофидан ва Фарғона



Кўшгүй-Кўргон (Қадимги Отбоши калъаси)

худудларидан келган аскарлар тобора кўпайиб, охири лашкар сони уч минтага етади. Бу лашкари билан Сатук амакиси Ўғилчак Қодирхоннинг Қашқардаги ўрдасини босиб олади.

Бу шунчаки ўрда тўнтариши бўлган эмас. Тангритоғлик турк халқларининг тарихида дастлабки тартиб ўрнатилди, яъни зодагонлар ўрдани эгаллаб, ўзини ҳокон деб эълон қилди. Худди шу даврдан бошлаб тангритоғлик хукмрон доиралар ихтиёрий равишда исломга ўтиб, ўз фуқароларини ҳам бу динга ўтишга мажбур қила бошлади.

Сатук ўзига мусулмонча исмни («Абд-ал-карим») (Абдулкарим, қискача Абдукарим, арабчадан «Оллоҳнинг қули» маъносини билдиради) олган. Хонликдаги алоҳида мансаби Бугроқхон бўлган.

Баласоғуннинг босиб олиниши. Сатук Бугроқхон Қашқардаги ва Ички Тангритоғдаги кучларини тўплаб, кичик давлатни кенгайтиришга, сиёсий парокандаликдаги турк халқларининг бошини бир жойга тўплашга киришади. Ундаги асосий масала Еттисув худудини босиб олиш эди. Бу эса унга худуднинг бир неча асрлардан бери сиёсий маркази бўлиб келгач, Чуй водийсидаги шаҳарларни босиб олиш билан боғлиқ эди.



Саполдан ясалган сув ўткизгичлари

Ўрда шаҳрини аввалги «Суйоб» деб аталиши бора-бора жўнгина ўрда деб алмашган бўлса керак. Маҳмуд Қошғарий ўз асарида қуйидаги маълумотни келтирган: «Ўрда-Баласоғун ёнидаги бош шаҳар. Ўшандан буён Баласоғунни ҳам Куз-Ўрда деб атайдилар».

Умуман, ўша йилдаги йирик воқеа Қашқар билан Баласоғун ҳудудининг ягона турк мамлакати таркибига кирганлиги бўлиб ҳисобланади. Бу билан Қорахонийлар ҳоконлиги тўла асосланди, деган хулосага келинди. Унинг расмий асосчиси Сатук Буғроҳон Вазир Арслонхон ўғли бўлган.

«Муқаддас ғазотчи» деб кадрланувчи бу мусулмон ҳокон 344 хижрий йили (955—956 мелодий йил) вафот этгандан кейин, жасадини дастлаб ислом ҳақида хабар топган Ортиш шаҳарчасига олиб келиб, поклаб, дафн қилишган. Унинг Ортишдаги мақбараси ҳозиргача сакланиб келинади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қирғизистон ҳудудида дастлабки даврларга ва ўрта асрларга оид қайси мамлакатларнинг марказлари жойлашган? Харитадан бу марказий шаҳарларнинг ўринларини белгиланг.

2. Ҳозирги Ак-Бешим шаҳрининг қолдиғи қайси водийда жойлашган ва ўрта асрларда у қайси мамлакатларнинг ўрда шаҳри эди?

3. «Қорахонийлар» деган атамани фанга ким олиб кирган? Эликхон (бузиб айтилгани Илекхон) дегани нимани билдиради?

Айни шу максатдаги юриш 940 йили муваффақият билан амалга оширилган. Ўша йили чигиллардан ва йағмалардан иборат бўлган тангритоғлик турк аскарлари билан Сатук Буғроҳон Чуйдаги Баласоғун каби шаҳарларни босиб олган. Баласоғун шаҳрини (ҳозирги Тўкмоқ шаҳри яқинида жойлашган) у марказий шаҳар деб эълон қилган.

Бунгача Чуйдаги сиёсий марказ Баласоғун эмас эди. Бу ердаги



Дон саклови катта хум

4. Нима учун Қорахоний зодагонлар ўзларини ривоятлардаги Афросиёб (Алп Эр Тўнга) билан боғлашган? «Эрон» ва «Турон» ривоятларидан нималарни биласиз?

5. Қорахонийларнинг этник аجدоди кимлар бўлган?

6. Сатук болалик йилларини қандай ўтказди? Унинг дастлабки дини қайси эди? У Ортишга қачон келган ва қайси янги дин ҳақида маълумот олди? Диннинг тарқалиши билан савдо алоқаларининг қандай боғланиши бор?

7. Қадимги Отбоши шахрининг ўрни қаерда? Сиз яшаётган ҳудудда Қорахонийлар даврига оид истехком ёки архитектура ёдгорликларининг қолдиқлари бўлса айтиб беринг.

8. Баласоғун шахри қачон босиб олинган?

9. Қорахонийлар номидаги мусулмон ўлкасининг расмий тарихи қайси йилдан бошланади? Сатук Бугрохоннинг жасади қўйилган шаҳарни харитадан топинг.

5-§. Қорахонийларнинг гарбдаги галабалари

Давлатнинг янги мафқураси. Қорахонийларнинг асосчиси Сатук Бугрохон ўзининг мамлакатига аввал учрамаган янги мафқуравий қурол сифатида ислом динини танита бошлади. Бинобарин, у бошқарган ўлкадаги халқларнинг диний йўналишлари бу давлат қулагунча ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб турган. Шундай бўлса ҳам, Сатук Бугрохон ва унинг авлоди исломни расмий дин сифатида танитишга жонини фидо қилишган.

Бу янги мафқуранинг бир талай афзалликлари бўлган. Бир томони, янги динга кириш билан тангритоғлик турк давлати ўзини мусулмон Ғарб билан, яъни қудратли Бағдод ҳалифалигининг маънавий етакчилиги тан олган бир қатор мусулмон ўлкалари билан фақат савдо-сотикда эмас, балки маънавий, илмий-маърифий томондан ҳам муносабатини мустаҳкамламокни кўзлаган эди. Мовароуннаҳрдаги мусулмон доираси билан бево-сита қўшни бўлган бу ўлканинг диний сабабларга кўра улар билан ёвлашишни тўхтатиши барча марказий осийлик ўлкалар учун ҳам фойдали эди. Иккинчи томони, янги динга бўйсундириш орқали пароканда турк халқларини бирлаштириш ҳам осон бўларди.

Аммо, бу жараённинг хатарли томони ҳам бор эди. Бу



Баласоғун ш. А. Алакунов чизган



Ўзган калъаси. X—XI асрлар.
А.Н.Бернштам реконструкцияси

Унинг мусулмонча исми Мусо эди. Отасининг вафотидан кейин тахтни эгаллаган Бойтош (Мусо) 960 йили исломни қорахонийларнинг расмий дини деб эълон қилади.

Қорахонийлар ўзларига бўйсунмай келган муस्ताқил кичик юртларни бўйсундиришни «муқаддас диний бурч» сифатида баҳолаган. Аммо, бу босиб олиш жараёни фақат мусулмон эмас, бутун турк эгаликларига қарши йўналтирилган десак, нотўғри бўлар эди. Чунки Тангритоғнинг ички худудларидан чиққан бу янги мусулмон турклари ўзларидан аввалроқ исломни қабул қилган бошқа турк ўлкаларини ҳам (Тошкент, Тараз, Фарғона ва б.) босиб олишга ҳаракат қилишган.

Сомонийларнинг заифлаша бошлаши. Маркази Бухоро шаҳри бўлган Сомонийлар давлати аввалроқ энг шимолий гарбдаги мусулмон ўлкаси сифатида тангритоғлик, етгисувлик ва шарқий фарғоналик туркларга қарши «муқаддас жанг» қилиб келган бўлса, энди шарқдан унга қарши ўзи каби мусулмон давлати чиқди.

Сомонийлар давлатига асос солган форс тилли сулоланинг вакиллари Шимолий Афғонистондаги Балх худудида жойлашган Сомон қишлоғидан чиққан. Бу давлат қудратли бўлиб турган пайтда, X – асрнинг бошида, айрим шарқий фарғоналик ўлкалар Сомонийларга қарам бўлиб қолган. Улар орасида Ўш, Ўзган, Хужанд шаҳарлари ҳам бор эди. Булар орасида Ўш билан Ўзган мусулмон манбаларида Сомонийлар билан «кофир турklar» ўзаро тўқнашган чегара худуди сифатида кўп эслатилади. Масалан, араб географи ва саёҳатчиси ал-Истахрининг «Китоб масалик ал-момолик» («Мамлакатларнинг йўллари ҳақида китоб») номли асарида (930—933 йиллари) Ўш ҳақида махсус сўз боради ва унинг тоғида туркларни назорат қилиш учун қулай соқчихона жойлашгани баён қилинади. Ўзган шаҳри ҳам мусулмон ўлкаларидан «уруш худудига» (кофирлар билан жанглар бўладиган мусулмон бўлмаган худудга) бораётган йўлдаги Фарғона водийсининг сўнгги шаҳри сифатида тасвирланади. Бу мафқуравий характердаги географик тасвирлашлар Қорахонийларнинг мусулмон давлати сифатида қудратга эга бўлиши билан ўз кучини йўқотди.

исломга ўтишни истамаган жамоатни куч билан жалб қилиш масаласи билан боғлиқ эди. «Кофир» деган элнинг ерини босиб олиш, халқини ўз динига тортиш «муқаддас жанг» ғояси билан оқланган. Бундай жангда ҳалок бўлганлар оддий ўлим бўлмасдан, «шаҳид кетди» деб қадрланар эди. «Манас» дostonида ҳам ташки душманлар орасида мусулмон бўлмаган халқлар «кофир» қатори баҳоланганлигини яхши биласиз.

Сатук Бугрохоннинг ўғилларидан бири Бойтошнинг даврида ислом дини давлат дини сифатида эълон қилинган.

Сомонийлар билан Қорахонийларнинг ўзаро тўқнашуви энди бошқа диндаги ўлкаларнинг уруши эмас, оддийгина Марказий Осиёда устуликка интилган икки мусулмон давлатларининг ўзаро урушига айланди. Қорахонийларни бир вақтлар — Турк ҳоконликлари даврида — турк хукмдорларига тобе бўлган Марказий Осиёдаги йирик вохаларни, бепоён сахроларни, чўлларни, тоғлик худудларни қайтадан бир давлатга бўйсундириш муддаоси кизиқтирган.

Ғарбийроқ водийларда жойлашган ва сомонийларга бўйсунушга хохиши йўқ турк эгаликлари ҳам бузгунчилик, парчаланиш сиёсатини юргизишган. Бунга қўшилиб, ички сулолага ҳам дарз кетди. Сомонийлар Х асрнинг охириги уч ўн йиллигида йилдан-йилга заифлаша бошлади.

Сомонийларнинг емирилиши. Қорахонийларнинг ҳокони Хорун Бугрохон Етгисув орқали ғарб томонга бориб, Испижоб (ҳозирги Чимкент) шаҳрини Сомонийлардан бўшатиб олишга эришди. Маҳаллий халқ Қорахонийларга алоҳида қаршилиқ кўрсатишга ҳам ҳаракат қилишмади. 992 йили Хорун ундан нари юришни давом эттириб, Бухоро томон йўл олди. Аждоди турк бўлган Сомоний бошликлари Абу Али билан Файик амир Нух Иккинчи ибн Мансурга (976-970 йиллар) бўйсунмай туришган. Бухоро яқинида Сомоний аскарлари енгилиб қолган. Яна бир жанг пайтида (Харжен жангида) Файик ўзиёқ Қорахоний давлатининг аскарларига таслим бўлиб берган.

Нух Иккинчи ибн Мансур ас-Сомоний кучсиз бўлгани учун Бухорони ташлаб, Амударёни кечиб ўтиб, Амулни кўзлаб чекинади. Бирок Хору Бугрохон Бухорода ҳам узоқ турмади. Саломатлиги туфайли бу хавоси гоят иссиқ бўлган жойдан ўз маконига қайтиб кетган. Ўша 992 йили у Қўчқорбоши деган шаҳарчада вафот этган.

Сомонийлар давлатининг бутунлай тор-мор бўдиши, Қорахонийларнинг Ўзган шаҳрини девоннинг пойтахти қилган вакили Носир Али ўғлининг (Носир Али ибн Алининг) номи билан боғлиқ. Унинг отаси Али ўз вақтида Бойтошдан кейин Қорахонийлар тахтини эгаллаган. Али ўзи Бойтошнинг иниси Сулаймоннинг ўғли, Сагук Бугрохоннинг набираси бўлган. Носир Ўзганда кичкинагина худуднинг беги бўлиб қолаверши билан чекланмай, Қорахонийларга қайтадан қарши чиккан Мовароуннахрга ҳужум қилишни лойиқ топади. 996 йили у Мовароуннахрга лашкар тортиб кирганда, Нух, Иккинчи ибн Мансур ўзининг ўғул авлодидан бўлган лашкарбошиси иш юзасидан мустақил сиёсат юргизиш келган ғазнавийлик Сабуктегинга ёрдам беришини сўраб мурожаат қилади.

Сабуктегин эса аввал Носир билан музокара қилиб, худудларни Қорахонийлар билан Ғазнавийларнинг ўзаро тинч йўл билан бўлиб олишларига муваффақ бўлади. Қорахонийларга Катаван чўлининг шаркидаги худудлар тегади. Уларга аввалроқ ўтиб кетган лашкарбоши Файик энди Самарқанднинг ҳокими бўлади. Натижада Самарқанднинг ҳақиқий худуди Бухоро билангина чегараланиб қолган Амударёнинг жанубий томони Сабуктегинга қарам бўлиб қолади.



Ўзган гумбазлари

Бу бўлишув Сомонийларнинг бутунлай барбод бўлишини тезлаштирди. Сомонийларнинг янги амири Мансур ибн Нух (997—999 йиллар) ҳокимиятдан ҳам, кўздан ҳам ажраб, кўр бўлиб ўтириб қолади. Ўзганнинг беги уни кутқаришни баҳона қилиб, яна аскарлари билан чиқадида, 999 йил кузида Бухорони босиб олади. Носир ибн Али ибн Сулаймоннинг айни ўша ғолибона юриши билан Мовароуннахр

Қорахонийлар кўлига ўтиб, Сомонийлар давлати ўз умрини тугатади. Сомонийларнинг охириги вакиллари, айниқса, Абу Иброҳим Исмоил ибн Нух, бир жойдан иккинчи жойга кочиб юриб, сўнгги тўқнашувларга ҳаракат қилган.

Сомонийлар ва Ғазнавийлар давридаги тарихчи ал-Утби (961—1035) бу ҳақда қуйидаги маълумотларни қолдирган. “Эликхон Бухорони босиб олган вақтда у Нух, ибн Мансурнинг ўғилларини ва бошқа Сомонийлар авлодини кўлга туширди ва камокка солди. Қариндошларни алоҳида ушлаб, биргаллашиб қочиб кетишмаслиги учун, уларнинг ҳар бирини алоҳида хоналарда сақлатди. Абу Иброҳим Исмоил ибн Нух маҳбусларга овқат бериб юрган чўри аёлнинг паранжисини ёпиниб, камокдан кочиб кетади”.

Ғазнавийлар давлати. Ўрта асрлардаги турк халқларининг бири Ғазнавийлар давлати бўлган. Сомонийлар даврида лашқарбоши бўлиб хизмат қилган турк Алп Тегин 962 йили ўзини ҳозирги Афғонистондаги Ғазна шаҳри ва атроф ўлкаларининг мустақил султони деб эълон қилади. Марказий Осиёдан чиққан бу турк саркардасининг давлати тез орада куч-қудратли бўлиб кўзга кўринди. Марказий шаҳри номи билан Ғазнавийлар давлати бўлиб танилган бу ўлка, айниқса, Сабук тегин даврида (977—997 йиллар) ва унинг Жаҳонгир ўғли Маҳмуд Ғазнавий (998—1030 йиллар) даврида кучли мусулмон давлати бўлган.

Ғазнавийлар ўз доирасини кенгайтириб, Афғонистон, Эрон, Марказий Осиёнинг жануби-шарқий қисми, Ҳиндистоннинг шимоли-шарқ ва жануби-шарқ каби йирик ҳудудга ҳукмронлик қилишга эришган.

Маҳмуд Ғазнавий ҳокимлик даврида бу давлатнинг ўрдаси фан ва маданият ўчоғига айланган. У ерда тадбиркор олимлар орасида энциклопедист (комусий) олим Абу Райхон Беруний, тарихчи Бойҳакий, Гардизий, Утби ва бошқалар бор эди. Бу мамлакат, умуман, фан ва маданият тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Бу тараққиётнинг

кенгайиб боришида, шарқ томон ёйилишида, Марказий Осиёдаги туркий ўлкалар орасида исломнинг тўла шаклланишида катта роль ўйнаганини ҳисобга олиш керак.

Ғазнавийлар билан Қорахонийлар давлатининг иттифоқи. X асрнинг сўнгги йилларида Қорахонийлар билан Ғазнавийлар куни тугаб бораётган Сомонийлар давлатига қарши сиёсий иттифок тузишган. XI асрнинг бошида кочиб юрган Сомонийлар вакили Абу Иброҳим Исмоил ибн Нуҳ бир араб уруғи томонидан кўлга туширилиб, ўлдирилган. Унинг қолган-қутган қариндошлари Ўзган шаҳрига ҳайдаб келинган. Бу воқеаларни ёзма равишда баён қилиш билан тарихчи ал-Утби Ғазнавийлар билан Қорахонийлар ўзаро иттифокка келганлигини билдиради. Маҳмуд Ғазнавий Қорахонийлар билан сиёсий бирликни кучайтириш учун Қора ҳоконнинг кизини сўраб, совчи юборади. «У билан дўстлик риштасини боғлаш учун Маҳмуд Ғазнавий ажойиб товарлардан ҳисобсиз совғалар юборди: олтин қуймалар, ёқут кўзли узуклар, тоза садафлар, асл тошлар, кийим-кечаклар, ичи тўла хушбўй хидли олтин-қумуш идиш-товоқлар ва бошқа ҳинд дурлари. Ҳиндистонда ясалган қиличлар, ярқираган безаклари билан ҳарбий филлар, кўзни қамаштирадиган ялтироқ садаф-тошлар билан нақш солинган камарлар, эгар-жабдуғи ва олтин билан жиҳозланган юганлари билан аргумоклар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар...» — деб ёзади Утби.

Ўзган шаҳрига келган совчилар Қорахонийлар ҳоконининг кизини зўр шон-шавкат билан олиб қайтишади. Тангритоғлик ҳокон берган совға-саломлар орасида олтин, қумуш, хушбўй ашёлар, аргумоклар, келишган чўри кизлар, оқ лочинлар, кундуз сингари қимматбаҳо буюмлар ҳам бўлган. Умумий бўлган қабристонлар белгиланган. Ўзаро савдо алоқаларини ривожлантириш масалалари ҳал қилинган.

Ғазнавийлар давлати билан Ғарбий Қорахонийларнинг тўқнашувлари. XI асрнинг бошида бу икки давлат аввалги Сомонийларнинг Мовароуннаҳрдаги ерларини эгаллаш учун ўзаро тортишиб, бир-биридан Марказий Осиёнинг марказини ва жануби-ғарбий ҳудудларини таллашиб, уриша бошлашган.

Қорахонийларнинг ғарбий ҳудудларини кенгайтиришга ўзининг катта ҳиссасини қўшган Ўзганнынг беги Носир ибн Али ғарбдаги қудратли кўшини Ғазнавийларнинг султони Маҳмуд Ғазнавийнинг Шимолий Ҳиндистонга сафарга отланганини эшитганида, пайтдан фойдаланиб, Хуросон ўлкасини босиб олиш учун 1006 йили лашкар-бошиларини босқинчилик урушига отлантиради. Улар Жайхун (ҳозирги Амударё) дарёсидан ўтаб келишади.

Субашитегин бошқарган Қорахонийларнинг йирик лашкари Хуросон ўлкасига босиб қиради. («Су» деган сўз ўша даврдаги турк тилида «армия», «кўшин» деган маънони англатган. Демак, Субаши – лашкарбоши деган тушунчани билдирган) Субаши Ҳиротгача етиб келиб, бир қатор ўлкаларни босиб олган. Жапартегиннинг лашкари бўлса Бадх ўлкасини ишғол этади. Аввалги иттифокдошларнинг бу ҳужуми Маҳмуд Ғазнавийни шошилич равишда Ҳиндистонга қилаётган юришини тўхтатиб, орқага қайтишга мажбур қилади.

Хуросондаги ўғуз уруғлари Маҳмуд Ғазнавий томонига ўтишиб, Субашига қаршилиқ кўрсатишган, ўғузларнинг дастлабки бошлиғи Арслон Ҳожиб билан Субашининг аскарлари ўзаро гижиллашиб, бу армия бошқа томонга чекиниб, Жужон ўлкасигача етган. Яна қайтиб чўл оркали оз сонли армияси билан Субаши мамлакатига қайтиб келди. Унинг қариндошларини ва яна бошқа бир неча қорахоний амалдорларни асир қилиб, Маҳмуд Ғазнавийга олиб келишган. У бу асирларни Ғазна шаҳрида, халқ олдига қийнаб, қатл қилдирган. Маҳмуд Ғазнавийнинг лашқари ундан кейин Балхдаги Жапартегиннинг армиясини тор-мор қилади.

Пул-и Чархиян жанги. (1008 йил боши). Бу хабарлардан кейин Қорахонийларнинг ғарб томонида (канотида) ҳокимлик қилган ҳокон Ўзган шаҳридан чиқиб, ҳар томондан тўпланган 50 минг аскари билан Жайхун (Амударё) дарёсидан ўтди. Тохаристон (Шимолӣ Афғонистон) ўлкасидан уларга қарши Маҳмуд Ғазнавий ўзи отланди. Унинг армияси фақат халаж, ўғуз сингари турклардангина иборат бўлмади, афғонлик, хиндистонлик аскарларни ҳам қўшиб олган эди. Ғазнавийлар ҳарбий филлардан ҳам фойдаланишди. Балх шаҳридан 24 чақирим узоқликдаги Пул-и Чархиян деган жойда 1008 йил бошида йирик жанг бўлди.

«Эликхон ўзи қўшинининг марказида турди. Ўнг канотга аскари билан Хўтондан келган Қодирхонни қўйди. Чап канотини Жапартегинга топширди. Лашқарлари бир-бирига қарши юзма-юз туришди. Дунё довулгаларнинг, ноғораларнинг овозига кўмилиб, қиличларининг шарақ-шуруқ қилишидан кўрқиб, фарёд қилгандай бўлди. Чап-тўзондан еру кўк қоронғилашиб кетди. Қоронғида майдондаги жангчилар қиличларининг ялтирашидан, найзаларининг бир-бирига тегиб, чиқарган чакмоқларидан йўл топиб ўтишар эди. Қиличнинг чакмоғидан булут қонли селини тўқди...» — деб баён қилади бу дахшатли киргин урушини тарихчи Утби.

Ҳарбий филлардан фойдаланиш Ғазнавийларга катта ёрдам берди. Қудратли лашқар тўплаган бўлса ҳам, Қорахонийлар чекинишга мажбур бўлди. Хуросон худуди қайтадан Ғазнавийлар ихтиёрига ўтди.

Мурасага келиш ана шундай урушлардан кейин Қорахонийларнинг ғарбий томонини бошқарганлар қудратли Ғазнавийлар султони Маҳмуд билан қайтадан тил топишга мажбур бўлдилар. Улар ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш учун сулоалаларро қудачилик қилишга ҳам боришди. Маҳмуд Ғазнавий ўз ўғли Мақсудга қорахоний-бекларидан бирининг қизини унаштириб, охири никоҳ тўйини ўтказди. Аввало элчи бўлиб келганлар совчилик вазифасини бажаришди.

“Ҳоконнинг қизини кузатиб, Шарқнинг барча дин уламолари ва сўзга чечан имомлари Балх шаҳригача келишди ва уни омонат топшириб, асл буюмдай ўтказиб беришди. Улар қизнинг сепини ҳам бирга олиб келишди. Бу аслзода ойимини куёв боланинг уйига таптанали кузатиш маросими зўр дабдаба билан яқунланди. Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғига биноан уларнинг келишидан аввалроқ Балх шаҳри безатилиб, уйларнинг ташқарисига турли-туман ҳашаматли зардевор ва чойшаблар илиниб қўйилди.

Албатта, ҳеч бир шон-шухрат расм-русмлари эздан чикиб қолмади», — деб ёзади тарихчи Утби бу тўй хашамаглари ҳақида. (Айрим маълумотларга кўра бу тўй тантанаси 1018 йили ўтказилган).

Маҳмуд Ғазнавий ўгли Масъуднинг обрў-этиборини кўтариш учун унга Ҳирот шаҳрининг ҳокимлигини топширган.

Умуман, бу икки давлатнинг ўзаро муносабати доимо яхши бўлавермаганлиги ўша даврдаги ривоятларда ҳам тасвирланган.

Маҳмуд Қошғарий ёзиб қолдирган ривоятларнинг бирида «Қиз билан курашма, байтал билан ўзишма» деган мақолга изоҳ беради: Масъуд Ғазнавий қорахонийлик хонимга уйланган туни у киз Масъудни йикитиб қўйган экан. Ўшанда бу матал гап тарқалиб кетган эмиш. Албатта, бу мақол ундан аввалроқ чиққан бўлса керак. Аммо бу гапни Масъуд билан боғланишининг ўзи Қорахонийларнинг ғазнавийлик султонга (1030—1041 йилларда ҳукмдорлик қилган) нисбатан муносабати қандай бўлганлигини ифодалайди.

Умуман олганда, Мовароуннаҳр худудининг жануби-шарқий-Жайхун (Амударё) нинг ғарбий водийси Қорахонийлар билан Ғазнавийлар ўртасида талаш-тортишга сабаб бўлган муҳим стратегик худудлардан бўлган.



Абу Райхон Аль-Беруний

Саволлар ва топшириқлар

1. Давлат диндан қандай фойдаланади? Ислом қайси давлат мафқурасига айланган?
2. Бойтош (Мусо) ҳоконлик қилган даврдаги муҳим тарихий воқеа қайси?
3. Сомонийлар давлати ҳақида нималарни биласиз? Бу давлат қачон қулатилган? Уни қайси қучлар енгиб олган?
4. Ғазнавийлар давлати қайси худудларда жойлашган? Уни қайси Турк лашкар-бошилари асослашган? Бу мамлакатда яшаган донишмандлар ҳақида гапириб беринг.
5. Қорахонийлар билан Ғазнавийларнинг ўзаро муносабатлари қандай ривожланиб борган? Пули-Чархийан жанги қачон бўлган? Харитадан Балх вилоятини топинг.
6. Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги ривоятни айтинг ва унинг чиқишига нима асос бўлганлигини тушунтиринг.

Қўшимча ўқиш учун биографик маълумотлар

Абу Райхон Беруний Муҳаммад ибн Аҳмад — Марказий Осиёнинг буюк энциклопедист (комусий) олими. Хоразмдан узоқ бўлмаган Кет деган жойда туғилган. «Ҳиндистон тарихи», «Аждодлар ёдгорликлари», «Масъуд конун», «Асл тошлар» каби йирик комусий асарларнинг муаллифи. Ҳар хил фанларга доир 150 та китоб ёзган. Улардан 45 таси астрономия ва математикага бағишланган. Унинг фалсафий қарашлари ўз даврига нисбатан бир қанча олға қараб кетганлиги билан ажралиб туради.

«Дунёнинг асоси — материя, у доим ҳаракатда бўлиб, ўзгариб туради» — дейди у.

Айрим астрономик-математик тадқиқотлари асосида Коперникдан аввалроқ Қуёш системасидаги (тизимдаги) планеталар Ер атрофида эмас, Қуёш атрофида айланиши ҳақидаги хулосасини айтган. У буюк энциклопедист олим ва ҳаким Ибн Сино билан хат ёзишиб, алоқада бўлган.

Ибн Сино, Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллох (Авиценна 980—1037 йиллар) Бухорога яқин Афшона қишлоғида туғилган. «Шифо китоби», ибрат ва насихат китоби», «Илм-фан китоби» ва бошқа машҳур фалсафий асарлар яратган. Унинг «Тиббиёт конун», «Тиб илмининг конуни» деган араб тилида ёзган асарлари тиббиёт (медицина) назарияси, одам анатомияси, ҳар хил касалликларнинг сабаблари, белгилари, даволаш йўллари ҳақидаги масалаларга бағишланган. Ибн Сино доривор ўсимликларнинг бири сифатида Қирғизистондаги жипар (арабча «Муск», «Мускус») каби гиёҳларни ҳам эсга олиб ўтган.



Абу Али Ибн Сино

Ибн Синонинг фалсафий ва тиббиётга оид талқинлари Шарқ ва Ғарбда неча асрлардан буён ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Унинг прогрессив ғоялари тиббий асарларида ҳам кенг ўрин олган. Ибн Синонинг форс ва араб тилларида ёзган бир қанча рубоийлари бизгача етиб келган. Буюк олим насрда ҳам асарлар ёзган. Ибн Сино 17 ёшида шифокор олим сифатида машҳур бўлган. 1012 йилдан бошлаб подшонинг шифокори ва вазир бўлиб хизмат қилган.



Кўшой-Кўргон (От Боши шаҳарчаси). Шарқий деворлари ва ундаги минора

6-§. Қорахонийлар ва Шарқий турклар

Қорахонийларнинг шарқдаги қўшнилари. Тангритоғнинг марказий ҳудудларни ва уларга қўшни бўлган водийларни бошқарган майда ҳукмдорларни йирик давлатга бирилаштирган Қорахонийлар ўзларининг шарқ томонидаги хали ҳам исломга кирмаган турк халқлари билан чегарадош бўлган.

Уларнинг бири Қорахонийлар билан карама-қарши муносабатда бўлган Уйғут Турпан ҳукмдорлиги эди. 840 йили қирғизлардан енгилгандан сўнг учга ажралиб қолган ўрхунлик уйғурларнинг бир қисми Тангритоғнинг жануби-шарқидagi Турпон текислигида кичик давлатини тиклайди. Уйғурларнинг тили туркча бўлган, дини бут-парастлик (буддизм) ва моний дини эди.

Яна бошқа турк халқларининг орасида Жунгория каби чегарадош ерларни эгаллаган номуслмон халқлар ва элатлар бор эди. Уларнинг орасида мавкеи баландроғи йабаку халқи бўлган. Шарқий Тангритоғда қирғизларнинг ҳам бир гуруҳи яшаган. Ўзича бўлиниб кўчиб кетган қипчоқ гуруҳлари ҳам Еттисувга яқинлаб келиб, туриб қолишган.

Маҳмуд Қошғарий турк тилидан бошқа тилларда сўзлайдиган халқлар ҳам бўлганлигини эслатади. Буларнинг бири тугаб бораётган тохар тилида сўзлашувчи элатлар бўлса, яна бири мўғул тилида сўзлашадиган элат вакиллари эди.

XI аср бошида Қорахонийларнинг шарқда жойлашган халқларнинг айримлари қўш тилли халқ сифатида кўрсатилади.

Улар умумий адабий тилда ва ўзларининг шеvasида сўзлашганлар. Айримлари туркча ва мўғул тилида сўзлашган қўш тилли халқлар бўлиши ҳам эҳтимол.

Масалан, Маҳмуд Қошғарий ёзиб қолдирган девонида: «Кўчманчи халқларга келсак, уларга чўмул халқи киради. Уларнинг ўзича сўзлашув тиллари бор, шунингдек, турк тилини ҳам билишади. Шунга ўхшаш қай, йабаку, татар, басмил халқларининг ўз тиллари бўлган. Шу билан бир қаторда турк тилида ҳам дуруст сўзлашади. Қашқарда халқи кенжекча сўзлашадиган қишлоқ бор», — деб баён қилади. Шарқий турклар қаторида саналган халқлар орасида, шубҳасиз, мўғул тилида сўзлашувчи халқлар ҳам бўлган. Масалан, татар каби шарқ халқлари кейинроқ мўғуллашган қадимги турк этносидан бўлиб ҳисобланади.

«Тибет ўзича бир тилга эгадор. Шунингдек, Хўтон халқининг ҳам ўз ёзуви бор. Иккаласи ҳам турк тилида яхши сўзлаша олмайди», — дейилади Маҳмуд Қошғарий асарида. Ўрта асрларнинг дастлабки даврларида тибетликлар тургам, қарлук, қирғиз халқлари билан дурустгина алоқада бўлишган. Масалан, Энасой водийсидаги Олтинкўл номли ерда топилган рун ёзувига ўхшаш қадимги қирғизча ёзилган ёдгорликларнинг инкинчисида қуйидаги ажойиб сатр бор:

«Мардлигим, қахрамонлигим учун мен Тибет хонига элчи бўлиб бордим, қайтиб

келмадим». Лекин кейинчароқ Тибет сиёсий парокандаликка учраб, Шарқий Туркистон билан алоқаси узилиб кетди.

Туркча яхши сўзлаша олмаган хўталиклар сифатида «дево»да айтилган халқ аста-секин турклашиб бораётган аввалги тохарларнинг авлоди эди.

XX асрнинг бошларида эслатилган тохар ёзуви «Марказий осиелик брахма» деб ҳисобланган бутпарастлик ёзма маданиятининг бир томонга ётиқроқ холда ёзилган бир туридир. Бу тохар ёзуви эрамининг I минг йиллигининг иккинчи ярмида Марказий Осиеда тарқалганлиги аниқланди. Қора шаҳарнинг ёнидаги Шўрчук деган ерда, шунингдек, Турпаннинг ёнидаги Безенлик-Муртуке, Сангим деган жойларда ва Кўча шаҳри ёнида топилган «А»тилидаги ёзма ёдгорликлари, Шарқий Туркистоннинг турли жойларидан топилган «Б»тилидаги эсдаликлар ҳар томонлама тадқиқот қилинмоқда. Марказий Осиедаги «Брахти» ёзувининг ўзгартирилган тури бўлган тохар ёзувидаги бу ёдгорликлар VII аср ва ундан кейинги давр билан боғланмоқда.

Тохарлар турклар билан аралашиб юрган даврда бир қатор асарлар тохарчадан турк тилига таржима қилинган. Масалан, бутпарастлик «Майтрейясамити» номли бир асар аввал санскрит тилидан тохарнинг «А» тилига, сўнг ундан турк тилига таржима қилинган. Бу таржимани Элбалик шаҳрида тутилган Гуру Ачарья Пражняраکشита амалга оширганлиги кўлёмда кўрсатилган: «Тохар тилидан турк тилига таржима қилинган».

Ўша халқларнинг барчаси Қорахонийлар ҳоконлигининг кўп миллатли халқи билан узвий этник-маданий ва савдо алоқаларини ривожлантириб келган.

Қорахонийларнинг шарқ сари юришлари. Қорахонийлар давлати ўз ҳукмронлигини кенгайтириш учун шарқ ва жанубий шарқ ҳамда шимолий шарқдаги қўшниларига қарши уруш ҳаракатларини юргизиб турган. Уларнинг бундай юришлари ислом дини байроғи остида бўлиб, «муқаддас газот»— деб бахрланиб, адолатли уруш деб ҳисобланган. Бундай урушни бошловчилар — «ғозий» «муқаддас жанг қилувчилар» деган номга эга бўлишган. Аслида, у ҳужумларнинг асосий муддаоси фақат мусулмон ҳудудини кенгайтириш эмас, балки олик-соликларни тўлайдиган бошқа халқларни бўйсундириш, уларнинг бойлигига эга бўлиш эди.

Уйғурларга қарши урушлар. Қорахонийлар ҳоконлигининг турли зодагонлари томонидан мунтазам равишда уюштириб турилган бутпарастлик ва манихей динига эътикод қилган уйғурларни Қорахонийлар «динсиз халқ» деб қараб ва уларга қўшимча «тат» деган ҳақоратловчи атамани ҳам беришган. Махмуд Қошғарий бу ҳақда куйидаги маълумотни келтиради:

«Тат-бу кофир уйғурлар. Уларни йағмалар ва тухсилар шундай деб аташган. Мен улардан (йағма билан тухсилардан) юртларини айланиб юрган вақтимда ўзларидан эшитанман».

Уйғур-Турпан ҳукмронлиги X—XIII асрларда мусулмон оламининг шарқдаги обрў-эътиборли бутпарастлик-манихейлик мамлакат бўлган. Унинг кўш ўрда

шахарлари — Бешбалик ва Куча эди. Абу Райхон Беруний ўзининг «Масъуд қонуни» асариди: «Чинанчикес-бу Кўча шахри. У Уйғурхоннинг ўрдаси», — деб ёзган.

Форс тилидаги «Худуд ал-аалам» («Олам худудлари») номли, муаллифи номаълум бўлган жуғрофий асарда 982 йили бу Чинанчикес шахри марказий шахар эканлиги, ammo ўртача катталиқдаги шахар бўлганлиги баён қилинган. «Бу ерда ёз ойларида мияни киздирадиган офтоб бўлиб, киши-мўътадил... Уйғурларнинг ҳукмдорлари ёзда, одатда, Панжикес (Беш шахар) қишлоғида яшайди», — дейилади бу форсча асарда. Бу сўгдча Панжикес дейилган шахарни турклар Бешбалик деб аташган. Демак, уйғурлар ҳукмдори киш фаслини Кўча шахрида, ёзни Бешбалик шахрида ўтказган.

Бу Бешбалик (Хитойча Бейтин) шахрида 982 йили тўртинчи ойда (Хитой календариди 25 апрелдан 25 майгача) уйғур ҳукмдори баҳорни қаршилаб ўтирганига хитой саёхатчиси Ван Яньдэ ҳам гувоҳ бўлган.

Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони»да уйғурларга қарши Қорахонийлар юришларининг баъзи йўналишлари ва бу ҳужумларга аталган кўшиқлар ҳамда ривоятлардан парчалар келтирилган. Масалан, бу кўшиқда мусулмон Қорахонийларнинг кўшини Иле дарёсидан қайиқ билан ўтиб, шарққа сафарга чиқиб, Уйғур ўлкасига келиб, Минглок деган ерни босиб олишгани баён қилинади. Туни билан Минглокқа ҳужум қилиб, эрқакларини қатл қилиб, ғалабага эришган.

Бошқа бир кўшиқ парчасиди:

«Бечкем урун атлака,
Уйғурдаки татлака,
Ўғри йавуз итлака,
Қушлар киби учтимиз»

Мазмуни:

Тамга босиб отларга,
Уйғурдаги татларга
Ўғри-маккор итларга
Қушлар каби учдик биз.

деб мусулмон Қорахонийларининг кофир уйғурларга қарши урушлари таърифланади.

Ғарбий Тангритоғдаги Кеми-Талас ери Қорахонийлар мамлақати билан уйғур ўлкаси ўртасидаги чегара худуди сифатида Маҳмуд Қошғарий асариди «Тарим-бу Кўча шахрининг ёнида уйғурлар билан чегарадош ернинг аталиши», деб эслатилган.

Ўбакулар бошқарган сиёсий иттифоққа қарши кураш ҳам Қорахонийларининг X—XI асрлардаги тарихида асосий воқеалардан бўлган. Ўбакулар кўчманчилик билан ҳаёт кечирган шарқий тангритоғлик халқларининг энг урушқокларидан бўлган.

Улар ўз кўшилари билан сиёсий иттифок тузиб, баъзан Қорахонийлар ҳоконлигига қарши шимолий шарқдан ҳужум қилиб турган. (Йабакулар кейинчалик бир қатор турк халқларига аралашиб кетган. Масалан, киргизларнинг жабаги уругининг номи ҳам ўша халқнинг тарихи билан алоқадор).

1017—1018 йиллари Йабаку амалдорлари бошқарган харбий иттифокқа кирган кўчманчи турк халқлари Қорахонийлар худудига шарқ томондан ҳужум қилишди. Уларнинг бу ҳужуми айрим мусулмон манбаларида «Хитой томонидан келган аскарлар» сифатида тасвирланади. Лекин Шимолий Хитойдаги мўғул тилига ўхшаш тилда сўзлашувчи киданларга (Ўрхун ёзувларида-Хитанг) бу иттифокнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Тарихчи Утби бу воқеани кўпиртириб тасвирлайди: «ас-Син (Хитой) томонидан юз минг уйли лашкар чиқиб, унга (Қорахонийлар вакили Тугрохонга) қасдлигини билдириб, мусулмон шаҳарларига қабохатларини ёғдира бошлади. Бундай беҳисоб армияни ер юзида ҳеч ким кўрмаган эди. Бу душманларнинг асосий муддаоси-исломнинг овозини ўчириш, бут-санамлар учун саройлар қуриш эди. Уларнинг шаштини қайтариш учун, Туганхон шошилини равишда турли мусулмон юртларидан аскар тўплади. У дин ихлосмандларидан ва ихтиёрий одамлардан ўн минг кишилик лашкар тўплади...». XIII аср бошларидаги тарихчи Ибн ал-Асир эса 1017—1018 йиллари уч юз минг хўжалиқдан ортиқ кўчманчи турклар шарқдан босиб кириб, Баласоғунга саккиз кунчалик узокликдаги жойга келиб тўхтаганини ёзади.

Йабакуларнинг бошчилигидаги бу ҳужум ҳақиқатдан ҳам Марказий Осиёдаги мусулмон ўлкаларнинг шаштини қайтарган. Чунки бунгача Қорахонийлар ва бошқа мусулмон давлатлари ўзлари бошқа диндагиларнинг худудларига таҳдид солиб келишган эди.

Маҳмуд Кошғарий ҳам ўз «Девони»да бу кофи шарқий турклар билан Қорахонийларнинг ўзаро жанжаллари ҳақида дostonда келтирган.

Уларнинг бирида Йабакуларнинг беги Бука-Будрач ўз армиясини тўплаб, урушга тараддуд кўраётганлигини куйидагича тасвирлайди:

«Бурдач йеме қутурди,
Алпагутин азурди,
Сусин йана қадирди,
Келгелимет иркешур».

Мазмуни:

Будрач яна қазабланди,
Алп йигитларини таилади,
Аскарини яна қайтарди,
Келмоқ учун биргалашди.

Ўз асарининг бошқа бир жойида Махмуд Қошғарий бу Будрач Қорахонийларнинг Бекеч Арслонтегин номли бегининг даврида мусулмон турк аскарига асирга тушган бир йабаку халқининг амалдоридан эканлигини сал эслатиб кетган. Бу фақатгина Йабакуларнинг аскари эмас, уларга сиёсий иттифоқдош бўлган басмил ва чумил халқларининг аскарлари ҳам уларга кўшилган ягона куч эди:

«Битимни мактубга тушириш учун,
Қасам ичиб, сўз бериш учун
Хондан ёрдам сўраш учун
Басмил, чўмил ўзаро келишиди»

Ғарбдаги мусулмон манбалари (Утби, Ибн ал-Асир) «Хитой томондан келган хужум» сингари ёзиб қолдирган маълумотларга кўра, бу шимоли-ғарбдан ва шарқдан келган кофир туркларнинг мусулмон Қорахонийлар давлатига қарши йирик ҳарбий ҳаракати чегараси худудида (Қораёғоч ўлкасида) жойлашган ўтрак уруғи томонидан ҳам қўллаб-қувватланган. Айрим кўшиқларда «Ургак сувини орқага қайтарган» деган сатрлар ҳам учрайди. Ургаклар ўзлари ҳам вақти-вақти билан Қорахонийларга хужум қилиб турганлиги айтилади.

Лекин ҳал қилувчи йирик тўқнашувда, Ургаклар Йабаку томонида Қорахонийлар томонига ўтгани ҳам дostonда акс эттирилган:

Кизил байроқ илинди,
Қора тупроқ чангида.
Етишиб келиб ўтрак,
Тўқнашиб қолиб кечиндик.

Бу кўшиқ сатрларига берган кўшимча изоҳларида Махмуд Қошғарий Қорахонийлар байроғи кизил эканлигини, жанг пайтида ўзларига ўргакларнинг отлик аскарлари ҳам келиб қўшилиб, мусулмонлар бу тўқнашувдан кечикиб қайтганлигини баён қилади.

Агар ғарб (араб) мусулмон манбаларида Қорахонийларга қарши хужум қилган кучларни аниқламасданок, «Хитой томондан келганлар» деб юзакигина ёзилган бўлса, донишманд Махмуд Қошғарийнинг дostonидаги маълумотлар йабакулар ва уларнинг иттифоқдошлари Иртиш водийси каби Олтой, Мўғул Олтойи, Жунгария томондан хужум қилганлигини аниқлашга имкон беради.

Хужумни қайтариб тек турмасдан, Қорахонийлар лашкарини бошқарган Арслонтегин ундан нари олға интилиб, йабакуларнинг амалдорини қўлга туширган ва Иртишгача хужумни давом эттирган. (Ибн ал-Асир шарқдан келган кофир туркларини енгган қорахонийлик ҳукмдори «Туган хон» деб атайди ва юз минг кишини асирга олиб қайтган деб ёзади. Албатта, бундай рақамни ишонч билан қабул қилиб



бўлмайди). Аммо, Қорахонийларга бўйсунган маҳаллий турғун ўлкалар шимолий-шарқ томонда Етгисев ўлкаси билан чекланган.

Хўтанни забт этиш. Қорахонийлар энди бош кўтарган пайтда, X асрнинг ўртаси ва иккинчи ярмида Хўтан ўлкаси ўзига мустақил эди. Шарқий Туркистоннинг жанубий шарқ қисмини ташкил этган бу ўлка азалдан ўтроқлашган халқ маданиятининг манбаи бўлган. Буюк Ипак йўлининг бир йўналиши шу ўлка орқали ўтган. Унда яшайдиган халқ ҳам турли мансабларга мансуб бўлган. Хўтан халқига Ҳиндистон ва Тибет орқали бутпарастлик (буддизм) дини ва бу дин билан алоқадор бўлган ёзма маданиятнинг таъсири тегиб турган. Бу ердаги тохар тилида сўзлашадиган халқнинг ёзма ёдгорликлари ҳозиргача сақланиб келди. Хўтанликлар аста-секин турклаша борган. Аммо, Маҳмуд Қошғарий яшаган даврда – XI асрда айрим хўтанлик этник гуруҳлар қорахонийлик турк тилини ҳам, ўз тилини ҳам билиб, икки у тилли халқлардан бўлишган. Хўтан халқини Маҳмуд Қошғарий «турк ўлкаларидан макон топган» бошқа халқларнинг бири сифатида тасвирлаб, ўзларининг бир ёзуви ва тили бўлганлигини, туркча сўзлашганда бир оз қийланганлигини билдирган.

Бу Хўтон ўлкаси жаҳон савдо-сотиғи учун жуда қулай ерда жойлашган. Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Шарқ, Марказий Осиё худудларини бириктирган тўққиз йўлнинг мажмуаси бўлган. Шунинг учун Қорахонийлар уни босиб олиш орзусида эди.

Қорахонийлар чегарасини жанубий-шарқ томонга кенгайтиришга муваффақ бўлган. Хўтон ерларини ҳам босиб олиб, бу ерда дастлабки мусулмон ҳукмронлигини ўрнатган киши Қодирхон Юсуф эди. У ҳақда мусулмон манбалари мард, жасур ва сабр-бардошли инсон сифатида мактаб ёзишган.

Қорахонийларнинг ҳукмдори Юсуф Қодирхон ўлка ҳокими вақтидаёқ Хўтонни кўзлаб юриш қилиб, XI асрнинг боши бу ўлкани бўйсундириб олган. У 1024 йилдан бошлаб Қорахонийларнинг буюк ҳоқони бўлган. 1032 йилнинг декабрида (хижрий 423 йил муҳаррам ойида) Юсуф Қодирхон дунёдан кўз юмган.



XI—XIV асрларга доир тароқ. Камон ўқини сақлайдиган чарм халта. (хуржун). *Отбоши, Ўрта Норин водийларидан топилган. К.Ш. Табалдиев, О.А. Солтобаевнинг археологик қазилмазидан.*

Қодирхон Юсуфнинг шажара генеалогик жадвали.

Сатук, титулу – Буғрохон

Байташ (Муса) билан Сулаймон

Холун ал-Ҳасан, Буғрохон (Сулаймон ўғли), 992-йили вафот этган

Юсуф, Қодирхон (Хорун ал-Ҳасан ўғли), 1032-йили вафот этган

Сулаймон Арслонхон, ўртанчиси – Мухаммад Буғрохон ва кичиги – Арслон-тегин

Хўтон ўлкасининг Қорахонийларга бўйсундирилиши билан Шарқий Туркистоннинг бу узоқ жанубий худудининг бира-тўла турклашуви ва мусулмон динига ўтишининг асосий босқичи бошланган. Хўтонликлар кейинроқ ўз тилларини бутунлай йўқотса ҳам, сўз маданияти ва урф-одатлари билан Қорахонийларнинг умумий маданиятига салмоқли ҳиссасини қўшиб, уни бойитишган. Уларнинг мусикадаги, архитектурадаги ва бошқа соҳалардаги хунарлари ҳам кейинги давр учун мерос бўлиб қолди. Унутилиб кетган тохар тилидаги ёзувлар XX аср бошларидан ўрганилиб, фанда аниқланмоқда.

Хуллас, XI асрнинг 30-йилларигача Қорахонийларнинг шарқ, шимолий-шарқ ва жанубий-шарқ йўналишларидаги асосий босқинчилик юришлари амалга оширилган. Еттисувнинг узоқ ўлкалари, Шарқий Тангритоғнинг Жунгориягача бўлган худудлари, Турпон паст текислигининг ғарб томони, Черчен, Хўтон ўлкалари энди Қорахонийлар мулки бўлиб қолган. Уларнинг шарқда ислом динига кирмаган турк халқлари мустақил яшаб, ўз тирикчилигини давом эттириверишган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Уйғур Турпон ҳукмронлиги қаерда жойлашган мамлакат эди? Шарқий Тангритоғда яна қандай халқлар қўним топган? Уларнинг бошқа тилда бўлганлиги хақида қандай хабарлар бор?

2. Қадимги тохар ёзуви ҳақида нималарни биласиз? Бу ёзувлар ҳозир ишлатиладими?

3. Қорахонийларнинг шарқ томон юришлари ҳақида сўзлаб беринг, харитадан унинг йўналишларини кўрсатинг. Уйғурларга йабаку уюшмаларига қарши урушлар қайси асарларда акс эттирилган?

4. Хўтан шаҳри ва ўлкаси Қорахонийларнинг қайси ҳокони томонидан бўйсундирилган?

5. XI асрнинг 30-йилларигача Қорахонийларга қарам бўлган янги ерларни харитадан кўрсатиб беринг. Турпандаги Уйғур ҳукмронлиги XIII асрнинг иккинчи ярмидагина мўғуллар томонидан биратўла босиб олинганлигини, унғача ўз мустақиллигини сақлаган, доимо Қорахонийлар билан ёвлашиб келган, дини бошқа бўлган халқ ўлкаси эканлигини унутманг. Бу мамлакат билан Қорахонийлар қайси ҳудудларда чегарадош бўлган?

7-§. Сиёсий бошқарув тизими. Ҳоконликнинг иккига бўлиниши

Қорахонийларнинг сиёсий бошқарув тизими. Мусулмон оламининг энг шарқидаги кудратли давлат бўлиб қолган Қорахонийлар ҳоконлиги ўзининг сиёсий бошқарув структурасини (тузилишини) асрлар бўйи давом этиб келган бошқарув усуллариининг тараккиёти асосида шакллантиради.

Бу Марказий Осиёдаги энг йирик давлат ўзидан аввалги йирик Хунну давлатининг, шунингдек, ўрта асрларнинг дастлабки даврларидаги Буюк Турк ҳоконлигининг айрим намуналарини такрорлаши билан ҳам ажралиб туради. Уларда ҳам Қорахонийлардагидай турли уруғлар ва миллатлар бирлаштирилган эди. Бу турли этник гуруҳларни марказлаштириш зарур эди. Шунинг учун асосий бошқарувчи гуруҳнинг (сулоланинг) вакиллари марказий ҳоконлигини тан олиш билан умумий ҳудудни икки қанотга бўлиб бошқарган. Бу девон тизими сифатида Хуннуларда ва Буюк Турк ҳоконлиги даврида кўлланилган эди.

Ҳоконликдаги кичик ўлкаларни бошқарганлар баъзан жўнгина «ҳоким» деб аталса, баъзан ўз ҳокимиятини кучайтиришга, парчалаш сиёсатини юргизишга, қандайдир ўзининг илғорлигини, устунлигини орттиришга интилган пайтда «хон», «ҳокон» деб ҳам аташган. Айримлари бошқарувчи сулоланинг авлодидан эканлигини тасдиқловчи «тегин» деган сўзни ўз титулларига (насабий номига) ёки исмига қўшиб айтишган. (Масалан, Арслон-тегин, Али-тегин). Бу даража ҳоконлик даражасига эга бўлмаган даврда шундай авлоддан чиққанларга тааллуқли бўлган.

Мамлакатдаги умумий ҳокимиятни идора этувчиси буюк ҳокон бўлган. У ёки бу ўлкани бошқарган маҳаллий ҳокимлар ўзларини хон сифатида ҳисоблашса ҳам, буюк ҳоконнинг ҳукмронлигини тан олишган ва ўз юрти учун чиқарилган тангаларга ўз номинигина эмас, мамлакатнинг умумий бошлиғи – улуг ҳоконнинг номини ҳам зарб қилдиришган.

Буюк ҳоконга бўйсунувчи бу маҳаллий ҳокимлар ўз ўрнида беклар оркали ўз юртини бошқаришган. Беклар Қорахонийлар авлодидангина бўлиб қолмай, бошқа авлодлардан чиққанлари ҳам бўлган. Маҳмуд Қошғарий «бек» сўзини арабча «амир» сўзи билан алмаштирган. Бу бек бир вақтнинг ўзида ўз юртида ташкил топган аскар бошлиғи бўлишини ҳам аниқлаб берган. Айрим кичик этник гуруҳларнинг ҳам ўз ўлка беклари бўлган.

Мамлакатдаги мафкуравий удум бекларнинг обрў-эътиборини кўтаришга қаратилган. Улар оддийгина ўлкани бошқарувчи бўлиб ҳисобланмасдан, ақл-идрок жihatдан ҳам халойиқдан устунлиги билиниб туриши керак эди.

Бунга Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асаридаги қуйидаги сатрлар мисол бўлади:

«Нима дейишин эшит, отукен беги,
Унинг ҳар бир айтган сўзи олтинга тенг.
Халқ учун энг муносиб бек керак,
Кўнгли, тили тўғри, феъли кенг,
Билимли, ўқиган, элига раҳмдил.
Дили ҳам кўзи тўқ, кўнгли яроқли.
Ҳар бир эзгу ишга қўли етган,
Номусли, мулоийм, хулқи соф...»

Ҳокон мамлакатни бошқаришда маҳсус фармонини чиқариб турган. Уни «ёрлик» деб аташган. Маҳмуд Қошғарий бу сўзнинг чигил тилидан эканлигини айтган. Аммо, бу атамани ўғизлар билишмайди, деб қўшиб қўйган.

Қонун. Қорахонийларнинг қонуни Тўру деб аталган. Кейинги асрларда Марказий Осиё мусулмон халқлари одат деган арабча сўз билан алмаштирилган бу қонун урф-одат қондаларидан иборат бўлган. Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимият нотинч пайтларда унинг айрим қондаларини тузатиб қўйилганини ҳам эслатади:

Сувни кўп окизсанг, кучли ўт ўчар»,
Тўру – сув каби, куч бўлса у ўт каби ўчар

Лекин мамлакатнинг таянчи унинг қонуний тузилиши билан боғлиқ эканлигини ҳам Қорахонийларнинг мутафаккир шоири достонида ойдинлашади.

«Тўғри қонун ўрнатсанг, тузалар дунё,
Жабр-зулм юртида инсон ўсмайди».

Қорахонийлар давридаги сиёсатни ўрганишга доир бир мақол Маҳмуд Қошғарийнинг асарларидан бизга маълум: «Эл қолди, тўри қолмас» («Давлат сакланиб

қолар, қонун эса ўзгарар»). Демак, бу қонун доимо янги даврга мослашиб ўзгариб туриши ўша даврларда ҳам маълум бўлган.

Бошқарув аппарати. Ҳар бир ҳокон ёки нуфузли хон ўзининг бошқарув ишларини юргизишни вазир даражасидаги амалдорларга топширган. Қорахонийларнинг ҳокони ёки маҳаллий хони, беги махсус ўрда маслаҳатчисига эга бўлган. «Таянмоқ» сўзидан келиб чиққан «таянчу» атамаси билан хон маслаҳатчисининг хизмати белгиланган. Кейинчалик бу атама арабча «ҳожиб» сўзи билан алмаштирилган. Айрим кишиларга буюк ҳожиб даражаси ҳам таҳсис этилган. Улар ҳалойиқ билан ҳокон ўртасидаги алоқаларни ўрнатувчи хизматни бажарган. Ўрданинг кундалик бошқарув масалаларини тартибга солган.

Бухородан чиқиб, эътиборли хизматга эришган, хондан икки даража куйида турган хизмат эгаси Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони»да махсус «йағфу» (жабғу) атамаси билан берилган. (Бу бир вақтлар қарлуқларнинг ҳукмдори-жабғу мансаби (титули)нинг куйи даражадаги амалдорлар учун сақланиб қолган тури бўлиб ҳисобланади). Йағфудан куйида турган мансаб эгаси эса «тукенин» деб аталган. Бу хизматга ҳам меҳнатқаш халқ ичидан кўтарила олишган.

Ўрдада яна бир бошқа обрў-эътиборли амаллар, ҳоконнинг фаолиятини ёки дам олишини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган. Масалан, ўрда боши деган хизмат Маҳмуд Қошғарий томонидан эслатилиб ўтилади. Ўрданинг котиби-«битигчи» деб аталган (Битиг-ёзув, битик-китоб, хат маъносини билдирган). Ов овлаш учун тайёргарлик кўрган, ов қушларини ростлаб турадиганларни, назорат қилувчи бошлиқни «кушчи» деб аташган. Келган меҳмонларни мартабаларига яраша ҳокон ёнига ўтиргизадиган хизмат эгаси «буйрук» деб аталган. Озиқ-овқат билан тахмин этувчи бошлиқ «ошпаз» деб аталган. Ипак газламаларни сақлайдиган хазиначи эса «оғача» сифатида маълум эди.

Қуроли кучлар. Қорахонийларнинг асосий ҳарбий кучи отлик аскарлар бўлган. Буюк ҳоконнинг умумий ҳарбий кучларига унинг маҳаллий бекалари ўз аскарлари билан келиб қўшилишга масъул бўлганлар. Умумий аскарларни сув деб атаб, кўшинини-черик сўзи билан ифодалаган. Черик ўз навбатида «юз» ва «минг» деган рақам birlikларига бўлинган. Аскар бошлиқлари (сувбоши) ўз мавқеи бўйича вазирдан кейинги ўринда турган.

Аскарнинг асосий қуроллари ёй, қилич, найза бўлган. Ёй тортиш спорт ўйини турларидан бири бўлган.

Аскар маҳорати юксак баҳоланган қорахонийлик кўчманчи халқларда қилч билан махсус қасамёд қилиш одати ҳам бўлганлигини Маҳмуд Қошғарий шундай хикоя қилади:

«Қирғиз, йабаку, қинчок ва бошқалар бировга қасам ичирганда ёки у билан шартнома тузган пайтда, қилчни қиндан суғуриб, тингини юзига тўғрилаб, шундай деб айтади: «Бу қўк кирсин, қизил чиксин». Мазмуни: бу темир, илоҳим, қўк холда қириб,

кизил бўлиб суғурилсин, бошқача айтганда, агарда ваъда бажарилмаса ёки уни бузса, у қонга бўялсин дегани... Бунинг сабаби, улар темир қуролга ўта сажда қилади».

Девон беклари ва парчалаш сиёсати. Қорахонийларнинг айрим ўлкаларини ёки девонларини бошқарган беклар, кичик хонлар доим ўз қўшинига эга бўлган. Ташки душман келса, дарҳол хужумни қайтариш учун уларнинг бундай аскарга эга бўлиши ҳам ҳаддан ташқари катта ҳудудни эгаллаган мамлакат учун зарур эди. Маҳаллий хонлар, шунингдек, ўз ҳудудида давлат интизомини саклаш учун, ҳар қандай галаёиларни босиш, олик-соликларни йиғиб олиш учун қудратли армияга ва кучли маҳаллий ҳокимият аппаратига муҳтож эди.

Бирок шунга ўхшаш умумий давлат иттифоқи учун жиддий хавф тугдирувчи даврлар ҳам бўлган. Масалан, буюк ҳокон ўз меросхўри сифатида бир ўғлини тайинлаб, қолган ўғиллари маҳаллий даражадаги хон ёки бек бўлиб қолган чоғда, ўз девонининг ҳокимиятини мустақкамлаб, янги буюк ҳоконга бўйсунмай, мустақил бўлиб чиқишга ҳаракат қилганлар ҳам бўлган. Бу умумий давлат бирлигига қарши парчалаш сиёсати Қорахонийларнинг ички ҳамжиҳатлигини йўқотишга қаратилган хавфли воқеаларга ҳам олиб келган.

Парчалаш сиёсатини юргизган хон ёки бек ўз девонининг тангаларини чиқарганда, танганинг юзига ўз исминингина ёздириб, ўзи тан олмаган буюк ҳоконнинг исмини тангадан ўчириб ташлар эди. Қуролли аскар билан кифояланмай, беҳуда уриниб, ҳатто бошқа ҳоконга қарши ташки кучларни жалб қилиш ҳоллари ҳам бўлган. Баъзан буюк ҳоконни тахтдан ағдариш учун ўрдада фитна ҳам уюштирилган.

Қорахонийларнинг табақаланиши. Бир вақтларда Хунну давлати, Улуғ Турк ҳоконлиги каби Қорахонийлар ҳоконлиги ҳам охирига келиб, иккига бўлинган. Бу жараённинг дастлабки пойдевори X асрнинг охириларида қурила бошлаган. Ҳар тарафдан тенг уруш ҳаракатларини юргизиши керак бўлган бу мусулмон ўлкасининг беклари бирдай ишончли бўлиши зарур эди.

Қорахонийлар ҳоконлиги 1041—1042 йиллари икки қанотга, яъни Шарқ ва

Ғарб қанотларига ажралган. Шарқий Қорахонийларнинг ўрда шаҳри—Баласоғун эди. Бу шаҳарга шунинг учун ҳам Куз ўрда, Куз Улуш (тесқайдаги ўрда шаҳар) деб ном қўйилган (кейинчароқ ўрда шаҳри сифатида Қашқар танланиб, Баласоғун худудий сиёсий марказ бўлиб қолган). Ғарбий Қорахонийларнинг ўрда шаҳри аввал Ўзган шаҳри бўлган. Кейинроқ Самарқандга кўчирилган.

Буюк ҳокон Қодирхон вафот



Дубулға ва қилч — барча турк халқларининг муқаддас қурол-аслаҳаси

этандан кейин, тахтга унинг катта ўғли Сулаймон Арслонхон ўтирган. Унинг даврида марказий ҳокимият анча заифлашиб кетган. Махаллий ҳокон Муҳаммад Бугрохоннинг шарқда обрў-эътибори кучайиб кетган. Ғарбда Самарқанд ва Бухоро вилоятларини Али-тегиннинг авлодлари бошқарган. Сарой тўнтаришидан кейин, XI асрнинг 40-йиллари бошида Иброҳим Бўри-тегин Ибн Носир Мовароуннахрдаги Қорахонийлар ҳокимиятини ўз кўлига киритган ва ўзига Тамғачхон деган унвонини олган.

Шаркий ва Ғарбий Қорахонийларнинг ўзаро уруши 1069-1070 йиллари ўртасида бўлиб, 1070 йилнинг бошида икки томон тинчлик битимини тузишган. Бунинг натижасида икки қанот ўртасидаги чегара Хўжанд ҳудуди бўлиб қолган. Ўзгангина эмас, деярли бутун Шаркий Фарғона ва Шош Тошкент ҳудуди Шаркий Қорахонийлар ихтиёрига ўтган. Қирғиз тарихчиси профессор Ўмиркул Қараев айнан шу санани қорахонийларнинг иккига бўлинишини яқунловчи вақт деб кўрсатган.

Бу давлатнинг иккига бўлиниши умуман Марказий Осиёдаги турк тилли халқларнинг бўлгуси этник-маданий жиҳатдан ажралишлари учун ҳам дастлабки шарт-шароитларини яратган.

Савол ва топшириқлар

1. Қорахонийларнинг сиёсий бошқарув тизими қандай эди? Буюк ҳоконнинг яна бошқа қандай ҳокимлик амаллари бўлган? Элик ва бек атамалари нимани билдиради? Уларнинг қайсилари кейинги даврларда ҳам сақланиб қолган?
2. Қорахонийлар давридаги қонунни нима деб аташган? Юсуф Хос Ҳожиб қонун ҳақида нима деб ёзган? Кейин Тўра сўзи қайси атама билан алмашган?
3. Қорахонийларнинг бошқарув аппарати ҳақидаги маълумотлар билан ўртоклашинг.
4. Қорахонийларнинг армияси ҳақида нималарни айта оласиз? Маҳмуд Қошғарий қиличга оид қандай қасамни эслатган?
5. Девон хонлари ва бекларининг парчалаш сиёсати ҳақида сўзлаб беринг.
6. Қорахонийлар ҳоконлиги қачон бира тўла иккига бўлинган? Уларнинг марказларини харитадан кўрсатинг.

8-§. Қорахонийлар давридаги маънавий ҳаёт. Юсуф Хос Ҳожиб (Баласоғун)

Қорахонийларнинг маданиятидаги ижтимоий-синфий фарқлар ва умумий белгилар. Қорахонийлар давридаги маданият умуман Марказий Осиёлик турк халқларининг маданий тараққиёти учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Айниқса, бу маданиятни бир хилда қилиб кўрсатиш мумкин эмас. У вақтда жамият ҳар хил ижтимоий гуруҳларга,

синфларга ажралган. Бундан ташқари, кўчманчи ҳаёт тарзининг ёки ўтроқ ҳолда ҳаёт кечириётганларнинг ҳам маданий турмуши турлича бўлган.

Шундай бўлса ҳам ёзув маданиятининг кенгрок тарқалиши ҳар хил халқларнинг, ўрта ёки юқори табақаларнинг маданий ҳаёти учун умумий бўлган шарт-шароитларни белгилаган. Фақат амалдор, зодагонларгина эмас, балки қамбағал меҳнатқаш кишилар ҳам билимга эга бўлиб, уларнинг дунё ҳақидаги тушунчаси кенгайган. Барча мусулмонларнинг муқаддас китоби «Қуръон»ни ўқитиш заруриятидан араб тилини ўрганишиб, бу тилдаги бошқа адабиётларни ҳам ўқишга имконият тузилган. Араб ёзуви шарофати билан ўз тилларида ҳам ёзиш одати тарқала бошлаган. Бу шарт-шароитлар Қорахонийлар мамлакатида чигил тилига асосланган умумий ёзма адабий тилнинг кенг тарқалишига туртки бўлди.

Ёзув ва қоғоз. Қорахонийлар даврида эпиграфик (тош ва бошқа нарсаларнинг бетига ёзилган) ёзувларгина эмас, айрим китоблар, ҳужжатлар сақланиб келди. Халойик кенг қўллаган ёзув материали-қоғоз бўлган. Қоғозни Марказий Осиёда VIII асрнинг ўртасидан ишлата бошлаган. Ўша даврда Самарқандда тайёрланган қоғозлар юқори сифати билан ажралиб турган. Ҳатто бошқа мамлакатларга ҳам экспорт қилинган.

Қоғозга сиёҳ билан ёзиш учун махсус қаламдан фойдаланилган. Араб ёзуви лотин ёки кирилл ҳарфларидан фарқ қилиб, ўнгдан чапга қараб ёзилади. Шунингдек, араб ёзувида ҳаттотлик санъати ривожланган, бунинг учун арабча ёзиш усулларининг бир неча турларидан фойдаланишган. Масалан, девор юзига сўзлар одатда куфий ёзуви деган усулда туширилган. Энг кўп тарқалган ёзув усулларида бири наҳс деб аталган.

Таълим системаси (тизими). Қорахонийлар даврида таълим, ўқитиш ишлари анча ривожланди. Ҳар бир қатта масжид қошида кутубхоналар, мактаблар очилди. (Ўш ва умуман Шарқий Фарғона вилоятларида дастлабки масжидлар XI асрдан қурила бошланган). Мактабларда Қуръонни ўқишга ўргатиш учун араб алифбосини ва тилини ўргатишган. Бундан ташқари, шарият (диний ҳуқуқий қондалар)дан махсус дарслар ўқитилган. Дунёвий фанлар (математика, адабиёт ва бошқалар) бўйича дарс берадиган мактаблар ҳам бўлган. Ўқув юртаринининг энг юқориси-мадраса (арабча дарс берувчи жой) деб аталган. Мадрасаларда дин дарслари (мусулмонларнинг ҳуқуқи-фикҳ, умумий диний таълим)гина ўқитилиб қолмасдан, математика, фалсафа, адабиёт каби фанлар ҳам ўқитилган. Мадрасаларда сабоқ берувчи олимларнинг бир қисми ўзлари ҳам илм-фанга қатта ҳисса қўшганлар. Медицина (тиббийёт), табиатшунослик, астрономия бўйича илмий маълумотлар ҳам кенг тарқалган.

У вақтларда китобларни босмаҳона усулида яратиш ғояси Марказий Осиё, Фарбий Осиё ва Европачалик бўлган эмас эди. Шунинг учун китобни қўлда кўчириш, чиройли муқовалар ясаш, қўлёзмаларни сотиш каби ишлар билан ўз жонини сақлаган ва оиласини боққан кишилар кўп бўлган.

Яхши ҳаттотлик санъатига эга бўлган кишиларнинг обрў-эътибори юксак бўлган. Қўлёзмаларга сичқон тегмасини учун, сандиқларга солинган ёки ёстиққа солиниб, баланд тоқчаларга қўйилган ёки девордаги михга илинган.

Марказий Осиё-илмий кашфиётлар ўчоғи. Қорахонийлар ҳоконлиги мусулмонлар ўлкаси бўлиб қолгандан кейин, ғарбдаги илмий-маданий тараққиётни бошдан кечираётган ўзини эркин ҳис қилувчи Осиё, Африка ўлкалари билан анча-мунча маданий алоқалар қилиш имкониятига эга бўлди. Аммо, бу давлат пайдо бўлишидан аввалроқ ҳам Марказий Осиёдан бир қатор мусулмон олимлари етишиб чиққан. Улар орасида машҳур мутафаккир-файласуф Ал Форобий (Абу Наср Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Тархон) бор эди. Уни мусулмон оламида Арастудан кейинги «Иккинчи муаллим» деб шарафлашган. Форобий ҳозирги Жанубий Қозоғистон ҳудудида жойлашган Фороб шаҳри яқинида туғилган. Умрининг охириги йилларини Яқин Осиёда ўтказган ва Дамашк шаҳрида вафот этган. Унинг “Фозил кишилар шаҳри” ҳақидаги асари ўз даври учун инсонпарварлик таълимини тақлиф қилиб, меҳнатқаш ва билимдон одамлар жамоаси ва мамлақати ҳақида ҳикоя қиладди.

Муҳаммад ал-Хоразмий, ал-Фарғоний каби математиклар ҳам ўз даврининг буюк олимлари эди. Сомонийлар мамлақатида у емирилгандан кейин ҳар қайси мусулмон ўлкаларида яшаб, ижод этган энциклопедист (комусий) олимлар: математик, тарихчи, астроном, географ Абу Райхон Беруний (973—1048), Ҳаким (шифокор) Абу Али ибн Сино (980—1037) ва бошқаларнинг ёзган асарлари ҳам Қорахонийлар давлатида кенг ўрганилган. Сирдарёнинг қуйи оқимида, Қоратогнинг этакларида жойлашган ўлкалардан йирик тилшунос олимлар Исҳок ал-Форобий (962 йил вафот этган.) унинг жияни ва шогирди Абу Носир Исмоил ал-Жавҳарий ал-Форобий (1002—1007 йиллар орасида оламдан ўтган) ўз даврида араб тили фанига бекиёс хисса қўшган.

Бундай маданий ва илмий тараққиёт доираси Қорахонийлар халқи орасида бехисоб олимлар етишиб чиқишига шароит яратиб берди. У даврда юртдан-юртга, шаҳардан-шаҳарга илм қувиб, кўчиб юрган олимлар учун ҳеч қандай чегара тўсиқларнинг бўлмаслиги ҳам эътиборга моликдир. Кўпинча бундай илм изловчи олимлар буюк Ипак йўли йўналишлари бўйича юрган қарвонлар билан бирга бошқа шаҳарга ва ўлкаларга боришар эди.

Юсуф Хос Ҳожиб (Баласоғуний). Араб ёзуви тангритоғлик турк халқларига етиб келмасданок ривожланган ёзув маданияти Қорахонийлар даврида янги босқичга кўтарилди. Айни шу муваффақиятлар маҳаллий буюк олимларнинг, ажойиб шоирлар ва мутафаккирлар меҳнатининг натижаси бўлган. Ўз даврининг атоқли кишиларидан бири Баласоғун шаҳрида туғилиб, вояга етган шоир, мутафаккир ва давлат арбоби Юсуф эди. Туғилган ерига нисбатан унга «ал-Баласоғуний», бошқача айтганда, арабча «Баласоғуний» деган ном



Юсуф Хос Ҳожиб Баласоғуний

берилган. Баласоғун шаҳри ҳозирги Қирғизистоннинг Чуй водийсидаги Бурана шаҳар қолдигининг ўрнида бўлиб, ўз даврининг йирик сиёсий ва маданий маркази эди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг ягона асари «Қутадғу билиг» дostonи бизгача етиб келди. Дoston 1069—1070 йиллари ёзиб бўлинган. Юсуф Хос Ҳожибнинг таржимайи холи ҳақидаги маълумот ҳам ўзининг асарини таҳлил қилиш давомида тахмин қилинади.

Юсуф Хос Ҳожиб 1015—1018 йиллари ўртасида туғилганлиги ҳақида олимлар тахмин қилишади. Унинг Баласоғунда туғилганлигига ҳеч шубҳа йўқ, чунки муаллиф дostonнинг кириш қисмида: «Бу китобни тузган Баласоғунда туғилган бир тақводор киши», — деб, шеърини сатрларида эса: «Бу инсоннинг яшаш жойи — куз ўрда эли», — деб алоҳида таъкидлаган. У ўз даврининг оқ суяк, юкори табакасида чикқан ақл-заковатли киши эди.

Бу ҳақда китобнинг кириш қисмида ўзи ҳам айтиб ўтган:
 «Фаҳмлаб кўр, бу китобни ёзган киши
 Санъат ҳомийсию, оқ суяк боши»

Юсуф Хос Ҳожиб туғилиб ўсган Баласоғун шаҳридан бир қатор олимлар чикқанлиги ўрта асрдаги мусулмон манбаларида ҳам эслатилади. Масалан, географ ва адабиётшунос ёқут ал-Ҳамавий (1179—1229) Баласоғундан чикқан олимларнинг бири сифатида Абу Абдулло Муҳаммад ибн Мусо ал-Баласоғуний (Юсуф Хос Ҳожиб) ҳақида ёзиб, ғарбда уни «ат-Туркий» деб ҳам аташганлигини билдиради. Демак, ўша бир қанча машҳур олимлар яшаб, ижод қилган ўз шаҳрида Юсуф Хос Ҳожиб яхши таълим ололган.

Юсуф ўзи ҳам олимларни юксак кадрлашга чақирган.

«Уларни севингиз, сўзин кадрланг,
 Озу кўп билимларни ўрганинг...
 Уларнинг, билими элига шам каби бўлди,
 Шам агар ёритса, тунги йўл ёришган»

Ўшандай олимларнинг бири математика ва астрономияни мукамал ўзлаштирган олимлар мунажжимлар (юлдуз сирларини ўрганувчилар) эканлигини айтади, Юсуф Хос Ҳожиб ўша даврдаги астрономларнинг билимига етиш учун аниқ фанларни ўрганишнинг зарур эканлигини эслатади:

Билайин десанг ўқигин ҳисоб илмини
 Ракамлар сандигин қопқоғи очилар ўшанда.

Ўргангин кўпайтув, бўлиш ва бўлинмани,
 Балки бу синовдир билим ўлчагин.
 Даражага кўлайтиш, қамайтишни аниқ бил,
 Ўшандан сўнг илдишлардан чиқишни тетик бил.
 Сўнг майдонни кўшиб, олиб ўлчашга ўт,
 Етти қават фалак сирич билишни кут,
 Яна қолса ал-жабр ва-л муқобални ўқи,
 Евклиднинг қопкасини эринмай ўрган.

Бунда санаб ўтилган илм турларини Баласоғуний ҳам берилиб ўргангани унинг бу дostonини ўқиганларга худди шундай насихат билан мурожаат қилганлигида ойдинлашган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарини ёши анча жойга бориб қолганда, дунёкараши кенгайган бир пайтда ёзган. Асарининг кириш қисмида у ўз китобини Қашқарга келиб яқунлаганини, уни Шарқий Қорахонийларнинг хони Тавғач Бугроҳонга бағишлаганлигини эслатади:

«Йил-тўрт юз олтмиш икки эди,
 Ёзишни тугатдим...»

Бундан биз асарни 462 хижрий йилда (ҳозирги календарга кўра — 1069—1070 йиллар) ёзиб тугатганлигини биламиз.

Бошқа бир ўринда: «Тугал ўн саккиз ойда айтдим бу сўзни», — деб, дostonни ёзиб битирган муддатини ҳам аниқ айтиб ўтган. Бу пайт унинг кексаликка етиб қолдим деган пайти эди:

«Чақиришда олтмиш ёшим «кел!» дейди,
 Битмаса даврим, борарман унга мўлжаллаб»

— дея, бир жойда эликдан ошиб қолганлигига ишора қилади. Бошқа сатрларда эса кексаликка яқинлаша бошлагани ҳақида:

«Югуртак бир булутдай кетди йигитлик,
 Ел сингари олиб, умрим ҳам кечди.
 Эсиз, ўтган йигитлик, эсиз ёшлигим,
 Сени тута олмай, кочирдим қўлдан»,

— дейди шоир.

Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг «Кутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим»)

асарини турк мусулмон адабиётида алохида-оригинал асар сифатида ёзишни мақсад қилган. Бизгача етиб келган Қорахонийлар ва бошқа ўрта асрлардаги туркий тилдаги асарларидан чиндан ҳам ажралиб туради.

Бир томондан, уни сиёсатшуносликка доир асар десак ҳам бўлади, чунки унда давлатни қандай бошқариш керак? Ўлкадаги халойиқнинг турли ижтимоий катламлари билан қандай муносабатда бўлиш керак? — деган саволларга жавоб берилган. Иккинчи томондан, у таълим, илм-фан, касб-хунарга астойдил муносабатда бўлишга чақирувчи дидактик асардир.

Юсуф Хос Ҳожиб китобхонни ўз она тилини алохида асрашга чақирган, тилнинг аҳамиятини жуда юкори баҳолайди:

Илмга, билимга талмочдир бу тил.
Ярқиратар йигитни, ёркин тилни бил.
Инсонни тил бахтли қилар, кадрларга,
Тил инсоннинг бошин олар, жазолатар.

Шоирнинг айнан шундай насихатлари дostonнинг панд-насихатдан иборат эканлигини исботлайди. Унда ўша даврдаги ҳикматли сўзларнинг асосий ғоялари ҳам очиб берилган.

Улар орасида қонунни ҳурмат қилиш, элчиларнинг сўзини кадрлаш, дўстликни фойда қўриш учун эмас, балки дил яқинлигига қараб танлаш каби ажойиб насихатлар бор.

Қадрлай десанг сен агар ўзингни,
Қадрла ўзгани, тўғри қил сўзингни

— деган оғохлантириш ҳозир ҳам одамгарчилиқнинг бир қондаси каби ибратли насихат сифатида қимматини йўқотмай келмоқда.

Юсуф Хос Ҳожиб бу асарини Қашқар хони Тавғач Бугро Қора ҳокон Абу Али Ҳасанга бағишлаган. У ўз юртини 1056 йилдан бошлаб бошқарган, 1074 йилдан бошлаб Шарқий Қорахонийларнинг буюк ҳокони бўлиб қолган. 1103 йилда дунёдан ўтган бу ҳокон ўз даврида турк адабиёти ва маданиятига анча эътибор билан қараган бўлса керак. Чунки айнаи ўша асарини бағишлаган Юсуф Баласоғунийга энг юкори ўрда хизмати — «Улуғ Хос Ҳожиб» деган уивонини берган.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асари жанр жиҳатидан араб-форс мусулмон адабиётида бор бўлгани билан, ўз элида дастлабки янги асар эканлигини айтган. Бу томонларини ҳам ҳокон тўғри фаҳмлаган. Яна айнаи шу ҳоконнинг даврида яшаб, «Қашқар тарихи» деган асарини ва бошқа яна бир неча асарлар ёзиб кетган машҳур олим Абу-лар Футух ал-Алман эди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг қачон вафот этганилиги, қаерга дафн қилинганлиги

ҳақида маълумот йўқ. Шунинг учун у 1070 йилдан кейин оламдан ўтган, деб тахмин қилинади. XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Қашқар вилоятида Юсуф Хос Ҳожибнинг макбараси сифатида асраб келинаётган макбара ҳам илмий жиҳатдан тасдиқлашни талаб қилади. Унинг бекиёс мероси мусулмон турк халқларининг кейинги ёзма адабиётига янги йўл очган фалсафий-дидактик маънодаги асар сифатида баҳоланади. «Қутадғу билиг» бошлаган пойдеворга асосланиб, Марказий Осиёдаги турк халқларининг умумий ёзма адабиёти гуркираб ривожланган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қорахонийлар даврида қайси синфий-ижтимоий қатламларнинг (масалан, хон, бек, бий, аскар боши, савдогар, хунарманд, деҳқон, кўчманчи чорвалдор, қул, ма лай ва бошқалар) билим олиш учун имконияти кўп бўлган?
2. Билим олиш қайси тилда ва қайси ёзувда юритилган? Мадрасаларнинг мактаблардан фарқи бўлганми? Қирғизистон ҳудудида ўша даврларда олий ўқув юртлири бўлганми?
3. Марказий Осиёда Қорахонийлар даврининг дастлабки йилларида ва улар пайтида қандай машҳур олимлар етишиб чиққан? Улар қайси соҳаларга доир асарлар яратишган?
4. Юсуф Хос Ҳожиб туғилиб ўсган шаҳар қайси вилоятда жойлашган? Унинг ўрнини харитадан кўрсатиб беринг.
5. Юсуф Хос Ҳожиб қайси даврда туғилган? Унинг асарининг номи ва мазмуни ҳақида сўзлаб беринг. Шоир уни қачон ёзиб тугатган ва кимга бағишлаган? Шоирга қандай ўрданинг юксак лавозими берилган?
6. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари дидактик (панд-насихат) характерда эканлигини қандай тушунирсан бўлади? Унинг илм олишга чақирган фикрларининг ҳозирги кунда аҳамияти борми?
7. Юсуф Хос Ҳожибнинг қачон вафот этгани ва қаерга дафн этилганлиги аниқ маълумми? Унинг адабий мероси қайси халқлар адабиётига ўз таъсирини ўтказган?

9-§. Маҳмуд Қошғарий (Барсканий) ва унинг “Девон”и

Қорахонийлар ўлкасидаги маданий ўчоқлар. Қорахонийлар ҳоконлигининг дастлабки марказий шаҳарлари Баласоғун ва Қашқар, Фарбий Қорахонийларнинг ўрда шаҳарлар Ўзган, Самарқандгина эмас, аввалдан келаётган маданият, фан ва билимнинг маҳаллий ўчоқларидан бўлган бир талай бошқа шаҳарлар ҳам бўлган. Булар орасида Бухоро, Шош (Тошкент), Тароз, Истижоб (Чимкент), Ўш, Хўтон каби шаҳарлар ҳам бор эди. Темиртоғ ўлкаларида эса аввалдан девон беклари яшаган жойлар бўлиб, кейинроқ

Қорахонийлар ўлкаларининг марказларига айланган Барскон, Отбоши шаҳарлари ҳам ўз ўлкаси учун маданият ўчоқларига айланган.

Барскон шахри Иссиқкўл водийсидаги ҳозирги Барскоок ўлкаси худудида жойлашган бўлиб, ўрта асрларда гуллаб-яшнаган шаҳар эди. «Барскан-кўл қирғоғида қурилган кўркем шаҳар» деб X асрдаги «Худуд ал-алам» деган географик асарда эслатилади. Бу шаҳарнинг водийдаги сиёсий роли катта бўлганлигидан Иссиқкўлни ҳам баъзан Барскон кўли деб аташар эди.

Барскон шахрида Қорахонийларнинг Иссиқкўл водийси ва унинг атрофида ҳокимлик қилган девон беги ўтирган, бу девоннинг мустақил молиявий сиёсати учун бек ўзининг танга пулини ҳам чиқарган.

Барсконнинг пул хазинасидан чиққан XI асрга оид айрим тангалар архелогик кидиришлар вақтида топилган. Барскон беги Баласоғунда, кейинроқ Қашқарда ўтирган Шарқий Қорахонийларнинг ҳокимлигини тан олган.

Ҳозирги кунда маълум археологик ёдгорликлар сакланиб қолмаса ҳам, умуман Қорахонийларнинг илм-маърифат ўчоқлари бўлган шаҳарларидек бу ерда ҳам жума намозларига мусулмонлар йиғиладиган катта масжидлар, улар олдидаги мактаб ва кутубхоналар, юқори ўқув юртлари мадрасалар, бўлганлигига шубҳа йўқ.

Маҳмуд Қошғарий (Барсканий). Мана шу Иссиқкўл водийсида туғилиб, дунёда XI асрнинг энг буюк турколог-энциклопедист (комусий) олими Маҳмуд Қошғарий бўлди. Унинг шажараси бўйича исми-шарифи Маҳмуд ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад бўлган. Демак, Маҳмуднинг отаси-Ҳусайн, катта отаси Муҳаммад, ўз асарининг бир неча ўринларида Маҳмуд Қошғарий ўзининг таг-туғли оиладан чиққанлигини, бўлганда



Маҳмуд Қошғарий

ҳам, Қорахонийлар ҳоконлигини асослаган ҳукмрон бўлган боболарнинг авлодидан эканлигини эслатиб ўтади. Масалан, «Бу китобнинг муаллифи Маҳмуд айтади: шу томондан доимо бизнинг амир боболаримизни (ўғизлар) «хэмир» дер эдилар»,— деган сатрлар учрайди.

Маҳмуд ўзининг катта отаси ва боболари айна шу бошқарувчи сулолага алоқадор эканлиги билан фахрланган. Асарининг яна бир ерида у ўзининг оқ суяк, зоти улуғ эканлигини такрор ва такрор баён қилади:

«Мен ўзим уларнинг (Қорахонийлик туркларнинг) тили ўткир нотикларидан, айтар сўзи аниқ, қомати келишган, оқ суяклар насабидан, найзаси тўғри, чаққон чабдаст бўлишим билан бирга, турк, туркман ўғиз, чигил, йағма, қирғизларнинг шаҳар ва саҳроларида кезиб юрдим, уларнинг тилларини ва ҳикматли сўзларини зехнимда тутдим».

Маҳмуд Қошғарийнинг насл-насаби ҳақида фан оламида дастлабки тахминни ёзган Шаркий Украинанинг таникли ўлкашунос олими академик Омелян Прицак унинг Қорахоний ҳукмдорлар сулоласидан эканлигини тасдиқлайди. 992 йили (ҳижрий 382 йил) Баласоғундан чиқиб, Моварауннаҳрга юриш қилиб, дастлабда Сомонийларнинг Бухоро шаҳрини босиб олган бек (арабча-амир) — Қорун ибн Сулаймон ибн Сатук Бугро ҳоқон, академик О.Прицакнинг исботлашига қараганда, Маҳмуд Қошғарийнинг катта отаси Муҳаммаднинг катта отаси эди.

«Девони луғатин турк» асарининг бир ўрида куйидаги сатрлар бор: «Бу китобнинг муаллифи Маҳмуд айтади: ўша шароитда доим (аниқроқ айтганда, ули («а» товуши

билан бошланадиган сўзларнинг олдида ўғуз уруғларининг тилида доим «х» товушини қўшиб аташар эди.)» улар бизнинг амир боболаримизни «хемир» дейишар эди, чунки ўғузлар амир деб айта олишмас эди. Улар ҳемир деб сўзлашар эди. Турк ўлкаларини Сомон ўғилларидан (сомонийлардан) босиб олган бизнинг амир отамиз «Бахаркин» деб аталар экан.

Бу бек Хорун ал-Хасан ибн Сулаймон қорахонлик oilасидан чиққан обрўли ҳукмдорлардан бўлган. Унинг «Бугроҳон ҳоқон» деган унвони ҳам бор эди. (Қорахонийлар «Бугро ҳоқон», «Арслонхон» каби кўшимча номларни ҳам олишган. Халқ уларнинг исмини айтмай, жўнгина унвонини айғиб, камтарлик қилиб юриш одати ҳам бўлган). Хоруннинг ўғли Юсуф Қодирхоннинг ўғли Муҳаммад осонгина катта ҳокимиятга етиб қолган эмас.

Сатук Бугроҳоннинг бу авлоди кўпаявериб, XI асрнинг дастлабки чорагидаёқ уларнинг ҳаммасига ҳокимият етишмай, айримлари кичик ўлкаларга бош бўлса, баъзи бирлари йирик вилоятларни бошқарган. Айрим вилоятларнинг ўз олдида катта ҳукукдари бўлган.

تورک دیوان لغات الترک
تالیف محمود غزالی



کتاب دیوان لغات الترک تالیف محمود غزالی

۱
و اینم در بزم مرام الخلیف دلد الکر ان بود انما ابرار بر بقه التکر
و لاندر ارفان اسار الوعد علی عهد .
و بدو اعلی العالی که عهده داشت برده انکلسا اوست انکلسا اوست
اما انکلسا و انرا نام و العهده اسدا اطرف صالک که انکلسا بود که انکلسا
و بدو و دند و الفطرت ساسم الفی العباد و سعده و اوست و انکلسا
از دیوان لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .
از الفی و لغات الترک و اسفارها و لغاتها .

М. Қошғарийнинг «Девони асарини қўлёзмасининг 1-бетн

Масалан, Иссиқкўл вилоятининг бош шаҳри Барсконни бошқарган қорахонийлик бек ўз ҳолича танга зарб қилиб, ўз номини ёздиршиш ҳуқуқига эга бўлган обрўли ҳукмдор эди. Албатта, бу тангаларга қорахонийларнинг олий ҳукмдорларининг исмлари ҳам ёзилар эди.

Ҳозирги кунларгача етиб келган Қорахоний ҳукмдорларининг тангалари орасида бир қанча барсконлик тангалар ҳам учрайди. Улар 1048—1058 йиллар орасида (хижрий 440 йиллар орасида) чекиб ёзилган экан. Бу даврда Иссиқкўлни бошқарган бек «Шамс ад-давла Арслон-Элик (Давлат куёши Арслон-давлат бошқарувчи) деган унвонга эга бўлганлиги ўша тангалардан аниқланган, аммо унинг ўз номи қандай эканлиги тангаларга туширилган эмас.

Унинг исми тангадаги бошқа маълумотни бошқа манбаларга таққослаш орқалигина аниқлаш мумкин. Омелян Принц ва қирғиз олимлари бу барсконлик бекни Маҳмуд Қошғарийнинг ўз отаси Хусайн ибн Муҳаммад деб исботлашмоқда».

«Девон»да Барскон шаҳри ҳақидаги маълумотларнинг бирида: «Маҳмуднинг отаси шу шаҳардан бўлади», -деган энг қимматли маълумот берилган.

Бошқа ҳар хил турк юртларига нисбатан ҳам Иссиқкўл вилояти ҳақида халқнинг аниқ сони, тилдаги фарқи, хўжалиги, довлони, уруғлари ҳақида М.Қошғарий ўз «Девони»да кенгрок маълумот берган. Ундан ташқари, дунёнинг доира харитасини тарқаб, унда Ер шарининг булоғи сифатида Иссиқкўл ва уни ўраб турган Тангритоғ худуди кўрсатилган. Уларнинг бир қанчаси ҳозиргача сақланган.

Масалан, «Бедел-Арт-Уч (шаҳри) билан Барска ўртасидаги бир довлоннинг номи. Ўта ваҳимали довлон» деган маълумот учрайди. (Ҳозир ҳам Иссиқкўлнинг Шарқий Туркистонга борадиган йўлидаги бу довлонни қирғизлар Бедел деб аташади. «Арт» (довлон) сўзи Марказий Осиё халқлари орасидан қирғиз тилидагина сақланган, ундан ташқари Олтой-саян вилоятларида, яъни қирғизларнинг тарихий ватанларининг бирида учрашиш жойлар номларини тадқиқ этишган томониниям мутахассислари аниқлашган.

Маҳмуд Қошғарий айни шу ҳоқонлик сулоласига доир оилада Барскон шаҳрида хижрий IV асрнинг 20-йиллари ўртасида (1029—1038 йиллар орасида) туғилганлигини О.Прицак ва бошқа олимлар тахмин қилишади.

Иссиқкўлдаги болалик чоғларидан хотира сифатида Маҳмуд Қошғарийнинг болалар ўйини ҳақидаги бир маълумотни айтиб кетайлик. Ўйин «мунгуз-мунгуз» деб аталган. Болалар кўл қирғоғидаги нам кумини оёқлари орасига гўлаб олишиб, тиззалаб (чўкка тушиб) ўтиришади. Кейин қўллари билан кумини тўппослашади. Ўша вақтда ўйин бошлиғи уларга: «мунгиз-мунгиз» деб айтади, Қолгандари «Нима мунгиз?» деб сўрашади. Ўйин бошлиғи мунгизли хайвонлардан бирини кўйиб иккинчисини айтиб туради. Ўйин иштирокчилари уни тақрорлаб туришади. Уларни адаштириш учун ўйин бошлиғи хайвонлар орасида мунгизли бўлмаган туя, эшак қабиларнинг номларини ҳам айтади. Ўйинда хато қилган болани ушлашиб, сувга иргитадилар ёки сувга итариб

юборишди. Ўсмир болаларнинг жониворлар дунёсини билишини, топқирлигини оширадиган бу ўйин Маҳмуднинг кўл бўйларида ўтган болалик даври билан боғлиқ эканлиги шубҳа туғдирмайди.

Маҳмуднинг катта отаси Муҳаммад ибн Қодирхон Юсуф ибн Ҳорун ал-Хасан ҳам ўзининг катта отаси Ҳорун каби Бугрохон унводини олган. Муҳаммад ибн Қодирхон ҳам ҳокимиятга тезда келиб қолган эмас. Унинг отаси Қодирхон Юсуф ўз даврида Қорахоний ҳокимиятини анчагина мустаҳкамлаб, Хўтон шаҳрини ва унинг атрофларини босиб олиб, ўлкани шарқдаги энг йирик мусулмон давлатига айлантирган. Қодирхон Юсуф 1024 йилдан бошлаб буюк ҳоконлик тахтига ўтириб, 1032 йил декабрда (ҳижрий 423 йилнинг муҳаррам ойида) вафот этган. Унинг уч ўғлидан ўртанчиси Муҳаммад тахт учун кураш пайтида Шаркий Қорахонийларнинг буюк ҳоконлик лавозимини ўз акаси Арслонхондан тортиб олган. Араб тарихчиси ибн ал-Асирнинг ёзишига караганда, аввал Арслонхон келиб, укаси Муҳаммаднинг маҳаллий вилоят ҳокимлигини тортиб олишга ҳаракат қилган, лекин енгилиб қолиб ҳам тинчимай, сўнг тахтдан ҳам айрилган. Муҳаммад Бугрохоннинг «Кавам ад-давла» («Давлат таянчи») деган лақаби ҳам бўлган.

Муҳаммад Бугрохон ҳаёт вақтидаёқ меросхўри ким бўлишини ҳал қилиб қўйган, катта ўғли Хусайн Чағри тегинга буюк ҳоконлик тахтини ўтказиб беришини айтган. Бу гап араб тарихчиси Ибн ал-Асир (XIII аср боши) томонидан шундай баён қилинган: «Ундан кейин Бугрохон ҳокимиятни бошқаришни Хусайн Чағри тегин деган катта ўғлига ўтказиб бериб, уни ўзининг меросхўри эканлигини халойиқ олдида эълон қилиб қўйди». Бу воқеа, демак, Муҳаммад Бугрохон тирик чоғида, ҳижрий 449 йилдан (1057—1058 йиллар) аввал содир бўлган.

Доимо янги мансаб даражасига кўтарилган сайин Қорахоний авлодларининг унвоини кўтарилиб борган. Хусайн ("Чағритегин") ҳам омади юришган пайтда «Арслон тегин» ва «Арслон Элик» деган исмларга лойиқ бўлган. Барскон шаҳрини ва Исиккўлни бошқарган бу инсон ҳижрий 440—449 йилларда (1048—1058 йиллар орасида) чиқарган тангаларида айни шу «Арслон тегин», «Арслон элик» мансаблари, ўлка бегининг амалдорлик номлари учрайди. Айрим тангаларга Хусайн ўзининг бу исмларидан ташқари буюк ҳокон бўлган ўз отасининг «Бугрохон» деган исми ҳам ёздирган.

Бугрохоннинг заҳарлаб ўлдирилиши. Хусайннинг меросхўр деб эълон қилинишни Муҳаммад Бугрохоннинг кичик хотини қошларини чимириб кутиб олган. Бу ҳақда тарихчи Ибн ал-Асир ўз асарида қуйидагича маълумот қолдирган: «Бугрохоннинг яна бир аёли бор эди. Ундан ҳам хон ўғил кўради, лекин хали у ёш эди. Бу воқеа (катта хотиндан туғилган Хусайннинг меросхўр, деб эълон қилиниши) ёш хотинини гижиртирдида, у Бугрохонни заҳарлашга қарор қилди».

«Девон»да ҳам Маҳмуд Қошғарий бу воқеага доир маълумот берган: «Сигин-Самур—бир жойнинг номи. Бу ерда Бугрохонга заҳар ичирилган». Демак, ҳозир

Сувсамир деб ўз номини шу кунга қадар сақлаб келган бу яйловда (Баласоғундан унча узоқ эмас) ўтирган пайтда Бутроҳон захарланиб ўлдирилган экан. Бу ўрда кўзғолони пайтида Бутроҳонгина эмас, унинг оиласининг бир неча аъзоси, улар орасида унинг бир туғишгани Арслонхон ибн Қодирхон Юсуф ҳам ўлдирилган. Профессор Ғамирқул Қараев бу кўзғолони хижрий 449 йили (1056 — 1057 йиллар орасида) содир бўлган, деб ёзган форс тарихчиси Бейҳаки берган маълумотни ҳақиқатга яқин деб ҳисоблайди.

Маҳмуд Қошғарийнинг отаси Хусайн ҳам айна шу ўрда тўнтариши вақтида уни меросхўр сифатида эълон қилинишига қарши чиққанлар томонидан ўлдирилган.

Юрт кезиш. Ана шундай тақдирнинг тор йўллари, ўнқир – чўнқирлари Маҳмуд Қошғарийни ўз ота юртидан кетишга мажбур қилган. Унинг турк халқлари яшаётган юртларни кезиб, тил ва маданиятларини ўрганиши ўша сарой тўнтаришидан кейин бошланган. Жуда узоқ ўлкаларда унинг «Қошғарий» деб ном олиши умуман Шарқий Қорахонийларнинг бош шаҳри сифатида XI асрнинг иккинчи ярмида Қашқар шаҳри сиёсий аҳамиятининг юксалиши билан боғлиқ эди.

Маҳмуд Қошғарий ўзи бевосита кезиб чиққани ҳеч шубҳа туғдирмайдиган жойлар қаторига ҳозирги Иссиқкўл, Чуй, Марказий Ғарбий ва Шарқий Тангритоғ, Еттисув, Шарқий Туркистондаги водийлар, Фарғона водийси, Моваро-уннаҳр, Ўрта Шарқда Хуросон худуди, Барскон, Баласоғун, Қўчқорбоши, Ўзган, Қашқар, Бухоро, Нишопур, Бағдод каби шаҳар ва ўлкаларни кўрсата оламиз.

Ғарбда эса Итил (Волга) бўйи, Жанубий Кавказдаги ва бошқа Шарқий Европа худудларидаги қилчоқ юртлари, Шарқда Кем (Энасой), Ўтукен (Шимолий Мўғулистон) каби худудларга Маҳмуд Қошғарий ўзи етиб бора олмасдан, у ерлардан келганлар ва у ёқларга борган савдогарлар каби ҳар хил одамлардан маълумотлар тўплаган.

Маҳмуд Қошғарий мутлақо бормаган, аммо ўз харитасида ёки «Девон»нинг матнида эслатиб кетган тарихий ва афсонавий худудлар ҳам бор. Булар ичида тарихда мавжуд ўлкалар — Жабарка (Япон ўлкаси), Син билан Масин («Манас» дostonида Чин-Мочин), хулоса қилиб айтганда, Шимолий ва Жанубий Хитой, Ҳиндистон, Рус (қадимги рус уруғлари яшаган манзиллар), Можар (ҳозирги Венгрия ва унга жамоат бўлган юртлар) бор. Фақат афсоналарда, ривоятларда айтилган жойлар ва қавмларга Самовий шаҳар, аёллар шаҳри, яъжуж-мажужлар («Библия»-Инжилда гог ва магог, «Манас» дostonида Анжи-манжи деб берилган), Искандар Зулқарнайн Александр Македонский) девори ва бошқалар қиради.

«Девон»даги бу кўп маълумотлар бошқа ўрта аср манбаларига солиштириб аниқланмоқда. Маҳмуд Қошғарий ўзи чизган рангли, думалок дунё харитаси Марказий Осиёдан чиққан турк мусулмон халқларининг вакили яратиб, ўз халқини дунё миқёсида танитган дастлабки хариташунослик асари бўлиб ҳисобланади. Унинг ундай харитачиликдаги муваффақияти кейинчалик ҳам ҳеч ким томонидан такрорланмаганлиги маълум.

«Девон»нинг яратилиш даври ҳақида. Ўн йилларча юрт кезиб, кўп маълумотлар

тўплаган Махмуд Қошғарий асарининг охириги вариантини Салжук сулоласи хукмрон бўлиб турган Ўрта Шарқ худудида ниҳоясига етказган.

«Девон»даги маълумотлар асосида бу асар хижрий 464 йил биринчи жумадил ойининг 1-куни (1072 йил 25 январда) бошланган, хижрий 469 йили туркча мучал ҳисоби билан илон йили (1077 йил) ёзиб тугатилганини биламиз. Бу машаққат билан ёзган асарини Бағдод шаҳрида ўтирган Аббосий ҳалифа Абул-Қосим ал-Муқтадий би-Амриллога бағишлаш ниятида эканлигини муаллиф асарнинг кириш қисмида эслатган.

Девоннинг тузилиши. Махмуд Қошғарийнинг «Девони луғатин турк» («Турк тиллари луғати») деб аталган энциклопедик (комусий) характердаги асари кириш ва асосий саккиз қисмдан ташкил топган. Луғатнинг кириш қисми турк халқлари тилини ва маданиятини ўрганишининг жуда муҳим эканлигини очиб беришга бағишланиб, турк халқларининг қаерларда истиқомат қилганлиги, уларнинг тилидаги диалектика (шевачилик)га онд фарқларини кўрсатиб беради. Дунёнинг думалоқ харитаси ҳам кириш қисмининг моҳиятини очиб беришга бағишланган.

Китобнинг асосий қисми турк сўзларининг (фёъл, от ва бошқалар) арабчага тўлиқ таржима қилиш билан чекланмай, матн ҳар хил этнографик, географик, диалектлар бўйича, халқ оғзаки ижодида доир ва бошқа кўшимча маълумотлар билан тўлдириб берилган.

Шунинг учун ҳам асарнинг серкирра мазмуни «энциклопедик асар» дейилган баҳога лойиқдир.

Махмуд Қошғарийнинг дунё харитасидаги Марказий ва Шарқий Осиё. XI аср Т.К.Чоротегиннинг таржимасида «Девон» нинг айрим маълумотлари Марказий Осиёлик турк халқларининг халқаро муносабатларини ҳам акс эттиради. Масалан, сотувга чиқариладиган буюм ўша вақтда ҳам «мол» (товар) деб аталган.

Хитойдан келтирилган ипак газламаларнинг хилма-хил турлари хитойча номи билан берилган. Масалан, «Лухтай — хитой кизил ипаги. Унга майда сарик тангачалар туширилган», деб бир жойда ёзилса, бошқа бир жойда: «Буга — Хиндистондан олиб келинган бир дори-дармоннинг номи», — деган маълумот учрайди.

Баъзи бир ижтимоий, маданий, мусикий, географик, хўжалик ва бошқа терминлар (атамалар) «Девон»да қандай берилса, ҳозирги қирғиз тилида ҳам



Махмуд Қошғарий тузган дунёнинг думалоқ харитаси

деярли ўзгармасдан сақланиб келган. Улар орасида озик (кадимги шакли азук), арт, бий (будин), ёрлик (йарлиг), жушанг (жевшан) идиш, гишт, кўмиз (кўбуз), кўмач, кимиз, сенгир, утук ва бошқа сўзлар, ҳатто мақоллар ҳам бор.

«Девон»нинг ягона нусхасигина ҳозирги кунгача етиб келди. Уни Эронда туғилган Муҳаммад ибн Абу Бакир ас-Сави ад-Дамашкий ҳижрий 664 йил шавал ойининг 27 кунини (1266 йил августда) кўчириб бўлган. Бу хаттот Маҳмуд Қошғарий ўзи ёзган асл нусхадан кўчирганлигини асарнинг охирида ёзиб қолдирган.

Бу асарнинг ас-Савий ад — Дамашкий тайёрлаган нусхаси XX аср бошидагина тасодифан Туркияда топилиб қолди. Али Амирий, Қилисли Муаллим Рифат ва бошқалар томонидан 1915 — 1917 йилларда фанга киритилган. Бу нусха Истамбул шаҳридаги Миллий кутубхонада сақланиб турибди. Ҳозирги пайтда девоннинг туркча, ўзбекча, уйғурча, инглизча таржималари тўлиқ эълон қилинган. Қирғиз, козок, рус, хитой, немис тилларида ҳозирча «Девон»нинг айрим қисмларигина таржима қилиниб, босиб чиқарилди.

Бошқа илмий асари. Маҳмуд Қошғарий кўп асарлар яратганми ёки йўқми, буни айтиш қийин. Лекин унинг бизгача етиб келмаган яна бир асари бўлган. «Китабу жавоҳири н-наҳв фи-луғоти т-турк» («Турк тиллари ҳақида синтаксистик гавҳарлар») номли бу асар араб тилида ёзилган. Турк тилларининг грамматикасига бағишланган бу китоб ҳозиргача топилгани йўқ. Бу ҳақда эслатувчи ёлғиз манба Маҳмуд Қошғарийнинг «Девон»и бўлиб ҳисобланади.


Ҳозирча Қорахонийлар даврининг энг машҳур олими бўлган Маҳмуд Қошғарий (Барсконий)нинг қачон ва қаерда вафот этганлиги, жасади қаерга қўйилганлиги ҳақида аниқ маълумот йўқ. Аммо айрим шинжан — уйғуристонлик олимларнинг Қашқар яқинидаги «Ўпол» кишлоғида кейинги даврларда қурилган мақбарани Маҳмуд Қошғарийга тегишли, деб 1980 йил бошида эълон қилишлари илмий асосга эга эмас эканлиги ойдинлашди.

Маҳмуд Қошғарийнинг бекиёс илмий асари умумтурк халқларининг умумий маданий мероси бўлиб ҳисобланади.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қорахонийлар давридаги илмий ва маданий марказлар сифатида қайси шаҳарларнинг номини айта оласиз?
2. Барскон шахри қайси водийнинг маркази бўлган? Унинг ўрнини Қирғизистон харитасидан кўраётиб бериш.
3. Маҳмуд Қошғарий ота-боболарининг шажара рўйхати (насл-насаби) қандай бўлиши мумкин? Маҳмуд Қошғарий тахминан қачон туғилган?
4. Унинг отаси Хусайн билан Қорахонийларнинг қайси вакили ўхшатилади? Сингун-Самур деган ер билан қайси воқеа боғланади?

Шарқ



Махмуд Қошғарийнинг дунё харитасидаги Марказий ва Шарқий Осиё, XI аср.
Т.К.Чоротегиннинг кайта ишловида

5. Махмуд Қошғарий қайси халқларни ва жойларни кезиб чиккан? У ўз асарини қачон ёза бошлаган ва қачон ниҳоясига етказган?
6. «Девону луғатин-турк» умумий тузилиши, унинг ўз ичига олган маълумотлар ҳақида айтиб беринг. Махмуд чизган дунё харитаси нимаси билан фарк қилади?
7. «Девон»нинг неча нусхаси бизгача етиб келган? Уни ким кўчирган? Бу нусха қайси шаҳар кутубхонасида сақланади?
8. Махмуд Қошғарий қачон дунёдан ўтганлиги ҳақида қандай маълумот, тахминлар бор? Унинг Бишкекдаги ёдгорлик расми ким томонидан яратилган?

9. Махмуд Қошғарийни турк халқлари орасида биргина элнинг бобоси сифатида чеклаб кўрсатиш нима учун мумкин эмас?

10. Унинг харитасидаги жойлар номланишларининг Олатокқа тааллуқлиларини ҳозирги харитадаги жойларга солиштириб кўринг.

10 - §. Қорахонийлар ҳоқонлиги XII аср бошида
Шарқдан қорахитойлар босқини.
Қорахитой давлати

Қорахонийлар XII аср бошида. Агар XI аср ўртасигача Ғарбий ва Шарқий Қорахонийларнинг ўзаро муносабатлари анча мустахкам бўлса, ўша асрнинг 70-йилларига келиб, уларнинг сиёсий тарихи мутлақо икки йўналишда ривожланиб, амалда икки давлатга бўлиниб кетган эди. Шарқий Қорахонийларни аввалгидай Қашқар билан Баласоғунга тўғридан-тўғри ҳоким бўлган ҳоқон бошқарган. Ғарбий Қорахонийларнинг сиёсий маркази Ўзгандан Самарқандга кўчган.

Бу икки давлатга бўйсунган ўтроқ ўлкалардан айрим ўртадаги (буферлик ёки тор йўлак) худудлар бу иккига бўлинган сулоланинг гоҳ шарқий шаҳобчасига, гоҳ ғарбий шаҳобчасига бўйсуниб туришган.

Шарқий Қорахонийлар доимо исломга кирмаган шарқий турклар билан ёвлашиб турганлиги маълум. XII асрнинг бошида эса, Ички Осиёдаги халқаро аҳвол жуда мураккаблашиб кетган. Шарқий туркларнинг ўзлари шарқдан қисиб келган бошқа кўчманчи халқларнинг тазийкига дуч келиб, натижада доимо Қорахонийлар ерига қараб юрт тортиб келишга мажбур бўлишган. Бундай юрт тартаб келишлар XI асрда ҳам такрорланиб турган. Масалан, тарихчи Ибн ал-Асир 1043 йили сентябрь ойида динсиз турклардан ўн минг хонадон ислом динини қабул қилганлигини ёзади. Шарқий Тангритоғ туркларининг орасида айрим қирғиз уруғлари ҳам бўлган. 1120 йили ўз асарини ёзган ҳаким ва этнограф Шараф аз-замон Марвазининг қирғизлар мусулмонларга қўшни бўлгандан бошлаб, аввалги жасадни куйдириш одатини ташлаб, жасадни ерга кўмиш одатига ўтди деган маълумоти ҳам ҳеч деганда XII асрга оиддир. Аммо бу қирғиз ғуруҳлари Қорахонийларнинг шарқий худудиди яшаганлар.

Кейинги асрнинг бошларида эса Ички Осиёнинг Тубидан Мўғулистон билан Ғарбий Хитой (Хэш сўкмоғи) томондан Қорахонийларнинг шарқий чегарасигача ёриб кирган шарқий туркларнинг янги тўлкини бу буюк кўчишни мутлақо бошқача вазиятда амалга оширишди: улар ўзларининг мустақил этнос сифатида сакланиб қолиши учун ғалб томонга — Тангритоғ худудига кўчиб келишга мажбур бўлишган. Қолган турк халқлари аста-секин Ички Осиёнинг янги хўжайинлари мўғул тилли халқлар билан ўриш-арқок бўлиб, икки тилда сўзлашиб, айрим уруғлари бора-бора ўз тилларини ҳам унуттишган. Масалан, бир вақтлар турк тилида сўзлашган ички осийлик татарлар бора-бора мўғуллашган. Турклар ва мўғуллардан иборат бўлган уруғ бирикмалари

(масалан, саккиз уругни бирлаштирган Найман бирикмаси) таркиб топган. Уларнинг бир қисми шарқий туркларнинг ўрта асрлар бошларидан буён этикод қилиб келаётган насронийлик (христиан), манихейлик, бутпарастлик динларини қабул қилишган, тарихда уйғур ёзуви дейишган шарқий турк ёзувини ўзлаштиришган.

Айни ўша этник гуруҳлар орасидаги жараён Ички Осиёда аста-секин ривожланиб бораётган пайтда, Шимолий Хитойда бошқача сиёсий воқеалар ўрин олди. Тили жиҳатидан мўғулларнинг қадимги тармоғига туташ бўлган киданлар (Ўрхун-турк ёзувларида бу халқ китанг деб аталган) Шимолий Хитойдаги Буюк Ляо (907—1125) номли давлатидан юз ўгирди. Манжуриянинг шимолий ҳудудларидан селдай ёпирилиб келган Журжонлар (асли тунгис-манжур халқларидан бўлган кўчманчи уруғлар) бу давлатни 1115—1125 йиллари вайрон қилиб, ўзларининг Шимолий Хитойдаги янги қудратли давлатини Цзин сулоласи ҳукмронлик қилган йирик давлатни асослашди. Журжанларнинг бу сулоласи (1115—1234) китанлар давлатини вайрон қилгандан кейин, хитойлик Сун сулоласининг шимолдаги маркази, Кайфенни ҳам босиб олишиб (1126), бу ҳақиқий Хитой сулоласини Ханчжаунинг жанубига суриб ташлаган.


Элуй Даши. Бир қатор китан уруғларини ўзига тўплаб олиб Элуй Даши номли хитой зодағони Шимолий Хитойдан ғарб томон силжиди. 1124 йили у Шимолий Мўғулистондаги Ўрхўн юртини босиб олди. Ички Осиёдаги янги давлатини у Бей Ляо (Шимолий Ляо, 1124—1130) деб атаган. У ўзини «гур хан» деб эълон қилган. Бу атама қадимги туркча «кўлхон», ҳокимияти кўлдай чуқур ва қудратли ҳоқон деган сўзга тенг келади. (Туркларда «денгизхон», «қуёшхон», «Ойхон» сингари ҳоқонлик номлари ҳам бўлган).

Элуй Даши қирғизларнинг «Манас» достонида хитойларнинг хони ва қахрамони Жўлай сифатида эслатилади. Қирғизларнинг ички осийлик гуруҳлари орасидаги тангритоғлик уруғлари билан унинг уруши форс тарихчиси Жувайний томонидан ёзиб қолдирилган.

Қирғизларнинг бу уруғлари Бешбалиқ шаҳри ёнидаги ҳудудга жойлашган. Кейин бу гуруҳлар қаршилик кўрсатганда, Элуй Даши бу шарқий тангритоғлик қирғизларга қарши жазоловчи юришлар уюштирганлиги ҳам маълум.

Шарқий Қорахонийларга қарши юришлар. Элуй Даши Ички Осиёда ўз кучини жамлаб, турк ва мўғул тилли халқларни, улар орасида шимоли-ғарбий мўғулистонлик ва шарқий туркистонлик айрим қирғиз гуруҳларини ҳам бўйсундириб, ниҳоят, Шарқий Қорахонийлар давлатига ҳужум қилган. Аввал унинг аскарлари 1128 йили бу шарқий мусулмон ўлкасига юриш қилган. Бу ҳақда, масалан, араб тарихчиси Ибн ал-Асир (XIII аср бошларида) шундай маълумот қолдирган: «... 522 ҳижрий йили (1128 йил) ас-Синнинг гурхони Қийшиқ Қашқарнинг этагига ниҳоятда кўп сонли аскар билан етиб келди».

1130 йили эса Шарқий Қорахонийлар давлати киданлардан бира-тўла ажратиб, ғарбга оқа бошлаган қорахитойлар оёғи остида қолди.



XIII асрада кыялларнинг (қара хитойларнинг) күчishi.

Қорахитойлар бутпарастлик (буддизм) динига мансуб бўлган (Ибн ал-Асир қорахитойларнинг гурхони «манахий бўлгани»ни ёзади, бу маълумотни гурхон мусулмон бўлмаган, деб тушунмоқ керак), ammo уларнинг уюшмаларига кирган турли ижтимоий даражадаги турк ва мўтул уруғлари орасида Тангрига, ерга, ҳар хил рухларга, жонсиз буюмларга сиғинган халқлар ҳам бўлган.

Қора хитойларнинг ок сужаклари хитойлик (хонзу) маданияти Буюк Ляо ҳокимияти вақтида қабул қилгани аниқ. Ўша вақтда ҳам улар ўзларининг тилини, кийим-кечагини, озиқ-овқат тўригини, ўзига хос маданиятини сақлаб қолишга ҳаракат қилишган. Ғарб сари кетган қора хитойлар эса ўз маданиятига шарқий туркларнинг урф-одатларини ҳам аралаштирган.

Улар Тангригоғда асослаган бу янги йирик давлат тарихда Қора хитойлар давлати деган ном билан машҳур. Давлат маркази Баласоғун шаҳри бўлган. Маҳмуд Қошғарий яшаган даврда Баласоғуннинг номларидан бири-Куз ўрда («Тескайдаги ёки шимолдаги ўрда шаҳар») эди. Қора хитойлар бу шаҳар номининг биринчи қисмини сақлаб, унга шарқий туркларнинг (улар орасида қирғизлар билан уйғурларнинг) шаҳар мазмунини билдирган «балиқ» сўзини қўшган. Куз балиқ деб атаётган бошқарилган. Ўша ва бошқа туркча атамалар қора хитой зодагонларининг ҳокимиятини бошқаришда ва маҳаллий халқ билан алоқа қилишда шарқий туркларнинг амалдорларига таянганини, уларнинг ижтимоий-сиёсий тажрибаларидан фойдаланганлигини ойдинлаштиради.

Қорахонийларнинг шарқий ҳудудлари келгиндилар томонидан икки хил усулда бошқарилган. Қора хитой гурхони ҳозирги Шимолий Қирғизистон ҳудудини ўзи тўғридан-тўғри бошқарган. Сўзиб олинган бошқа маҳаллий ҳудудлар Қорахонийлар сулоласига тааллуқли бўлган вакиллар томонидан бошқарилиб турган. Албатта, умумий назорат гурхон ихтиёрида бўлган.

Бу сиёсат Шимолий Хитойдаги турк тилида сўзлашувчи халқларнинг зодагонлари юргизиб турган ҳокимлик урф-одатини янги шароитда-янги халқлар ва янги юрлар вазиятида давом эттириши бўлиб ҳисобланади.

Диний сиёсатдаги сабрлилик. Қора хитойлар давлатидаги диний сиёсатнинг афзаллиги соя жихатдан кўпчиликни ташкил қилган мусулмон халқи устидан ҳукмрон бўлган келгиндиларнинг диний томондан ҳеч қандай исқанжга олмаганлигида эди. Қора хитойлар ва улар билан бирга келган шарқий турклар ҳар хил диний оқимларга мансуб бўлишган. Амалдорлари бутпарастлик (буддизм) динига эътиқод қилишгани билан, қолганлари шомоний, тангричилик, манихейлик, насронийлик каби ҳар хил диний оқимларга эргашилган.

Айни шу даврда маҳаллий мусулмонлар орасида ҳам суннийликка доир янги сўфийлик оқимлари яна ҳам кенг ёйилади. Сўфийлик оқимининг вакиллари ислом динининг талаблари билан исломгача бўлган турк урф-одатларини умумлаштиришга, исломни кўчманчи туркларнинг ижтимоий ҳаётига ҳам аралаштиришга ҳаракат қилишган. Ерга, сувга, муқаддас жойларга, айрим моллар, йирткич хайвонларнинг

эгаси бор деган акидаларга ишонган турклар ўзларининг бу эътиқодларига кўшимча мусулмон сифатида қарашининг ўзи сўфийлик оқимлари учун етарли бўлган.

Айни шундай вазиятда қора хитойлар даврида ҳар хил диний оқимларнинг вакиллари ўз диний эътиқодларига биноан тадбиркорлик ишларини эркин амалга оширишган. Албатта, фақат кўз бўямачилик билан улар ҳаётини яхши қилиб кўрсатиб бўлмайди. Баъзан аҳолининг турли гуруҳлари турмушдаги хўжалик ва ижтимоий кийинчилликлари диний айримчиликларни баҳона қилиб кўрсатган пайтлар ҳам бўлиб турган. Умуман, қора хитойларнинг динга нисбатан бефарқлик сиёсати уларнинг маҳаллий турклар билан қалин хўжалик ва маданий алоқаларини мустаҳкамлаган. Аста-секин келгиндилар кўш тили бўлиб, бора-бора турклаша бошлашган. (Хитой уруғи қирғиз, козок, қорақалпоқ, кўчманчи ўзбек каби туркий халқларнинг ўрта асрларнинг сўнгги даврларидаги шажараларида уларнинг ажралмас бир қисми сифатида учрайди).

Кативан жанги (1141). Салжук давлатининг қудратли султони Санжар Мовароуннахрга қадар босиб келган қора хитойларнинг шаштини қайтариб, бу қорғиларни тор-мор қилишга қарор қилди. Мовароуннахрни босиб олишга интилган бу икки қучнинг ўзаро тортишувининг бошида бир воқеа содир бўлди. Тарихчи Ибн ал-Асирнинг айтишича, Санжар султон Марказий Осиёнинг қарбидаги Хоразмшоҳ Отсиз ибн Муҳаммаднинг ўғлини ўлдириб қўяди. Хоразмшоҳ бўлса Салжук султони-нинг ёлғиз бардош қилолмаслигини яхши билади. У шарқдаги дини бошқа бўлса ҳам, дилида салжуқийларни тор-мор қилишни орзу қилиб турган қучни — қора хитойлар хонини Санжар султонга қарши қурашга чақиради. «Хоразмшоҳ бўлса Мовароуннахрда ўтирган хитойларга мактуб орқали мурожаат қилиб, ўша юртнинг ғоят қулай ер эканлигини таърифлаб, Санжар султоннинг юртига ҳужум қилишга даъват қилди», — дейди тарихчи Ибн ал-Асир.

300 минг оғлиқ аскар билан чиққан қора хитойлар Мовароуннахрдаги Кативан деган жойда салжук аскарлари билан даҳшатли жанг қилди. Бу чўл Самарқанд шаҳридан беш фарсах (ўттиз чақиримча) узоқликда жойлашганини ёзади араб географи ва ёзувчиси Йакут Ҳамавий ар-Румий (1179 — 1229). Ҳал қилувчи жанг хижрий йил ҳисобида 536 йил сафар ойининг бешинчи кунда (1141 йил 9 сентябрда) бўлади.

Ўрта асрдаги мусулмон тарихчилари бу жанг ғоят жиддий бўлганигини, Санжарнинг аскарлари қахрамонларча жанг қилганини, Сижистоннинг беги алоҳида ажралиб турганигини ёзишган. Санжарга қарши қурашганлар орасида эса туркларнинг қарлуқ уруғининг жангчилари ўзларининг зўр матонатини кўрсатишган.

Йакутнинг замондоши Ибн ал-Асир ўша жангда султоннинг 100 минг кишиси нобуд бўлганини, улар орасида 12 минг дин пешволари, 4 минг аёллар бўлганини, Санжарнинг ўз аёли эса асиярга тушиб қолганигини ёзади. Бу жангдан кейин Салжук давлати ўнглана олмади. Санжар Термиз орқали Балх вилоятига қочиб келди. Энди у Хоразмшоҳ Отсизга Таҳдид солмай қўйди. Санжар султон ўлгандан кейин унинг давлати тугаб битди.

Йоаннинг подшолиги хақида ривоят. Қудратли Салжук давлатининг аскарлари Ғарбий Осиёда христианларнинг юришларига жиддий тўсиқ бўлиб келишган. Шарқда Мовароуннаҳрда салжукийларнинг қатта талофати эса Ғарбий Европага ривоят, афсона сифатида етиб келган. Ғарбий европалықлар — «Олис Кун Чикишида қадим-қадимдан бўлган подшоликни эгаллаб турган Йоан «динсиз мусулмонларга» қарши жанг қилиб, уларнинг армиясини тор-мор қилди. Унинг эркин юриши ғарб томон шиддат билан келмоқда», — деган ваҳимали гапларни тарқатиб, ўзлари ҳам унга ишонишган. Бу ривоятларга қора хитойларнинг ғалабаси асос бўлди.

Айниқса, қора хитойларнинг аскарлари фақат уларнинг ўзларидан эмас, балки тангритоғлик ва мовароуннаҳрлик мусулмон турк уруғларининг вакилларида ташқил топганини ҳам эсга олиш даркор. Қора хитой мамлакатаида ҳар хил динга сиғинувчи гуруҳлар яшаганлигини юқорида билиб олгансиз.

Қора хитой давлатининг завоқ топиши. Қора хитойларнинг ҳукмронлиги XIII аср бошигача давом этди. Аста-секин қора хитойлар маҳаллий халқ билан аралаша бошлаган вақтда Ички Осиёда зўр воқеалар бўлди. Мўғул ва Шарқий турк уруғлари Ички Осиё ерларига эгалик қилиш учун узокка чўзилган кураш олиб бориб, охири Темучин бошқарган мўғул зодагонлари бошқа уруғ ва элатларни (ўнгут, татар, найман, тумат, қирғиз ва бошқалар) XIII асрнинг биринчи ўн йиллигида тор-мор қилиб, кўпларини бўйсундиришга муваффақ бўлган. Найманлар бошчилигидаги бирдамлик уюшмалари тарқаб, асосий лашқари енгилгандан кейин, қолган-қутган қисми билан 1208 йили шахзода Кучлук ас-Сегизи Тангритоққа ўтиб кетган. Қора хитойлар давлати кўп ўтмай қора хитой гурхонининг янги куёв боласи Кучлукнинг ҳукмига бўйсуниб қолган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қораконийлар давлати XII аср бошида қандай вазиятда қолган эди?
2. Шарқий Қораконийларнинг шарқий қўшинлари қайси динга мансуб эди?
3. Буюк Ляо давлати қимлар томонидан вайрон қилинган? Уни асослаган халқнинг ғарбга кетган қисми қасрларгача этди?
4. Элуй Даши (деган) қим? Уни «Манас» достонидаги қайси кўринишларга ўхшатадилар?

III БОБ

МЎҒУЛЛАР ДАВРИ

*II-§. Найманларнинг Тангритоққа кўчиши.
Кучлук ҳокимияти*

Марказий Осиёдаги XII аср охири — XIII аср бошидаги сиёсий устулик учун кураш. Бу даврда Марказий Осиёнинг кенг чўлларида кўп сонли турк, мўғул уруғлари истикомат қилишар эди. Мўғул тилли уруғларнинг ватани шарқда Хитой, ғарбда Уйгур, шимолда Қирғиз, жанубда Тангут ва Тибет ўлкалари билан чегарадош эди. Уларнинг ҳар бирининг кичик ёки каттароқ мулклари — улуслари бор эди. Ўшандай улусларнинг кучлироклари татар, найман, мўғул, меркит, керейт уюшмалари бўлган. Бундай уюшмалар орасидаги муносабатларга кўпинча ўзаро тортишувлар, баҳслашишлар хос бўлган. XII асрнинг охирироғида мўғул уруғи ғоят кучаяди ва қўшнилариغا хавф сола бошлайди. Айниқса, мўғулларнинг хужумига татар, меркит, найман, керейтлар дучор бўлишди. Чунки улар олдиндан ёвлашиб келардилар. Мўғуллар босқини кучайган даврда айрим уруғлар бирлашиб курашдилар.

У даврда мўғуллар Ўрхун ва Керўлун дарёлари бўйида яшардилар. Керейтлар Ўрхун билан Тўла дарёлари ўртасида, Унтин дарёси бўйида, Хангай ва Хэнтэй тоғлари орасидаги хавзада кўниб-кўчиб юрар эди. Найманлар Хангай билан Олтой тоғлари оралиғидаги худудни, меркитлар Селенга воҳасини макон қилишган эди. Татарлар эса Буйр Нур, Кулун Нур кўларининг қирғоғига ва Буюк Хитой деворига чегарадош бўлган ерларга ўрнашиб, Цзин давлатининг чегарасига яқин турарди. XII-асрда татарлар жуда қудратли, бошқаларга нисбатан анча тараққий этган уруғ эди. Шунинг учун бошқа татар-мўғул уруғлари ҳам қўшни халқлар билан алоқа қилганларида ўзларини татар дейишган. Айрим вақтларда татарлар Цзин давлати билан иттифок тузиб олиб, мўғул уруғига хужум қилиб турган. Ривоятларга кўра татарлар бир марта олишувда Чингизхоннинг ота-боболаридан бири бўлган Амбагайхонни асирга олиб, уни мўғуллар билан ўчакишиб юрган душмани Цзин императорига тортиқ қилгани маълум. Амбагайхонни у ёғоч курсига ўтқизиб, баданига, қўли ва оёғига тириклай мих қоқиб, қийнаб ўлдиради. Ўшандан бошлаб таги бир бўлган бу икки уруғ ўртасидаги муносабат бира тўла бузилиб, мўғуллар юрагида ўчмас кек бўлиб қолган.

Марказий Осиёда XII асрда шаклланган йирик давлат уюшмаларидан бири – найман улуси. Найман улусида ҳар бир қўшилган уруғлар-мўғул ва турк тилли уруғлар ёнма-ён яшардилар. Найман дегани мўғулча саккиз деган тушунчани билдиради. Бу найман улусига қирган 8 уруғнинг сонига боғлиқ ҳолда келиб чиққанлиги шубҳасиз. 1125 йили қиданлар (қорахитойлар) давлати (ЛЯО империяси) тор-мор бўлганидан кейин тузилган улусларнинг кейингиси Керейт хонлигидир. Керейт улуси XII асрнинг



Ўрта асрлардаги мўғулларнинг бўз уйлари ва ўргани кўчирадиган араваси

иккинчи ярмида Тўрулхоннинг даврида жуда кучаяди. Унинг ўрдаси Ўрхунда эди. Тўрулхон найман, меркит, мўғул, уйғур, киргиз, қорахитой, тангут ва бошқалар билан муносабатларини мустаҳкамлашга, ўзининг таъсирини кучайтиришга интилган. Аmmo тортишувлар охири мўғул улусининг хони Темучин (Чингизхон)нинг ғалабаси билан якунланди.

XII асрнинг охирида татарлар, журжонларнинг Шимолий Хитойдаги Цзин давлати билан ички жанжаллари, бетиним хужумлари натижасида ниҳоятда заифлашади. 1198 йили уларга қарши Цзин (Чин) аскарларининг навбатдаги хужумига мўғуллар ҳам қатнашган. Бу урушда татарлар қатта талофатга дучор бўлиб, татар хони Мегучжин-Сеултухон вафот



Мўғул жангчиси

хам душманидан қолишмайдиغان мард, жасур, ўта хушёр киши эди. Оғир вазиятларда у аскарларига жасорат намуналарини кўрсатиб, мардларча қурбон бўлди. Қонли тўқнашув охири мўғулларнинг галабаси билан якунланди. Кучлуккина озгина армияси билан киргиндан қочиб кутулди. Ўша 1204 йилнинг кузидаёқ меркитларнинг ҳам анча қисми бўйсундирилган.

Найманларнинг Етгисувга чекиниши. Қора хитой гурхани ва Кучлук ас-Саккизи. Мўғуллар билан бўлган қаттиқ жангдан кейин омон қолган найманлар Иртиш

этади. 1202 йилда эса Темучин ёлғиз ўзи татарларга қарши юриш қилиб, уларни бўйсундиради. Бундан бир неча йил аввал 1198-1199 йилларда у Найман хони Тяньхоннинг укаси Буйрукхоннинг юртига хужум қилган эди.

Найманларнинг бири қанотининг қатгаси Буйрукхон жангда енгилиб, ўша даврда Кем-Кемжиут деб аталган киргиз юртига (Тува) чекиниб келади. 1203 йили мўғуллар керентларни босиб олишади. Темучин эса найманларни тўлик босиб олишга ҳаракат қила бошлайди. Хангай билан Олтой орасини, Иртишнинг юқорисини эгаллаган найманлар кўп сонли уруғ, қабилалардан ташқил топиб, обрў-қабтиборли хонлари, жуда кўп малакали аскарлари бор эди. Мўғуллар хужуми олдидан найман хонларининг тотувлигига путур етиб, Таянхон билан унинг укаси Буйрукхоннинг, қатта Кучлукнинг ўртасидаги олишувлар найманларнинг аҳволини заифлаштирди.

1204 йил ёзида 45 минг мўғул армияси найманларга қарши янгидан хужум бошлайди. Асосий жанг Урхунга яқин Наху тоғининг этагида бўлиб, мўғул армиясининг бошида Темучин турди. Найманларга Таянхон ўзи лашкарбошлик қилди. Таянхон

водийсида бир неча йил жон сақлашди. Уларни шахзода Кучлукхон ас-Саккизий-бошқарар эди. Унга мўғуллардан қочиб қутилган меркитлар ҳам бўйсунар эди. 1208 йили Тимучиннинг аскарлари Олтой тоғидан ошиб ўтиб, найман ва меркитларга ҳужум қилади. Бу уруш ҳам найман, меркитларни оғир киргинларга дучор қилди. Душмандан енгилиб, бошоломон ғарб сари сурилган найман, меркитларни оғир киргинларга дучор қилди. Душмандан енгилиб бошоломон ғарб сари сурилган найман, меркитларнинг кўпи Иртиш дарёсига чўкиб ўлди. Қолгани Кучлукка эргшиб Еттисувга қараб қочишди.

Бу томонда унга ҳам вазиёт кийинлашиб қолган эди. Маҳаллий халқнинг қора хитой хонларининг жабр-зудмидан норозилиги кучайиб, икки ўртада жанжал чиқишига оз қолган эди. Меркит, найманларнинг оқиб келиши унингсиз ҳам мураккаблашиб қолган сиёсий аҳволни яна баттарроқ оғирлаштирди.

Қочокларнинг бошловчиси Кучлукхон киданларнинг (қора хитойларнинг) гурхонига бўйсуниб, унга хизмат қила бошлайди. У гурхонга ўлкадаги кўзғолонларни бостиришга ёрдам бераман деб ваъда беради. Ўз атрофига тарикдек сочилиб кетган қочокларни тўплашга киришади. Натижада у бир қанча одамларни тўплаб олишга улгуради. Кучлукхон куч тўплаб олгандан кейин ўз ваъдасида турмади. Гурхонга ўлкадаги тўполонларни, бош-бошокликларни босишга ёрдам бериш ўрнига, тахтани эгаллаб олиш чораларини кидира бошлади.

Кўп ўтмай у қора хитой ихтиёридаги ерларнинг чекка-чекка ўлкаларига таловчилик юришларини уюштирди. Масалан, 1210 йил Кучлук хоннинг лашқари Ўзганга ҳужум қилиб, у ерда сақланаётган гурхоннинг хазинасини талайди. Ўша вақтнинг ўзиде қора хитойлар эгаллаб турган ерга ғарб томондан Хоразм шоҳи ҳужум қилган эди. У Самарқандни босиб олиб, аввалда гурхонга бўйсунган шаҳар ҳокими билан биргаликда Тарозга қараб йўл олади. Самарқанднинг ҳокими Усмон ўшанда очик-ойдин Хоразм шоҳи томонга ўтиб кетган. Тароздаги урушда иккала томон ҳам ғалабага эриша олмай орқага қайтишади. Ўрдага қайтган қора хитой лашқари ўз халқини йўл-йўлақай талай бошлайди. Улар Ўрда шаҳри Баласоғунга келганда, шаҳар халқи дарвозани беркитиб олган эди. 16 кунга чўзилган камал ҳолатдан кейингина аскарлар қалъани эгаллаб,



Мўғул жангчиси ўлжасини туяга юкламоқда

халкни шафқатсиз жазолашди. Тарихий маълумотларга караганда, киргин пайтида 47 минг киши қирилиб кетган. Шундай қайғули воқеалар вақтида халқ норозилиги тобора кучайиб, қора хитой гурхонининг ҳокимияти заифлашган. Қулай вазиятни кутиб турган Кучлукхон бундан ўз манфаати учун фойдаланди. Бунинг устига гурхоннинг аскарлари кўзғолон уюштириб, Кучлукхон томонига ўтиб кетишди.

Кучлукнинг ҳокимиятни қўлга олиши. Кучлукхон Қаялик ва Алмаликнинг қарлук ҳукмдори Мамдукхон билан қора хитойларга қарши иттифок тузишга улгурди. Бу икки шериклар охири жанубга қараб юришди. Қашқар ҳудудида қора хитойларнинг сўнги гурхони Жилигунни асирга туширадилар. Амалда 1211—1218 йилларда ҳокимият Кучлукнинг қўлига ўтади. Аммо, бу ўлкани бошқаришда найманлар билан қарлуклар учун фойдали бўлган кескин ўзгаришлар қилишга ботина олишмади. Чунки унинг аскарларининг кўпчилиги бундан сал илгарироқ у томонга ўтиб кетган қора хитойлар эди. Уларни норози қилмаслик учун ва ҳокимиятини мустаҳкамлашни кўзлаб, Кучлукхон гурхоннинг бошқарув аппаратида, қора хитой амалдорларига суянишни тўғри деб топади. Айни шу мақсадда у қора хитойлардек кийиниб, уларнинг урф-одатлари ва удумлари қабул қилиб, динига эътиқод қилган. Кейинчалик Кучлукхон Хоразм шоҳига қиданларнинг аввалги ер-мулкларини тенг бўлиб олишни таклиф қилади. Хоразмшоҳ бу таклифга кўнмайди ва икки томон талаша бошлайди. Ўша вақтнинг ўзиде жануби-шарқдаги Қорахонийларга қаршли Қашқар билан Хўтанга, шимоли-шарқдаги Алмаликқа ҳужум қилиб, уларни босиб олади. Бўйсундирилган шаҳарларнинг мусулмон динига қирувчи халқига тазийқ ўтказиб, қувғин қилиб, ёвузлик билан иш олиб борди. Найман хони диний маросимларни ўтказиш, ҳатто жума намозини ўқиш, шариат ишларини қилишни ҳам тақиқлаб қўйган. У қаршилиқ кўрсатган маҳаллий халкни аёвсиз жазолаб, обрў-эътиборли кишиларнинг, ҳоким, бекларнинг, дин пешволарининг кўзини очиб қўйган. Аксимхоннинг бундай тош юраклиги жонидан ўтган меҳнаткаш халқ кейинроқ (1218 йил) Жебе нўён етаклаган мўғуллар қўшини Алмалик, Баласогун, Қашқарни эгаллаганда, кўзғолонга чиқиб, Қашқардаги найман аскарларини қириб ташлашган. Озгина аскарни билан Помирни кўзлаб чекинган Учулукхон 1218 йили Бадахшондаги тўқнашувда асирга тушиб ҳалок бўлади, давлати бира-тўла тор-мор этилди. Олатоғлик ажойиб гўзал Қирғизистон ҳудуди кўп ўтмай Чингизхон империясига қарам бўлди.

Саволлар ва топшириқлар

1. Марказий Осиёдаги XII аср охиридаги сиёсий аҳволни эсингизда сақланг.
2. У вақтда қайси уруғ уюшмаси кучайган эди? Уруғларнинг яшаган ерларини аниқланг.
3. Найманлар қачон ва нима учун Еттисувга чекинган?
4. Кучлукхоннинг сиёсати ҳақида нималарни биласиз?

12-§. Чингизхон империясининг асосланиши. Қирғизларни босиб олишининг бошланиши

Темучин (Чингизхон)нинг ота-боболарининг жасоратлари ва ушгаг болалик чоғлари ҳақида ривоятлар. XIII асрнинг биринчи чорагида 40 ўлкани бўйсундириб, қонхўрлиги билан дунёга номи чиққан ҳукмдор мўғул хони Чингизхон эди. Албатта, унинг давлат арбоби эканлигига бир ёклама баҳо бериб овоза қилиш тўғри бўлмайди. Чунки у зиддиятли, кўп қиррали инсон. Мўғул халқи учун Чингизхон миллий қахрамон, буюк империяга асос солган ташкилотчидир. Тарихда биринчи марта у кўпгина феодал урушлар орқали куч билан мўғул уруғларини бирлаштириб, халқини жаҳонга танитди. Мўғул халқини бирлашган халқ сифатида шакллантиришда унинг хизмати зўр. Халқ орасида у эпик қахрамонга айланиб, унинг донишмандлиги, жасурликлари, зийраклиги, тадбиркорлиги ҳақида бекорга ривоятлар тўқилмагандир. Ундай ҳикояларнинг кўпини «Асил гаплар», ёки «Махфий тарих», «Олтин дафтар» номли ёдгорликлардан, форс тарихчиси Рашид-ад-диннинг (1247—1318 йиллар) «Тарихлар мажмуаси»да учратамиз. «Асил гаплар» (Ҳақ гаплар) — 1240 йили Чингизхон ва унинг уруғи, ота-боболари ҳақида ёзилган эпик асар. Муаллифи номаълум, уни баъзан «Махфий тарих» деб ҳам аташади. Чунки у хоннинг уруғи, авлоди учунгина махсус бағишланиб, яширин ёзилиб, хоннинг дахлсиз хазинаси, бойликлари орасида сакланган. «Олтин дафтар» Чингизхоннинг, унинг туб аجدоди ва мерос-хўрларининг расмий тарихидир.

Айниқса, Чингизхон ҳақида сўз кетганда, унинг салбий томонларини ҳам ҳеч яшириб бўлмайди. Юқорида у 40 ўлкани ўзига қаратди, деб айтилди-ку, ўша ўлкаларнинг ҳаммаси ҳам осонгина бўйсунвермаган. Босқинчиларга қарши у ўлкаларнинг халқлари бир қошиқ қони қолгунча қаттиқ қаршилиқ кўрсатди.

Ниҳояси кўринмаган бундай урушларнинг бо-ришида одам қони дарёдай оқди, беҳисоб бегуноҳ одамлар қирилди. Қанча-қанча овул, қишлоқлар ўтда қуйиб, гуллаган шаҳарлар вайрон бўлди, талон-тарож қилинди. Экин-тикиллари, ем-хашаклари, озик-овқат етиштирадиган далалари мўғул отларининг туёғи остида қолди. Аввало, айтганидан қайтмаган ёвуз хоннинг ажалга ҳайдовчи буй-руқларини бажармасликка иложи бўлмаган минглаган азамат мўғул йиғитлари бошқа юртларда ёш умрини қурбон қилди. Мўғул босқини Евросиё халқларининг хўжалигини барбод қилди, ўрнига келмайдиган маданий йўқотишга дучор қилди, дунё цивилизациясига (маданиятига) ғов бўлди.



Чингизхон

Тарихий маълумотларга ва ривоятларга караганда, Чингизхоннинг ота-боболари элу-юртга танилган, обрў-эътиборли одамлар эди.

Уруғи мўгул, киёт авлодидан. Отаси Эсугей ботир XII аср ўрталарида мугул уруғи уюшмасининг улусини мустақил бошқарган. Ҳарбий юришлар даврида жангу жадалда душман билан бир неча бор яккама-якка олишиб, эр йигит сифатида халқ орасида қахрамон номини олган. Бир сўзлилиги, адолатлилиги, ҳақиқатқўйлиги, килни қирқ ёра оладиган ҳолиселиги билан халқига ёққан. Ҳатто у бир вақт меркитларнинг зўри Эке Чилендудан тортиб олган ғоят донишманд заифаси Ўзлун хонимнинг дидига эркакларда кам учрайдиган фазилатлари билан ёқиб қолибди. Ҳудди ўша аёли унга бош фарзанди — дунёга машҳур бўлган Чингизхонни туғиб берди. Ўғли туғилишидан аввал Эсугей ботир Амбагай ҳоконининг қайғули ҳукмидан сўнг жуда қасдлашиб юрган душмани-татарларни босиб олиш учун жангга кетган. Жангда татарлар енгилиб қаҳ-рамон саркардалардан бири Темучин асирга тўшади. Мўгуллар шавкатли ғалаба билан қайтадилар. Ўша куни Укун дарёсининг ўнг қирғоғидаги Делиун булоғи бўйида Узлун кўз ёриб ўғил туғади. «Бола туғилганда ўнг қўлида уюган қонни маҳкам ушлаб тушган».

Буни кўрган-уққанлар янги туғилган гўдак оддий бола эмас, омон-эсон катта бўлиб, йигит бўлганда, йигитларнинг йигити, халқ севган энг яхши, буюк киши бўлади, деб юришибди. Бу гапнинг бекорга айтилмаганлигини кейинги воқеалар тасдиқлади. Эсугей ботир тўнғич ўғли душманини енгган куни туғилганини яхшилик нишонаси сифатида ирим қилиб, унга оқ суяк авлодларидан бўлган Темучин ботирнинг исмини қўйди. Бу 1155 йил эди. Келгусидаги улуғ хоннинг асли отаси Хайду Бўрўнчорнинг чевараси бўлади. Бўрўнчордан Бўржигин уруғи бошланади. Катта отаси Бартан ботирнинг отаси Хабул XII аср бошида хон деб аталиб, барча мўгул уруғи уюшмасини бошқарган. Ўша вақтда қайта-қайта Цзин давлатининг чегарасини бузиб, тинчитмаган. 1137 йил ҳал қилувчи жангда унинг аскарлари Цзинларнинг катта лашкарини тор-мор этади. У ўлгандан кейин унинг васиятига биноан хон ҳокимияти Хайдунинг набираси Амбагай ҳоконга ўтади. У ҳаётдан кўз юмганда, Хабулнинг ўғли Хутулу хон бўлиб кўтарилади. Темучиннинг катта отаси Бартан ботир Хутулу хоннинг бир туғишган укаси бўлар эди. XII асрнинг ўрталарида Хутулухон ўлгандан кейин мўгулларнинг уюшмаси бузилиб, авлодлари ўз ҳолича майда улусларга эгалик қилиб қолишади.

Эсугей ботирнинг улусига мўгулларнинг бир неча уруғи қирган. Унинг умри кўпинча «Халқ четида, ёв бетида», ғалаён ва ҳарбий юришларда ўтди. Темучин тўққиз ёшида отасидан ажралади. У йўл босиб келаётганда йўлда учраган татарлар заҳар қўшиб берган сувдан заҳарланиб ўлган. Темучин ёшлигидан кўп азоб-уқубатларни бошидан ўтказиб, жуда зийрак, пишиқ чиқди. Унинг отаси ўлгандан кейин, ботирнинг улуси тарқалиб кетди.


Оғир ҳаёт, яқин қариндошларининг қутилмаган ҳиёрати уни ниҳоятда қажшатди. Онаси Узлуй ғоят ақлли аёл эди. У болаларини ҳар доим инюк бўлишга қаққириб, уларнинг уруғи, ҳосиятли катта онаси Алан дуа, отаси Эсугуш ботирнинг жасоратлари,

хайрон коларлик даражадаги шавкатли ишлари ҳақида тўхтовсиз сўзлаб берар эди. Болаларини халқини, юртини севишга, таркалиб кетган уруғларни тўплашга, отасининг хурматини ўрнига қўйиб, ўрнини босишга ундаб тарбиялаган. Тугишганлар Хасар, Бектер билан Белгутайга қараганда Темучин кўпроқ отасига тортиб, ўта ақлли, хийлакор, топқир, ҳеч нарсадан тоймайдиган ғайратли бола бўлади. Ўжарлиги, кайсарлиги кекчилиги қора ниятлиги аччиғи келганда, ўз жигарини ҳам аямайдиган тошбағирлиги ҳам бор эди. Қисқаси, ўша замонга, муҳитга яраша тарбия олган, ўз даврининг фарзанди эди.

Темучиннинг «Чингизхон» деб эълон қилиниши. XIII асрнинг бошларида уруғ бошлиқларининг, нўёнларининг, катта ва кичик улусларнинг хонлари ўртасида ҳокимият таллашиб курашишлар мўғул улусининг хони Темучиннинг ғалабаси билан якуллади. Уни 1180 йили мўғул улусининг хони қилиб кўтаришган эди. Ўша кундан бошлаб у буюк хон номини олиш учун кураш олиб боради. Ҳар қандай хийла-найранглар ишлатиш ва кўплаб юришлар қилиб, Темучин хон ва нўёнларининг барчасини бўйсундира олди.

1206 йили Ўнўн дарёсининг бошланишидаги кўк яйловда оқ чодирлар ўрнатилиб, меҳмон кутиб ўтиришди. Чунки бу ерда Мўғулистонда яшайдиган уруғ бошлиқларининг қурултойи бўлиши керак эди. Унинг ташаббускори ҳам, уюштирувчиси ҳам Темучин бўлган. Айни ўша қурултойда буюк хон сайланиб, бутун мўғул халқининг келажаги, кейинги тақдири белгиланиши, муҳим масалалар муҳокама қилиниши керак эди. Айниқса, улар ижтимоий тараққиёт, ҳаётнинг ўзи талаб қилган, қачонлардир пишиб этилган масалалар эканлиги шубҳасиз. Қурултой Мўғулистоннинг чор атрофидан хонлар билан нўёнлар, Темучиннинг аввали ва кейинги тарафдорлари, иложсиз унга тиз чўкканлар келишди. Ўрдага ўхшаган ўртадаги оқ чодирда Темучиннинг баланд ўрнатилган муқаддас оқ байроғи ҳилпираб, тўпланган элга залворли кўринар эди. Қурултойда дарҳол Темучин бутун Мўғулистоннинг буюк хони деб эълон қилиниб, унга «Чингизхон» номи берилди. Форс тарихчиси Рашид ад-дин: «Чин» — ўзаги куч-қудратли, мустаҳкам, пишик деган маъноларни билдиради, «чингиз» дегани эса унинг кўплик тури, бошқача айтганда, кучли ва буюк ҳукмдор, деб ҳулосалайди. Хитойлик Чжао Хуннинг фикрича «чингиз» тушунчаси, «тангрининг ипъоми», Чингизхон номи давлатни асословчи ҳукмдор деганини билдиради. Кейинги вақтларда «чингиз» сўзини туркча «тенгиз», «денгиз» тушунчасидан келиб чиққан, деган фикрлар пайдо бўлди. Бу фикрга биноан «чингизхон» номи «денгиз, муҳитларнинг хўжайини, оламнинг хўжайини» деган маънони билдиради. «Чингиз» сўзини мўғулларнинг оқ йўл қўлловчиси, худо сингари синиган муқаддас пир-тангри билан боғловчилар ҳам бор.

Қурултойда «Кўк Тангриси» қўллаган Чингизхон янги тузилган бирлашган Мўғул давлатининг ҳарбий-маъмурий тузилишини яхшилашга киришди. У давлат тузумини ва армияни уч қисмга: ўнг, чап қанотларга, марказга бўлди. Ўнг қаноти Олтойгача бўлган ҳудудни ўз ичига олиб, барунгар дейилган. Чап қаноти жуңгтор



Мўгул хонишнинг уйгур ёзуви билан
ёзилган фармони

дейилиб, шарқдаги Цзин давлатининг чегарасигача чўзилган. Маркази хон ўрдаси жойлашган водий эди. Мўғулистон 95 ҳарбий-маъмурий районга бўлиниб, улар хонга мингбоши бошчилигида 1000 тадан жангчи юбориб туриш мажбуриятини олишган. Туманбоши (10000), мингбоши, юзбошилар хонга қилган хизмати учун ҳақ олиб туришган. «Оқ хизмат» ўтаган аскар бошиларидан, яқин ва ишончли оддий жангчилардан Чингизхон ҳар қандай мукофотларни ҳеч аямаган. Темирдай маҳкам интизомга эга бўлган, хонига жон-дили билан берилган аскарлар Чингизхоннинг шуҳратини оширди. Чингизхон жанг санъатини яхши ўзлаштирган, буюк лашкарбоши сифатида ҳам яхши маълум. Жанг пайтларида у ҳарбий хийла-найранг усулларини қўллар эди. Айғокчилик, пистирмачилик, илғор ўлкаларнинг янги қурол-аслаҳаларидан, ички алғов-далғовлардан усталик билан фойдаланар, душман лашкарини яққалатаб тор-мор қилишга интилар, жанг қилиш усулларини тез-тез ўзгартириб турар эди.

Айтаверса, унинг бундай афзалликлари кўп эканлиги маълум эди. Унинг бундай ундабурунлиги буюк ғалабаларга олиб келган бўлса ажаб эмас.

Жанубий Сибирдаги қирғиз улуслари XII аср бошида. XII аср охирида мўғул чўлларидаги турк халқларининг қолган-қутган қисмлари татар, найман, қариет, мўғуллар ва бошқа уйғурларнинг ўзаро қурашига гувоҳ бўлибгина қолмасдан, унга қатнашишга ҳам мажбур бўлишган.

Олиб кўрсак, 1199 йили Темучин Қизилтош кўлининг (ҳозирги Улунгур Нор кўлининг) ёнида найманларнинг хони Буйурукхоннинг кўшинини тор-мор қилганда, у Кем-кемжиут ҳудудига, аниқроқ айтганда, ҳозирги Тува ва Шимолий Мўғулистондаги унга чегарадош ерларга қараб кочган.

Шимоли-Шарқий Мўғулистондаги айрим қирғиз уруғлари ўз еридаёқ Мўғул тилли уруғлар орасида қолган, XII асрнинг ўрталарида Эниатхон ҳукмрон бўлган замонда найманлар қирғиз уруғини тор-мор қилган. Шубҳасиз, қирғизларнинг изи Шимоли-Ғарбий Мўғулистоннинг жой номларида (Қирғиз Нор кўли, Қирғиз райони), уруғ номланишларида (Хиргис, қора хиргис, шара-хиргис, мўдун хиргис номли мўғул уруғлари), тарихий ривоятларда (энг қадимги мазорларни Мўғулистонда «Хиргис-хуур» Мўғул хонишнинг уйгур ёзуви билан ёзилган фармони — қирғизнинг қабрлари деб атайдилар) сақланиб қолган.

Шимоли-Гарбий Мўғулистондан бошқа худудларда яшаган киргизлар ўзларининг муस्ताкил майда давлатларини XIII асрнинг бошигача сақлаб туришган. Бу даврда Энасойдаги киргиз ерлари иналлар бошқарадиган бир канча мулкларга парчаланиб, бўлиниб кетган эди. Баъзан бу ном руний сингари турк ёзма ёдгорликларида «хон» номи билан ёнма-ён эслатилади. Тарихий манбаларда Инал-оге, Угдем-инал, Шубуш-инал, Урус-инал ва бошқа иналларнинг исмлари эслатилади. Ана шундай инал бошқарган ўз ҳолича киргиз ер-мулкларининг бири XII аср охирида Тувада (Кэм-кэмжиут) шакланган. XIII аср бошида Жанубий Сибирдаги киргиз ер-мулкларининг энг йириклари иккита бўлган. Уларни Эрон тарихчиси Рашид ад-дин Қирғиз ва Кэм-кэмжиут давлатлари деб атаган.

«Кэм-кэмжиут деган катта дарё бир томондан мўғуллар худуди билан чегараланади. Унинг чегарасининг бири Селенга дарёсига тақалиб, бу ерда тайжиут уруғлари жойлашган. Бир томонидан эса Анара- мурэн деб аталган катта дарё билан кўшилиб, Ибир-Сибирь худудининг чеккасигача чўзилиб кетади. Кэм-кэмжиутнинг ҳам бир томони найман уруғлари жойлашган паст-текисликлар ва тоғлар билан чегаралашган. Кўру, баргу, тумат ва тайаут уруғлари Бергужин деган ерда (Шаркий Саян) туришади, у ҳам бу худудга яқин. Уларнинг айримлари мўғуллар», — дейди Рашид ад-дин.

Кэм-кэмжиут худудидаги номи катта Кэм (юқори Энасой) ва кичик Кэм (Хемчик) дарёларининг аталишлари билан боғлиқ ва ҳозирги Тувага тўғри келади. Қирғиз вилояти эса Минг Узан пастлигини (Ўрта Энасой водийси, Хакасия-Хоорай) эгаллар эди. У орқали Кэм-кэмжиут катта дарёси (Энасой) оқиб ўтиб, «Анкара-Мурэн»га қуядиган (Ангара) ва Ибир-Сибирь худудигача етар эди. Шарқроқда кўри уруғи (куриканлар-якутларнинг ота — (боболари) истикомат килар эди. Баъзан Еди-Ўрин аталган «Қирғиз» иналлигини Урус-инал бошқарар эди.

Қирғиз ўлкасининг ўз ҳолича майда давлатларга парчаланиб кетиши киргизларни ташки душманлардан ҳимоя қилиш имкониятини анча йўқотди. Мўғулларнинг ҳарбий юришлари бошланганда, бирлашган давлатлардан қачонлардир ажралиб чиққан киргизлар босқинчиларга деярли қаршилик кўрсатиша олмади. Душманнинг йўлини тўса оладиган етарли миқдорда тайёргарлиги, армияси ҳам бўлмаган.

Жучихонининг Сибирга юришлари.
Қирғиз — мўғул элчилик муносабатлари. XIII асрнинг бошида мўғуллар кучли удусларни — найман, татар, кериятларни тор-мор қилиб,



Урус-инал - XIII асрнинг бошидаги киргиз хукмдори



Киргиз элчилари — Наймавлар (тўралар) Еди инал, Алдиёр, Олебек тегиннинг Жўчихонга келиши. 1207 й.

шиб, маслаҳатлашиб, Жўчихонга таслим бўлишни маъқул топишади. Шунинг учун шахзодага ақл-фаросатли кишилардан иборат бўлган элчиларни юборишди. Акс ҳолда шу вақтгача кўпгина жасур йигитларини ер тишлатиб, халқни тиз чўктириб келган душмanning йўлини тўсишга қудрати етмас эди. Озгинагина аскарни бўлган ҳалқ яна бир қудай вазият — халқ дипломатиясини, элчилик санъатини қўллаб, оммавий қирғиндан омон қолди. Жўчихонга Еди-инал, Алдиёр ва Ўлебектигин бош бўлган қирғиз оқсуяклари элчиликка келишган эди.

Улар Чингизхонга халқининг бўйсунганини билдириб, шахзодага шун-қорларни, оқ аргумокларни ва оқ сувсарларни совға қилишган.

Жўчихон ўрдага қайтишида бошқа халқ вакиллари билан бирга қирғиз нўйўн-туманбошларини, мингбошларини Чингизхонга қасамёд қилдириш учун олиб кетган. Улар улуг хонга бўйсуниларида ҳам бир тартиб ўрнатилди.

Уша даврларда турк ва мўғул уруғларининг сиёсий йўналишлари тез ўзгариб турганлиги учун қирғизларнинг мўғуллар томонида эканлигини яна бир бор аниқ

Мўғу-листоннинг гарбидаги ва Жунгориядаги турк, мўғул уруғларини батамом бўйсундиради. Бўйсундирилган уруғларни Темучиннинг лаш-карбошиларидан бири Хўрчи бошқарар эди. Унга Олтой тоғларига Иртиш дарёсигача тоғли ўрмон худудларини эгаллаган барча эдеркин, чикос, тўўлўс, тўлўнгут уруғларини кузатиб туриш вазифаси юкланган.

1207 йил — куён йили Чингизхон катта ўғли Жўчини ўнг қанот аскарни билан қолган ўрмон халқларини, улар орасида қирғизларни ҳам босиб олиш учун жўнатди. Уйрот, бурят, бархун, урсут, хаб-ханас, ханхас ва тубас уруғларини бўйсундиргандан кейин, мўғул лашкари қирғиз юртининг чеккасига яқинлашади. Ўшанда қирғизларнинг юртбошилари, донишманд кексалари фикрла-

билиб олиш ниятида Чингизхон ўзининг Алтан ва Бура деган икки элчисини уларга юборди. Қирғиз иналлари бу икки элчи қайтиб кетаётганда ўзларини Элик-Темир ва Аткирек деган элчиларини қўшиб бериб, Чингизхон томонида эканлигини билдиришган.

Жанубий Сибирдаги халқларни умумий назорат қилиш вазифаси Жўчига юкланиб, у маҳаллий халқларнинг оқ суяк бошлиқларига таянган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Чингизхоннинг ота-боболари ҳақида нималарни биласиз?
2. Темучин деган ном унга қандай қилиб қўйилган?
3. Чингизхоннинг тadbиркорлигини таърифланг.
4. Эсугей ботир, Ўзлуи хоним ҳақида нималарни айта оласиз?
5. Чингизхон номининг маъносини таърифланг.
6. XIII асрнинг бошида Жанубий Сибирдаги қирғизларнинг қандай улуслари бор эди?
7. Уларни қимлар бошқарган?
8. Қирғиз иналларининг исмларини ёдингизда тугинг.
9. Қирғиз ва Кэм-кэмжитуга қарашли ўлкалар қаерда жойлашган?
10. Жўчининг босқинчиликлари ва қирғиз элчилари ҳақида айтаб беринг.

13-§. Мўғуллар ҳукмронлигига қарши кўзгolonлар

Чингизхон аскарларининг 1207—1211 йиллардаги босқинчилик юришлари. Жанубий Сибирга мўғул аскарларининг юриши 1207 йили бошланиб, 1211 йилигача давом этган. Бу босқинчилик даврида қирғизлар каби баъзи бир халқлар, уруғлар тинчлик йўли билан бўйсунтирилган бўлса, айримлари қаттиқ қаршилик кўрсатишган. Бунга кўпинча мўғул босқинчиларининг жабр-зулми, талон-тарож қилишлари, маҳаллий халққа кўрсатган хўрликлари туртки бўлди. Бу йилларда аввалги мавзуларда номлари келтирилган уруғлар ва эллардан ташқари, саян-олтойлик халқлар — шибир, кесдин (киштим), бант, тухас, тенлек, туўлўс, тас, бачжиги уруғлари ҳам мўғулларга қараган. Янги бўйсундирилган халқлар мўғул ҳукмдорларининг рухсатисиз бошқа ерга кўчиб кетиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Улар асосий хон солиғи сифатида Чингизхонга, унинг жой-жойлардаги лашкарбоши, туманбошларига қўшин тўплаб бериб туришган. Шунингдек, солиқнинг бошқа турлари ҳам олинган. Мўғул аскарларини от-улов, ишчи ҳайвон, озик-овқат билан таъминлаб туриши керак бўлган. Мўғул тўралари халқни ўзлари хоҳлагандай бошқариб, ўйинга келганини қилганлар. Уларнинг одам чидай олмайдиغان ҳатти-ҳаракатлари кўп ўтмай, маҳаллий аҳолининг қаҳр-ғазабини кўзгатди. Натижада турли жойларда мўғул босқинчиларига қарши курашлар авж олди.

Туматлар кўзғолони. Мўгул ҳукмронлигига қарши кўтарилган кўзғолоннинг дастлабкиси туматлар кўзғолони бўлиб ҳисобланади. Қирғиз ерларига чегарадош Шарқий Саянда яшаган туматлар 1217 йили кўзғолон бошлаганлар. Улар айтганидан қолмас, ўта ўжар, жангари халқ эди. Босқинчиларнинг борган сари ҳаддидан ошиши туматларнинг жонидан ўтиб, ориятига теккан. «Жангел халқининг» озодлик ҳаракатини қайта бош кўтармайдиган қилиб бостириш учун Чингизхон Саянга Борагул нўён лашкарбоши етакчилигида кўп кўшин жўнатади.

Мўгулларнинг бир неча бор йирик курашларидан кейингина кўзғолон вақтинча тўхтатилди. Бироқ босқинчилар зўр йўқотишларга дучор бўлишди. Тўқнашувлардан бирида Борагул нўён туматлардан найза еди, мўгул аскарлари эса йўлбошчисиз қолди. Бундан ниҳоятда ғазабланган Чингизхон, туматларни аёвсиз жазолаган, Борагул туманбоши мўгул аскарининг ўнг қаноти улуг амири, улуг хоннинг энг яхши кўрган лашкарбошиси эди. Шундай лашкарбошининг ёв кўлидан ўлиши мўгул аскарларининг шон-шухратига доғ туширган. Шунинг учун туматларга қарши Доро Докшин нўён бошчилигида янги, катта кўшин отлантирилди. Қурол-яроғи шай, яхши қуролланган аскарлари довондан ошиб ўтиб, туматларга кўкқисдан ҳужум қилди. Асирларнинг юз хонадони марҳум Бўрагул нўённинг болаларига қул қилиб берилди. Шунга қарамай, туматлар ёвга тўлиқ бўйсунди. Кейинги 1218 йили — барс йили Саян тоғларидаги бир ўнғурда-Байлуқда яшаган туматлар кўзғолон кўтарадилар. Мўгуллар уни тўхтата олмай, қорасиз қолдилар. Аскарлари ҳам анча сийрақлашди. Энди аввалги ваъда бўйича бўйсундирилган халқлардан хон солиғи қаторида аскар олишга тўғри келди.

Қирғизлар ҳаракати. Қурлуқ — кўзғолон бошлиғи. Мўгуллар туматларни тинчатиш учун қирғизлардан аскар сўради. Чунки қирғизлар туматларнинг ёнида яшаган яқин кўшниси эди.

Бироқ қирғизлар мўгулларга аскар йиғиб бериш ўрнига, аксинча, туматлар тарафида гуриб, кўзғолонга қўшиладилар. Афтидан улар туматларнинг тезқорлиғи, айрим ғолибона ҳаракатлари эркинлик учун курашга илҳомлантирган бўлса керак. Қирғизларнинг ҳаракатига Қурлуқ йўлбошчилик қилди. У бунгача ҳам халқни бошқарган, қадр-қимматли инсонлардан бўлган. Қурлуқ ўз халқини жуда севган, она Ватан озодлиғи учун ҳеч нарсадан тап тортмаган, ўлимдан қўрқмаган шер юрак етакчи бўлган. Бекорга халқ унга эргашиб, босқинчиларга қарши очик кўзғолонга чиқмаса керак. Кўзғолон пайтида ҳам у ҳар доим олдинги сафда юриб, бир неча марта қаҳрамонлик кўрсатди. У аскарлик санъатини ҳам яхши билган моҳир аскарбоши бўлган. Ернинг паст-баландини жуда яхши билган ботир лашкарбоши қулай ердан душманга оғир зарбалар берди. Бироқ кучлар тенг эмас эди. Душман аскарлари сонин, қурол-яроғи, урушга тайёрлиғи, тажрибаси жиҳатидан бир қанча устувлик қилган ёнининг кучи кўпгина жангларда тўқнашувлар, ҳужумларда анча сийрақланиб қолгани маълум.

Кўзғолон борган сари авж олиб, ёйила бошлаганда, Чингизхон Қирғиз ўлкасига тўнғич ўгли Жўчихон бошчилик қилган кучли кўшинини жўнатди. Дастлаб Нука нўён

лашкарбошилик қилган олдинги қаиғуулчу қўшин кирғизлар билан жанг қилиб қайтади. Қурлуи қўзғолони мўғулларнинг Жанубий Сибир, Саян-Олтой томонидаги хукмронлигига ҳавф туғдирган. Шунинг учун кирғизларнинг ҳаракатини тезроқ бостириш учун Чингизхон асосий қўшинлари, таниқли ботирларини жангга олантирган. Кўп ўтмай Жўчининг лашкари қишга яқин кирғизларни муз қоплаган. Кэм-Кэмжиут (Кичи Кэм — Эна Сойнинг бошланиши) дарёсига етиб келади. Унинг аскарлари муз орқали нариги бетга ўтиб, кирғизларнинг бир қисмини ўзига бўйсундирди. Ундан сўнг Жўчихон Минг Ўзан ҳудудига юриш қилиб, у ердаги кирғизлар билан бирга Қуйи Энасой бўйидаги қиштим, ханьханас, на, тўлўнгут, хўин, ирган, урасут уруғларининг барчасини қайтадан бўйсундиради.



Қурлуи қўзғолони. 1218-йил

Босқинчилар деярли бир ой давомида Тувани, Минг Ўзани, Тоғли ва Мўғул Олтойини у ёқдан-бу ёққа оралаб чоғиб, маҳаллий халқни жуда талон-тарож қилди. Бу қирғиндан минг ўзанликлар айниқса, кўп кулфат кўрди, азоб тортди, халқи кескин озаёди. Қирғизларнинг бир қисми қирғинга учраб, асирга тушди. Озгина қисми тўхайнинг ёв ега олмайдиган ичкарасига қараб қочди. Бироқ ўрнига келмайдиган кўп йўқотишларга қарамасдан, қирғизлар асосан аввалги макониди яшашни давом эттирдилар, уларни ўзларининг амалдорлари бошқариб турди. Озодликни севган эл-юртнинг ички турмушига аралашишга, уларни тўғридан-тўғри бошқаришга босқинчилар унчалик ботина олишмаган.

Жанубий Сибирь халқлари, энасойлик қирғизлар энди Жўчихонга бўйсуниб, унинг улусига қараган. Бу ҳудудлар янгидан ташқил топган Мўғул империясининг шимол-ғарбдаги чегараси эди. 1226 йили (1227) Жўчихон ўлгандан кейин қирғиз халқи улуг хоннинг улусига қўшилиб, Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуининг хукмронлигига бош эгдилар. Чингизхон 1227 йили вафот этгач, унинг улуси марҳумнинг васиятига кўра, кенжа ўғлининг қўлига ўтган.

1229 йилдан бошлаб отасининг ўрнига улуг хон тахтини эгаллаган Ўқтойхон

бўйсундирилган халқларни тинчитиш мақсадида эски одатни давом эттириб, меркит ва қирғиз уруғлари оқ суякларнинг қизларига уйланган. Никоҳ қилиш, куда кутиш азалдан давом этаётган халқнинг дипломатик алоқаси, халқаро дўстликнинг риштаси эди. Уқтойхоннинг тўртинчи хотини қирғиз қизи Жаачин ойим бўлган. 1239 йили журжонларга қарши мўғулларнинг шимолий Хитойдаги урушида қирғиз аскарлари Исмоил исмли мусулмон лашкарбошининг раҳбарлиги остида Хуай ҳудудида уришиб, журжен ҳужумини қайтаришган.

Тулудан кейин қирғиз халқи унинг кереит тул хотини Соркуктана бегининг хукмронлигига қарайди. 1251 йили Соркуктана бегининг ўғли Мунко ички низоларда ғалаба қозониб, улуг хонлик номини шахзода оғаларидан тортиб олади. У жой-жойлардаги кўтарилишларга йўл қўймаслик учун ҳар тарафга қўшин жўнатган. Шу мақсадда у Буқа нўённинг икки туман (20 минг) қўшинини қирғизларнинг ва Кэм-Кэмжиутнинг чегарасига юборган. У вақтда қирғиз юртида мўғул аскари бўлмаган. Қирғиз ерини бўлса бир неча йиллар маҳаллий тўра, беклар бошқариб қола берган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Мўғулларнинг 1207—1211 йиллардаги юришлари ҳақида нималарни биласиз?
2. Бўйсундирилган халқлар мўғул хонларига қандай солиқлар тўлашган?
3. Туматлар қўзғолони қачон, қаерда бўлган?
4. Қирғизларнинг ҳаракати эсингизда қолдими?
5. Қурлун ким эди?
6. Қирғизларнинг ҳаракати қандай тугади?
7. Қирғизлар қайси мўғул улусига қирғизланган?
8. Қирғиз ерларини ким бошқарган?

14-§. Мўғул хонларининг ҳужумлари ва қирғизлар

Мўғул хонларининг Етгисув ва Шарқий Туркистонни босиб олиши. Жанубий Сибир халқларини бўйсундиргач, Чингизхон Шарқий Туркистон орқали Етгисувни бўйсундира бошлайди. Бу ердаги айрим феодаллар мўғул хонига ўз хоҳиши билан бўйсунган. 1210—1211 йилларда Қаялиқ номли жойдаги қарлуқларнинг хони Арслонхон Чингизхоннинг ҳокимиятини тан олади. 1217 йили Олмаликнинг қарлуқ бошқарувчиси Бузар мўғул хонига бош эгишини билдирган. Бироқ у найман хони Кучлук билан бўлган жангда ўлиб, унинг бойлиги Чингизхоннинг қарори билан унинг ўғли Суғноқ тегиннинг мулкига айланган.

1218 йили Чуй водийсидаги ўрда шаҳар Баласоғун ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмай, мўғул аскарбошиси Жебе нўёнга тобе бўлди. Ўша йили Қашқар ерлари ҳам мўғулларга бўйсунган эди.

Еттисувнинг маҳаллий аҳолиси найман хони Кучлук ҳукмронлик қилган йилларда ва унинг Муҳаммад Хоразмий, Қарлук хонлари билан бўлган урушлари натижасида талонга учраган эди. Кучлук хоннинг мусулмонларни қувғин қилиши ҳам халқнинг норозилигини кучайтирган. Аксинча, жосуслари орқали оддий халқнинг найман хонига ёмон муносабатдалигини билган Чингизхон бу ерларда кирғин, сурғун, талон-тарож қилишни ман қилган. Шунинг учун аввал маҳаллий аҳоли мўғулларни азобдан омон олиб қолувчилар сифатида кутиб олишди. Нафратланган Кучлук хон Ўрта Осиёга, Помирга қараб кочди. Кейин мўғул қўшини уни Баласоғунда қувиб етиб, ўлдиргани маълум. Қирғизистон худуди ва барча қирғизлар эгаллаган ерлар 1218 йили Чингизхон империясига батамом бош эгди.

Ўрта Осиёни босиб олиш ҳаракатлари. Хоразмшоҳ билан муносабатнинг бузилиши. Еттисув ва унинг Жануб томонида Тангритоғда найманларнинг батамом енгилиши Ўрта Осиёни босиб олишга йўл очди. Ўша даврда Хоразм шоҳлиги Ўрта Осиёдаги энг йирик мамлакат эди. Бироқ ўлкада мустақкам бирлик, аҳиллик йўқ эди. Хоразм шоҳи Муҳаммад шоҳнинг ҳукмронлиги сусайиб, халқ орасида кадр-киммати йўқола бошлади. Унга Мовароуннаҳрдан ташқари Шарқий Эрон билан Ироқнинг бир қатор ҳудудлари қарарди. У Чингизхонни анчагача менсимай турди. Кучли қўшинга эга бўлишга қарамай, у мўғулларга қарши жангга етарли даражада тайёрланмади. Унинг аскарлари ўлқанинг турли тарафига сочилган бўлиб, аскарлик тартибига яхши амал қилишмаган. Унинг ўзи ҳам жанг қондаларини яхши билган йўлбошчиларнинг кенгашига кулоқ солмай, ақлли, доно кишиларнинг берган маслаҳатларига кўнмай, кўп кўнгилсизликлар келтирган. Хатто у ўғли Жалолиддиннинг ҳал қилувчи пайтда ҳимояланишдан кўра, чегарага қўшинни йиғиб, душманга қарши жанг қилиш қулай деган энг тўғри таклифини, маслаҳатини рад этган. Бу камчилигини, афсуски, Хоразмшоҳ кеч тушунди.

Чингизхон жосус ва савдогарлар орқали Хоразм мамлакатининг ахволини, керакли ерларини, шоҳнинг имкониятларини илгарироқ билиб олишга улгурган. Энди унга юриш бошлаш учун қулай вазият, бир баҳона керак эди, холос. Икки ҳукмдор ўртасида элчилик алоқалари 1216 йили бошланган. Ўша йили Мўғулистонга Хоразмшоҳнинг элчилари Баҳрвуддин бошчилигида келиб кетишган. Унга жавобан Чингизхон ўз элчиларини Урганчга жўнатган. Элчилар Муҳаммад Хоразмшоҳга Чингизхоннинг Шимолий Хитойдаги ғалабалари ва “Турк ўлкаларини” қарам қилганлиги ҳақида хабар келтириб, тинчлик шартномасини таклиф қилган. Мўғулларнинг ғалабалари Ўрта Осиёлик манмансироган, такаббур ҳукмдорнинг юрагига гулгула солиши керак эди.

Элчиларнинг ортидан айёр, ҳийлакор хон Хоразмга олтин, қумуш, Хитойнинг қимматбаҳо мўйналари юкланган 500 туяни 450 мусулмон савдогарига етаклашиб, қарвон жўнатади. Қарвон Хоразм мамлакатининг чегарасидаги кальаси Ўтрорга келганда талонга учрайди. Савдогарларни Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ҳокими Ройинхон Иналчукнинг буйруғи билан айқоччилар деб ўлдириб юборган. Ёлғиз туя хайдаган малайгина қочиб қутулиб, Чингизхонга совуқ хабарни етказди. Чингизхон Хоразмшоҳга



Аскар (кўшин) бошчи. XIII аср.

карлук хони Арслонхон, Олмаликлик карлукхони Сунак тегин ўз кўшинлари билан кўшилишган. Бу юришга энасойлик, шарқий тангритоғлик киргизлар ва бошқа турк уруглари ҳам тортилган.

Чингизхон Хоразмшоҳ мамлакатининг чегарасига етганда кўшинини тўртга бўлади. Бир бўлаги ўғиллари Чигатой билан Ўктой бошчилигида Ўтрорни камал қилиш учун қолдирилди. Иккинчи бўлакни Жўчихон Сирдарёнинг этагидаги Янгикент, Женд шаҳарларини (Қизил Ўрдага яқин) эгаллаш учун эргаштириб кетди. Учинчи тўп Фарғонадаги йирик шаҳарлар-Хўжанд, Бинокентни эгаллаш учун, тўртинчи тўпга Чингизхон ўзи йўлбошчилик қилиб, Бухоро ва Самарканд сари йўл олди.

Мўғул босқинчиларига Ўрға Осиё халқлари, ҳар бир шаҳар халки каттик қаршилиқ кўрсатди. Ўтрорни камал қилиш 1219 йили сентябрда бошланиб, деярли олти ойга чўзилди.

1220 йили февралда Бухоро, мартда Самарканд қон сувдай оққан жанглардан сўнггина душман қўлига ўтди. Бухоро шаҳри каттик қаршилиқ кўрсатганлиги учун

элчиларини юбориб, Ғойирхонни жазолаш учун мўғулларга беришни талаб қилади. Хоразмшоҳ мўғуллар билан уришишга ҳозирланиб, ғалаба қилишга ишонган эди. Шунинг учун Муҳаммадшоҳ элчини ўлдириб юборади, икки ёрдамчисининг соқолини қирқиб ўнатади. Шунингдек, у Чингизхонга уруш эълон қилганининг ор-номусига тегадиган жавоб айтиб юборади. Натижада барчаси Чингизхон ўйлагандек бўлиб, юриш бошлашга баҳона ўз-ўзидан топилади.

Босқинчилик урушининг бошланиши ва бориши. 1219 йили Чингизхон барча фарзандлари ва 150 мингча аскар билан Муҳаммад Хоразмшоҳга қарши жангга отланади. Ёзда мўғуллар Иртиш бўйида ёзлаб, урушга тайёргарлик кўргач, кузда Мовароуннахрга-Амударё билан Сирдарё оралиғидаги қадимий маданияти, хўжалиги ривожланган ўлка сари жўнайдилар. Унга йўлда уйғур бошчиси Баурчак, қаялик

вайронага айлантирилган, 30 минг эркак кириб ташланган, аёллар ва болалар кул қилинган. Айрим маълумотларга қараганда, Самарқандда 70 мингча одам қурбон бўлган. Бундай азоб-уқубатни, осмонни қора тутун қоплаган дахшатни одам боласи кўпдан бери кўрган эмас эди.

Мўғуллар йирик шаҳарларни қамал қилаётган пайтда, Хоразмшоҳ халқини ёвдан ҳимоя қилиш ўрнига ўз бошини олиб, Шарқий Эронга қараб қочди. Чингизхоннинг буйруғи билан Жебе нўён билан Субутой ботир ўз элидан қочган шохнинг ортидан қувишга жўнадилар.

Хоразмшоҳ Каспий денгизининг жанубий қирғоғидаги ороллардан бирида яширилиб юриб, кўп ўтмай 1220 йили декабрда вафот этади.

1220—1221 йиллари кишида мўғул кўшинлари Хоразм давлатининг пойтахти Урганччи ўраб олди.

Пойтахт шаҳрининг халқи: аёллар, эркак, бола-чақа демай, барчаси душманга қарши қаттиқ қаршилик кўрсатиб, бир қошиқ қони қолгунча жанг қилдилар. Бирок босқинчиларнинг қўли балинд келиб, Амударёдаги дамбани бузиб, шаҳарни сувга ботирадилар. Шундай қилиб, 1221 йили Ўрта Осиёнинг кўпгина қисмида мўғул ҳукмронлиги ўрнатилди.

Жалолиддиннинг қураши. Чингизхон юришларининг якуни ва оқибатлари. 1221 йили Шарқий Эронда мўғулларга қарши қурашга Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин бошчилик қилади. У жасур, ўткир, дов юрак ва ташаббускор шахзода бўлган. Тоҳаристондаги (Шимолӣ Афғонистон) Валиян кўрғони яқинидаги жангда у мўғул кўшинини енгди. Бундан аччиқланган Чингизхон уч туманни (30 минг аскар) Тоҳаристонга шошилишга жўнатади. Жалолиддин мўғулларнинг бу кўшинини Қобул дарёсининг бошланишига яқин ерда ўраб олиб, батамом янчиб ташлаган. Ғалаба ҳақидаги қувончли хабар тез орада халққа тарқаб, кўпгина шаҳарларда халқ кўзғолонлари кўтарила бошлайди. Бирок шахзоданинг аскар бошлиқлари ўлжа талашиб, ўзаро низо чиққач, улар мўғулларнинг юришларини бир йўла тўхтата олмадилар. Мўғул босқинчилари билан кейинги ҳал қилувчи жанг 1221 йили ноябрда Ҳинд дарёсининг қирғоғида бўлди. Бу қурашда Жалолиддиннинг кўшини енгитиб қолади, шахзода тўрт минггина навқари билан Ҳинднинг ўзанини кечиб ўтиб, қутулади. Ундан нари Месопотомияга, кейин Кавказ ортига чекиниб, Арманистон, Озарбайжон ва Грузияда куч тўплайди. 1231 йили Жалолиддин Уктойхоннинг йўлбошчиси Чармаган бошлиқ мўғул кўшини билан Озарбайжонда охириги марта жанг қилади. Жангда Хоразмшоҳнинг меросхўри енгитиб, кўп ўтмай вафот этади.

Мўғул аскарлари 1221 — 1222 йилларда Кавказ томонга юриш уюштирган. Жебе нўён билан Субутой ботирнинг йирик кўшини Кавказ ортида бир неча шаҳарларни вайрон қилгач, Дербет орқали Шимолӣ Кавказ томонга ўтиб, алавлар ва қипчоқларни қисади. Шунингдек, 1223 йили мўғуллар рус князларини ҳам енгитиб олишган. Кейин улар Волга бўйидаги Булғар хонлигига ҳужум қилиб, жангни муваффақиятсиз

яқунлаб, Мўғулистонга қайтишга мажбур бўлишган. Бу юриш кун ботишни эгаллаш учун қилинган дастлабки ҳужум эди. Жебе ва Субутойнинг жасоратидан хурсанд бўлган Чингизхон ўгли Жўчихонга янги юришга тайёрланишни буюради. Бирок зўр империяни асослаган Чингизхоннинг ўйлаган ўйи амалга ошмади. 1227 йили Жўчихон билан Чингизхон муддаоларига етмай, вафот этишди. Натижада йирик юришга тайёрланиш вақтинчалик тўхтади.

Мўғул аскарларининг XIII асрнинг биринчи чорагидаги босқинчилик юришлари жуда катта йўқотишлар билан яқунланди. Ўрта Осиёнинг гуллаб яшнаган йирик шаҳарлари билан қишлоқлари вайрон бўлди, беғунох халқ қирилди, талон-тарож қилинди. Минглаган эр-йигитлар, қизлар, жувонлар кулга айланди. Экин майдонларига ўт қўйилди, мол-мулкнинг кўпи ўлжага кетди. Билим масканлари, кутубхоналар, масжид, мадрасалар, маданий жойлар, азиз, муқаддас жойлар вайрон қилинди. Мўғул босқинидан кейин Ўрта Осиёга, айниқса, Тангритокка кўплаб мўғул уруғлари кўчиб келишди. Ўша мўғул замонидан тортиб, Қирғизистонда яшаган қирғизларнинг сони кескин камайган. Масалан, XIII асрнинг биринчи ярмидаёқ Тангритокка 200 минг кўчманчилар оқиб келган. Бундай оммавий юрт кўтарилиши орасида қирғизлар алоҳида кўпчилиكنи ташкил қилган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Мўғуллар Еттисувни қандай босиб олишган?
2. Нима учун Баласоғун шаҳри аҳолиси мўғулларга қаршилик кўрсатишмади?
3. Қирғизистон ҳудуди Чингизхон империясига қачон батамом бўйсунган?
4. Хоразм мамлакатининг сиёсий аҳволини таърифланг.
5. Ўрта Осиёга мўғулларнинг юриши қандай бошланди?
6. Ўрта Осиёдаги йирик шаҳарларнинг босқинчилардан ҳимояланиши ҳақида эсималар эсингизда қолди?
7. Муҳаммад Хоразмшоҳ ва унинг ўгли Жалолиддинга таъриф беринг.
8. Чингизхон юришлари оқибатларини ёдингизда тутинг.

15-§. Чигатой улуси. Ўзаро феодал урушлар

Чингизхон империясининг улусларга бўлиниши. Чигатой улуси. Чингизхон тириклигидаёқ ота-боболаридан қолган урф-одагга амал қилиб, ўғилларига улусларни мерос сифатида бўлиб берган. Қиличнинг зарбаси, найзанинг учи билан тузилган унинг зўр империяси улуг хоннинг хоҳишига кўра 4 улусга бўлинди. Кенжа ўгли Тулуга Чингизхоннинг ватани — Мўғулистон ва 101 минг аскар тегди. Мўғулистоннинг кун ботиш тарафидаги кўз илғамас кенг ҳудудлар катта ўғилларининг ўртасида бўлинган эди. Бундан ташқари, уларнинг ҳар бири отасининг доимий аскарларидан 4 мингдан

навкар олишган. Чингизхоннинг учинчи ўгли Ўктойга Мўгулистоннинг гарби, Олтой тоғи билан Или дарёсининг оралигидаги ерлар, Ирташнинг юкори қисми ва Тарбағатай худуди берилган. Унинг ўрдаси Тарбағатайда эди. Улуғ хон вафотидан сўнг, Ўктой (1228/29 — 1241) Ўрхун водийсидаги шаҳар-Қорақурумда яшади.

Чингизхоннинг иккинчи ўгли Чигатойнинг мулки шарқда Или дарёсидан бошланиб, гарбда Амударёгача чўзилган. Шарқий Туркистонни, Еттисув ва Мовароуннахрнинг кўпгина қисмини эгаллаган, Улуснинг марказий шаҳри Олмалик эди. Чигатой ёзни Или дарёси атрофидаги Куяш деган ерда ўтказган бўлиб, ўрда аҳли ҳам шу ерга кўчган. Унинг меросхўрларининг ўрдаси шарқ манбаларида Улуғ Иф (Улуғ уй) деган туркча ном билан машхур (Жувайни — форс тарихчиси, XIII аср) эди.

Чингизхоннинг тўнғич ўгли Жўчининг мулкига Ўрта Иртишдан тортиб, кун ботишда «татар отларининг туёғи етган ерларни», Еттисувнинг шимолидаги Итил (Волга) қирғоқларидан Шарқий Қипчоқ далалари (Дашти Қипчоқ) тўлиқ қирар эди. Рашидиддиннинг маълумотига кўра, Жўчининг ўрдаси Иртишга, бошқа маълумотларга қараганда эса Сарисувга яқин, «қипчоқ ўлкасида» жойлашган. Иртишда, Олакўлнинг бўйида XIII асрнинг ўрталарида Жўчихоннинг тўнғич ўгли (Ичен) Етеннинг ўрдаси бўлган.

Жўчининг ўгли Боту. Олтин Ўрда давлатини тузганда (1242) улуснинг сиёсий маркази Итал (Волга) бўйларига кўчган. Кейинчалик Ботунинг саройи, Беркенин саройи номли шаҳарлари хон ўрдасининг вазифасини бажарди. Чингизхоннинг янги бўлиштиришига кўра, Қирғизистон худуди бир-бирига яқин жойлар билан бирга Чигатой улуси қарамоғига кирди. Чигатой хон авлодининг, тирик шахзодаларнинг каттаси қаторида отаси ва акаси Жўчи ўлгач, кадр-қимматга эга бўлиб қолган эди. 1228 — 1229 йиллари у Ўктойни хон қилиб кўтарган шахзодаларнинг бошида турган. Ўктойхон акасининг руҳсатисиз ҳеч қандай қарор қабул қилмаган. Чигатой мўгулларининг қонунини, урф-одатини, хонликни сақлашнинг йўл-йўриklarини яхши билган.

Чигатой тасарруфига ўтган 4 минг барлос, кўнғирот уруғларидан ташкил топиб, оила-аъзолари билан кўшиб ҳисоблаганда 50 минг кишига етган. Шарудаги кўшни Ўктой улусининг 4 минг аскарни жалойир, кўнкўтан, сулдус уруғларидан ташкил топган. Кейинчалик, сиёсий аҳвол ўзгарганда, уларнинг барчаси аралашиб кетди. Ҳаммаси бўлиб, бу томонга аввал айтилганидек, XIII асрнинг 20 — 40 йилларида 200 мингга яқин мўгул кўчиб келган.

Бундан ташқари, Жанубий Сибирдан, Олтой, Шарқий Ташритогдан кўйлаб туркий тилли уруғлар, уларнинг ичида қирғизлар ҳам кўчиб кела бошлайди. Худди шу пайтда, Чингизхоннинг авлодлари ўзаро ҳукмронлик учун қурашаётган пайтда (1251 — 1259 йиллар) Ўктой ва Чигатой улусларига дов юрак туркларнинг ўн тумани ҳужум қилган. Бу кўшиннинг асосини Чигатой улусида халқнинг сезиларли кўпчилиги бўлган туркий тилли уруғлар ташкил қилган. Улар орасида қирғизлар ҳам кўпгина ўринни эгаллашган.



Жочу хоннинг гумбази. XIII аср. Марказий Қозоғистон

Тахт учун курашлар. Тангритоғнинг улуғ хонга бўйсундирилиши. 1241 йили улуғ хон Ўктой кўз юмди. Кўп ўтмай унинг ақли акаси Чигатой ҳам ўлади. Мўғул империясида тахт учун курашлар бошланиб, хон ўртасидаги муросасизлик беш йилга чўзилди. 1246 йилдагина Курултойда Ўктойнинг тўнғич ўғли Гуюк хон деб эълон қилинди. Гуюк хоннинг ёрлиғи бўйича Чигатой улусининг бошлиғи қилиб янги хоннинг яқин дўсти, Чигатойнинг ўғли Есу-Мункў тайинланди. Бунгача бу улусни Чигатойнинг Ўрта Осиёдаги юриши пайтида ҳалок бўлган тўнғич ўғли Мутугэндан қолган фарзанд Қора Хулагу бошқарар эди. Набирасини меросхўрликка Чигатой ўзи ҳаётлигидаёқ тайинлаган эди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, 1248 йил Гуюк хон ўлгач, Ўктой ва Тулу авлодлари ўртасида қайтадан тахт учун кураш бошланди. Чингизхоннинг васиятига кўра Ўктой ва унинг авлодигина улуғ хоннинг тахтини эгаллаши мумкин эди. Тулунинг отасининг олтин тахтини, улуғ хонликка ҳукмронликни таллашишга ҳеч қандай ҳукуки йўқ эди. Шунга қарамай, у одатни бузиб, ўз улусига қаноат қилмай, хон ҳокимиятига кўз тикди. Ҳиёнаткорлик, очкўзлик, ичи торлик ҳеч қандай яхшиликка олиб келмаслигини у ўйлаб ҳам кўймади. Натижада қариндош-уруғлар орасида ёлғон-яшиқ оралаб, тотувлик бузилди, ўлкада тўполон чиқиб, қон тўкилди.

Ота-боболар айтгандай: «бир кам дунё!», «шўри қуриган бечора эл!», шаҳзодалар уришса, азобини халқ тортди. Ҳокимият талашилган кураш пайтида, Ўктой билан Чигатойнинг авлодлари, уларнинг навкарлари, нўёнлари бирга

бўлишди, Тулунинг ўгли Мункў тарафидаги мўғул тўраларига Олтин ўрданинг забардаст хони Боту ёрдам берди. Унинг катъиятли ҳаракати, жангга тўғридан-тўғри киришиши натижасида улуг хон тахтининг тақдири Мункўнинг фойдасига ҳал бўлди. Ҳақиқатдан ҳам Мункўни хон қилган ҳам, янги хоннинг куч-қувватини ортириб, обрўсини кўтарган ҳам тўрт тарафга номи чиқиб, шуҳрати тош ёрган Боту хон эди. 1251-йили Мункў ғалабага эришиб, хон бўлиб кўтарилгач, у ўзига ёкмаган қариндош-ларини қувғинга олди, ўта ўчақишганларни қатл эттирди. Ўқтойнинг улуси йўқотилиб, унинг халқи, ери Мункўнинг яқин наварларни ишончига қирган кишиларга, хон хизматиغا ўтган нўёнларга «қамчига ўлчаб» бўлинди. Чигатой улусида ҳам шундай бўлиштиришлар ўтказилди. Бир қараганда, ташқаридан улуслар сакланиб қолгандай туюлгани билан, аслида Ўрта Осиё, унинг ичида Қирғизистон ҳудуди улуг хонга бўйсундирилган эди. Бироқ мустақиллик учун янги курашларнинг кучли тўлкини яқинлаб қолган эди.

Хубилай билан Ориқ Буғонинг низолари ва қирғизлар. XIII асрнинг 60-йилларида Мўғул империясининг бирлигига бир йўла путур етди. 1259 йили Мункўхон ўлгач, ҳокимият талашаётган ўзаро уруш қайтадан авж олди. Бу сафар Мункўхоннинг инилари Ориқ Буғо билан Хубилай бир-бирига хонлик номини раво кўрмай, қон тўкиб, тўқнашишди.

Тулунинг ўгли Ориқ Буғо 1252 йили онаси Сўруктана беги вафот этгандан бошлаб, Саян-Олтойни эгаллаб қолган. У ёзда Олтойда бўлиб, қишда Минг-Ўзандаги Қирғиз ерида қишлаган.

Шунингдек, у қишлоқ талашиб, қирғизларнинг ерини тортиб олгани, уларга зулм ўтказгани шубҳасиз.

1260 йили Ориқ Буғо мўғул империясининг маркази Қорақўрум — шаҳрида (мўғулча Хора-Хорин, Ўрхуннинг юқорисида ўрин олган XIII-XIV асрлардаги ўрда шаҳар) улуг хон қилиб кўтарилади. Бироқ мўғул аскарларига лашкарбоши қилиб Хитойда юрган туғишгани Ориқ Буғонинг хонлигини таи олишдан бош тортиб, ўз аскарни билан унга қарши жангга жўнайди. Чунки Хитойда бирга юрган мўғул нўёнлари уни ҳам улуг хон деб эълон қилиб юборган эди. Икки хон тенг чираниб, Шарқий Туркистонни, Еттисувни ва Ўрта Осиёни эгаллашни кўзлашган. Шу мақсадда, Хубилай бу тарафга ўзининг ишончли наварки Чигатойнинг авлоди Абишқани (Мутигеннинг набираси) Чигатой улусидаги ҳокимликни қўлга олиш учун жўнатган. Йўлда у Ориқ Буғонинг қўшинига асир тушиб, қатл қилинади. Ориқ Буғо шундан сўнг Ўрта Осиёга Чигатойнинг набираси Алғуни қатта отасидан мерос бўлиб қолган улусни бошқариш ва уни Хубилай қўшинидан ҳимоя қилиш учун юборади.



Хубилай хоннинг портрети. Хитой гравюраси



Хубилай хоннинг Хонбалиқдаги Пекин ўрдаси 1260—1295 йиллар

Алғу киска вақт ичида Чигатой улусини ўзига бўйсундира олди. Шунингдек, у Хоразм ва Афғонистоннинг шимолий қисмини эгаллайди. Кейинроқ у Ориқ Бугонинг номидан ҳаракат қилиб, мақсадига етишгандан сўнг, у билан алоқани узиб, ўз ҳолича сиёсат юргизган. 1262 йили Ориқ Буго кўп аскар билан Олтойдан Чигатой улусига келиб, Алғуга қарши уруш бошлади. Ўрта Осиёда феодал урушлари 60-йилларнинг охиригача тўхтамаган. Ўзаро урушлар натижасида Алғу ўлғач, ҳокимлик Чигатойлардан Ўқтой авлодига, унинг набираси Хайдуга ўтди. Хайду хон қилиб кўтариллишида уни Олтин Ўрданинг ҳукмдори Берекехон қўллаб-қувватлаган.

Энасой Қирғизларининг XIII асрнинг 60-йилларининг ўргаларидаги аҳволи. Хубилай билан дастлабки тўқнашувда енгилиб қолган Ориқ Буго қирғиз ерига чекиниб келган. Қирғиз ерида бир оз дам олиб, кўп куч тўплашга улгуради ва Хитойга юриш уюштиради.

Бироқ Тангут ҳудудидаги жангда унинг аскарлари иккинчи марта енгилиб, омон қолгани қайта қирғиз ерига қочиб келади. Ўзига бўйсунган халқларнинг, уруғларнинг сони қисқариб, ҳолсизланганда Ориқ Буго охири енгилишга кўзи етиб, 1264 йили Хубилайга бош эгиб боради. Ориқ Буго бошқарган йилларда мўғул аскарларининг қирғиз ерида, Кэм-кэмжитуда туриши, уларни озиқ-овқат, от-улов билан таъминлаш, унинг маҳаллий аҳолидан қайта-қайта кўшин тўплаши қирғизларнинг аҳволини оғирлаштирмай қўймайди. Қирғизлар Жанубий Сибирда мўғулларга нисбатан озчиликни ташкил қилган. Аввалда қирғизлар ҳудуддаги кўп сонли асосий халқ бўлганлиги маълум.

Ориқ Буго енгилгач, қирғиз ерлари Юань империясининг таркибига қиради.

Қирғизлар маркази Қорақўрум шаҳри бўлган Линбэй провинциясига тўғридан-тўғри қараган. Қирғиз ерлари бир неча маъмурий бирликларга бўлинган. Унинг ичидан йириклари Кянъяжоу билан Иланъяжоу Тувада, Қирғиз Минг Ўзанда (ҳозирги

Хакас-Хоорай ерлари) жойлашган. Хитойлик “Юаньши” асарида эслатилишича, ўша бўлиштириш пайтида киргизлардан тўккиз минг кўра қурилган.

Афтидан, бунда киргизлар яшаган қишлоқлардан бири ҳақида айтилса керак. Шундай қилиб, 60-йилларнинг ўрталарида киргизлар мўғулларнинг янги улуғ хони Хубилайнинг доимий давлат бошқарув системасига дуч келишди. Улуғ хон номидан уларни маҳаллий ҳокимият вакиллари бошқариб турган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Чингизхоннинг империяси қандай улусларга бўлинган?
2. Чигатой улуси қаерда жойлашган?
3. Чигатой ҳақида нималар биласиз?
4. Қирғизистонга турк, мўғул уруғларининг кўчиб келиши ҳақида нималарни биласиз?
5. XIII асрнинг 40-йилларидаги тахт учун курашга қайси шахзодалар қатнашди?
6. Мункў хонга таъриф беринг.
7. Ориқ Буго билан киргизларнинг муносабатини ёдингизда тутинг.
8. Харитадан улусларнинг тахминий чегарасини топа оласизми?

16-§. Хайду давлати

Хайдунинг хон бўлиши. Ўрта Осиёда мустақил давлат тузилиши. XII асрнинг 60-йилларида Чингизхон авлодлари ўртасидаги низоларнинг кучайиши мўғул империясининг емирилишига олиб келди. Империянинг ҳар қайси қисмларида ўз холича давлат тузиш ҳаракати бошланди. Бунга улусларнинг ҳукмдорлари каби маҳаллий оксуяклар ҳам жуда қизиқишган. Улар сиёсий воқеалардан четда қолмай, ҳал қилувчи роль ўйнай бошладилар.

Шунинг учун юртнинг машҳур кишилари, элбоши, юртбошилари улуғ хоннинг амрига тиз чўкишдан бош тортган шахзодаларни фаол қўллаб-қувватлай бошладилар. Ўрта Осиёда улуғ хонга қарам бўлмаган давлатнинг келиб чиқишида қандайдир бир вазиятда хўжаликни жонланиши ҳам имконият яратган.

Янги давлатни тузишнинг ташаббускори ва асословчиси Хайдухон бўлган. У Чингизхондан кейинги улуғ хон, Ўқтойнинг набираси эди. Шунингдек, керак бўлса, унинг барча мўғул империясининг улуғ хони деган номни олишга, ҳокимиятни таллашишга ҳақи бор эди. Хайду ўз вақтида Ўқтойнинг уқаси Тулуниинг ўғли Мун-кўнинг олтин тахт учун курашида унга очикдан-очик қарши чиққан. 1251-йили Ўқтойдан қолган улуснинг йўқ қилиниши унинг авлодларининг улуғ хонга норозилигини баттар кучайтириб, ашаддий душманга айлангирган.

Хайду XIII асрнинг 60-йилларида Хубилай хонга ва унинг елкадош навкарларига қарши курашда Ўрта Осиёдаги Чингизхоннинг авлодларини бирлаштира олди. 1269 йили Талас водийсида унинг ташаббуси билан аввалги Ўқтой ва Чигатой улусларининг оқсуяк тўралари қатнашган курултой ўтди. Курултойда Хайдухон қилиб кўтарилди, янги давлат тузилганлиги эълон қилинади. Дастлабки хоннинг исмидан келиб чиқиб, у тузган давлат тарихда Хайду хонлиги деб аталиб қолди. Хайду 1269 — 1301 йиллари хукмронлик қилган.

Хайду давлатининг ҳудуди, халқи ва хоннинг сиёсати. Хайду давлати асосан Ўрта Осиё маркази билан шарқда ташкил топиб, ҳудуди ғарбда Амударёгача, шарқда Олтойгача чўзилган. Унга Жунгория пастиги, Тангритоғ тўлиқ, Шарқий Туркистон, Фарғона ва Мовароуннахр тобе эди.

Хайдухон энасойлик киргизларни ўзига жалб қилиб, Хубилайга қарши гиз-гизлаган. Шунингдек, Чуй водийсини ўзининг мулкига айлантирган. Таласни



Хайдухон. 1269 - 1301-йиллар

Шоҳ деган ўгли бошқарган. Тангритоғнинг шарқи унинг яна бир ўгли Чапарнинг мулки бўлган. У кейин тахтини мерос қилиб қолдиргани маълум. Бу пайтда Ўрта Осиёнинг халқи ҳар хил уруғлардан иборат эди. Унинг ўзагини турк ва мўғул тилларида сўзловчи уруғлар тузган. Шарқий эрон тилида сўзлаган халқ азалдан ўлканнинг жануб томонидаги ерларни эгаллаб келгани маълум. Янги давлатнинг ташкил топиши эгалликни қайтадан бўлиштирди, кўчманчи уруғларнинг — Ўрта Осиёнинг марказига шарқидан ғарбинини кўзлаб кўчиб-кўнишлари билан қўшилди. Бу ўрта асрлардаги ҳарбий ҳолатга хос кўриниш эди. Одатда, шарқий ўлкаларда ғалаба қилган ҳар бир хон босиб олган халқни, ерни ўзи хоҳлагандай бошқарган. Масалан, аввал Тангритоғдан макон топган асли мўғул, барлос, кўнғирот уруғлари энди Мовароуннахрга кўчдилар. Шунингдек, уларнинг қўшни юртига Или, Иртиш Олтой томондан ўқтой

улусига қирган жалойир, конқотан, сулдус уруғларининг қолган-қутганлари кўчиб келишди. Егтисувга, Ўрта Осиёнинг шарқий қисмига Саян-Олтойдан туркий тилли уруғлар йилдан-йилга кўпроқ кўчиб кела бошлади. Оқибатда турли уруғларнинг аралашув жараёни кучайди. Бунга уларнинг қундалиқ ҳаётда бир-бири билан яқинлашиш эҳтиёжи, ўзаро маданий алоқаларда, хўжалиқда савдо-сотикнинг зарурлиги, сиёсий вазиятнинг ўзгариши туртки бергани шубҳасиз.

Хайду адолатли, юмшоқ табиатли, мамлакат манфаатини тўғри тушунган, мусулмонларга нисбатан нияти пок одам бўлган. Хайдухон аввалгидай халқни

талон-тарож қилишдан ҳеч қандай фойда йўқлигига кўзи етгач, у ўлканинг кишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга, қулай йўлга солишга, ўтроқлаштиришга киришди. Унинг бу ҳаракатини маҳаллий халқ, яқин ёрдамчилари кўллаб қувватладилар. У иқтисодий оғир вазиятни енгиш учун 1269 йили қурултойда солиқ сиёсатини тартибга солиб, расмий солиқдан бошқа барча тўловларни бекор қилган. Дехқончилик водийларида экинзорларга мол хайдамаслик тўғрисида кўчманчи зодагонлар оғохлантирилган. Шунингдек, узоқни кўзлаб олиб борилган сиёсат ўлка иқтисодини ривожлантиришга сабаб бўлди. Унинг пул ислоҳоти савдогар Мақсудбек Маҳмуд Ялавоч ўғлининг назорати остида муваффақиятли олиб борилди. Хайду даврида ўлкада бир қанча йиллар тинчлик ўрнатилиб, йўл ҳавфсизлиги мустаҳкамланади, хунармандчилик, ички ва ташқи савдо ривожланади. Натижада ўлканинг куч қудрати ортиб, давлатнинг ҳавфсизлиги таъминланади.

Хубилай билан Хайдунинг қасдлашиб тортишуви. Қирғизларнинг уларга мажбуран аралашуви. Хайду табиатан қасдлашишни, урушни хоҳламаган, тинчликни, осуда турмушни хоҳлаган хон эди. Шунинг учун у ҳукмронлик қилган йилларда «уруш қилганларнинг адаби берилиб», босқинчилик урушлари деярли уюштирилмаган. Кўпинча унга шарқдан барча мўғуллар хони Хубилай томонидан келадиган ҳавфга қарши қурашишга тўғри келди. Фарбда Эронни бошқарган қариндоши Хулагу ва унинг меросхўри Хубилайнинг иттифокдошлари бўлган. Хубилайхон Ўрта Осиёда ўз ҳукмронлигини ўрнатишни кўзлаб, Хайду мамлакатининг Олтойга яқин ерлари ва Шарқий Туркистондаги мулкига тинимсиз ҳужум қилган. Бунга жавобан ва душманга ғазабланиб, ўч олиш мақсадида Хайдухон ҳам Олтойга, Мўғулистонга юриш қилган. Ана шундай тўқнашувларга баъзан қирғизлар ҳам аралашушга мажбур бўлишган.

Шундай қилиб, қирғиз халқи ва унга қўшни бўлган эллар икки ўртада талаш бўлган. Ўтган мавзудан маълум бўлганидек, XIII асрнинг 60-йиллари ўрталарида энасойлик қирғизлар Юань империясига қарам эди.

1270 йили Хубилайхон ўзининг навқарларидан бири Лю Хао-Лини Жанубий Сибирь халқларининг ҳокими қилиб тайинлади. У маҳаллий халқни тинчитиш учун жўнатилган эди. Орадан кўп ўтмай, Хайдухон Энасойга элчисиши юбориб, қирғизларни Пекиндаги улуг хонга қарши қурашишга ундайди. Унинг бу ҳаракати беҳуда бўлмади. Хайдухон тарафига отган қирғизлар 1273 йили сулоласининг ҳукмронлигига қарши кўзғолон кўтаришди. Кўзғолон пайтида қирғизлар Хао Аини ушлаб келиб, уни ўлдириб қўйишларига оз қолди. Одамларга қилган яхши муомаласи, юмшоқлиги уни ажалдан сақлаб қолган.

1276 йили Хайдухон Мўғулистонга қарши қапта юриш уюштиради, буида ҳам қирғизлар Хайдуни кўллаб, Хубилай ҳукмронлигига қарши ҳаракат бошлагани маълум. Қирғизларнинг озодлик ҳаракати кучайган пайтда Лю Хао-Ли қуршовда қолиб,

огир ярадор бўлади. Охири у оппоқ қор босган Олтойни минг аскар билан зўрға ошиб ўтиб, қиргиндан қутулган. Қуршовда қолган Лю Хао-Лига қирғиз ҳукмдорининг мингбошиларидан бири сотилиб, унга йўл кўрсатиб берган. Қирғизларнинг ҳаракатига Юань сулоласининг қирғизлардан аскар йиғиши, уларни ўлканинг Жануб томонидаги қўшинларни парчалаб юбориши сабаб бўлган. XIII асрнинг 80-йилларида қирғизларнинг катта гуруҳи Мўғулистон марказига – Қорақўрум водийсига кўчирилади.

1286 йили Хайдухон Мўғулистонга иккинчи марта ҳужум бошлаганда, қирғизлар унинг ҳокимиятини тан олишган. Кейинги йили Хубилайнинг Манчжуриядаги ҳокими Наян кўзғолон кўтаради.

Эҳтимол, қирғизларнинг қилган иши қаттиқ таъсир қилган бўлса керак. Бахтга қарши, Наян кўзғолонини босиш учун Хэлинь ҳудудига кўчирилган қирғизлардан тузилган қўшиннинг юборилгани қандай ачинарли!

Қирғиз қўшинига асли қипчоқ бўлган Тутуха лашкарбошилик қилди. Кейин у Олтойни эгаллаганда (1290 йили) Хайдуга қарашли 3000 хонадонни асир қилиб, уларни Қорақўрумга олиб кетади.

1292 йили Хубилайхон Тутухани энасойлик қирғизларни қайтадан босиб олиш учун жўнатган. 1293 йили баҳорда у Энасойга келади. Музлаган дарё орқали олға юриб, унинг аскарлари бу ердаги қирғизларни босиб олган. Айтгандек, Тангритоғни пойтахт қилган Хайдухон энасойлик қирғизларга ёрдам бериш учун аскар жўнатган эди. Шунингдек, Тутуханинг аскарлари орасида қорақурумлик қирғизлар ҳам бор эди. Тутуха Хайду юборган қўшинни яқсон қилиб, унинг раҳбари Бўлўча деганини асир олган. Энасойлик қирғизлар билан Тангритоғдаги Хайдухоннинг Хубилайхонга қарши қаратилган ўзаро иттифоқи ўта мустаҳкамлиги билан қизик ва ажабланарлидир.

Жангларда асирга тушган қирғизларнинг бир қисми Мўғулистонга, аниқроғи Мўғул Олтойига сургун қилинди. Ана шу 1293 йили қирғизларнинг бир қисмини Хубилайнинг буйруғига биноан Манчжурияга — Сунгари билан Амударёнинг қўшилган ерида махсус қурилган Чжаочжоу деган шаҳарга кўчириб юборган. Қирғизларнинг яна бир қисми (700 хонадон) Манчжуриянинг бошқа ерига — Хэсикэ деб аталган ерга жойлаштирилди. Тинчи йўқ халқ сифатида қирғизларни зўрлаб, чека-чека ерларга атайлаб кўчириш кейинги йилларда ҳам давом этди. Масалан, Юань сулоласининг ҳокимлигини Темурхон давом эттирган даврда (1295—1307) Цзинь-Шань (Мўғул Олтой) тоғларида яшаган қирғизларнинг бир қисми Шаньдун вилоятига кўчирилиб, уларга экин экиб, тирикчилик қилиш учун ер, хўкиз ва уруғ берилган.

Бу кўчиришлар энасойлик қирғизларни кўп йўқотишларга дучор қилган. Қирғизлар «тарикдай сочилиб», сонини озайди, кўпчилиги кииндик қони тўқилган она Ватанидан ҳайдалди. Қирғиз давлатининг батамом тутатилиши энг оғир йўқотиш бўлди. Уларнинг қаровсиз қолган юртлирини бутунлай бошқа халқлар эгаллай бошлади. XIV асрнинг бошида қирғиз ерлари аввалгидай Юань империясининг Лин-бэй провинциясининг таркибига кирган. Мўғул тўралари қирғизлар кўчирилганда қаровсиз қолган ерларга

мўғул, уйғур ва хитойларни ўтроклаштиришга кўп куч сарфлаган. XIV асрнинг иккинчи ярмида Юань империяси кулагач, киргиз ерлари қайтадан мустақилликка эга бўлиб, ўз улуғлари бошқариб турди. Айрим йиллардагина ўйрот хонлари киргизларга ҳукмронлик қила олди. Бирок ўйротлар кўпинча қасдлашган халқас хонлари билан уришиб, овора бўлишган.

Манчжурияда яшаб қолган киргизларнинг кўпчилиги мўғуллашиб ёки хитойлашиб кетган. Уларнинг айримлари манчжуриялик Хейлуиңзян вилоятадаги бугунги: фуйу киргизларининг аجدодларидан бири деб тахмин қилинмоқда.

Мўғуллар даврида Марказий Осиёнинг ҳар хил ерларига таркаган киргиз гуруҳлари уйғурларга, лоптуқларга аралашиб кетган, айримлари эса мўғуллар ва ўйротларга қўшилган.

XIII асрда турк-мўғул жанглари пайтида Энасойда, Мўғул Олтойида ва уларга чегарадош ерларда яшаб келган киргизларнинг бир қатор янги уруғлари Тангритоғ ерларига кўчган. Бу ердаги бошқа маҳаллий турк халқлари ва келтиди мўғул, шаркий турк уруғлари киргизлар ичида яшашни учун тарихий шарт-шароит яратилган.

XIII асрдан кейин Саян Олтой ерларида қолган киргизларни Сибирь киргизлари деб, Шаркий Туркистондаги ва Қирғизистондаги киргизларни Тангритоғ киргизлари деб белгилаймиз. Уларнинг кейинги этник тарихи бир-биридан кескин фарк қилади.

Хайду давлати XIV асрнинг биринчи ярмида. Хайдухон вафот этгач, (1301) XIV асрнинг биринчи ярмида у тузган давлат ўзаро ҳокимият талашини майдонига айланган. Хайдухоннинг қизи Хутулун томонидагилар унинг укаси, шахзодаларнинг кенжаси Урусин хон қилишни кўзлашган. Шунингдек, Дува бош бўлган чигатойлар авлоди Хайдухоннинг яна бир ўғли Чапарни қўллаб, уни 1303 йили хон деб эълон қилишган. Дува 1282 йилдан бошлаб Хайдухоннинг энг ишончли ёрдамчиси бўлган. Ўлкада унинг обрўси жуда юқори эди. Шунинг учун у 1305 йили тахтни осонгина тортиб олди. Бирок кўп ўтмай у оламдан ўтди, ҳокимият унинг ўғли Кунжекнинг қўлига ўтди (1306 — 1308 йиллар). Ўзаро низолар кейинги йилларда ҳам тўхтамади. Ўқтойлар билан чигатойлар баъзан сулҳга келгани билан, кўпинча бир-бирига қасдлашиб, бир-бирининг ерини, халқни талаганлар.

XIV асрнинг бошида Чигатой наслидан бўлган хонларнинг фаолиятида ўлкани марказлаштириш, Мовароуннаҳр халқи билан яқинлашиш ҳаракатлари аниқ сезила бошлади. Бу вақтда кўпгина ишлар Дуванинг ўғли Кебекхоннинг (1318 — 1326 йиллари) даврида амалга оширилди. Кўчманчиликдан воз кечиб, у Или ҳудудидан Мовароуннаҳрга кўчган, айрим шаҳарларни тиклашга ёрдам-лашган Кебекхон Мовароуннаҳрдаги Насаф шаҳрига яқин ерга янги пойтахт шаҳар – Қаршини қурдиради. 1321 йили у дун ислохотини ўтказган. Шунингдек, маъмурий ислохотини амалга ошириб, марказий ҳокимиятни анча мустаҳкамлаган. Ундан сўнг тахтни мерос қилиб олган укаси Тармаширин (1326 — 1334 йиллари) ҳам марказлаштириш сиёсатини давом эттирди. Бирок аввалгидек оғоод, эркин яшашни хоҳлаган, кўчманчилик ҳаётини

ва патриархал уруф-одатларини сақлаб қолишни кўмсаган тушунчаси тор кишилар ва кўчманчи уруғ бошлиқлари курашни тўхтатмадилар. Охири улар 1334 йили кўзғолон уюштириб, Тармаширинни ўлдиришади. Феодал урушлар қайтадан авж олиб, ўн йилдан ортиқроқ вақтга чўзилди. Марказлашган ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун кўп куч сарфлаган Чигатой авлодидан бўлган охириги хон — Козон хон ҳам 1346 йили ўзбошимча кўчманчи оксуяклар билан бўлган курашда қурбон бўлди. Козонхонни йиқитган Балхнинг (Шимолий Афғонистон) амири Козоғон (1346—1347 йиллардан бошлаб ҳукмронлик қилган) Чингизхон авлодларидан бирини расмий равишда хон деб эълон қилиб, унинг номидан ҳокимлик қилган.

XIV асрнинг 50-йиллари охирида Чигатой давлатининг ғарбий қисми ўн бештача ўз холича, алоҳида бўлган мулкка бўлиниб кетди. Уларни турк, мўғул жанговор кўчманчи оксуяклар билан маҳаллий феодалларнинг вакиллари бошқарган. Худди шу вақтда мўғул оксуяк уруғларининг турклашув жараёни охирида қолган эди. Мовароуннаҳрдаги юқоридагидай ўзларига ёққан хон авлодларини хон деб эълон қилишни 1348 йили тангритоғлик уруғ бошлиқлари ҳам ишлатишган. Улар Чингизхоннинг Тўғлик-Темур деган шубҳали авлодини хон деб эълон қилишиб, иш олиб боришда унинг номидан мўғулларнинг турклашган дуглат уруғининг амири Пўладчи ҳокимлик қила бошлади. Бу ўлка кейин Мўғулистон деб аталди.

Савол ва топшириқлар

1. XIII асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёда нима учун мустақил давлат тузилган?
2. 1269 йилги Таласдаги курултой ҳақида нималарни биласиз?
3. Хайду давлатига каерлар кирган?
4. Хайду хонга таъриф беринг.
5. Хубилай ва Хайдунинг бир-бири билан кураши ҳақида айтиб беринг.
6. Мўғул хонларининг жангларида кирғизларнинг қатнашуви ҳақида нималарни биласиз?
7. XIII асрнинг 80-90-йилларида кирғиз халқи каерларга кўчирилган?
8. XIII асрнинг 90-йилларида кирғизлар энг асосий нимасидан ажради?
9. XIV асрда Хайду давлатида қандай ўзгаришлар бўлди?

IV БОБ

КИРГИЗЛАР ВА КИРГИЗИСТОН XIV АСР ЎРТАСИ — XV АСР БОШИДА

17-§. Мўғулистон давлати

Мўғулистон давлатининг тузилиши. XIV асрнинг ўрталарида Ўрта Осиёдаги Хайду давлати икки қисмга бўлиниб кетди. Шарқда Мўғулистон давлати тузилиб, ғарбий қисмида вақтинча алоҳида бўлган феодал мулклар 70-йилларнинг бошида Темур давлатига бириктирилди. Бирлашган давлатнинг тикланиши иқтисодий ва сиёсий сабаблар билан боғланган қонуний кўриниш эди. Тарихий географик «Мўғулистон» тушунчаси ва давлатнинг номи «мўғуллар ўлкаси» деган маънони билдириб, «монгол, мўғул» этнонимидан келиб чиққан.

Ўрта Осиёда ўша даврда турклашган мўғулларни мўғул ёки мўғол деб аташган ва ёзиб қолдиришган. Тарихий манбаларда Мўғулистон давлатининг халқи келиб чиқишига кўра аслида туркий тилли уруғлар катори ифодаланган. Шунингдек, келгинди мўғуллар маҳаллий туркий тилли халқ билан аралашиб кетгани аниқ. Аралашув узокка чўзилиб, бир асрни ўз ичига олган. Мўғулистонда номи туркча ёки мўғулча аталган кўпгина уруғлар: дуғлат, қангли, (бекчик), керент, (кирей), арканут, баарин, арлот, барлослар, энг мухими булғачи уруғ бирикмасидаги киргизнинг бўстон, тент, ёвкесек (жўўкесек), дўўлўс, кидириша ва қангли уруғлари яшаган. Охириги олти уруғ ичкилик киргизларнинг бошловчиси бўлган. 1348 йил расмий равишда Мўғулистон давлатининг тузилган йили деб ҳисобланади. Сабаби, ўша йили дуғлат уруғининг улуг амири Пўладчи бош бўлган тангритоғлик уруғларнинг йўлбошчилари Оксув шахрига йиғилиб, Чигагойнинг авлоди Дуванинг ўн саккиз ёшли набираси Тўқлук Темурни хон қилиб кўтаришган. Унинг пойтахти Или ҳудудидаги Олмалик шахрида жойлашган. Янги давлатни тузишда хал қилувчи роль ўйнаган амир Пўладчи отадан болага мерос бўлиб қолувчи улус беги лавозимини эгаллаган. Тўқлук Темур даврида ислом динини тарқатиш бўйича хал қилувчи чоралар кўрилган. Чунки у ғоявий таянчга эга бўлишни кўзлаган.

Сиёсий майдонга алоҳида янгидан чиққан дуғлат уруғининг аввал ҳеч қандай кадр-қиммати бўлган эмас. XIV асрнинг иккинчи чорагидагина буларнинг номдор кишилари элга танила бошлайди.

Мўғулистоннинг чегараси аниқ бўлмай, тез-тез ўзгариб турган. Унинг тахминий чегараси шарқда Барскўл, Эмил ва Ирғишдан бошланиб, ғарбда Туркистон билан Тошкентгача чўзилган. Шимолий мулки Балхаш кўлига етиб, жанубда Қашқар, Оксув, Турфон, Фарғона орқали ўтган.

Унга Еттисув, Фарғона, Шарқий Туркистоннинг шимоли, жанубий Олтой тобе

бўлган. Мўғулистон давлати бир-бирига бош элмаган ярим-ёрти улуслардан иборат эди. Улус бошлиқлари хонга расмий вассал бўдишган холос.

Мўғулистоннинг ҳокимлик — сиёсий бошқаруви Мангалай Субо (Бош ўлка) деб аталган худуд эди. Унинг пойтахти Оксув шаҳри (Шарқий Туркистон) эди. Мангалай-Субога Фарғона водийси, Тошкент водийси, Тошкент худуди, Ўш, Отбоши, Норин худудлари, Оксув, Қашқар, Ёркент, Хўтан шаҳарлари қараган. Бу худудга дуглатбеги Пўладчи ҳукмронлик қилган.

Мангалай-Субодан шимолдаги Сирдарёдан Илигача бўлган йирик худудни, шу жумладан, Шимолий Қирғизистонни Пўладчининг укаси Қамариддин танҳо бошқарган.

Тангритоғнинг шарқий худудлари ва Или билан Иртиш дарёлари оралиғидаги худуд учинчи бир улусга Булғачи улусига тааллуқли бўлган. Бундан ташқари, Или дарёсининг шимолида, Тарбағатай-Эмил худудида кичик мустақил улуслар бўлганлиги маълум.

1358 йили Балх амира Қазағон ўлдирилиб, Тангритоғдаги дуглат амирлари Мовароуннахрнинг салмоқли бўлагига ўзларининг марионет-қўғирчоқ хони Тўқлук Темур ҳукмронлигини ўрнатилган. Барлос кабиласидан чиққан Амир Темур ҳам 1360 йили Тўқлук Темурнинг ҳокимиятини тан олган.

Тўқлук Темурнинг хонлигини номигагина тан олган беклар тез-тез унга қарши кўзғолонлар қилиб турган. У ўлғач, 1362—1363 йиллари меросхўри бўлган ўғли Илёсхўжа Мовароуннахрни вақтинча қўлдан чиқарди. 1365 йили Чирчик ёнида машҳур Лой жанги бўлиб, Қозоғоннинг набираси Хусайн ва Амир Темур аскарлари Мўғулистон жангчиларидан енгилган. Бирок, Илёсхўжа Самарқандни ололмай қайтган. 1365—1366 йиллари Илёсхўжани Тангритоғдаги унга қарши гуруҳ ўлдириб, бу иш бошида турган Қамариддин ҳокимиятини қўлга киритишга ҳаракат қилган. Мўғулистонда қайта ички тахт учун курашлар авж олган.

Тангритоғ халқининг Амир Темурга қарши кураши. Суюргатмишни хон деб эълон қилиб, Мовароуннахрда ўз ҳокимиятини ўрнатган Амир Темур (1370—1405 йилларда ҳукмронлик қилган) Тангритоғ ва Шарқий Туркистондаги мўғул-киргиз давлатларини ўзига тобе қилиш учун узокқа қўзилган уруш бошлади. 1371 йили у Қамариддиннинг аскарларини таъқиб этиб, Иссиқ-кўлга борган. 1375 йили



Ногора турлари: а- хитойинки, б- хидуинки



Амир Темура (1336 - 1405-йыллар)

у Сайрам, Талас оркалы янги юриш килиб, жете (карокчи, эркин кўчманчи) деб камситилган Мўғулистон шимолидаги кўчманчилар кишлокларини ишгол этиб, Шаркий Тангритоккача бориб кайтган. 1376 йили кипчок Сарibuка ва жалойир Одилшох бош бўлган кўшин Амир Темулга карши кўзголон кўтарганда, уларга мўғулистонлик аскарлар кўшилган. Хуллас, улар бу гал хам маглубиятта учраган.

1377 — 1379 йиллари Амир Темурунинг Тангритокка юриши партизан курашига дуч келиб, аввалгидек натижасиз якуланди, кўчманчи халк хозирги Олаогодан Или, Тарбагагайгача кўчиб чекиниш билан асосий кўшини ва элини саклаб колган.

1388 йили Амир Темурунинг Эронга юришидан фойдаланиб, тангритоғлик улусларнинг зодагонлари унга карши Окўрданинг хукмдори Тўхтамиш билан сиёсий иттифок тузиб, Мовароуннахрга биргалашиб хужум килишган. Уларнинг муваффакиятсиз

юришидан сўнг, 1389 йили Амир Темура Тангритоғдаги «ожете ўлкасига» йирик хужум бошлаган. Беш кўшинга бўлиниб харакат килган Амир Темура аскарларига карши Энге-Тўра (Боймурод черик)нинг улуси ва шаркий тангритоғлик киргизларнинг Булгачи улуси қаттик туриш беришган. Олтой (шу жумладан, Мўғул Олтойи)гача чекинишга мажбур бўлган тангритоғлик киргизларнинг айрим кismi Амир Темурунинг кўшини томонидан Самаркандгача туткин килиб борилгани тўғрисидаги ривоят Ахсикентийнинг «Мажмуа ат-таворих» деган асарида ёритилган. Тарихчи Махмуд ибн Вали киргизларнинг Шайбонийлар билан Амир Темулга карши иттифокдош бўлганлигини эслатади.

«Манас» достонига киритилган вокеалардан бирида киргизларининг мажбуран Олтойга кўчиши ва кейин кайта Таласга — хозирги Қирғизистондаги ўз Ватанига кайтиб келиши-калмоқлар билан эмас, Амир Темура билан кураш даври ёритилади. «Мўғулистонлик ўрмон арслонлари» деган ном олган киргиз жангчилари толмай курашганлар. Уруш даврида Искандар Амирзода Олмалик, Хўтан, Бешбалик шахарларидан ва тангритоғлик киргизларининг сулув кизларини бир неча бор Амир Темулга тортик килиб юборгани (1399 — 1400) маълум.

Асосий аскар кучи билан биргаликда Иртиш Олтойгача сурилган тангритоғлик улусларининг зодагонларидан бири Камариддин XIV асрнинг 90-йиллари кочокликда юриб ўлкада ўлган.

Киргизларнинг кабила бирлашмалари. XIII — XV асрларда тангритоғлик киргизлар ўзлари билан кўшни, жамоатдош яшаган маҳаллий турк кабилаларини,



Темурийлар давридаги аскарлар. XV аср

хусусан турклашиб кетган сўғдлар, суриялик, арабистонлик, эронлик келгиндиларнинг авлодлари, турклаша бошлаган мўғулларни синдириб олган. Ҳозирги олатоғлик қирғиз халқларининг ўзаги — тарихда қадимдан бери маълум бўлиб келган қирғизлардир.

Тарихи Марказий ва Ўрта Осиё билан боғлиқ бўлган деярли барча туркий халқларнинг компонентлари бугунги қирғиз миллати таркибига кирганлиги «Манас» достонида, қирғиз шажараларида таърифланган қабила номлари (кипчок, дўўлўс, жедегер, нўғой, катағон, сарт, ўттиз ўғил, жабағи, черик, мундуз, ўзбек, кандил, азиқ, бичини, тордош, буғу, чала қозок, туркман, хитой, мўғул ва бошқалар) да аксини топади. Қирғиз ривоятларида Қорахон, Ўғизхон, Турк ота қирғиз халқининг аجدодларидан бири сифатида баён этилади. Ҳар хил тарихий даврларга тааллуқлиқ бўлган тарихий Ватан сифатида шарқда — Энасой, Селенга, Ўрхун, Олтой, марказда — Тангритоғ (Олатоғ унинг Қирғизистон ҳудудидаги бўлими, Улуғтоғ Қашқардаги қирғизлар ҳудуди), ғарбда — Помир, Бадахшон. Хўжанд, Фарғонанинг айрим водийлари, Жиззах тоғлари кўрсатилади.

Худди ўша кенг ҳудудда қирғизлар бошқа халқлар билан бирга яшаб, ривожланиб келган. Бошқа қардош халқлардек қирғизлар ҳам қадимги хуннуларнинг сиёсий



Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси. Туркистон шаҳри

бошқарув тизими меросидан киргиз қабила бирлашмаларини тузишда кенг фойдаланишган.

Масалан, қирғизларнинг ўнг қанот, чап қанот бўлиб ажралиши хуннуларнинг дуал (жуфт) бошқарувини эсга солиди, Ахсикентийнинг ривоятига қараганда, қирғизлар қора хитойларга қарши уруш қилганда (XII аср) икки қанотга бўлинган. Жуфтлик бошқарувини марказий ҳокимият таъминлаб турган.

Ўша уч қисм кейинги қабила бирлашмаларида номигагина сақланиб қолди. Урф-одатлар шажарасида ўнг қанот қирғизлар (афсонавий Оқ ўғилдан таркаганлар) га тоғай, адигине, мунгуш қабила бирлашмалари, чап қанот қирғизларга (афсонавий Куу ўғилдан таркаганлар)га сарик, қушчи, мундуз, басис, хитой, жетиген, тўбўй, чўнбағиш ва бошқа қабилалар, сўнг ичкиликларга бўлса кипчок, найман, тейит, кесек, бўстон, нўйгут, тўўлос, ават каби қабилалар кирган. Ўз навбатида ҳар хил катта қабилалар майда қабилаларга ажралган. Масалан, тоғай бирлашмаси сарибағиш, буғу, сўлтў, тинимсейт, саёк, черик, баарин, жедигер, азрик, бағиш, мўгул қабилаларидан, адигине қабила бирлашмаси бўлса жўўрў, бўри, қорабағиш, сарт қавмларидан, мунгуш бирлашмаси бўлса жағалмай, қўштамга қабилаларидан

иборат бўлган. Ҳар бир қирғиз ўз етти отасини билиши шарт бўлган, шажарачилар обрў-эътиборли инсон катори иззат-хурматга сазовор бўлишган.

Қабилалар ва ҳар хил халқлар ўзаро этник алоқаларнинг бир кўзгуси шажарадир. Лекин унинг маълумотлари танқидий кўз билан қарашни талаб қилади, зеро бир вақтда бир неча қабилла бирлашмасига тарқаган қабилла компонентларининг кўплиги, ўрта асрларда қирғизларнинг Ўрта ва Марказий Осиёдаги турли давлатлар таркибида қолиши, сиёсий йўналиши бўйича ўзаро фарқлиниши ва бошқа жиҳатлар эсга олинishi шарт. Масалан, XV асрнигина эътиборга олсак, қирғиз гуруҳлари Мўғулистон Уйрот конфедерациясининг сиёсий турмушида фаол қатнашиб, ўзаро қарама-қарши давлатларнинг худудида яшаган.

Қирғизларнинг мустикал сиёсий бирлашмаси. Аҳмадхон ва Султон Халил Султон. Темурнинг ўзи ва авлодларининг Шимолий ва Марказий Тангритоғдаги босқинларидан сўнг бу худудларда сиёсий ҳокимият қирғиз қабилла зодагонларига ўта бошлади. Айрим мўғул амалдорлари Олатоғдан Қашқарга суриб ташланди. XV асрнинг 80-йиллари Олатоғда туркий халқлар мустикал давлат тузишган. Қирғиз хонлигини 1484—1504 йилларда Аҳмадхон («Олачахон») бошқарган.

Мўғулларнинг расмий равишдаги умумий ҳукмдори Юнусхон (1462—1487 йиллар)нинг иккинчи ўғли Аҳмаднинг қирғиз зодагонлари тарафидан чақирилиб, хон қилиб кўтарилиши унинг Чингизхоннинг авлоди сифатида ҳокимиятининг қонунийлигини тан олдириш учун қирғизларга зарур бўлган. Аҳмадхон ўзига бўйсунмаган арлот, қалучий каби қабилаларнинг зодагонларини уруғи билан қириб ташлади. Унинг Қирғизистондаги қучли давлатининг меросхўри бўлган ўғли Халил Султон (1504—1508 йиллар) «қирғизларнинг подшоси» ҳисобланган.

Ҳозирги Олатоғ худуди Қирғизистон деган сиёсий аталишини XV асрдан бошлаган. 1508 йили қашқарлик мўғул зодагонлари Мансурхон Аҳмад ўғли ва унинг оғаси Махмудхон билан жангда Халил Султон мағлубиятга учраб, Фарғонага борди ва бу ернинг беги Жонибек томонидан ўлдирилди.

Қирғизистондаги қирғиз қабилалари бундан бошлаб мўғул зодагонлардан хон чақирмасдан, Муҳаммад Қирғиз исмли ўзининг бегига бўйсуниб қолишди.



Ранг-баранг, сирланган нақшли товоқ.
XIV—XV асрлар. Талас водийсидан топилган

Саволлар ва топшириқлар

1. Хайду тузган давлат қайси ҳудудларни ўз ичига олган?
2. Мўғулистон давлати қачон шаклланди ва у қандай қисмлардан иборат? Манғалай-Субо қаерда?
3. Амир Темурга қарши Таңгритоғ халқининг урушлари нима билан яқунланди?
4. Қирғизларнинг қабилалар бириклари тўғрисида қандай шажаравий маълумот бор?
5. XV аср охири-XVI аср бошида Қирғизистонда қайси хонлар ҳукмронлик қилган?

**18-§. Таңгритоғлик ва шарқий туркистонлик қирғизлар
XVI аср – XVII аср бошида**

Қирғизларнинг XV асрнинг охири XVI асрнинг бошидаги этносиёсий уюшмаси. Бу даврда мўғуллар давлатининг хонлик тахтида Юнусхоннинг ўғли Маҳмуд ўтирган (1487—1508). Маҳмудхон даврида давлат маркази Тошкент шаҳри бўлган. Маҳмудхоннинг отаси Юнусхон ўйротлар билан бўлган йирик жангда оғир талафотга учрагандан сўнг, XVI асрнинг 80-йилларида Тошкент ҳудудига кўчиб борган. Мўғулларни бу ердан Қашқар томонга XVI аср бошида Шайбонийлар суриб чиқарди. Маҳмудхон ўтроклашган ҳаётни хоҳлаган кишиларга ён босса, укаси Аҳмад кўчманчиларга кўпроқ кўнгил кўйган. Ўтган мавзудан маълум бўлганидек, қирғизлар уни XV асрнинг 80-йилларида бекорга хон қилмаган бўлса керак.

У оғизда Маҳмудхоннинг ҳокимлигини тан олгани билан, амалда Мўғулистоннинг катта қисмини ўзи хоҳлагандек бошқарди. Мўғул хонларининг аввалги пойтахти Оқсув шаҳри (Шарқий Туркистонда) унинг макони эди. Сиёсий воқеаларнинг кейинги чигаллашуви Мўғулистонда энди ўз ҳолича икки давлатнинг шаклланишини кўрсатди.

Қирғизлар у пайтда ҳозирги Қирғизистон халқининг бошловчиси Аҳмадхоннинг (1484—1504 йиллар) таянчи-суянчиси бўлган. Шимолий Қирғизистонда XIX асрнинг охирида (80-йиллар) таркиб топган этносиёсий бирикманинг ўзагини ҳам шу қирғиз уруғлари ташкил қилган. Аҳмадхон вафот этгач, илмга берилган ўн уч яшар ўғли Султон Халилни қирғизлар ўзларига подшо (1504—1508 йиллар) деб эълон қилинмаган. Муस्ताқилликка тўла эга бўлиш учун мўғуллар давридан бери кўчманчи халқларнинг онгига синган одат бўйича Чингизхоннинг авлодигина хон бўлиши керак эди.

Аҳмадхонни қасдлашиб юрган душмани шайбонийлар захарлаб ўлдиргандан кейин, унинг ҳокимияти ўн олти ёшли тўнғич ўғли Мансурга қолган. Бироқ кўп ўтмай унинг ўлкаси ярим-ёрти муस्ताқилликка эга бўлган майда улусларга бўлиниб кетди. Мансурхон дастлабки пайтда Чалиш (Қорашахар) билан Турфон ерларининггина саклаб қолди. Энди оғизда Оқсувдаги барча мўғул юртига Маҳмуд ўтирган. Кейинчалик

уни ўғай укалари Итикентга (Фарғонада) ҳайдаб чиқаришади. Қирғизларнинг катта гуруҳлари ўша пайтда Иссиқкўл бўйларида эди. Улар ёнига Мансурнинг ўрдасидан оғаси Султон Саид қочиб келади. Султон Халил Аҳмаднинг олтинчи ўғли, Султон Саид эса учинчи ўғли эди.

1504 — 1508 йиллари ҳозирги Қирғизистоннинг худудида ака-укалар Маҳмудхон, Мансурхон, Султон Халил ва Султон Саид ўртасида тинимсиз низолар чиқиб турди. Ўзаро низолар пайтида Султон Халил билан Султон Саид бирга бўлишди. Улар асосан қирғиз уруғларига таянишган. Охири қирғизларнинг кескин ҳаракатлари натижасида Маҳмудхон Мовароуннахрга бош олиб қочишга мажбур бўлди. У ерда уни Шайбонийхоннинг буйруғига кўра оила аъзолари билан бирга ўлим жазосига тортишган.

Ана шу қайғули воқеадан кўп ўтмай Мансурхон ёвлашган укаларининг таянчи бўлган қирғизларга қарши юриш бошлайди. У бунгача Турфонда кўп аскар тўплаган эди. Шаҳзодалар ҳам тек турмай қирғизлардан, ўзларини қўллаган мўғуллардан ёрдам олиб, урушга ҳозирланишади. Ёвлашган иккала тараф Чарин-Челак (Илига қўйилган ўзанлар) деган ерда тўкнашди. Бу тўкнашув Алмати дейилган ерда ўтган деган маълумот ҳам бор. Бу жанг Мансурхоннинг ғалабаси билан якунланди. «Қирғизларнинг подшоси» Султон Халил Мовароуннахрга — Муҳаммад Шайбонийхон ерларига қараб қочади. Бирок у ажалдан омон қола олмайди. Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳукмига кўра, уни сувга чўктириб ўлдиришган. Султон Саид аввал Иссиқкўл, Норин орқали Андижон томонга қочиб, қаландар кийимида Қобулга кетади. Қобулда уни жиғини, Темурийлардан бўлган Бобур кутиб олиб, яхши муносабатда бўлган.

Мансурхоннинг аскарлари билан бўлган жангда енгилган қирғизларнинг анчаси Турфонга кўчирилади, қолгани тоғ бағрига чекинади. Бирок ёв кетгач, қирғизларнинг кўпчилик қисми Кўл бўйларида ва Чуй соҳилларида яшаб тургани маълум. 1510 йилга келганда улар Мўғулистонга мўғулларни йўлатмай тўлиқ хужайинлик қилишган. 1514 йил бошларида сиёсий майдонга айланган Иссиқкўл худудига ҳамма тарафдан қирғиз уруғлари қўллаб кела бошлайди, ички бирлик мустаҳкамланди. Бу пайтда ҳозирги Қирғизистон худудини асосан қирғизлар эгаллаб тургани шубҳасиз. Қирғизлар мўғулларни Қашқарга суриб чиқаришган. Қирғизларни қўшни юртлари шарқда Оксув, Чалиш (Қорашахар), Турфонга, жанубда Қашқар, Ёрқентгача чўзилган. Фарбада қирғиз ерининг чети-чегараси Талас этакларигача бориб, шимоллий-шарқда Или дарёси орқали ўтган. Худди шундай мураккаб даврда қирғизлар мустақилликка эришиб, ақли ва ботир йўлбошчи Муҳаммад Қирғизни ўзларига ҳукмдор деб эълон қилишган.

Муҳаммад Қирғиз — қирғизларнинг амири. Тарихий манбаларда 1514 йилдан бошлаб, қирғизларнинг ўз олдига улуғи, ҳукмдори сифатида Муҳаммад Қирғизнинг исми кўпроқ учрайди. У 20 йилдан ортиқроқ вақт қирғизларнинг этносий бирикмаси — Тангритоғда янгидан шаклланган давлатни бошқариб турган. Унинг пойтахти ҳосиятли Иссиқкўлнинг куёшга тескай томонидаги Барскоон дарёсининг



Мухаммад Қирғиз. XVI аср

бўйдан ўрин олган. Ўша хатарли даврда Ўрта Осиёда ва Шарқий Туркистонда юзага келган алғов-далғов, оғир вазиятда у жуда чиниккан, узокни кўра билган сиёсатчи, мохир давлат арбоби, уста дипломат сифатида танилиб ажралиб чиқди. Мухаммад Қирғиз аввал ҳам пухта ўйланган бир қатор муваффақиятли юришларни уюштириш орқали истеъдодли йўлбошчи сифатида танилган эди. У мўғул хонлари, елкадош козоқлар, шайбонийлар давлати билан ҳарбий ҳолатга яраша муомала қилган. Мухаммад Қирғиз ўлкадаги зўр аҳамиятга эга бўлган ўзгаришларнинг гувоҳи ва ҳақиқий иштирокчиси бўлган. Айрим олимлар уни шажарасидаги Тоғай бийга ўхшатишади. Шажара бўйича қирғизнинг ўнг қанотиغا қирган уруғларнинг асли отаси Тоғай бий Ирешехон (Рашидхон)нинг ўрдасига оқ уйга омонат бўлиб, икки йил бегона ерда тутқун меҳмон сифатида юрган. Муддати тугагач, хон унга эркинлик бериб, ўз элига юборган. Мухаммад Қирғиз Она Ватанининг мустақиллиги,

халқининг эркинлигини ҳимоя қилишга кўп куч сарфлади.

XVI асрнинг бошида Темурийлар давлати батамом емирилиб, Мовароуннахрни кўчманчи ўзбеклар босиб олишди. Уларни Чингизхоннинг набираси Шайбоннинг (Жўчининг ўғли) авлодлари бошқарди. Мўғулистондаги сиёсий аҳвол оғирлашиб, феодал тарқоқлик ҳукм сурганда Шайбонийларга Фарғонанинг ҳукмдори Темурий Бобур (1483 — 1530) қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Бирок 1512 йил у енгилиб, ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлди. У туркий, форс тилларида ғазал ёзган шоир, тарихчи ва йирик давлат ҳукмдори сифатида машҳур. Заҳириддин Мухаммад Бобур Темурийларнинг Фарғонадаги ҳукмдори Умар шайх мирзонинг ўғли эди. У ўн икки ёшида отасининг ўрнига тахтга ўтирган. У она юртидан қувғин қилинган, Афғонистонга ўтиб, кейин Ҳиндистонга юриш қилиб (1519 йил), Буюк Мўғуллар империясини асослаган. Унинг 1493 — 1529 йиллардаги воқеаларни ўз ичига олган «Бобурнома» асари ўрта асрлардаги Ўрта Осиё тарихига доир қатта аҳамиятга эга бўлган тарихий манба ҳисобланади.

1514 йили Мухаммад Қирғиз раҳбарлигидаги қирғизлар мўғул шахзодаси Султон Саиднинг Қашқар ерларининг улуғи Абу Бакирга (дуғлат амири) қарши курашида фаол қатнашди. Бунга акаси Султон Халил «қирғизларнинг подшоиси» деб аталган вақтда унинг элаглар билан тузган иттифоқи туртки бўлгани шубҳасиз. Султон Саиднинг асосий мақсади юқоридаги ерларда ота-боболаридан қолган хонлик салтанатини тартибга келтириш эди. Ака-ука шахзодалар курашида енгилиб, Афғонистонга ўтиб кетган Султон Халил энди Андижонга қайтиб келиб, Ўш худудни орқали Қашқар билан Ёрқентга юриш бошлаган эди.

Юриш бошланиши билан Муҳаммад Қирғиз Султон Саид билан аввал келишиб олиб, Ёркентга ҳужум қилади. Ҳужумда шаҳзода юборган обрўли кишилар ҳам қатнашади. Қирғиз кўшини Ёркентдан ўн беш чакирим узоқликдаги Арслон боғ кишлоғига ҳужум қилиб, уни яқсон қилади. Кейин янги Хисор билан Қашқарни эгаллаш учун жанг пайтида Муҳаммад Қирғизнинг кўшини ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мана шу жангдаги жасорати учун Султон Саидхон унга қимматбаҳо совғаларни: тўқаси олтин камар, олтин, қумуш кўзалар, қумғонларни бериб мукофотлаган. Қашқарни ўшанда икки ой давомида қирғиз кўшини эгаллаб турди. Қирғизларнинг қатъий ҳаракатлари натижасидагина Султон Саидхон Еркент, Қашқар ўлкасидаги Чинғойлар сулоласининг ҳокимиятини тез орада тартибга келтира олди. Шарқий Туркистонда қайта жонланган янги мўғул давлати кейинги тарихий манбаларда Мўғуллар давлати деб аталган. Ёркент шаҳри унинг маркази бўлган.

Афсуски, қирғиз-мўғул иттифоқи узоққа чўзилмади. Иттифокнинг бузилишига кўпинча мўғул хони билан оксуякларнинг яширинча тил бириктирган душман-лик ҳаракатлари сабаб бўлди.

Чунки улар ажойиб гўзал, мол-мулкка бой, табиати бетакрор, ҳавоси ёқимли қирғиз ерларига эга бўлишни истар эди. Мўғуллар ҳам кўчманчи чорвадорлик билан шуғулланишган. Йилдан-йилга уларнинг болалаган уй хайвонлари кўпайиб, ери озайган. Бунинг устига Қашқар, Турфон ҳудудлари тошлоқ бўлиб, иссиқ ҳавода яшаш на қулай эди. Шунинг учун мўғул тўралари жанжал чиқариш учун қулай вазиятни кутиб туришди. Охири қирғизлар билан тинчлик алоқаларини бузиб, ёвлашишга баҳона ҳам топилди.

Муҳаммад Қирғиз Сирдарё бўйидаги шаҳарларни эгаллаб олишга интиланган қозоқ хонларини ҳар доим қўллаб қувватлаган. Унинг кўшинлари бир неча марта Шайбонийларга қарши Андижон, Ахси, Сайрам, Тошкент, Туркистон шаҳар-ларига юриш қилган. Шундай юришлардан бирида қирғиз кўшини Шайбоний хоннинг ўғай укаси Абдуллони асирга туширади. У Туркистон қалъасининг беги эди. Бироқ бир кундан кейин Муҳаммад Қирғиз Абдуллога хон авлоди сифатида ҳурмат кўрсатиб, асирликдан бўшатади. Қирғиз улуғининг бу «қилиғи» мўғул хони Султон Саидга ёқмайди. У Муҳаммад Қирғизни «сотқинлик қилди»,— деб очикдан-очик тухмат қилиб, 1517 йили кузда қирғизларга қарши ҳужум қилди. Султон Саид ўзини оқлаш учун бу юришни кўшни ўлкаларнинг мусулмонларини талон-тарож қилган «қофир» қирғизларга қарши муқаддас уруш шiori остида уюштирди. Қашқарда тўпланган ёвнинг беҳисоб кўп аскарлари уч қисмга бўлиниб, Барскоон, Жууку, Қапчигаёй орқали тунда қўл атрофига келиб, Муҳаммад Қирғизнинг ўрдасига қўққисдан ҳужум қилишга тайёрланади. Душман тун бўйи жангга тайёрланиб, тонг саҳарда кузги қиёв тарқаётганда қарнай-сурнай, ноғараларни чалиб жангни бошлайди. Жанг Барскоон дарёсининг этагидаги кенг ёйиқда ўтди. Қирғизлар жон-жаҳдлари билан душманга қаттиқ қаршилиқ кўрсатди. Бироқ қутилимаганда босиб келган ёвнинг ҳужумига дош бера олмайдилар. Қонли жангда қирғизлар енгилиб Муҳаммад Қирғиз асирга тушади.



Захириддин Муҳаммад Бобур .
«Бобурнома» қўл ёзмасига миниатюра. XVI аср.



Мовароуннахрадаги архитектуралик эсталик.
XIV-XV асрлар

Ҳайдарнинг (1499—1551 йиллар) ёзганига караганда, қирғизлар 1517—1522 йилларда Мовароуннахрнинг шаҳарларига тез-тез хужум қилиб, Шайбонийлар давлатининг тинчини бузган.

Қирғизларнинг шунчаки ёв эмаслигига кўзи етган Султон Саидхон энди қайтадан иноклашишга интила бошлайди. Шу мақсадда у 1522 йили Муҳаммад Қирғизни тутқунликдан бўшатади. Унга қирғизларнинг амири деган юксак номни беради. Унинг ёнига шахзода ўғли Абдурашид бошчилигида кўпгина аскар қўшиб қирғиз ерига жўнатади. Шунда мўғул хони Муҳаммад Қирғизга ўз ҳокимиятини тан олиш ҳақида шарт қўйган. Бирок унинг ўйлагани бўлмади. Муҳаммад Қирғиз орадан бир йил ўтмай сочилган халқини йиғиб, ўлкасини ўзи хоҳлагандай бошқара бошлади.

Қирғиз-қозок сиёсий иттифоқи. XV асрнинг 60-йиллари ўрталарида Еттисувнинг ғарбий томонида Қозок хонлиги тuzилган. Уни асословчилар Жўчихоннинг авлодлари Гирей султон билан Жонибек султон бўлиб ҳисобланади. Хонликнинг маъмурий-сиёсий маркази XVI асрда Қозогистоннинг жанубий ғарбига силжиб, Туркистон шаҳри пойтахт бўлиб қолди.

XVI аср бошида Қозок хонлиги анча мустақамланиб, ҳудуди кенгаяди. Бирок Қозок хонлигига жанубдан Шайбонийлар, шимолий-шарқдан мўғуллар, ғарбдан манғитлар таҳдид солиб турган. Мўғул тўралари қирғизлардан Тангри-тоғни

чунки ҳал қилувчи пайтда унинг айрим ишончли навкарлари ҳоинлик қилиб мўғуллар тарафига ўтиб кетишди. Мўғул аскарлари қирғиз овулларини бир неча кун давомида талаб, қизил қирғин, қора сургун қилди, Қўра-қўра қўйларни, уюр-уюр йилқилар, туяларни ўлжа қилдилар. Ёвлашган элат қирғиз элини батамом тиз чўктириш учун Муҳаммад Қирғизни Қашқар томонга, хон ўрдасига тутқун меҳмон қилиб олиб кетишди. У бегона юртда беш йил «оқ уйли омонат»да юрди.

Ана шу жангда ғалаба қилганига қарамай, Султон Саидхон қирғизларни тўлик бўйсундира олмаган. Кўп ўтмай мўғул аскарлари қирғиз ерини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Ёв кетгач, қирғиз уруғларининг бирлиги мустақамланиб, Тангритоғ кўйида ҳукмронлик қилишни давом эттиришди. Хатто улар мўғул хонининг ҳокимиятига тўғридан-тўғри қўрқув сола бошлади. Мўғул тарихчиси Муҳаммад

тортиб олишни, қозокларни Еттисувдан суриб чиқаришни кўзлаган. Шунинг учун илдизи бир бўлган халқнинг асл мақсадлари мос келиб, мўғулларнинг сиқувиға қарши курашда бирга бўлишди. Қозок-қирғиз иттифоқи кейинчалик Шайбонийлар билан курашиши пайтида анча мустақамланади. Елкадош халқларнинг ўзаро муносабатларини ривожланишида Муҳаммад Қирғиз билан Тоҳирхон ва Ҳакназархоннинг ҳиссаси катта.



Самарқандаги Шахи-зинда архитектуралик ёдгорликлари.
XIV-XV асрлар

Масалан, 1524 йили Қирғизистонга Қозок хони Тоҳир келади. У ўзбеклар билан нўғойларга қарши бирлашиб курашда шериклар топишни кўзлаган эди. Қозок хони Қўчқор худудида мўғул хони Султон Саид билан учрашиб, дипломатик алоқалар олиб боради. Натижада қозоклар ва мўғуллар ўртасида вақтинчалик иттифок тузилади. Келажакда у билан алоқада бўлиш учун Тоҳирхон синглисини Султон Саиднинг ўгли Абдурашидга беради. Шу вақтининг ўзида Тоҳирхон Муҳаммад Қирғиз билан ҳам яширин алоқа боғлаб; қирғизларни ўз томонига оғдириб олган. Амалда энди Шайбонийлар билан мўғулларга қарши қозок-қирғиз иттифоқи тузила бошлайди. Охири бу хабар Султон Саидга маълум бўлиб, қозок-мўғул иттифоқи қайтадан бузилади, қирғиз-мўғул муносабатларига путур етди.

Айёр мўғул хони даҳшатли ёв сифатида Муҳаммад Қирғизни асирга тушириб, Қашқарга жўнатди. У ерда Қирғиз ҳукмдори Султон Саидхон ўлғунича юрган. Мўғул тўраларининг бундай шум ҳаракатларига ғазоби қайнаган қирғизларнинг ярми Тоҳирхон томонига ўтади. Элат халқининг қўллашига эга бўлган Қозок хони кўп ўтмай мўғулларга қарши очик курашни бошлади. Айрим қирғиз уруғларини мўғул тўралари Қўчқор ва Жумғолдан Отбошига кўчиришга улгурди.

Бирок ахволнинг оғирлаша бошлаганини пайқаган мўғуллар аста-секин Шарқий Туркистонга кўчишга рози бўлишган. 1526 йили Султон Саидхон Тоҳирхонга ва қирғиз уруғи бошлиқларига элчиларини жўнатади. Элчилар қозоклар ва қирғизларга ярашишни, сулҳ тузишни таклиф қилишди. Мўғуллардан бир неча марта кўнгли қолган икки халқ элчиларнинг таклифига кўнмади, вадасига қулқ, солмади. Элчиларнинг ҳаракатидан натижа чикмагач, мўғуллар Тангритоғни ташлаб, Еттисувнинг қирғоқларига кетишди. Оксой Оккуёш, Аришлар оралиғига қилинган охириги юриш пайтида ёв қўшини қирғизларга



Тошрабат кўрғони колдигининг умумий кўриниши (археологик казиш пайтида)

тегишли бўлган, қаровсиз қолган юз минг бош кўйни ўлжа қилишган. Шунингдек, ўша пайтда қирғизлар яна бир мўғул кўшини билан тўқнашиб, бир қанча вақт қийналиб қолишади. Қирғизларга Кусандан (Куча) келган Бабачоқ Султоннинг кўшини ҳужум қилган эди. Ёв тоғ орасида қуршовда қолиб, тез орада яқсон қилинган.

1527 йили баҳорга яқин Отбошига Тохирхон келганда бу ердаги қирғизлар унга қўшилади. Ўшандан бошлаб, то умрининг охиригача у қирғизларнинг орасида яшаган. Қирғизлар уни доим хурмат қилиб, ардоқлаб келишган. Қозоқ-қирғиз иттифоқи XVI асрнинг охиригача давом этиб, кейинги асрда ҳам бу дўстлик бузилмаган. Ҳақназархоннинг даврида (1549 — 1580 йиллар) қирғизлар билан қозоқлар биргалашиб, мўғул Шайбоний аскарларининг ҳужумини қайтариб туришган.

50-йилларнинг бошида қирғизлар Қашқарни, қозоқлар Тошкентни ўраб олиб, шухрати олисга кетган. Шайбонийларга таяниб қирғиз ерига бир неча марта ҳужум уюштирган мўғул хони Абдурашид (1533 — 1559/60-йиллар) ҳам ғалабага эриша олмаган. Унинг ўғли Абдулатиф навбатдаги жангларнинг бирида, 1537 йили қирғизлар кўлида ҳалок бўлган. Абдукарим бий ҳокимлик қилган йилларда (1560 — 1591 йиллар) мўғул феодаллари қирғиз ерига ҳужум қилишни тўхтатишади. Улар охириги марта 1591 йили Чуй, Таласга ҳужум уюштириб, жуда катта талофот кўрган.

Қирғизлар Шигайхоннинг (1580 — 1582 йиллар), Тавакқалхоннинг (1582 — 1598 йиллар), Эшимхоннинг (1598 — 1628 йиллар) даврида ҳам қозоқлар



Тошрабат. Ўртадаги йўлак — бўсаға

билан биргалашиб душмандан муқаддас ерни химоя қилиб турган. Ҳатто қирғизлар қозок хонларининг Ўрта Осиёга уюштирган ҳужумларида фаол қатнашгани маълум. Масалан, 1598 йили баҳорда ака-ука Таваккалхон ва Эшимсултон юз минг кишилик қўшин билан Мовароуннаҳрга отланади. Бу пайтда Ўрта Осиёни деярли юз йил бошқарган Шайбонийлар сулоласи тугаб, ҳокимият янги сулоланинг Аштархонийлар (жонийлар, астрахонлик, Жоний-Муҳаммадхон авлодлари) нинг қўлига ўтади. Натижада хон ҳукмронлиги хийла бўшашиб, ўлкада таркок сиёсий тузум вужудга келган. Мана шундай танг, ночор пайтда бўлган айрим жанглар ғалаба билан тугади. Ўшанда қозок, қирғиз жангчилари Аҳси, Андижон, Тошкент, Сайрам, Туркистон ва Самарқандни эгаллаб, Бухорони икки ой қамал қилган. Бирок шаҳарни ололмай орқага қайтган Таваккалхон Учқори деган жойда бўлган жангда енгилиб, Тошкентга чекинади. Жангда олган жароҳати гузалмай, кўп ўтмай у вафот этади. Энди душманга қарши курашни ҳокимиятни эгаллаган Эшим Султон давом эттиради. Унинг шиддатли ҳаракати туфайли Тошкент, Туркистон, Сайрам, Фарғона



Қирғизларнинг ёпқичлари. Эгар ва б.



Кўл хунармандиғилик буюмлари

Аштархонийларга улуш жўнатган. У жойлардаги ҳокимни ҳам ўзи тайинлаган. Масалан, Эшимхон ўзи хон бўлгач Окси, Талас кирғизларининг улуғи Кўкум бийни Тошкент ҳокимлигига кўтаради. Унга душманлари оғу бериб ўлдиргач, ўғли Тениш бий ўрнини босади. Қирғиз-қозок иттифоқи XVII аср бошида янада мустаҳкамланади. Улар Аштархонийларга ва қалмоқларга қарши биргалашиб курашган. Қирғиз-қозок аскарлари (100 минг) билан Аштархоний Имомқулихон кўшини (160 минг) ўртасидаги ана шундай йирик жанг 1621 йили бўлди. Шохрухияга яқин ерда бўлган ҳал қилувчи жангда ўн минг қирғиз жангчиси қатнашиб, жанг душман томонининг ғалабаси билан тугади. Бундан кейин уларга қалмоқ хонларининг йўлини тўсишга тўғри келди. Икки халқнинг дўстлиги, туғишгандай бўлиши яна анча вақтгача давом этди.

Саволлар ва топшириқлар

1. XV аср ва XVI асрнинг бошидаги қирғизлар давлати ҳақида нималар биласиз?
2. Мўғулларнинг сиёсий аҳволида қандай кескин ўзгаришлар бўлди?
3. Мўғул шаҳзодаларининг ўзаро низолари ҳақида нималарни биласиз?
4. Муҳаммад Қирғизнинг тadbиркорлигига таъриф беринг.
5. Бобур ҳақида айтиб бера оласизми?
6. Қирғиз-мўғул муносабатлари нима учун ёмонлашган?
7. Қирғиз-қозок иттифоқи қандай мустаҳкамланган?

19-§. Сибирь қиргизлари XVII-XVIII асрларда

Сибирь қиргизлари ва Жунғор хонлиги. Сибирь қиргизларининг тарқалиши. XVII аср-XVIII асрнинг боши жанубий сибирлик қиргизлар ва бошка туркий халқларнинг ташқи босқинчиларга қарши мустақиллик учун кураш даври бўлди. Уларнинг шимолидан руслар, жанубий-шарқидан мўғул олтин хонлари, жануби-ғарбидан Жунғор хонлиги босқинчилик ҳаракатлари қилиб, солиқлар солишга интилишган.

1609, 1614, 1624 йилларда Сибирь қиргизлари рус ҳукуматининг кучларига зарба беришган. 1633 йили Ҳара Хула исмли жунғор қўнтойтиши сибирлик қиргизларга ўз ҳукмронлигини ўрнатишга эришган. Қалмоқларнинг мададига таяниб, 1633-1636 йилларда қиргизлар рус мустамлака таянч нуқталарига тез-тез хужумлар уюштириб туришган. XVII асрнинг 30-йиллари охирида Қўчбай деган қирғиз бегининг маликаси Абакай (у жунғор қўнтойтичиси Ҳара Хуланинг синглиси бўлган) қирғизларнинг руслар билан мўғулларга қарши жунғорий ташқи сиёсий йўналиши давом этишига таъсирини ўтказган. 1641 йилда қирғизлар Яков Тухачевскийнинг ҳарбий қўшинига қарши курашиб, мағлубиятга учраган, Чулим дарёси бўйида руслар Ачинск ҳарбий таянч кишлоғини кўриб Ўрта Энасой улар қўлига ўтган. Шундай қилиб, қирғизлар русларга ҳам, мўғул олтин хонларига ҳам солиқ тўлашни давом эттиришган. 1633 йили Ложан исмли мўғул олтин хонининг бир йилга яқин чўзилган босқинчилик ҳаракатлари Сибирь қиргизларига навбатдаги оғир жудоликлар, очарчилик олиб келади.

1666 йили Мингсув водийсини қайта эгаллаб олган Ложанхон 1667 йилдан жунғорлик Сенге-Тойшихоннинг қўлига тушиб, Сибирь қирғизларининг асосий қисми қайта Жунғор хонлигига тобе бўлган.

Худди шу пайтда Сибирлик қирғизларда олти-сарлик Иренак Ишей ўғли исмли бек ҳукмронлик қилган. У бир неча бор Жунғорияда бўлган, мўғул ёзувида ўқий ва ёза билган. 1667 йилда у жунғорлик аскарлар билан бирга Красноярск (собик Качинск)га хужум қилган. Хуллас, собик Исар давлатининг шимолида қиштимларни Иренак қайта ўзига қайтара олмади. Бу мақсадига у 1673 йили русларга қарши юриш уюштириб ҳам ета олмади.

Қазак-русларнинг янги таянч пункти қуришларига қарши 1679—1682 йиллари Иренак бир неча бор хужумлар қилиб турди. 1683 йили у «ўз ерида ҳеч бир атрофи мустаҳкам ўралган шаҳар барпо қилдирмаслиги ва бу ҳаракат уруш оловини ёқиши мумкинлигини рус ҳукуматига билдирган. У жунғорларнинг ишончли тарафдори бўлган, 1687



Иренак

йили Олтойда Чулушман ўзининг бошланишидаги жангда ўгли иккаласи курбон бўлишган. Хуллас, Иренакнинг ўғиллари Корчун билан Чегун отасининг жунғорий сиёсатини давом эттиришган. Қатор сибирлик кирғиз беклари русларнинг йўриғи томон йўргалашга мажбур бўлишган.

Икки ўтнинг ўртасида қолган сибирлик кирғизлар 1707 йили рус аскарларининг икки марта ҳужумидан сўнг мағлубиятга учраб, уларга қиштимларнинг талай ерлариши беришга мажбур бўлишган. 1703 йили жунғорлик Цеван-Рабдан кўнтойши уч минг оила кирғизни Жунғорияга ҳайдатиб кетган. Энасой водийсининг ва унга кўшни худудларнинг ўрта асрлар сўнгидаги асосий ҳукмдорлари бўлган сибирлик кирғизларнинг сиёсий роли ўша охириги жунғор босқини билан битган. Қолган кирғизларга рус аскарлари хавф солган. 1707 йил август ойида собик Сибирь кирғиз давлатлари уюшмасининг марказий худудида атрофи мустаҳкам ўралган Абакан шаҳри қурилган. XVIII асрнинг бошидан тортиб янги этник вазият вужудга келиб, Саян-Олтой ва Мўғулистондаги турк-мўғул халқлари ўзларига сибирлик кирғизларни кўша бошлаган.

Хоорай бирлашмаси. Фу-йу кирғизлари. Жунғорларнинг 1703 йили сибирлик кирғизларга солган хавфи хоорай номли этник-ижтимоий бирлашма тақдирида чуқур из қолдирди. Қирғиз юртининг иккинчи бир аталиши хонгорай (қискача хоорай) бўлган. Хусусан, уч минг оила (ўн беш минг киши) сибирлик кирғизларнинг Жунғорияга ҳайдалиши билан ўнлаб йиллар улар ўрнига Энасой водийсига қиштим ҳолатда бўлиб келган кабилалар тобора кўпроқ жойлашишган. Қайта-қайтган кирғизларнинг бир қисми Россия мустамакаси шаронтида ҳеч қандай сиёсий таъсирга эга бўлмаб, аввалги қиштимларга қўшилишиб кетган, 1758 йилдан бошлаб, хорай ерларини Цинь-Манчжур империясининг аскарларидан козок-рус бекатлари ҳимоя қилиб, ҳозирги Хакасия тўла Россия империясининг худуди сифатида мустаҳкамланиб қолди. Худди ўша XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб хоорай атамаси нутилиб, тадар деган экзоттином қўлланила бошлади.

Жунғорияда Энасойга қайтиб келган кирғизларнинг бир қисми қалмоқ-кирғиз атамаси билан шу кунгача Шаркий Туркистондаги Дорболжун уездининг Эмен-Гол мўғул мухтор туманида Эмел дарёси водийсида сақланиб қолган (дини — ламаизм йўналишидаги бутпарастлик). Айрим жунғориялик кирғизлар Итал (Волга) дарёси бўйига кочган қалмоқлар билан кетишган, айримлари тангритоғлик кирғизларга, козокларга, уйғурларга, шаркий тангритоғлик қалмоқларга қўшилиб кетган.

Жунғориядаги сибирлик кирғизларнинг кичик гуруҳи Цинь императори Цяньлун ҳукмронлик қилган давр (XVIII аср)да манчжурлар томонидан зўрлик билан кўчирилиб, Манчжуриянинг Хейлуңцзян вилоятидаги Фу-йу уезиди ва унга яқин худудларга жойлаштирилган. XIII аср охирида Манчжурияга кўчирилган кирғизлар билан уларнинг этник боғланиши бор эканлиги тахмин қилинмоқда. Табхин, табандир, чигдир, сандирдир, билтирдир, орттир каби фу-йу кирғизларининг кабила атамалари, тилининг шева хусусиятлари уларнинг ҳозирги хакасларга жуда яқин эканлигидан далолат беради.

Саволлар ва топшириклар

1. XVII аср Сибирь киргизларининг сиёсий ахволига доир нималарни биласиз?
2. Сибирь киргизлари Жуңгор хонлиги билан қандай муносабатда бўлишган?
3. XVII аср Сибирь киргизлари қайси худудларга тарқалган?
4. Хоорай бирлашмаси тўғрисида нималарни биласиз?
5. Фу-йу киргизлари Манчжурияга қачон, қай ҳолатда кўчирилди?

20-§. Қиргизистоннинг XIII—XV асрлардаги маданияти

Маданий ривожланиш шарт-шароитлари. Мўғул қирғини пайтида Ўрта Осиё халқлари жуда катта талафотларга, йўқотишларга дучор бўлгани маълум. Бироқ шу билан бирга маҳаллий халқнинг ҳаёти тўхтаб қолмаган. Қундалик турмуш-тирикчилик давом этган. Вақт ўтиши билан қайту-алам унутилиб, халқ вайрон бўлган хўжалик ва маданиятни аввалгидек жонлантирди. Лекин барчасини аввалгидек мукамал қилиб, ўз ҳолига келтириш мумкин эмас эди. Шундай бўлса ҳам, кўп ўтмай маданий ривожланишда сезиларли ўзгаришлар бўлган. «Халқ меҳнатини ер емайди» дегандай, машаққатли, оғир меҳнатнинг самараси кўринди. Ўт-ўлан босган ерлар қайтадан ҳайдалиб, экин майдонларига айлан-тирилди. Қум босган ариқлар, каналлар тозаланиб, сув етмай қолган қургоқ ерларга сув чиқарилди. Дон экинларининг мева-чеваларнинг, сабзавотларнинг ҳосили мўл бўлиб, бобо-деҳхоннинг ҳаёти яхшилана бошлади. Тоғли ерларда мол туёғи кўпайиб, у ердагиларнинг ҳам яшаши ўзгарган. Бунга XIII асрнинг 60-йилларида бу ерда ўз ҳолича давлатнинг шаклланиши, Хайдухоннинг доно сиёсати, тинч турмуш, вақтли осойишталикнинг ҳукм суриши қулай шароит яратди. Хўжалик ва маданий ривожланишга ўлканнинг қулай географик жойлашуви ҳам таъсир қилган. Қадимги маданиятнинг ўчоқларидан бири бўлган Марказий Осиёнинг бир бўлаги Олатоғ молга ҳам, донга ҳам тўла, ҳосиятли ер эди. Фарғона, Чуй, Талас, Иссыккўл ерларида азалдан хўжаликнинг турли тармоқлари ривожланиб, чорвадор ҳам, деҳхон ҳам ўзаро иноқ ҳаёт кечирган. Ана шундай қундалик тирикчилик яхшиланиб, ўзаро бир-бирига таяч бўлиши жамоат ҳаётини, турмушини ўнглади.

Кўчманчилар маданияти. Бу даврда ҳозирги Қиргизистон худудида турли халқлар яшаган. Айниқса, Олатокка мўғул уруғлари оқиб келгани маълум. Уларни туб аҳоли бўлган турк уруғлари бағри кенглик билан қабул қилишган. Бундай тақдирга жалойир, барлос, кўнкўтан, сулдус, манғит, найман, кўнғирот, кутчи, меркит каби кўп сонли мўғул уруғлари дуч келган. Шунингдек улар ҳеч қандай зиён тортишмади. Аксинча, бир-биридан билмаганини билиб, кўп нарсани ўрганишди. Мўғуллар даврида Олтой билан Саяндан Тангритоққа турк уруғларининг, жумладан киргизларнинг янги гуруҳлари оқиб келишган. XIII асрнинг ўрталарида кўчманчилар худудида яшаган халқнинг сезиларли кўпчилик қисмини ташкил қилиши бекорга бўлмаса керак. Шунинг учун умумийлик уларнинг маданияти учун характерлидир.

Кўчманчиларнинг ўша даврдаги маданияти ҳақида ёзма маълумотлар йўқ ҳисобида. Бу давр ҳақидаги анча-мунча маълумотни археологик топилмалардан билса бўлади. Бундай топилмалар қаторига кўпинча XIII-XIV асрларга оид қабристонлардан топилган нарсалар-буюмлар ва кийим-кечакларнинг қолдиқлари киради. Масалан, Таласдаги Тошработ қабристонига оқсуяк кўчманчининг жасади кийими билан қўйилгани маълум. Марҳумга ипак қўйлак, эгри тумшук, такасиз булғори этик кийгизишган. Белига жангичга керак нарсалар, ёғоч кинли ханжар илиниб, кумуш кадалган, ўйма камар тақилган. Бош тарафига қўйилган қўй суяклари ва сопол товоқ жасадни кўмиш ирим-сирими сақланганига гувоҳлик бўлади. Қабрлардан топилган қурол-ярқокларга караганда, кўчманчилар ёй, садоғи қайин, учитемир найзалар, ёғоч кинли эгри қиличлар билан қуролланиб, юпқа темир парчаларидан ясалган совут кийишган. Бу пайтда кўчманчиларда марҳумни қабрига оти билан кўмиш одати йўқолган эди.

Кўчманчи халқларнинг кўчиб юришида сопол идишлар ноқулай бўлганидан кўп қўлланилмаган. Кундалик турмушда ишлатиладиган зарур асбоблар теридан ясалган. Шунингдек, оқсуяклар, ўзига тўқ оилалар шаҳарлик усталар ясаган сопол, кумуш кумғон, чиройли кўза, товоқларни ишлатишган. Ўйма нақш туширилиб безатишган шундай товоқлар Марказий Тангритоғдаги Туурасув қабристонидан топилган. XX асрнинг 90-йилларида орқа томонига балиқларнинг расми туширилган кўзгу, от жабдуқлари (XIII—XV асрлар) Ўрта Норин худудидан топилган. Буюмларнинг устки қисмига, камарларга кўпинча жониворларнинг, чиройли кушларнинг, дарахтнинг, ўсимлик томирларининг расми чизилган. Кейинчалик исломга ҳос хунармандчилик, ўйма нақшли буюмлар тарқалади. Хитой ипагида Ўрта Осиёнинг, Ҳиндистон, Эроннинг атлас, шойи, баркутидан ва бошқа газламаларидан тикилган қўйлак, чопон, камзул ва турли буюмлар кўпроқ учрай бошлайди.

Шаҳар, қишлоқ маданияти. Турар жой



Қирғизларнинг мусиқа асбоблери: кил кляк, жыллажин



XIII-XIV асрларда фойдаланилган кузгунинг ёрраси ва ўшани тарафининг кўриниши. *Ўрта -Норин водийсидаги Чирпикти ед-горисидан топилди К. Ш. Табалдиевнинг археологик қазилмаларидан*



Бурана минораси



Ўзган минораси

қурилиши. Меъморчилик. Мўғул қирғини пайтида кўпгина шаҳар ва кишлоқлар вайронага айлантирилган эди. Агар мўғул ҳужумигача Чуй, Талас ерларида икки юзга яқин шаҳар, кишлоқ бўлса, XIII-XIV асрларда уларнинг сони йигирмадан ошмаган. Масалан, Чуйда Баласоғун, Тарсақент, Қаялик, Ашпара шаҳарларигина эсга олинади, бироқ кейин Баласоғун ҳам вайрон бўлиб, ундан Бурана минорасигина қолди.

XIV—XVI асрда Мўғулистон тарихчиси Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг ёзганига қараганда, Чуй худудида бир катта шаҳар қолдигина қолган. Унинг вайроналарини мўғуллар шунчаки Манара деб атаб, аввалги номини билишмаган. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ўз асарларида ўша ҳаробалар орасида қабр тошининг бетига ёзилган сўзларни эслатади. У хижрий 711 йили (1311—1312 йиллар) вафот этган. Ислому қонушуноси Баласоғунлик Муҳаммад шу ерда дафн қилинганлигини маълум қилади. Бу маълумотларни балхлик тарихчи (XVII аср) Маҳмуд ибн Валининг «Сирлар денгизи» асаридаги Мўғулистондаги қумлар орасида чиқиб турган минораларнинг, оксаройларнинг, мадрасаларнинг, дарвоза арklarнинг бор эканлиги бу шаҳар шухрати қадимги Баласоғунга машҳурлиги ҳақидаги хабар билан таққосласа бўлади. Баласоғун шаҳрининг ўрни кейинчалик Манара аталиб, у XX асргача Бурана деб ўзгарган ном билан етиб келган.

Тарихий маълумотларга қараганда, XIV асрда Иссиқкўлнинг тескайида Исқўл (си-кўл) шаҳри бўлган. Археологлар бўлса бу ерда XIII—XIV асрда ўн бешта қишлоқ бўлганини аниқлашган. Таласда ораликлари олти чақиримга тенг тўрт шаҳар: Янги, Янги балиқ, Кенжек, Тароз шаҳарлари жойлашган. Афсуски, кейинчалик улар ҳам йуқолиб кетди. Марказий Тангритоғда бўлса Отбоши ва Кўчқор каби шаҳарлар, Еттикент эсланади.

Қирғизистоннинг жанубида шаҳар, қишлоқ маданияти дуруст ривожланган. Шунингдек бу ўлка қадимдан деҳқончилик маданияти ривожланган ҳудудда жойлашиб ўтrockлашган халқ кўп эди. Ўз вақтида Хайдухоннинг буйруғига кўра Андижон шаҳри қайтадан қурулган. Янгиланган шаҳар XIII асрнинг охириларидан бошлаб, Фарғона водийсининг бош шаҳарларидан бирига айланган. XV аср охирида Фарғона водийсида саккиз шаҳар бўлган. Қадимий Ўш ўрта асрлар бошида пайдо бўлган Ўзган, Новқат, Испид Булан шаҳарлари бўлса йирик маданий марказлар сифатида яшаб келган. Айниқса, Ўш шаҳрининг ажойиб гўзаллиги ҳақида Бобурнинг таърифлаб ёзгани кизиқарли. Наманган билан Косоннинг ўртасида, Чотқолга борувчи савдо йўли ўтган ҳудуддаги Испид Булон (Сафид Булон) шаҳрида масжидлар, мақбара, диний иморатлар кўп бўлган. Шунинг учун уни муқаддас шаҳар деб ҳисоблашган. Бу ердаги мазорларга жанубдан келган мусулмонлар сизиниб, ирим-сиримлар ўтказган.

Ўша даврдаги архитектура ёдгорликлари қаторига Ашпара (Чуй) Октепа ва Садирқўрғон (Талас), Окчий (Кетмонтепа) шаҳарчаларидаги иморатларнинг қолдиқлари қиради. Шунингдек, бир неча қўрғон, қарвонсаройлар Норин билан Иссиқкўлда ҳам қурилган. Бу шаҳарларда чиройли тулар жойлар, уйлар билан бир қаторда ҳаммомлар ҳам қурилган. Масалан, Иссиқкўлдаги Тордайғир шаҳарчасидан эски ҳаммомнинг ўрни топилган. Чатир кўлга яқин ерда XV асрда қурилган работ (қарвонсарой, меҳмонхона) ҳақидаги кизиқарли маълумотни Муҳаммад Хайдарнинг асарларидан топамиз. У фақат бир ўлчамдаги тошдан силлиқланиб қурилган оқ саройнинг олти дарвозаси ичкарига қараган узун йўлак, ўртада айлана шаклидаги тепаси баланд ўта чиройли гумбаз унинг жануб томонида чўзилган йўлаклар, чиройли хужралари бор эканлигини ҳайратланиб ёзган. Унинг қибла томонидаги ёнига йиғирма эшикли кичик масжид қурилган. Саройни



Манас мақбараси



Шох-Фозил ёдгорлиги

айрим олимлар Тошрабoт билан таққослашади. Бу иморат X — XI асрларда қурилган деган фикрни илгари сурган олимлар ҳам бор.

Ўрта асрларнинг охириларида Қирғизистонда қурилган архитектура ёдгорликларидан энг асосийси Таласдаги Манас мақбарасидир. Аслида у амир Абукенинг 1334 йили вафот этган кизига аталиб унинг қабрига қурилган. Мақбаранинг баландлиги ўн бир метрга яқин, қалин деворнинг узунлиги етти метр. Олдинги кўриниши араб ёзувлари, нақшланган ёғочлар билан безатилган. Кейинчалик қирқизлар уни али Манасга бағишлаб солинганлиги учун Манаснинг мақбараси деб аташган. Мақбаранинг олдидаги қабрга кўйилган қанизак хотин ва Манаснинг энг сеvimли ёри Қаникейнинг исмлари сизларга жумбоқ бўлиб, ўйга солиши аниқ.

Диний эътиқодлари. Тили ва ёзуви. Мўғулларнинг бошқа турли динларга сабр билан муомила қилгани уларнинг ютуғи эди. Чунки улар диннинг жафоқаш халқ ичида таъсири кучли эканини тўғри тушунган, дин вакиллари билан ёвлаш маған, динларнинг ёйилишига аралашмаган. Мўғул хонлари маҳаллий аҳолининг урф-одатларига, диний маросимларига шак келтирмасликка, ориятига тегиб, уларни ғазаблантирмасликка ҳаракат қилганлар. Шунинг учун давлат дини ҳисобланган ислом дини будда, насроний дини билан тенг ҳукм сурди. Кўчманчиларнинг кўпчилиги таңриларга сиғинишган, Кўкў Таңгри, Умай Эна турк-мўғул уруғларининг бош худоси, қўлловчилари бўлиб қолаверган. XIV асрнинг иккинчи ярмида Мўғулистоннинг дастлабки хони Тўқлук

Темур ислом динини қабул қилади. Шундан бошлаб ўрдада мусулмончиликнинг таъсири кучая бошлайди. XIV асрнинг охири XV асрнинг бошларида мўғул тўралари ислом динини давлат дини деб эълон қилишади. Бироқ ислом дини кўчманчилар орасида тез ёйилмади. Ислом динининг ҳукмронлик қилиши учун вақт, энг муҳими, қулай шарт-шароитлар зарур эди. Қирғизистоннинг халқи XIV—XV асрларда асосан ўзақдош турк тилларида сўзлашган. Келгинди мўғул уруғлари кўп ўтмай кўпчиликни ташкил қилган туркий халқлар билан аралашиб кетган. Бунга уларнинг турмуш тарзидаги касб-ҳунари ва ҳулк-атворидаги, маданиятидаги, урф-одатларидаги ўхшашликлари туртки бўлган. Хонларнинг буйруқ, ёрликлари ҳаммага тушунарли туркий тилда ёзилганлиги бекорга эмас эди. Туркий тил араб, форсий тили каби илмий ва адабий тилга айланди. Эски турк диалектикасининг асосида Ўрта Осиёда расмий чигатой тили шакллангани маълум. Бу даврда ўлкада араб ҳарфи қўлланилган. Мақбаралардан, масжид, мадрасалардаги, ёдгорлик тошлардаги ёзувлар араб ҳарфи билан ёзилган. Ислом дини билан маданият тили араб ва форс тиллари бўлгани шубҳасиз.

Саволлар ва топшириқлар

1. XIII—XV асрларда маданий қайта жонланишга нима туртки бўлган?
2. XIII—XV асрларда Олатоғни макон қилган кўчманчилар маданиятига нималар характерли?
3. Кўчманчиларнинг кийим-кечаги, идиш-товоғи, қурол-яроғи ҳақида нималар ёдингизда қолди?
4. Ўрта асрларнинг сўнгги даврида Қирғизистонда қандай шаҳарлар бўлган?
5. Ўша даврдаги архитектура ёдгорликларининг номини айтинг.
6. Халқ қайси динларга эътиқод қилган?

V БОБ

XVII—XVIII АСРЛАРДА ҚИРГИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ХЎЖАЛИК ТУЗИЛИШИ ВА ҚЎШНИ ХАЛҚЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ

21-§. Қирғизлар хўжалигининг асосий тармоқлари

XII—XIII асрларда қирғизлар асосан кўчманчилик ва ярим кўчманчи чорвачилик билан шуғулланишар эди. Улар баланд тоғли худудларнинг иссиқ-совуғига қўниқан, чидамли, қорда ҳам ўтлайверадиган, табиатнинг оғир шароитларига мослаштирилган кўтос, думли сержун кўй, эчки, туя, мол, айниқса, йилқини кўп боқишган. Чунки йилқи кишини-ёзини яйловда боқилиб, меҳнат ва сарф-харажатни кўп талаб қилмайди. Йилқи гўшtidан кази-карта, чучук каби қирғизларнинг сеvimли таомлари пиширилиб, суддан турли дардларга даво ичимлик қимиз тайёрланган. Айниқса, тойчокнинг соғлиққа фойдали ўрикдай эзилган гўшти киши дармонини оширган ва ўта юқори баҳоланган. Йилқидан транспорт воситаси сифатида фойдаланилган, терисидан чарм, қайиш каби турли рўзғор буюмлари учун хомашё тайёрланган, думининг толасидан арқон, чилвир, арғамчи ва ҳоказолар эшилган. Йилқини келин олаётганда қалинга кўшиб беришган. Бойнинг йилқиси қанча кўп бўлса, унинг хурмати, обрўси шунчалар кўтарилиб, минг йилқили бой деган ном олган. Қирғизлар кўй-эчкини кўп боқиб, ундан мўл гўшт,сут, жун, тери етиштиришган. Қўйнинг жуни билан терисидан кийим-кечак, уй жиҳозлари, ширдок, ола кийгизлар тайёрланиб, суддан катик, сузма сузилган, қурут қурилган, пишлок, эжикей қайнатилган, қаймоқ олинган. Қирғизларнинг энг бойларида бир неча минг бош кўй бўлган. Баъзи бир камбағаллар чорвачиликдан ташқари овчилик билан тирикчилик қилишган. Бироқ ҳеч нарсадан камчилиги йўқ, беташвиш аслзода бойлар бўлса йиғитлари билан итларини эргаштиришиб овга чиқиб, хуморини ёзишар эди.

Қирғизлар чорвачилик билан бирга маълум миқдорда дехқончилик қилиб ғалла экишган. Ҳатто олис Отбоши, Норин, Сусамир каби баланд тоғли водий-ларда яшаган қирғиз қабилалари ҳам ғалла экишгани маълум. Қўл атрофидаги дехқонлар бугдой, арпа, сули каби ўсимликлар ўстиришган, хирмон тўла мўл ҳосил етиштиришган. Чуй, Талас худудидagi сувга сероб ерлар, кўм-кўк яйловлар дехқончилик учун қулай эди. Андижон томонларда тоғ этакларидаги паст текисликларда яшаган қирғизлар дехқончилик қилиб, ғалла етиштириш сир-асрорларини пухта ўзлаштиришган, айрим овуллар фақат дехқончилик билан қун кечиринган. Ғалла етиштириб онла боккан ўтроқ аҳоли сони йилдан-йилга орта бошлаган. Бироқ кишлоқ хўжалик ускуналари ўтган асрлардагидек деярли такомиллашмай қоқлигича қолаверган. Қирғизлар ерни, асосан, от ёки хўкиз қўшилган темир тишли ёғоч оғоч билан ҳайдашган. Темирдан

ясалган кетмон, ўроқ каби рўзгор буюмлари кенг тарқалган. Шунингдек, ун тортадиган сув тегирмонлари пайдо бўла бошлади.

Кўчманчи турмушга хос хунармандчилик ривожланиб, хотин-кизлар жун, тери, килдан турли уй жиҳозлари тайёрлашган, хушбичим кийимлар тикишган. Қўли гул усталар ва заргарлар бўз уйнинг ёғочини тайёрлаб, темир, мис, кумуш, чарм, қайиш, ёғочдан ҳар хил буюмларни, от жабдуғларини ясашар эди. Хунармандчиликнинг баъзи бир турлари, айниқса, ип йигириш, газлама тўқиш Қирғизистон жанубида, Фарғона атрофига жойлашган овул-кишлоқларда яхшироқ ривожланган. Бу ҳудудда ўтроқлашган қирғиз овуллари, шаҳарлари билан



Қирғиз чакмонларининг турлари. XVIII аср.

кишлоқлари кўпроқ эди. Бироқ бу шаҳар, кишлоқлар иқтисодий жиҳатдан заиф, ўта кам ривожланган. Уларнинг тезроқ ривожланишига ва кўчманчиларнинг ўтроқ турмушга ўтишига турли ички низолар ва ўзаро талончилик феодал жанжаллари ҳалакит берган.

Ўша даврда қирғизлар ўртасида савдо-сотик яхши ривожланган эмас эди. Аҳоли кўпчилик қисмининг турмуши камҳарж бўлиб, товар-пул муносабатлари унча ривожланмаган. Ички, ташки савдо кўпинча хомашёни товарга айрибош-лаш усулида юритилиб, пул муносабатлари ҳали ҳал қилувчи аҳамият касб этмаган эди. Бийлар, бойлар Шарқий Туркистон ва Фарғонанинг бозорларига мол хайдагиб бориб, ўзларига керакли буюмлар олиб қайтишар эди. Шунингдек жун, тери, кийгиз ва бошқа хомашё, озик-овқат, ёввойи ҳайвон териларини жўнатишган. Ёзда яйловларга қўшни шаҳар, ўлкалардан савдогарлар келиб, савдо-сотик қилиб кетишар эди. Қашқардан, Ўрта Осиё шаҳарларидан Қирғизистонга тинимсиз қатнаб турган савдогарлар турли газламалар, ипак, шойин, олтин, кумуш билакузуклар, сирга, муничок, узук, чинни идишлар, қурол-ярқ, канд, чой, ўрик коки, майиз, туз, гуруч, тандир нон ва бошқа нарсалар олиб келишар эди. Буларни кўпинча бадавлат оилалар, бойлар, бийлар сотиб олишган. Баъзида



Сочга тақиладиган безаклар. Кумуш

айрим бийлар йигитларини юбориб, сафарга кетаётган қарвонларни талаб олишар эди.

XVIII асрда Хитой ва Россиядан савдогарлар кўпроқ кела бошлайди. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистон халқлари билан қирғизларнинг савдо-сотик, ҳўжалик алоқалари кенгайди. Буларнинг ҳаммаси қирғизларнинг ажойиб гўзал ерига, табиий бойликларига, молига, жун, тери каби қорвачилик маҳсулот-ларига, қимматбаҳо те-риларга бўлган кизикишларини орттиради.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қирғизлар ҳўжалигининг асосий тармоқларини изоҳлаб беринг.
2. Қирғизлар қорва молларининг қайси турларини боқишган ва улардан қандай маҳсулотлар олишган?
3. Қирғизларнинг дехқончилиги тўғрисида айтинг.
4. Қирғизларнинг хунармандчилиги хусусида нималарни айтиб бера оласиз?
5. Қирғизларнинг савдо-сотигини изоҳлаб беринг. Асосан қайси ҳудудлар билан Қирғизистонда савдо алоқалари ўрнатилган?

22-§. Патриархал-уруғчилик муносабатларининг қолдиқлари. Синфлар.

XVII—XVIII асрларда қирғизлар ижтимоий тузилишининг хусусиятлари.
Бу даврда қирғизлар орасида феодал муносабатлар ҳукмронлик қилгани билан ҳали қабила, уруғчилик бўлинишлари сақланиб қолган. Кўплаб халқларда, айниқса, қозоқлар каби кўчманчи қорвачилик билан шугулланган халқларда, этник онг икки тарафлама эканлиги аниқ. Улар онгининг тубида бир вақтнинг ўзида ўз элининг авлоди эканли-ги тўғрисида, шунингдек ўз қабиласининг ўғли, қайси бир қабила ичидаги отанинг фарзанди эканлиги хусусида тушунчалар яшаган. Эгиз сингари кўш туйғу ҳеч қачон бир-бирини тарқ этмаган. Экстенсив кўчманчи қор-вачиликнинг натурал усули, ички иқтисодий алоқаларининг ўта заифлиги, табиий шароитларининг мураккаблиги, турли ҳудудларда яшаган қирғизларнинг узлуксиз қатнаб туриш имкониятларидан ажратган баланд дово, белларни узок вақт қор қоплаб, кўк музининг эримаганлиги келиб чиқиши бир элнинг пароканда бўлишига олиб келди. Бунга қўшни давлатларнинг душманларча ҳаракатлари қўшимча бўлган.

Ўша даврда қирғизларнинг маъмурий сиёсий бўлинишининг ўзагини асосан бир-бирдан мустақил бўлган қабила-уруғ бирлашмалари ташкил қилган. Қирғизлар ўша вақтда ҳозирги ватани Қирғизистонни бутунлай, Ўзбекистон, Тожикистон ва Шарқий Туркистоннинг баъзи бир қўшни ҳудудларини эгаллаган эди. Номини аталган жойлар буғу, сарибағиш, сўлтў, саяк, черик, қушчу, саруу, мўғул, килчок, дўўдўс,

адигине, найман, мингуш, бўстон, кангли, хитой, басиз, нўйгут, чўнгбагиш, кесек каби қирғизларнинг катта қабилалари яшар эди. Ҳар бир қabila ўз ичидан кичик уруғларга бўлинган. Улар ибтидоий жамиятдаги қондош қавм-қариндошлар бирлигидан кескин фарқ қилган. Чунки бу даврда қирғиз қабилалари орасида ижтимоий муносабатлар анча мураккаблашиб, патриархал-феодал муносабатлар устуворлик қилиб қолган эди. Йирик феодалларга қabila бошлиқлари ўз уруғлари ва қабилаларида бўлиниб, яқин қарин-дошларидан ажралиб чиққан оилаларни, гуруҳларни ўз қабиласига қўшиб олишдан бош тортмас эди. Бир қабиладан иккинчи бир қабиллага шу каби кўчиб келиб-қетишларнинг кучайиши натижасида қирғиз жамолари пировардида соф қабилалик сифатида маҳрум бўлиб, ҳудудий бирлашмаларга айланди. Бирок кўчманчиларнинг маънавий турмуш шароитлари, хўжалиги ва тарихий ривожланишининг хусусиятларига мос қон-қариндошлик алоқалари бутунлай ўз аҳамиятини йўқотмайди, ҳар қабиланинг аجدодлари ҳақида ривоятлар, шажаралар, уларнинг азалий номлари, тилдаги баъзи бир хусусиятлари сақланиб қолаверган.

Қирғиз қabila, уруғлари умуман ҳудудий сиёсий маънодаги икки катта гуруҳ - ўнг ва сўл қанотга, ундан ташқари ичкилик гуруҳига қирган эди. Бундай бўлинишга географик, иқтисодий-сиёсий ва бошқа омиллар сабабчи бўлган. XVI аср бошида Мўғулистон давлати қулагач, Қирғизистоннинг сиёсий жиҳатдан мустақил бўлиб қолиши шу ҳудудда яшаган халқнинг ички хўжалик, этник алоқаларнинг бундан кейин ривожланиши учун қулай шароит яратган. Бирок Тангритоғнинг мураккаб давон-беллари қуз ва қиш ойлари ёпилиб, шимол билан жануб ўртасидаги ўзаро алоқаларни қийинлаштирган. Ана шундай шароитларда ўнг қанотга қирган қабилалар Сирдарё бўйидаги (ўрта оқимидаги) шаҳарлар билан яқин муносабат ўрнатишга интилса, чап қанот қирғизлари Фарғона водийсидаги ўтроқлашган халқ билан алоқа қилган. Бундай ажралиш иккита катта ҳудудни макон қилган қабилалар ўзаро алоқаларнинг вақти-вақти билан узилиши бир элининг ўнг ва чап қанотга бўлинишига олиб келиб, умумий Қирғиз юртининг сиёсий жиҳатдан бирлашишига халақит берди.

Шимолий Қирғизистонда асосан ўнг қанот қабилалари яшаган. Сўл қанотга ва ичкиликка бирлашган қабилалар Қирғизистоннинг жануби, Фарғона ва Помирда яшаган. Шунингдек, сўл қанотдаги қушчу, саруу қабилаларининг бир гуруҳи Таласда турар эди. Шарқий Туркистонда ҳам қирғиз қабилалари қўп яшаган. Аслзода бойлар ичидан бийлар сайланиб, улар ўз қанотидаги қабилалар умумий бошқарувининг иштини олиб борган. Бирок амалда доимий қўшни йўқ катта бийнинг ҳукми унча мустаҳкам бўлмаган. Ҳар бир қабиланинг ўз улуги-катта бийлари, ҳатто ҳарбий кучи бўлар эди. Бундай қабилалар мустақил маъмурий-сиёсий бирликни эслатар эди. Йирик қabila бирлашмаларига қирган уруғларни улуг бийга бўйсунган ақалақчин' бийлар бошқарар эди.

Бийлар, бойлар пода-пода йилқига, сон-саноксиз қора молга, қўра-қўра қўйга эгаллик қилишган. Албатта, яқин яйловлар ҳам йирик феодалларнинг қарамоғида бўлар эди. Атоқли яйловларга ҳам катта ва улуг бийлар, ақалақчинлар хўжайинлик қилар

эди. Яйловларга эгалик қилиш сиртдан қараган кишига жамоат мулки каби кўрингани билан амалда минглаб бош моли бор феодалларга хизмат қилган. Уларга тегишли қишлоқларга, яйловларга бошқа биров мол ҳайдай олмас эди. Ундай ерларда эгалари хоҳлагандек фойдаланишар эди. Бошқа юртга кўчишганда бийлар ўзига бўйсунган қабила бирлашмасидаги гуруҳларга, овулларга янги яйловларнинг тахминий чегараларини белгилаб беришган. Демак, кўчманчи қирғизларда ер амалда феодалнинг хусусий мулки бўлиб қолган.

Синфлар. Ижтимоий тоифалар. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкнинг шаклланиши халқнинг синфларга ажрალიши билан яқунланди. Феодаллар синфи бий, бой, қуйи тоифалар эса: гадой, чорвадор, кул деб аталар эди.

Бийлар ортқича ҳуқуқларга эга оқсуяқлар эди. Улуғ бийлар ўз қабиласида маъмурий ҳокимиятни бошқариш билангина чекланмасдан, ташқи ишлар-қўшнилари билан алоқалар, ҳарбий ва суд ишларини ҳам амалга оширишган. Ҳар қабиланинг улуғи бўлмиш улуғ бий хоҳласа қўшни ўлкаларга ҳамла қилиши ёки бошқа давлатлар ҳоким (амир)ларига аскардан ёрдам бериши, ўта муҳим даъво (сулҳ, ишлари)ни яққа ўзи ҳал қилиши мумкин эди. Бийларнинг қирк йигит (баъзида ундан кўпроқ)дан иборат қўшини бўлар эди. Зарур бўлган пайтда бийлар ўз фуқароларидан халқ лашқарини тўплашар эди. Бийлар тўплаган қабила қўшинларидан уруш пайтида барча қирғиз ҳарбийлари қуролланар эди. Бийларнинг ҳокимияти отадан болага мерос бўлиб ўтган. Баъзи бир қирғиз бийларининг вакиллари бошқа шаҳарларга ҳокимлик қилган вақтлар ҳам бўлган. Масалан, 1670 йили қирғизларнинг чўнгбағиш қабиласининг улуғи Қўйсарибий Қашқар ҳокимлигига кўтарилган эди.

Қирғиз феодалларининг ўзагини бойлар ташкил қилган. Сон-саноксиз мол-дунёга эгалик қилгани билан бойлар сиёсатга, ҳокимият ишларига унча аралаша олмас эди.

Ўзининг довораклиги, ғайрат-шижоатлиги ва қаттиятлиги билан ажралиб, ёвга қарши жангларда мардлик намуналарини кўрсатиб, ботир аталганлар қўшинларга бошчилик қилишган. Ботирлар баъзида бийлардан ҳокимиятни тортиб олган пайтлар ҳам бўлган. Одатда улар дастлабки мардликларини бошқа юртдан йилки ҳайдаб келишдан бошлашар эди. Ўша кезде қирғиз элининг кўпчилик қисмини ташкил этган оддий меҳнатқаш халқ чорвадорлар деб аталиб, оз сонли қора моли, майда жонлиги бўлар эди. Етарли моли йўқ гадойлар бойнинг молини боқиб (қўйчи, молчи, йилқичи), қаролик қилиб қув кўришар эди. Бойлар патриархал-уруғчилик урф-одатлари, қариношлик алоқаларидан ўз манфаати учун кенг фойдаланишган. Қатик, сут, транспортга муҳтож бўлган гадой қариношларига неча бош соғин ситгир, қўй, эчкини бериб, бойлар уларга ўзларининг пода-пода йилқиси, қўра-қўра қўйларини молларини боқтирар эди. Шунингдек, қамбағалларга минадиган от, кўчганда юкни ташийдиган транспорт (туя, хўкиз), қўш ҳайдаш пайтида қуч (хўкиз, от) берар эди. Баъзида чорвадорлар феодаллардан мол боқиб учун яйлов сўраб олиб туришган. Албатта, берган яйлови учун улар қамбағалларнинг ўз молини боқиб беришга мажбурлашган. Бундан ташқари, ош-тўйларда чорвадорлардан турли йиғимлар тўплаб олинган.

Йирик феодалларнинг, донги кетган бийларнинг ўнлаб куллари бўлар эди. Улар тутқунлар, жиноятчилар, қарзга ботган кароллар ҳисобидан тўпланарди. Хўжайинлар кулларида ўзларининг хусусий мулки сифатида фойдаланиб калинга, сепга қўшиб беришган, ош-туйда совринга тикишган, хун тўлаганда жўнатишган.

Саволлар ва тошшириклар:

1. XVI— XVIII асрларда қирғизларнинг ижтимоий тузилишига доир хусусиятлар тўғрисида айтиб беринг.
2. Патриархал — уруғчилик муносабатларини изоҳлаб беринг.
3. Қирғизларнинг ҳудудий маъмурий сисёсий бўлиниши тўғрисида нималар биласиз?
4. Бийларнинг ҳокимияти хусусида нималарни биласиз?
5. Қирғиз жамиятидаги асосий синфлар ва уларнинг муносабатлари тўғрисида гапиринг.
6. Ҳужжатли материалда берилган бурутлар қимлар? Улар қандай халқ экан?

Ҳужжатли материаллар.

Қирғизлар тўғрисида хитой тарихий манбасидаги маълумотдан нарча (XVIII аср).

«Бурут Андижон билан Қашкар оралиғида яшаган кўчманчи элнинг номи. Унинг ери кенг ва халқи кўп. Уларнинг эгалари бий деб аталади. Айрим бийларнинг ўндан йигирмагача, баъзи бировларининг ўттизгача омони (бўлис ёки овули?) бор, уларнинг аҳолиси бийларнинг кули ҳисобланади.

Ҳаммаси баб-баравар бурут номи билан аталсада бийи ёлғиз эмас. Ҳар бир бий ўз ерига эгаллик қилади ўз фуқаролари бор. Уларнинг ҳаммасининг аҳволи бир хил ва бир-бирига тобе эмас. Бий ўлганда унинг ўрнини ўгли ёки қариндоши эгаллайди (меросга олади), бегона кишилар эгаллаб олишмайди. Сочини кириб олдиришади, тўнғиз гўштини ейишмайди. Ўзига хос кўйлак, қалпоқ кийишади. Қалпоғининг тепаси текис, тўрт бурчакли. Аёллар нафислик учун дўпписига қирғовулнинг қанотларидаги парлардан тақиб олишади. Урф-одати ва тили туркистонликларникига ўхшаш, агарда фарқи бўлса, унча катта эмас. Кийгиз уйларда яшашади, чорвачилик билан шуғулланишади (мол боқишади), гўшт билан озикланишади, ўлотлар (қалмоқ қабилаларидан бири)дек биянинг сугидан ичимлик тайёрлашади. Хитой чинниси, чойи, кийим-кечаги, бўзи, тамакиси билан шарабни ёқтиришади ва уларни энг зарур нарсалар қатори ҳурмат қилишади. Қирғизлар содда, бироқ мард, бирор мақсад йўлида ҳаётини тикишдан ҳам қайтмайди... Қозоқлар билан бўлорлар улардан кўрқиб туришади. Хатто жунгорлар ўзлари куч-қудратга тўлиб турган пайтда ҳам уларни ўз ҳокимиятига бўйсундира олмаган. Улар чегарадан ўтган туркистонликларни талагандек Янгичек (Синцзян)ка

савдо қилиш учун келган чет элликларни ҳам талаб туришган. Бирок кўп ўтмай хитой аскарлари ғарбий ҳудудларни ўзларига бўйсундирганда қирғизлар қароқчилигини тўхтатишган”.

23-§. Тангритоғдаги қирғизларнинг XVII — XVIII асрларда қалмоқ босқинчиларига қарши кураши.
Қирғиз-қозоқ ҳарбий иттифоқи

Ўйрот-қалмоқ давлатининг тузилиши. Уларнинг босқинчилик сиёсати. XVII аср-XVIII асрнинг биринчи ярмида ўйрот-қалмоқ босқинчилари Қирғизистонга қайта-қайта талончилик ҳужумлари уюштириб қирғиз овулларига ҳужум қилиб туришган. Одатда туркий халқлар қалмоқ деб атаб, келиб чиқиши мўғулларнинг ўнг қанот ўйротларига бориб тақалувчи халқ тарихий манбаларда, илмий асарларда ўйротлар, ўлотлар, жунғорлар, қалмоқлар деган номларни олиб юргани маълум. Ўйротлар Мўғулистоннинг ғарбидаги кенг ҳудудни ўзларига макон қилишган. Ўйрот феодалларининг Шарқий мўғулистонлик феодаллар билан узок йилларга чўзилган ғолибона урушлари натижасида уларнинг ички бирлиги мустаҳкамланди.

XV асрда ўйротларнинг мустақил хонлиги тузилган. XV асрнинг иккинчи ярмида бу хонлик феодал ички урушлар натижасида бир неча майда хонликларга бўлиниб кетган. XVI асрда қалмоқлар қайта бирлашиб, Дербен ўйрот (Тўрт ўйрот) иттифокини тузишган. XVI аср охирида ўйротлар тўрт қабила бирлашмаси — тўрғўут, дэрбет, хўшўут, чўрўслардан иборат бўлган. Тўрғўутлар Тарбағатойдан шарқда, дэрбетлар Иртиннинг бошланишида, хўшўутлар ҳозирги Урумчи ҳудудида, чўрўс (зионгар)лар Илиннинг юқорисида яшашарди.

XVII асрнинг биринчи чорагида қозоқ хони Эшимхон замонида (1598—1628) қирғизлар билан қозоқлар ўртасида XVI асрда шаклланган дўстлик янада мустаҳкамланди. Чунки қалмоқларнинг янги ҳужумига қарши биргалашиб курашишга тўғри келди. Қирғиз шажарасидаги маълумотларга кўра, Эиеше бўйлик Эр Эшимни хон авлоди экан деб, қозоқ, қирғиз йиғилиб, хон қилиб кўтаришган. Ўшанда Эшимхон маслаҳатлашиб, иш қилайлик деб Тошкентнинг қуйи томонидаги Кўктепа деган ерга қозоқ, қирғизнинг билимдонларини, юрт бошларини йиғинга чакирди. Унга сўлтудан Чаа, сарибағишдан Сарисент, саякдан Тугал, Тункотар, батишдан Кўкум, саруудан Тўн-тўрук, Буркемиқ, кўшчидан Қайназар, хитойдан қатнашади. Эшимхон қадимий одатни кўзаб, халқ урф-одатлари асосида қонун-қондани ўрнига кўяди. Халқ ривоятларида у «Эшимхоннинг эски йўли» деб аталиб қолган. Хоннинг тақлифи билан Қўқимбий барча қирғизлар номидан унга маслаҳатчи бўлиб, ўрда кишисига айланди. Қўқимбий кўп йиллар давомида Эшимхонга сидкидилдан хизмат қилиб, энг яқин ёрдамчиси сифатида зўр ҳурматга эга бўлган. У бошқарган қирғиз қўшинининг ёрдамига таяниб, Эшимхон муқаддас дўстлик ҳақидаги қасамни бузган Турсуни енгган. Қирғиз-қозоқ дўстлигидан ёдгорлик сифатида у Тошкентда махсус минора қурдирган. Минора кейин

«Күкимнинг кўк гумбази» деб аталгани маълум. Эшимхон билан Күкимбий икки халкнинг дўстлигини мустахкамлаб, мустақилликни кўз қорачиғидек ҳимоя қилишга кўп куч сарфлаган. Улар қалмоқ босқинчиларига қарши бирлашиб курашган. Масалан, 1626—1627-йиллардаги қозок, қирғизларнинг қалмоқларга ҳужуми ғалаба билан тугагани маълум. Бироқ Эшимхон вафотидан сўнг (1628 йили), қалмоқлар қайтадан қозок ва қирғизларга ҳавф туғдира бошлаган.

Жунғор хонлигининг тузилиши. Даствлабки тўқнашувлар. Жарбанг ботир 1627 йили ўйротларнинг иттифоқи парчаланиб, сўнг қалмоқ (халмак) деб аталиб кетган қисми тўрғўутлар ғарбга йўл олиб, Волгага (Эдил), хўшўутлар Тибетга кўчиб кетишади, чўруслар (зюнгарлар) Жунғорияда қолади.

XVII асрнинг 20—30-йиллари Хара-Хула бошқарган чўрўслар авлоди кучайганда ўйротларнинг кўпи Иртиш дарёсининг ўнг қирғоғида, чўрўслар агрофида тўплана бошлайди. Ўша вақтдан бошлаб, «икки тизгин, бир чилвир» чўрўс тайшиларининг қўлига ўтган эди.

1635 йили ўйрот-қалмоқ давлати Жунғор хонлиги тузилади. Унинг даствлабки хони Эрдона-Ботир Кўнтойши бўлган. Бунгача тарқок ўйрот уруғларининг бирлашгани душманининг кучини бир қанча орттириб, қирғиз, қозокнинг қаршилик кўрсатиш имкониятини сусайтириб, ёвнинг ҳужум қилиш хавфини янада кучайтиради. Шундай бўлса ҳам, халқ эркинлик мустақиллик учун курашдан ҳеч қачон бош тортмаган. Бу пайтда Чуй, Исенқўл ва Тангритоғнинг этакларида яшаган қирғизларни Дўўлўс ўғли Манап, шунингдек Оқси, Талас ва Чотқолни макон қилган қирғизларни Кўкимбий бошқарган. Кўкимбий вафотидан сўнг, унинг ўғли Тейишбий ҳокимликни мерос қилиб олди.

Жунғор хонлигига қарши даствлабки юришларнинг бирида қирғиз-қозокнинг бирлашган кўшинини Орқа қирғизларининг улуғи Манапбий бошқарган. Шажара маълумотларга кўра қалмоқлар билан Манапбийнинг кўшини Или бўйида юзма-юз бўлишади. Жанг бошланишидан аввал ҳарбий ҳолат одатига кўра икки томоннинг алап-ботирлари олишувга чиқишадилар. Қайта-қайта найзалар синиб, анчага чўзилган ўша яккама-якка олишувда қирғиз баҳодир Манапнинг ўғли Жарбанг ботир қалмоқнинг Дононжўй деган баҳодирини отдан иргитиб юборади. Ана шу жанг пайтида йўлбошчи Манапбий ҳам ҳалок бўлган, дейилади қирғиз шажарасида. Ота-боболарнинг ботирлик йўлини, элнинг орномусини ҳимоя қилган Жарбанг ботир кейинги урушларда ҳам халқнинг оғир қунига яради. Йирик



Күкүм бий

жанглардаги ҳал қилувчи олишувларда у қўшинга етакчилик қилган.

Жунғор феодалларининг қирғиз ерига босқинчилик ҳужумлари XVII асрнинг 40-йилларида бошланди. Масалан, 1643 йили қишида қалмоқларнинг ер юзини қоплаган аскари (50 минг) ғазот бошлаб, қўшни қирғиз-козок ерига қора қуюндек ёпирилиб келади. Қозокларга улар 1635-йилдан бошлаб ҳужум уюштиради. Кўпгина қирғиз, козок овулларини хонавайрон қилиб, талаган босқинчилар аввал эришган ғалабаларидан рухланиб, Ўрта Осиёнинг ичкарисига кириб боришган. Кейинги, 1644 йил саратонигача чўзилган бу қирғин пайтида қирғиз ва козок халқи душман билан аёвсиз жанг қилишган. Шунинг учун ўйрот-қалмоқ қўшини унчалик катта ғалабага эриша олмади. Бир неча марта оғир жанглардан кейин козок султони Жангир (Жахонгир) билан Самарқанд амири Ялангўш ботирнинг бирлашган қўшини ёвга оғир зарба бериб, чекинишга мажбур қилади.



Мананбий.

Қирғиз, козокларнинг Жунғорлар билан кейинги тўқнашуви 1652 йилга тўғри келд кон сувдай оккан ўша жангда талай баҳодирлар, ҳагто Жахонгир султоннинг ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Қирғиз-козокларнинг жунғорлар билан кейинги тўқнашуви 1652 йилда рўй берди. Ариқдаги сув каби кон оккан ўша жангда талай талафот кўрилди, ҳагто Жахонгир султон ўзи ҳам ҳалок бўлди. 1653 йили Батур кўнтойши вафотидан кейин ўйрот-қалмоқ ҳукмдорларининг ички низолари, ҳокимият учун кураши кучайди. Хон ўрдасида тўполон бошланиб, марказий ҳокимият заифлашган ана шундай вазиятда Ўрта Осиё худудида ҳукмронлик қилган Жоний (Аштархоний) лар қалмоқларни тор-мор қилиб, олисга суриб чиқариш мақсадида ўз аскарларини жўнатган эди. 1658 йили Абдушукур бош бўлган ўзбек қўшини Талас водийсига келиб, Қўлон-Илон деган жойда қалмоқ аскарларига қарши ҳужум қилди. Ўшанда қирғизлар билан козоклар ўзбекларни қўллаб-қувватлаб, жонини аямай курашган. Бирок конли жангларнинг бирида Абдушукур саркарда ҳалок бўлиб, катта йўқотишларга дуч келган ўзбеклар мажбуран ортга чекинган.

Ғалдан-Бошоқгу кўнтойшининг даври (1671-1697 йиллар)да қалмоқ зодагонлари қирғиз, козок юртига бир неча бор ҳужум қилади. Ғалдан-Бошоқгу тез-тез Қирғизистон жанубига, Ўзбекистоннинг қўшни худудларига талончилик ҳужумларини уюштириб турган. Кейинчарок, бу кўнтойшинининг сон-саноксиз аскарлари Қирғизистоннинг жанубига селдай ёпирилиб кириб, икки марта; дастлаб 1681 йили, сўнг 1683 йили Сайрам шаҳрини узок камал қилиб турди. Чунки даромади кўп,



Жарбанг ботир кузатува. XVII аср.
А.А. Алакуновнинг расмларидан

гавжум савдо марказлари, муҳим савдо йўллари кесилган бу ҳудуд ўз қармоғига ўтса, қўнтойши ва унинг навқарлари беҳисоб бойликка эга бўларди. 1683 йил кеч кузда эса қалмоқ қўшинлари Андижон томонидаги тоғлик қирғизларга хужум қилади. Душман ҳужумига қирғизлар билан ўзбеклар биргаликда қаршилиқ кўрсатишди. Қирғизистон жанубига чет эллик босқинчилар кейинги йиллари (1684, 1685) яна хужум қилишди. Шундай бўлса-да, XVII аср охирида қалмоқ ҳукмдорлари кўп куч ишлатсада, қирғиз ерида ўз ҳокимиятини ўрната олмади. Тек, Талас, Андижон каби кичик ҳудудларгина бир оз муддат (15 йилча) уларнинг таъ-

сирида бўлди. Хуллас босқинчилар қирғизларни ватанидан бутунлай суриб чиқара олмаганлар.

Қирғиз-қозоқ ҳарбий иттифоқи. XVII асрнинг 90-йиллари жунғор феодалларининг қирғиз, қозоқларга тазйиқи вақтинча сусайди. Чунки бу вақтда жунғор хонлигига қарши қирғиз-қозоқ сиёсий иттифоқи янада мустаҳкамланиб, уларга қорақалпоқларнинг бир қисми қўшилган. Шунингдек, Таукейхоннинг даври (1680-1718 йиллар)да Қозоқ хонлиги анча мустаҳкамланди. Эшимхоннинг набираси, Жаҳонгирхоннинг ўғли Таукейхон билан қирғиз Тиэшбийнинг дўстлиги узоқ йил қирғиз-қозоқ иттифоқига пухта замин яратган.

Бундан ташқари, ўз мустақиллигини ҳимоя қилиш учун шарқдаги манчжурларга қарши курашда қалмоқлар ҳолсизланган эди. 1644 йилдан тортиб Хитойда ҳукмронлик қилган манчжурлар билан жунғор хонлиги ўртасидаги урушларнинг дастлабкиларидан бири 1690—1697 йилларгача чўзилиб, ҳар икки томондан тенг қатта талафотлар кўрилди.

Қирғизлар, қозоқлар билан жунғорлар ўртасидаги муносабатлар Цеван-Рабдан (1697—1727), айниқса, Ғалдан-Церен (1727—1745) даврида қайта кескин авж олди.

XVII аср бошида Жунғор хонлигининг манчжурлар билан урушида кучсизланиб бораётганини фахлаган қирғиз, қозоқлар, қалмоқлар тортиб олган Жунғорияга чегарадош ҳудудларни олишга ҳаракат қилишган. Бироқ 1723 йили улар жунғор босқинчиларининг (60 минг аскар) янги зарбасига дуч келиб, мағлубиятта учрайди. Таңгритоғлик қирғизларнинг бир қисми 20-40-йилларда Фарғонага, қозоқларнинг анчаси Бухоро, Хўжанд ва Самарқандга қараб кочади. Ўшанда қозоқ хонларининг ўрда шаҳри Туркистон душманнинг қўлида қолган эди. 1723 йил Иссиқкўлнинг шарқий тарафини Цеван-Рабдан ўзига бўйсундириб олишга улгурган.

Хуллас қирғиз қабилаларининг кўпчилиги собик ватанларида қолаверишган. Улар Чуйдан Балхашгача кенг ҳудудда, Иссиқкўл ёқасида кўчиб юришган. Юқоридаги қирғиндан анча йил илгари XVII асрнинг иккинчи ярмида тангритоғлик айрим қирғиз қабилалари қалмоқ феодалларининг таркибига чидамай, вақтинча Фарғона ҳудудига ва Шаркий Туркистон, Қоратегин, Хисорга сурилиб кетган эди. Ўшандан бери кўп йиллар ўтсада ватани Олатоғ ёдидан чиқмаган. Ватанига қайтиш учун кочок қирғизлар қулай вақтни чидамсизлик билан кутиб юришди. Бундай имкониятга улар XVIII асрнинг иккинчи ярмида ниҳоят эга бўлишди. Унгача уларга оғир турмуш, кўплаб тарихий воқеаларни бошдан кечиришга тўғри келди.

Қирғизларнинг қатор гуруҳлари Фарғона, Қоратегин XVI аср охири XVII аср бошида кўчиб кела бошлаганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор.

Мавжуд тарихий маълумотларга қараганда, қирғизлар гуруҳи XVII асрнинг 30—50 йиллари Қашқардан Янги Хисоргача бўлан ҳудудда, кейинчароқ Ёркент диёрига ва Шаркий Туркистоннинг жанубий-ғарб (Хўтан)га жилган. Уларнинг орасида қушчу, қипчок, дўўлўс, найман, кесек, булғачи, қабилаларидан вакиллар бор эди. Бунга Шаркий Туркистон ҳокимларининг қирғизларга қилган ҳужумлари сабаб бўлса керак. Айрим тарихий манбалар бўйича қирғизлар Шаркий Туркистонда XVI аср ўрталарида ва иккинчи ярмида доимий яшашган.

1732 йил жунғор аскарлари Кетмонтена водийсида қирғиз овулларига ҳужум қилади. Ўша йилдаёқ босқинчилар козокларга қарши ҳужум уюштириб ҳал қилувчи жанг давомида мағлубиятга учраган. 30-йилларнинг иккинчи ярмида қалмоқ уруғлари Бадшонга уч марта юриш қилади. Охириги юришдан қайтиб келаётган қалмоқ қўшини билан Қоратегинда қирғизлар юзма-юз келиб, ёвнинг аскарлари тўла тор-мор этилади.

XVIII асрнинг 40-йиллари ўрталарида қирғиз, козок ва ўзбеклар Жунғор холигининг ҳужумига қарши курашда бирга бўлишди. Ўрта Осиё халқларининг чет элдик босқинчиларига қарши ўша биргаликдаги курашига Қўқон ҳукмдори Абдуқаримбий (1734—1751) бошчилик қилган. Бу курашда қирғиз жангчилари алоҳида намуналар кўрсатиб, шон-шухрат қозонишган. 1745 йилдаги жангда йигирма минг қалмоқ аскарининг



Жангчи

тенг ярми ўз юртига қайтмади. 1747 йили Аҳмадий бошчилигидаги қирғиз кўшини (ўн минг жангчи) Қашқар тарафда калмоқларни қийратиб, ғалаба билан қайтади.

Қалмоқ билан қирғиз ўртасидаги катта уруш 1748—1749 йилларга тўғри келади. У йилларда урушни асосан қашқарлик қирғизлар олиб боришган. Дастлаб, Зайсан Доржи, кейин Лама Доржи бошқарган жунғор кўшини урушда енгилиб, кўп аскарларидан жудо бўлган. Бу йирик ғалабалар қирғиз-қалмоқ муносабатлари тарихида унутилмас саҳифа бўлди ва жунғор хонлигининг ҳужумларидан бутунлай қутулиш, ватанни босқинчилардан тўла озод этишнинг бошланишидан дарак беради.

Хонликдаги ички сиёсий ҳолатнинг бузилиши, низоларнинг кучайиши, шунингдек, қирғиз, козоқ ва ўзбекларнинг мустақиллик учун тинимсиз курашлари ўйрот-қалмоқ хонлигининг аввалги куч-қувватидан маҳрум этиб, пировардида манчжурларга еم бўлишига, парчаланиб йўқ бўлишига олиб келди (1755—1758).

Саволлар ва топшириқлар

1. XVII асрда қирғизларга қарши қимлар тез-тез ҳужум уюштиришиб турган?
2. XVII асрнинг биринчи чорағида қирғиз-қозоқ иттифоқининг мустақамланишига қимлар ҳисса қўшган?
3. Қирғизлар билан қозоқларнинг жунғорларга қарши мустақиллик учун кураши тўғрисида нималарни биласиз?
4. Таукехон билан Тиғшбининг давридаги қирғиз-қозоқ муносабатлари тўғрисида нималарни биласиз?
5. XVIII асрнинг 40-йилларидаги қирғиз, козоқ, ўзбек ҳарбий иттифоқи тўғрисида нималарни биласиз?

24-§. Фарғона водийси ва Помирдаги қирғизлар

Қирғизларнинг Шарқий Туркистон, Фарғонадаги XVII асрда сиёсий воқеаларида иштирок этиши. XVII аср-XVIII аср бошида қирғизларнинг бир қисми Шарқий Туркистон, Фарғона, Ҳисор, Кўлоб, Қоратегин, Помирга кўчишгани билан босқинчиларга бутунлай бўйсунган эмас. Бу томонларга аввалданок амалда қирғиз бийлари ҳукмронлик қилишган. Масалан, XVII аср ўрталарида қушчу қабиласининг бийи Сўқурбий Султон Маҳмудхоннинг Ёркентга қилган юришига 7 минг қирғиз аскари билан қатнашиб, Мўғулистондаги хон ҳокимиятини уқаси Султон Аҳмаддан тортиб олиб берган. Шарқий Туркистонда Маҳмуд Султон хонлик қилган йиллар (1633—1638)да Ботур кўнтойиши қирғизларни Тангритоғдан Қашқар, Фарғонага сура бошлаган эди. Шу боисдан бу томонларда қирғизларнинг сони кескин кўпайиб кетади-да, улар ҳудуднинг сиёсий турмушига фаол аралашиб туришади.

1638 йили Мўғулистоннинг хонлик ҳокимияти Абдурахмоннинг ўгли Абдуллахон (1638—1670)нинг қўлига ўтади. Абдуллахон ўлкада ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида Шарқий Туркистонга ошиқаётган қирғиз юртига ҳужум қилиб, Ўш шаҳригача келган. Ўша жанг пайтида Қирғизистон жанубида, Фарғона ва Қашқар томондаги қирғиз қабилалари бир-бири билан яқин алоқа ўрнатиб, куч йиғиб, Абдуллахон қўшинига икки марта оғир зарба бериб чеки-нишга мажбур қилишган. Айниқса, Абдуллахон Фарғонага қилган ҳужумида катта талафотлар кўрди. Унинг қўшини Ўшни вақтинча босиб олиб қайтаётганида чўнгбағиш Қўйсарибий, Учқуртқабий, қипчоқ Жўлбўлдибий ва бошқалар бошчилик қилган қирғиз қўшинлари Бешбўйноқ (Мўйўк) деган ердан душманни қувиб бориб, 6 кун қамаб турган, сўнг қириб ташлаган. Ўша Қўйсарибий билан Жўлбўлдибийнинг қўшини кўп ўтмай Абдуллахоннинг аскарларини бутунлай тор-мор келтириб, уларни Нориндан наридаги Оксойгача қувиб боришган.

Абдуллахон кейинчароқ Фарғонага янги юришлар уюштириб, баъзида ғалабаларга эришгани билан қирғиз қабилаларини бутунлай бўйсундира олмаган. Аксинча, унинг умрининг охириги йилларида қирғиз бийлари Шарқий Туркистондаги Қашқар, Ёркент, Янги Ҳисор, Хўтан ва шу каби йирик шаҳарларнинг ҳокимларига айланишади. Ўш яқинларидан чиққан тахт талашган қўзғо-лончиларга қарши курашда Абдуллахон қирғиз бийларига таяниб, ўз ҳокимиятини сақлаб қолган эди. Ўша кезде найман, қипчоқ, қангли ва бошқа қабилалар ёрдами билан қирғиз бийи Сатимбий Янги Ҳисорни, Чўнгбағишнинг бийи Қўйсарибий Қашқарни бошқариб туради. XVIII асрнинг охири — XVIII асрда Чўнгбағишлар билан қипчоқлар Шарқий Туркистоннинг сиёсий турмушида муҳим роль ўйнаб рақобатлашиб келишган. XVII аср охирида ёрқентлик Орзумуҳаммадбек хон саройида ҳурмат-иззатга эга бўлиб, қипчоқ, қушчи, найман, дўўлўс, кесек, Чўнгбағиш ва бошқа қабилалар унга бўйсунар эди. Бир вақтлар у Муҳаммад Мўмин Султон Окбошхонга, кейин Султон Аҳмад Султонга ўрда шаҳри Ёрқентдаги тахтни тортиб олиб, уларни хон кўтарган, ҳатто ўзини Қорахон деб атаб ўлкани бошқарган.

Қирғиз ҳукмдорларининг кучайишини кўра олмаган амирлар Цеван-Рабданга ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Жунғориядан Чукул-Қашка кўн-тойши бош бўлган қалмоқ аскарлари Ёрқентга келганда, қирғизлар Қашқарга чекиниб, ёв қайтгач, ўрда шаҳарни қайтадан эгаллаб олишади. Ўша воқеалардан кейин Қашқар-Ёрқент ҳудудида қирғиз бийларининг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилиб уларнинг ҳокимияти 1702 йили Шарқий Туркистонни Жунғор хонлиги бутунлай босиб олгунча давом этган. XVIII асрнинг ўрталари ва иккинчи ярми (1750—1770)да қирғизлар икки гуруҳга — ғарб ва шарқ гуруҳларига бўлинишган. Ғарбий гуруҳ асосан ичкиликлар ва ўнг канотининг айрим қабилаларидан иборат жанубий қирғизлар ёки помир-фарғоналик қирғизлар эди. Уларнинг сафига 15 қабила кириб, энг кучлилари базис (1300 оила)лар, адигени ва мўғуллар (700 оила) эди. Ғарбий гуруҳдаги қирғизларнинг умумий сони хитой маълумотларига қараганда (1757, 1762, 1782 йиллар) 200 минг кишига борган. Улар жануб ва шарқда Помир тоғлари, ғарбда

Бухоро билан чегарадош эди. Лекин шарқдаги чегара Қашқарнинг ўзигача етиб борар эди.

1760—1770 йилларда Қашқарнинг шимоли-ғарбида басизлар билан саяклар, чўнгбағишлар, сўлтўлар, жанубий-ғарбда тейит, сарт, найман, қипчок ва бошқа қабила-уруғлари кўчиб юришар эди.

Помир қирғизлари. Помирлик қирғизлар тўғрисида аниқ тарихий маълумотлар XVI асрга тааллуқли. 1575 йили Помирлик қирғизлар Бухоро амири Шайбонийзода Абдуллахон Ҳиротга кетганда бундан бироз аввал унинг тасарруфига ўтган Ғарбий Помир ҳудуди, Ҳисор, Дехновгача Қоратегин томондан кириб боришган. Абдуллахоннинг аскарлари билан бўлган оғир олишувлардан кейингина улар аввал қўлга тушган кўп сонли тутқинлар, ўлжаларни ташлаб Қоратегинга чекинишади.

1637—1638 йиллар Боки оталик бош бўлган ўзбек қўшни Хутгалон ҳудудидаги Қалъаи Хум қалъаси (Дарбоннинг бош шаҳри)ни ишғол қилишади. Балхдаги хон ўрдасидай тарбия кўрган Шоҳ Қирғиз-шаҳар ҳокимлигига тайинланади. Шаҳарнинг собиқ беги Шоҳ Ғариб ҳам қирғиз эди. У Шоҳ Қирғизнинг акаси эди. Шоҳ Қирғиз ёшлигидан эпчил бўлиб, оз фурсат ичида қўшни ҳудудлар Бадахшон, Рушан, Шуънон, шунингдек, Қоратегинни ҳам бирлаштира олди.

Тангритоғ, Андижон, Шаркий Туркистонга ўйрот-қалмоқ босқинчилари қайта-қайта ҳужум қилиб, қирғизларнинг бир гуруҳини Тангритоғдан суриб чиқарган вақтда помирлик қирғизлар ўзларининг мустақиллигини сақлаб қолишган. Мурғоб ва Помирнинг бўлак ҳудудларигача етиб келган қалмоқ аскарлари маҳаллий жангчиларнинг аёвсиз қаршилигига дуч келишади. Жуңғор хонлиги ўта кучайиб турган вақтда ҳам помирлик қирғизларни бўйсундира олмаган.

Мустақиллигини сақлаб қолиш билан бирга помирлик қирғизлар ўзлари бир неча бор қўшни ўлкалар шаркий Туркистонга, Тожикистон водийсига, Бухорога, Шимолий Афғонистонга ҳужум уюштиришдан қайтмаган. Қирғиз феодаллари Помир орқали савдо қилган чет элдик савдогарларнинг қарвонларини талаб кетган вақтлар ҳам бўлган. Сабаби муҳим савдо йўллари уларнинг ерларини оралаб ўтарди.

XVII аср охиридан тортиб помирлик қирғизлар Шаркий Туркистонда ҳокимиятга нитилган октоғликлар ва коратоғликлар деб аталган диний оқимларнинг ўзаро ҳокимият талашган курашига фаол қатнашади. Қирғизларнинг кўмаги билан хўжалар Қашқарни эгаллаб, Шаркий Туркистоннинг ҳокимлари бўлиб қолишган.

Помирдаги қирғизларни XVIII аср ўрталарида Жуңғор хонлигини парчалаб, Шаркий Туркистонни эгаллаган манчжурлар ҳам бўйсундира олмаган.

Фарғонадаги Афғонистон Помирига қирғизлар кўчишининг охириги босқичи XVIII аср охири — XIX аср бошига тўғри келади. У ерларда қирғизнинг тейит, кесек, найман ва қипчок қабилалари яшаб қолишган. Буларнинг ҳар бири майда уруғларга бўлиниб, Кичик ва Катта Помирда яшардилар.

Афғон Помирига тейитлар XVIII асрда Олайдан Қизилорт довони орқали кўчиб келишган. Улар ортидан XIX аср бошида кесек қабиласи Қўқон хони Мадалидан кочиби, Қоратегиндан Дарвоз орқали ўтишади.

XIX асрда Помир Қўқон хонлиги, Қашқар, Қобул амирларининг ўртасида тақсимланган. Бирок қирғизлар амалда уларга бўйсунмай, ўз холича ҳаёт кечириб яшайверган. Помирлик қирғизлар учун чегара йўқ ҳисобида эди, улар хоҳлаган ёққа, яйловларга кўчиб-қўниб юраверишган. Ҳар доим ҳам солиқ тўлайвермас-дилар, қўшни ҳокимларнинг ҳужумларига тегишли жавоб қайтариб, худудий мустақиллигини сақлаб қолишган.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қирғизларнинг Шарқий Туркистондаги сиёсий воқеаларда иштирок этиши тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз?
2. Фарғонадаги сиёсий воқеаларга қирғизларнинг иштирок этиши ҳусусида нималарни биласиз?
3. Қирғизларнинг ғарбий ва шарқий гуруҳларига қайси қабилалар қиради?
4. Помир қирғизлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар қайси даврга тўғри келади?
5. Помирлик қирғизларнинг сиёсий аҳволига нималар тааллуқли бўлган?

25-§. Қирғизлар ва исҳоқийя сўфийлик жамоалари

XVIII аср ўрталарида қирғизлар қўшни халқлар ва давлатлар билан вазиятга қараб алоқа қилиб турганлар. Улар Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё шаҳарлари, ўзбек, қозоқ, афғонлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни узмай, сиёсий воқеаларга аралашиб турдилар. Юз йилдан ортиқ вақтга чўзилган қирғиз-қалмоқ урушларининг охириги даври ҳам шу фурсатга тўғри келади.

XVIII асрнинг 50-йилларида жуңғор хонлигида ички сиёсий таназул, қарама-қаршилиқлар ўта авж олди. Ғалдан-Церешнинг жияни, тахт талашган Амурсана нўён бош бўлган ўйрот зодагонларининг хонлиги Манчжуриянинг аралашуви натижасида 1755 йили Давақиҳон ҳокимиятдан қулатилгач, Жуңғор хонлиги парчаланиб, майда мулкларга бўлиниб кетди. Аҳволнинг ўзгарганлигини тўғри фаҳмлаган Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқлари жуңғор золимларига қарши озодлик курашига ёппасига отландилар. Шимолий Туркистонда қалмоқларга қарши курашга қоратоғлик нуфузли кишилардан Дониёлхўжанинг ўғиллари Жаҳонхўжа, Юсуфхўжа, Низомиддинхўжа ва Абдуллоххўжа бошчилик қилган.

XVIII аср бошидан тортиб қоратоғлик ҳўжаларнинг йўлбошчиси Дониёлхўжа вафот этгунча ўлкани Жуңғор хонининг вассали сифатида бошқариб турган. У ўлгач, Ғалдан-Церен унинг ўғилларини Ёрқент, Қашқар, Оксув ва Турфон шаҳарларининг

хокимлари этиб тайинлайди. Бирок амалда шаҳарларда ҳокимиятни улар бошқарган эмас. Кўнтойши хўжаларни кўпинча ўрдада, ўзига яқин ерда саклар эди.

Бир вақтлар Шарқий Туркистонда ҳукмронликни октоғликларнинг йўлбошчиси Абакбийнинг авлодлари Бурхониддин билан Хонхўжа ҳам эгаллашга ҳаракат қилди. Жунғор хонлари буларни ҳам хон саройидан йироқлаштирмадилар. Диний йўналишдаги исҳокийя ва ишқийя оқимларининг иккаласи ҳам кирғизлардан ёрдам олишни ният қилиб, улар билан алокани мустаҳкамлашга ҳаракатланишган.

Исҳокийя суфийлик жамоасига XVII аср бошида Маҳдуми Аъзамхўжа (1542 йилда вафот этган)нинг кенжа ўғли Исҳоқхўжа (1613 йилда вафот этган) асос солган. Исҳокийя жамоаси Исҳоқхўжанинг акаси асос солган ишқийя жамоаси билан рақобатлашиб турган. Исҳокийя жамоасининг вакилларини «қора тақялилар» ёки «коратоғликлар» деб ҳам атаганлар. Ишқийя суфийлик жамоаси эса Маҳдуми Аъзамхўжанинг ўғли Муҳаммад Эминхўжа томонидан ташкил этилган. Бу жамоа тарафдорлари «ок тоғликлар» ёки «ок тақялилар» деб аташган. Жамоаларнинг Шарқий Туркистондаги сиёсий ҳокимияти эгаллаб олиш учун олиб борган ўзаро кураши узоққа чўзилиб, маҳаллий уйғур, кирғиз, козоқ халқларини азобга солиб, кучсизлантирган. Ички низо, ўзаро рақобатлашиш ўйрот-қалмоқ, манчжур босқинчиларига қарши аҳолининг ёппасига биргаликдаги курашини ташкил этишга имкон бермади.

1754 йили Шарқий Туркистоннинг ҳукмдори, коратоғлик хўжаларнинг йўлбошчиси Юсуфхўжа айрим кирғиз қабилаларнинг қўллаб-қувватлашларига таяниб, кўнтойшига бўйсунидан бош тортди. Жунғор хонлигига қарши курашда у фарғоналик ва илилик кирғизларга махсус мактуб йўллаб, ёрдам сўраган. Кўп ўтмай Амир Мирзо бошчилигидаги кирғиз кўшини Куча шаҳри орқали Хўтанга келиб, қалмоқларнинг аҳолини бағтар қийинлаштирди. Сўнг Андижондан, Фарғонадан ёрдамга келган йирик кирғиз кўшинига қушчу қабиласининг бошлиғи Кубар Мирза (бий) саркардалик қилган. Қалмоқларга қарши биргаликдаги ҳужумда Юсуфхўжа ҳалок бўлгач, кирғиз бийлари унинг фарзандларини қўллаб-қувватламай, алоҳида курашни давом эттиришиб, Қашқар, Ёрқент ва бошқа шаҳарларга хўжайинлик қилишади. Юсуфхўжанинг меросхўрлари билан бўлган низода кирғизлар голиб чиқишади. 1644 йили Хитойда ўз ҳукмронлигини ўрнатиб, йил сайин кўшнларига кўз олайтира бошлаган ҳукмдорлари коратоғлик ва октоғлик хўжаларнинг ўзаро низосидан фойдаланиб, ўзаро муносабатлари бузилган икки гуруҳни бир-бирига қарши қилиб қўяди.

Кирғиз-ўйрот курашининг охири даври. Кирғизлар ва козоқлар. XVIII аср ўрталарида тангритоғлик ва андижон-фарғоналик кирғизлар билан козоқларнинг мустақиллик учун ҳал қилувчи кураши кескин кучайган. Айниқса, Амурсана билан Давани кўнтойшининг Лама-Доржи (Эрдэни-Лама-Батур кўнтойши, 1749 — 1753) га қарши биргаликдаги кураши даврида ва кейин ҳар иккаласининг ўзаро ҳокимият талашган вақтида Ўрта жуз козоғининг султони Аблай Жунғор хонлигининг сиёсий турмушига араллашиб турди. Қулай фурсат пайлаб козоқлар қалмоқ феодалларига бир неча бор огир зарба берганлар.

Қирғиз қабилаарининг ўйрот-қалмоқ босқинчиларига қарши қахрамонона кураши халқ дostonлари («Манас», «Қурманбек», «Жаниш-Байиш», «Эр табиди», «Жангил Мирзо» ва бошқалар) да ёритилиб, ривоят сифатида эл оғзидан гушмай келмоқда. Ана шундай афсоналардан бири Атеке ботир баёнидир. Қадимда Тинай бийнинг ўғиллари Атеке билан Сотиболди мард йигитлардан тузилган қўшин билан доводдан ошиб, Норин дарёсининг жанубий қиргоғига ўтиб, Кетмонтепа водийсида қалмоқлар билан юзма-юз жанг қилишади. Душман Атакенинг ҳеч нарсадан қайтмас аскарлари хужумига дош беролмай чекинишига мажбур бўлади. Натижада Норин дарё-сидан Шамшия довонигача қирғиз ери душмандан тозаланади. Галаба тўғрисидаги хабар етиши билан қирғизлар Тангритоғ томон отланишган. Қалмоқлар бирот фурсат Чуйда туриб қолишади, лекин кўп ўтмай қирғизлар уларни бу ердан ҳам қувиб чиқишади. Яна бир ривоятда қирғизларнинг Талас ва Чуйга қилган хужумлари шундай баён этилади. Саруу қабиласидан чиққан Бердиқе ботир билан Сарибағиш Атаке ботир бош бўлган 3 минг аскарлик қирғиз қўшини Боом дара-сидаги Кўкжар деган ерда қалмоқлар билан олишиб, уларга оғир зарба беришади. Ушанда қалмоқларнинг кўпи асир тушади.

Ўлмаёт колган бироз қисми Иссиқкўл томонга аранг қочиб қутулган эди. Қирғизларнинг Иссиқкўлдаги қалмоқларга қарши хужуми тўғрисида ҳам алоҳида ривоят бор. Унда айтилишича, дастлаб солтолар вакили Ниша, саяк Качике, сарибағиш Тинай ботир бош бўлган кўп сонли қирғиз қўшини Иссиқкўлга ўрнашиб олган қалмоқларга қарши курашиб, уларни мажаклаб ташлашган. Андижон ва ахсилиқ қирғизларнинг афсоналарига қараганда, хитой қабиласи узок йил илгарин Ахси, Чиноздан унча олис бўлмаган ҳудуд (Фарғонадан Чотқолга тўшадиган довод)да ва Октошда қалмоқлар билан жанжаллашиб яшаганлар. Қирғизлар билан навбатдаги жангда енгилиб колган қалмоқлар қирғизлар шубҳаланиб колмасин учун байроқларини ўтови ёнига тикиб қолдириб, яширин қочиб қутулишган. Қирғизлар уч кундан кейингина қалмоқларнинг олислаб қочиб кетганини билиб, қолдирган байроқларини ўлжа қилишган.

Жунғор хонлигига қарши бир асрдан



Цинь-манжаур императорининг расмий кийими



Сехрли феникс куши. Цинь-маликасининг - мукаддас белгиси

ортиқ чўзилган беаёв урушда ўз халкининг эркинлиги учун қон тўкиб ёш умрини хазон қилган озодлик курашининг қурбонлари эвазига қирғизлар ўйрот-қалмоқларни бутунлай қувиб чиқиб, ватанини душмандан халос этдилар.

XVIII асрнинг 50-йиллари ўйрот-қалмоқлар ўртасида муносабат бузилиб, қўнтойши билан ўрдадаги нуфузли нўёнлар иттифокига путур етиб, Жунғор хонлиги заифлашиб қолган эди. Кўпдан бери Жунғор давлатини босиб олишни кўзлаб келган Цинь империяси учун ўта қулай шароит вужудга келди.

50-йиллар охирида манчжурлар Жунғор хонлигига ва Шарқий Туркистонга кескин ҳужумлар уюштириб турди. Қалмоқларга қарши урушда Цинь зодагонлари қирғиз, қозоқларни ўз тарафига тортиб, уларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлишига неча бор ҳаракат қилишади. Уларни қалмоқларга қарши қўйиш билан манчжурлар галабанинг оғир юкини енгиллатишни ўйлашган. Бироқ ҳар доим ҳам уларнинг ўйи ўнгидан чиқавермас эди. Кейинчароқ, манчжурларнинг ўзларига қарши кураш бошланганда, қирғизлар Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистон халқларининг сафида қаҳрамонона курашдилар.

Турк халқларига узоқ йиллар зарар етказган жунғор хонлиги 1758 йили Цинь аскарлари томонидан бутунлай тор-мор қилинди. Хитой босқинчилари ўша урушда шафқатсизлик намуналарини кўрсатиб, 1 миллионга яқин қалмоқни ёш-қари демай, аёвсиз кириб ташлаган. Душман қўлида қирилган қалмоқларнинг араб кочиб қутилиб омон қолган (20 фоиз)лари ҳар томонга тарқалиб кетади. Ўрта Осиёга, Россия кенгликларига қараб қочган қалмоқлар гуруҳи Фарғонадан, Тангритоғдан қўним топди. Бағри кенг, саховатли қирғиз халқи оч-яланғоч, мусофир қочоқларни кек сакламай қабул қилиб, қўним берди, кўмак кўрсатди.

Пировардида улар қирғиз қабилалари билан аралашиб, факат боболаридан қолган номинингина сақлаб қолишди.

XVIII аср 50-йиллар охири-60-йилларнинг бошида қирғизларнинг кўпчилиги қайта Тангритоғдаги азалий она юртини эгаллашади.

Саволлар ва топшириқлар

1. XVIII аср ўрталарида қирғизлар қўшни халқлар билан қандай муносабатда бўлган?
2. Исоқийя, ишқийя суфийлик жамоалари тўғрисида нимани биласиз?
3. Қирғизларнинг қалмоқларга қарши курашининг кучайиши ҳусусида айтиб бериш:

4. Қирғиз-қалмоқ урушлари тўғрисида қандай ривоятлар биласиз?
5. Қалмоқларга қарши бутунлай кириб ташлаш сиёсатини қимлар юргизган?

26-§. Қирғиз халқининг XVIII аср иккинчи ярмидаги сиёсий аҳволи

Минг сулоласининг Қўқон хонлиги ва жанубий қирғизлар. Ажибий. XVIII асрнинг иккинчи ярмида қирғиз халқи кенг ҳудудни эгаллаб турган. Қирғизларнинг эгаллаган майдони шарқда Қашқарнинг текислик қисмидан тортиб, ғарбда, Фарғона водийсидан Хўжандгача, шимолда Талас, Чуй, Или водийларидан жанубга томон Помир, Олайгача чўзилиб кетган эди. Бирок, қирғиз қабилалари ҳали ягона давлатга бирлаша олмади, сиёсий жиҳатдан парокандалигича қолаверади. Бунга уларнинг ҳўжалик турмуши, ижтимоий муносабатларида ва ривожланишидаги турли хусусиятлар (патриархал-уруғчилик тузуми қолдиқлари, кўчманчи ҳўжалик, ички қатновни мураккаблаштирган баланд тоғли табиий шароитлар, уруш даври ва ҳоказо) сабаб бўлди.

Ягона ҳокимияти йўқ қирғиз юртига қўшни давлатлар ҳар доим кўз олайтириб, уни босиб олишга интилганлар. Шу сабабли XVIII асрнинг иккинчи ярмида қирғиз халқига янги душманлар билан ёвлашишга тўғри келди. Ўша қирғизларнинг хавфсизлигига кўрқинч туғдириб, Қирғизистонда ўз таъсирини ўрнатишга интилган Цинь империясига қарши курашга янги ташкил этилган Қўқон хонлигидаги сиёсий воқеаларга қирғизлар фаол қатнашдилар. Айниқса, фарғоналик, олайлик, андижон, аҳс依лик ва тангритоғлик қирғизлар ўзбекларнинг минг ва юз қабилалари билан биргаликда Қўқон хонлиги тарихида муҳим роль ўйнаганлар.

Ўрта Осиёдаги йирик феодал давлатлардан бири бўлган Қўқон хонлиги асосан XVIII асрнинг иккинчи ярмида ташкил этилди. XVIII аср бошида Бухоро амиригидан Фарғона бўлиниб кетади, унинг ҳудудида мустақил ҳокимият ўрнатган бекларнинг мулклари вужудга келади. 1710 йили минг қабиласидан чиққан ўзбек феодал Шохруҳбий ҳўжалардан диний-клерикал суфийлар қўлидан ҳокимиятни тортиб олиб, хонларнинг янги сулоласи замонига асос солди. Минг сулоласининг авлодлари Қўқонни 1876 йилгача, яъни хонлик бекор қилингунча бошқариб турган. Шуни таъкидлаш кераки, Шохруҳбийдан бошлаб Қўқоннинг кейинги ҳамма ҳукмдорлари кўчманчи халқларга ҳос урф-одатлар бўйича оқ қизилга ўтказилиб хон қилиб кўтарилган.

Қўқоннинг ўзи қалъа-шаҳар сифатида дастлаб Шохруҳнинг ўғли Абдурахимбий даври (1722 — 1734)



Оқбўта бий — Хўжанд бийи. XVIII асрнинг биринчи ярми

да қурилган. Фарғоналик қирғизларнинг кўқонликлар билан рақобати ўша йиллардаёқ бошланган. Қирғизлар бутунлай Фарғонадаги, ўрдадаги барча сиёсий воқеаларга фаол қатнашиб, ҳатто баъзида хонлик тож-тахтининг тақдирини ҳам ҳал қилишган.



Қубат бий

Ўрда кишиларининг, хон маслаҳатчиларининг ичида қирғиз бийларининг нуфузи юқори бўлган. Масалан, қирғиз Окбўтабий 20-йилларда Хўжандни бошқарган эди. У Қўқоннинг ҳукмдори Раҳимбийнинг қайнотаси (балки қайноғаси) эди. Махсус қирғиз йигитларидан тузилиб понсод боши бўлган, 500 аскар унга хизмат қилар эди. Дастлаб Окбўтабий Раҳимбий билан дуруст муносабатда бўлиб, куёв боласига ўз хоҳиши бўйича Хўжанддаги амирлик ҳокимиятини тортиқ қилади. Бирок ҳокимиятга, бойликка муқкасидан кетган икки бийнинг иттифоқи узоққа чўзилмади. Уларнинг муносабатлари бузилиб, амалпараст Раҳимбий қайнотаси ва қайноға-иниларининг кўзини ўйиб, Хўжандни тортиб олади.

Окбўтабийнинг ўлими, унинг тасарруфидagi ерларнинг Қўқон ҳукмдори қарамоғига ўтиши Фарғонадаги Хўжанд, Марғилон, Андижон каби кичик феодал мулкларининг бир давлатга бирлашиши

Қўқон хонлиги шаклланишининг бошланиши бўлди.

Абдурахимбий 10 йилдан ортиқ, Қўқонда ҳукмронлик қилиб, охири ўрдадаги кўзғолонда ҳалок бўлади, унинг меросхўри Абдукарим ҳукмронлик қилган йиллар (1734—1750—51)да хонлик ҳудуди кенгайиб, кўқонликлар билан қирғизларнинг алоқаси мустаҳкамланди.

Фарғона ҳудудининг Бухоро хонлиги қарамоғидан бутунлай ажралиб чиқиши Эрдонабий (1751—1770)нинг тadbиркорлиги билан боғлиқдир. 1754 йили Бухоро амири Муҳаммад Раҳим Қўқон хони Эрдона бий ва қирғизларнинг қушчу қабиласи ҳукмдори Қубат бий (Қубатмирза) тенг ҳуқуқли, насл-насабли иттифоқчилар сифатида Ўратепанга биргаликда ҳужум уюштиришган. Ўшанда Ўратепанинг ҳокими Фозилбийга ён босган ҳисорлик бек Муҳаммад Эмин бий чора-тадбирлар қўллаб, уларнинг ўртасига адоват ўтини ёқади. Бек кўзлаган мақсад амалга ошиб, кўп ўтмай иттифоқчилар бир-биридан ажралиб, ҳар тарафга тарқаб кетди. Ўша пайтда қушчи қабиласининг юрти Андижон атрофидаги кенг водийни ўз ичига оларди. Эрдонабий билан муносабатни узгандан кейин Қубат бий мустақил элнинг ҳукмдори, мирзаларнинг сардори сифатида октоғлик хўжалар тарафида Қашқардаги сиёсий воқеаларга қатнашди. Қушчуларни ҳам Қубатбий бошқариб турган. Қубат бий XVIII аср иккинчи ярмидаги қирғиз қабила бошлиқ-ларининг энг атоқлиси, яхшиларининг яхшиси, донишманди, қўшни халқларга отнинг кашқасидек таниш, кадрдон инсон бўлган эди. У ўзининг

қабиласидан ташқари Андижон, Аҳси тарафдаги бўлак қабилаларга ҳам бош-қош бўлиб, умуман қирғиз халқи, унинг келажаги учун ғамхўрлик қилган. Кубат бий Қўқон, Бухоро, Қашқар ҳокимларига ҳеч қачон бўйсунмаган, худди улар каби ўз халқини мустақил қўшни ўлкалар билан хоҳлагандек дўстлашиб, истагандек қасдлаша оладиган мард киши бўлган эди. Унинг мардлиги, тоймаслиги, қиличдек ўткирлигига тан берган ҳукмдорлар ўз даврида унга Баҳодир бий деб ном қўйишган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида қўқонликларга қарши мустақиллик учун курашда элга бош бўлиб, довруғи узокларга кетган қирғиз сардорларидан бири Ажибий бўлган. Қирғизларнинг адигине қабиласидан чиққан Ажибийга Бухородан шарққа қараб кетган кенг ҳудудда яшаган 200 минг қирғиз бўйсунган. Қайси бир йили у эли билан бирга хитой фуқаролигига ўтмоқчи бўлади. Бироқ кейин бундай ўйдан воз кечиб, халқини ўзи бошқарган. Олай билан Ўш ҳудудидаги барча қирғиз қабилалари унинг қарамоғида эди. Ажибий ҳеч бир қўшни давлатга тобе эмас, эркин элнинг ҳукмдори сифатида Цинь империяси билан мустақил алоқа ўрнатган. У ўз номидан, ҳатто қўқонлик Эрдонабийнинг номидан Хитой ҳукмдорларига хат юбориб турган. Агар қирғиз зодагонларининг ички низолари бўлмаганда эди, балки у қирғиз қабилаларини сиёсий жиҳатдан бирлаштириб, ҳокимиятни ўз қўлига олармиди. 60-йиллар бошида адигине, ичкилик, мўғул қабилалари Ажибийнинг раҳбарлиги остида Эрдонабийнинг босқинчилик ҳаракатларига қаттиқ қаршилик кўрсатиб турди.

Цинь Хитойи билан қирғизларнинг XVIII аср иккинчи ярмидаги муносабатлари. XVIII аср ўрталари (1755—1758)да Цинь империясининг қўшинлари Жуңгор хоилигини парчалагач, Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё халқларини бўйсундиришга интилиб, қирғиз, қозок, ўзбекларга ҳавф сола бошлайди. 1644—1911 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган манчжур феодалларининг авлодлари тарихда Цинь сулоласи, улар бошқарган давлат Цинь империяси деган ном билан маълумдир.

Қирғизлар 50-йиллар охириларидан бошлаб қудратли сиёсий кучга айланиб, Шарқий Туркистонда маҳаллий халқларнинг манчжур босқинчиларига қарши ҳаракатига зўр мадад кўрсатиб, кейинчалик Цинь ҳукмронлигини бартараф этиш учун кучайган кўзғолонларнинг қайноқ марказларида бўлишди. Цинь ҳокимияти зодагонлари бекорга қирғизларни эҳтиёткорлик билан авайлаб, уларни тинч музокаралар орқали ўз томонига оғдиришга ёки бетараф бўлишга ҳаракат қилишмаган бўлсалар керак. Қўпинча тинчлик йўли билан, турли инъомлар орқалигина Хитой ҳукумати айрим қирғиз қабилаларининг озрогини ўзига қарата олган. Тахминий чегара ҳудудларида



Ажибий XVII асрнинг 60-йиллари

яшаган ана шундай киргиз қабилалари йилига атига бир марта аскар билан келган Цинь амалдорларига мол солиғи тўлар эди. Цинь империяси қанчалик кад ростлаб, кўчманчиларни меинсмай, камситтиси, тиз чўқдиргиси келгани билан уларнинг ички ишларига аралашшига ботина олмаган. Қирғиз юртчилигини бошқариш, маҳаллий ҳокимият, мансаб урф-одати, расм-русмлари ўзгармай қолаверади. Жойларда аввалгидек киргиз бийлари ҳукмронлик қилиб турган. Хитойлик генерал Чжао-хитой киргиз аслзодаларга эълон қилган императорнинг манифести бунга далилдир. XVIII асрнинг 80-йиллари тангритоғлик киргизлар ўн қабила бирлашмаси мустақил маъмурий-сиёсий бирликка бўлинган эди. Улар ҳар бирининг ўз бийи бўлган. Масалан, сарибағишларни Атакебий, саякларни Қадаббий, қушчуни — Иваулабий, солтони Қачибекбий, мўғулларни Бирназарбий, желденг-кесекни Шапакбий, бостумокни Ташибекбий, буғуни Бирназарбий, хитойни Мусабий, сарууни Сейитботир бошқарган эди. Бу бийларнинг ҳукмронлигига хитой амалдорлари аралаша олган эмас. Номин аталган бийлар орасида энг атоқлиси, эл ичида обрў-эътиборлиси, киргиз қабилалари кўпчилигининг хурматиға сазовор бўлгани Атакебий эди. У қалмоқ босқинчиларига қарши курашда элга бош-қош бўлиб ботир аталган, ёв ҳужуми пайтада саросимаға тушиб, бесарамжон бўлган элнинг бошини бирлаштиришға ва ўша кийин пайитда мустақиллик учун курашда киргизларға куч-қувват бўла оладиган давлат билан алоқа қилишға кўп куч сарфлаган.

Қиргизлар ватанини чет эллик душманлардан ўзлари ҳимоя қилиб турдилар. Қиргиз юртида доимий яшаган хитой аскарлари, ҳарбий қалъалар, турар жойлар бўлган эмас. Хитой аскарларининг айрим зўравонликларига киргизлар муносиб жавоб қайтаришарди. Улар хитой аскарлари билан биринчи марта 1758 йили юзма-юз келади. Ўша йили ёзда қалмоқ қочоқларини таъқиб этиш баҳонаси билан Или орқали Иссиққўлга кириб келган манчжур қўшини киргиз қабилаларининг аёвсиз қаршилигига рўбарў келади. Кўп ўтмай Цинь аскарлари киргиз ерини ташлаб кетишға мажбур бўлишган.

Қиргизларни куч ишлатиб бўйсундира олмасликка кўзи етган Цинь ҳукмдорлари улар билан тинчлик музокараларини ўрнатишға ҳаракат қилишган. Жунгор хонлигини парчалаган хитой аскарларининг саркардаси Чжаохойнинг ташаббуси бўйича киргизлар 1758 йили ўз элчиларини Пекинға жўнатган эди. Қиргиз элчиларини Хитой императори ўз ўрдасида тантанали вазиятда қабул қилган. Элчилар императорға илғари Жунгор хонлиги вақтинча эғаллаб олган яйловларни қайтариб бериш ўтинчи билан муурожаат қилишади. Бироқ киргиз элчилари императорнинг жавобини кутиб ўтирмасдан у ерларни эғаллаб олишган.

Манчжур босқинчилари ўзaro қарама-қарши бўлган уйғур зодагонларини гиж-гижлаш, турли халқлар ўртасидаги миллий диний низолардан гаразғўйлик билан фойдаланиш орқали ва йирик ҳарбий кучларни қўллаш билан 1759 йили Шарқий Туркистонни босиб олиб, уни Синьцзян (Янги чек, янги мулк, янги ўлка) деб атайдди. Шарқий Туркистонда Цинь ҳукмронлиги ўрнатилгандан сўнг, ундаги киргизларнинг бир қисми Қирғизистонға кўча бошлаган. Масалан, 1760 йили ёзда мингдан ортиқ киргиз

оиласи Қашқардан кўчиб, Отбошига келган. Ҳанда император Хунли отбошилик қирғизларга чопар юбориб, қочоқларни қайтариб беришни талаб қилади. Императорнинг дўк-пўписасига қарамасдан, маҳаллий халқ ўз юртошларини душман қўлига тутқазиб бермади. Ақсинча, улар ёвнинг ҳамласига қарши оёққа туришди. Кўп қутдирмай Цинь ҳоқимлари Отбошига қўшин юборган, бироқ қирғиз қўшини ёв кучини парчалаб, ўз еридан суриб чиқади. Бу қабилгабага ўша йилиёқ Иссиққўл бўйидаги Черикбий бошқарган қирғизлар ҳам эришган эди. Черикбий 1758 йили Пекинга элчи юборган.



Бегимжан айим. Атакебийнинг аёли. Қирғиз уруғ бирлиги учун кўп қабил-қаракат қилган. Россияга элчи юбориш ҳақида Атакебийга маслаҳат берган

Шарқий Туркистонлик қирғизлар уйғур, қозоқ, ўзбек, дунганлар билан бирга Цинь ҳукмронлигига қарши қаракатларда узлуксиз қатнашиб турди.

Цинь босқинчиларига қарши қурашда Ан-дижон, Ақси, Олой қирғизлари ҳам четда қолган эмас. Улар ўзбеклар билан биргалашиб душманларнинг ҳужумларини қайтариб турганлар. Масалан, 1759 йили қирғиз билан ўзбек қўшини манчжур аскарларига оғир зарба берган эди. Жанг пайтида етти минг хитой аскарини ноқуд бўлди. Ўзбек, қирғизларга Аҳмадшоҳ бош бўлган афғонлар ён босиб, уларга ёрдам кўрсатиш учун Қўконга аскар юборишган.

Цинь босқинчиларига қарши қирғиз, ўзбек ва бошқа халқлар биргаликдаги қураш натижасида душман Ўрта Осиёдаги ўз ҳукмронлигини ўрифта олмади.

Бу қураш халқ ёдида мардлик тимсоли сифатида абадий сақланиб қолди. Қирғиз халқининг маънавий бойлигининг юқсак чўққиси - «Манас» эпоси бўлимларида ва айрим бошқа дostonларда манчжурлар билан бўлган қўп-қабил жанглар ўз ифодасини топган.

Қирғиз-қозоқ низоси. Аблайхоннинг Шимолий Қирғизистонга ҳужумлари. XVII—XVIII асрнинг биринчи ярмида уйрот-қалмоқ босқинчиларига қарши қурашда қирғиз, қозоқлар бирга бўлишган. Биргалашиб ёв ҳужумларини қайтаришган. Бироқ Жунғор хонлиги қулагач, азалдан қўшни яшаган икки элининг иттифоқига путур етди. Энди қирғиз, қозоқ феодаллари қалмоқлардан бўшатилган яйловларни таллашиб, ўзаро галва жанжаллар бошлашди. Баъзида қўчманчилар бир-бирининг йилқисини ўғирлаб айирбошлаш одати ҳам шу низони қучайтириб юборди. Қозоқ-қирғиз иттифоқининг бузилиши ва ёвлашиб кетишида Цинь амалдорлари ҳам айбдор. Улар интизорлик билан қозоқ, қирғизларни бир-бирига гиж-гижлаб турди. Чунки ўзаро



Эсенгулбий (катта Эсенгул ботир)
XVIII аср 60-70 йиллар

урушлар козок, киргизларни аёвсиз кучсизлантиради, Цинь амалдорларининг ўй-максадлари амалга ошишига замин яратар эди.

Киргиз, козок феодалларининг ўша даврдаги жанжалларининг асосий сабаби чегарадош худудлардаги яйлов, манзилгохларни икки тарафдан тенг эгаллаб олиш ҳаракати бўлган. Албатта, бундай жанжаллар маҳалида кўпинча оддий фукаролар, камбағаллар жабр тортишган.

1760 йили ўрта жузлик козокларнинг султонлари киргизларга ҳужум уюштириб, катта ўлжа билан қайтишади. Тўсатдан бўлган ҳужумда талай киргиз овуллари талон-тарож бўлиб, катта талофот кўрди.

60-йилларда таласлик киргизларга ҳукмронлик қилган Садирбий кўшни козок қабила-ларини ишғол қилган. 1764 йили киргиз феодаллари Катга ва Кичик жуз козокларининг Или водийсида истикомат қилган қабилаларига уч марта юриш қилади. Хуллас, бу ҳужумлар усиз ҳам баҳона то-

полмай турган козок султонларининг қонини қайнатди. 1764 йилнинг ўзидаёқ Ўрта жузлик Абдулфайз султон Қорабўтабий бошқарган киргизларга ҳужум уюштирган.

XVIII асрнинг 70-йиллари козок, киргиз низолари ўта кучайиб кетди. Ўша вақтда Аблайхон (1771—1781) Ўрта жузда ўз ҳокимиятини ўрнатиб, Катга жузининг козокларини ҳам бўйсундиришга интилган. У козок қабилаларининг анчасини бирлаштиришга улгурган эди. Натижада Аблайхон киргизларга қарши уюштирган ҳужумлардан бир неча бор ғалабаларга эриша олди. Аблайнинг манзилгохи ўша вақтда Туркистонга яқин худудда эди. Энди у олатоғлик киргизларнинг ватанига кўз олайтира бошлади.

1770 йили Аблай кўп аскар тўплаб, таласлик ва чуйлик киргизларга ҳужум қилади. Ўшанда Чуйга киргиз қабилаларининг кўпчилиги (солто, сарибағиш, саяк, буғу, чоғбағиш, азик ва ҳоказо) келиб, аёвсиз курашади. Бу олишув тўғрисида эл орасида «Жайилнинг кирғини» деган ривоят бор. Аблай дастлаб Таласнинг бош тарафида киргизларга ҳужум қилиб, Сарибел, Қораболта, Сокулукдаги солто билан саякларнинг овуллари талайди. Ҳал қилувчи жанг Оксув ва Қизгуккон ўзанлари Чуй дарёсига қуйиладиган жойда бўлиб ўтган. Қон ариқдаги сув каби оққан бу жангда солто қабиласининг саркардаси Жайил ботир ва унинг ўғиллари Усан билан Теке қахрамонларча ҳалок бўладилар.

Аблайнинг аскарлари билан бўлган олишувларда Жайил ботирнинг куёв боласи, сарибағиш қабиласининг саркардаси Атаке ботир ҳам катнашган. Жанг козюлар

фойдасига хал бўлишига қарамасдан, улар қирғизларни бутунлай босиб ололмадилар. Аблайнинг аскарлари билан бўлган жангларда солто қабиласининг болоқбай, талқон уруғларининг отахони Чаанинг авлоди Бишкек мардона қурашиб қахрамон бўлади. Тарихий маълумотларга қараганда, Бишкек ботирнинг умри қиска бўлиб, дунёдан эрта кетган. Унинг макбараси турган ер кейин Бишкек аталиб қолди. У ерда XIX асрда Бишкек қалъаси, 1878 йил эса Бишкек (русча-Пишпек) шаҳрига асос солинган.

Аблайхон аскарлари ҳужумларининг бирига Бердихўжа етакчилиқ қилган. Унинг кўшни Таласдаги қирғиз овулларини кириб, сон-саноксиз мол дунёни ўлжага олади. Бироқ қирғизларга қарши 1786 йили янги ҳужум чоғида Бердихўжа мағлубиятга учраб, асирга тушиб ўлади. Қирғиз, қозоқ низолари икки халқнинг бошига мусибатлар олиб келган қайғули воқеа сифатида тарихда қолади.

Россияга борган дастлабки қирғиз элчилари. Абдурахмон Қучак ўғли, Сатимбой Абдурахмон ўғли. XVIII асрнинг иккинчи ярмида қирғизлар билан Россия ўртасида ўзаро алоқаларга асос солинади. Ўша вақтда қирғизларнинг ташқи сиёсий аҳволи, кўшни давлатлар, халқлар билан муносабатлари ўта мураккаблашиб кетган эди.

Қўкон хонлиги, Хитой ҳукмдорлари Қирғизистонда ўзларининг ҳукмронлигини бутунлай ўрнатишни ва таъсирини мустаҳкамлашни кўзлаган. Шимолий шарқ тарафда қирғизлар билан қозоқлар ўртасида яйлов талашган низолар давом этаверди. Қирғиз феодалларининг ички жанжаллари ҳам қабилалараро ахилликни бузиб, қолдан тойдирган. Ташқи душманлар ҳавфидан яққа ҳимоялана олмаслиғига кўзи етган қирғизлар ўша даврдаги қудратли давлат Россия империясига мурожаат қилиб, иттифоқчи бўлишга ҳаракат қилишган. Россия билан дуруст муносабатда бўлиб, унинг ташқи қўллаб-қувватлашига эришиш Қирғизистоннинг ички ва ташқи сиёсий аҳволининг яхшиланиши учун қўшимча қулай шароит яратиб берар эди. Айниқса, бу қирғизларнинг сиёсий мустақиллигини сақлаб қолиш учун зарур эди.

Масофанинг олислиғига қарамасдан, қирғизлар билан сиёсий ва савдо-сотик алоқаларини олиб боришга ўз вақтида Россия ҳукумати ҳам қизикқан эди. Чунки қирғиз юрти орқали Хитой, Ҳиндистон, Афғонистонга қулай савдо йўллари ўтган эди. Бунинг устига қирғизлар билан алоқа қилиш Россиянинг бу ўлка билан муносабатларини яхшилаб, рус элчилари савдо қарвонлари ҳавфсизлигини таъминлар эди.

Россия билан сиёсий алоқа ўрнатиш ҳаракатини дастлаб Сарийўзан, Чуйини манзилгоҳ қилган қирғизлар амалга оширадидлар, Санкт-Петербургда дастлабки қирғиз



Жайил ботир. 1770-йил



Абдурахмон Куеак ўгли 1785 йил.

элчиларини жўнатган шимолий қирғиз қабила бошлиқларининг энг обрўлиси сарибағиш бийи, атоқли Атаке ботир Тинайбий ўгли қирғизларнинг анча катта қисмига ҳукмронлик қилар эди. У ўз замонининг фарзанди, кўпни кўрган, вазиятни тўғри баҳолай оладиган доно инсон, кучли сиёсатчи бўлган. Ёв ёқадан олган пайтда у эл юртининг эркинлиги учун толмай курашиб, мардлиги учун ботир аталган. Шу сабабли унинг элчилари ўз водийси элининг номидан юборилган, деб очик айтишга тўлиқ асос бор.

1785 йил ёзида Атаке ботир Абдурахмон Кучак ўгли ва Шерғозини ўз элчилари сифатида савдо қарвонига кўшиб, Россияга жўнатади. Элчилар рус императорига Атаке ботирнинг махсус мактуби, қимматбаҳо совға-саломларини топшириб, унинг жавобини олиб қайтмоқчи эдилар.

Чуйлик қирғизларнинг элчи юборишдан асосий мақсади қудратли Россия империясининг

ташки кўллаб-қувватлашига эришиш ва у мамлакатни Шарқий Туркистон, Ҳиндистон билан боғлаган қарвонларнинг аввалги йўналишини ўзгартириб, Қирғизистон орқали ўтишига эришиш эди.

Элчилар қозоқ чўлларини босиб ўтиб, август ойининг охирида Умбу (Омск)га келиб, бир неча кун дам олиб, империя пойтахти сари йўл олади. Умбудан икки рус аскари ҳамкорлигида йўлга чиққан элчилар 1785 йил 29 декабрда Санкт-Петербургга етиб келишган. Тарихий маълумотлар бўйича элчиларни император хоним Екатерина II 1786 йили тантанали равишда ўзи қабул қилган. Қабул пайтида қирғиз элчилари император хонимга Атаке ботирнинг хати ва совғаларини топширишади. Хатда қирғиз бийи рус императорини ҳурмат қилиши, қирғиз юрти орқали Россияга ва у ёқдан бу томонга савдо қарвонларининг эркин ўтиши, хавфсизлигини химоя қилишга қафолат бериши тўғрисида ёзилган эди. Екатерина II дастлабки қирғиз элчиларини илик қабул қилиб, ўз навбатида Атаке ботирга ва у ҳукмронлик қилган қирғиз элига ёрдам кўрсатишини билдирган. Император хонимнинг миннатдорчилик жавоб мактуби кўп ўтмай Атакега юборилган. Жавоб хатидан ташқари, Атакенинг совғалари учун 500 сўм пул ва тортик сифатида 300 сўм қумуш таиға жўнатишган.

Махсус жавоб хатини Атаке ботирга етказиш учун Умбудан 1787 йил куз (октябрь) да татар Муслим Агаферов бош бўлган Абдурахмон Нурмаметов деган савдогарнинг қарвони жўнатишган. М.Агаферов кеч кузда Чуйдаги Атакенинг овулига келиб, хат билан пулни совға-саломни унинг ўз қўлига топширган.

Хат олгандан сўнг бир йил ўтиб-ўтмай Атаке ботир ўзининг дастлабки элчилари

Хуллас, элчиликнинг муқаддимаси ҳисобланган қирғиз-рус алоқаларининг равнакига Сибирдаги рус ҳукмдорларининг такаббуруна муносабатлари тўсиқ бўлиб, дастлабки дипломатик ютуқлар пучга чиққан. Атаке ботир шундан сўнг Россияга элчи юбориш фикрини қайта жонлантирмади.

Ҳужжатли материаллар

1. Хитой императорининг манифести.

Бурут (қирғизларни калмоқлар шундай, деб аташарди) қабиласининг оқсоқоллари (йўлбошчилари)га.

Галдан-Цэрен қазо бўлгач, Жунғорияда ички низолар кучайиб, халқ тинччи бузилди. Мен, Коко Тангри қўллаган ўлканинг эгаси, ичкаридан ҳам, ташқаридан ҳам ҳамма ерда тинч, фаровон турмуш ўриятдим. Улар «жунғорлар»да жанг-тўполон бўлаётса қандай жим тура оласан?

Шу боисдан Илини бўйсундириш, Давачини қўлга туширишга, барча ўйрот қабилаларни тинчитиб, уларни юртига мажбурлаб қайтаришга махсус катта армия юбордим...

Сизлар бурутлар (қирғизлар), ҳеч қачон жунғорларнинг (ички) ишига аралашган эмассизлар, бироқ азалдан кўшнисизлар. Ҳозир жунғорлар тўлиқ бўйсундирилди ва сизларнинг еринларга (ватанингларга) бизнинг чегара чекдош (кўшни) бўлиб қолди. Агар (бизнинг) маданиятимизга кўнглингиз тушиб бош эгиб келсанглар, мен (сизларга) кийим-кечагингларни ўзгартирмай, аввалгидай яшашга руҳсат бераман, амалдорларни тайинламайман ва солиқларни талаб қилмайман. Агарда ўтинч билан элчи юборсанглар, унда мен раҳм билан муқофотни кўпайтираман. Эҳтимол сизнинг маҳаллий расм-русум, урф-одатларинг бизнинг (марказий) давлатдагидан фаркланиб турса керак, шу сабабли биз тарафга ўтишни ва бўйсуннишни хохламайсизлар, бу сизларнинг ишингиз. Бироқ ҳар доим чегарани сақлаш учун сизларга бўйсунган қабилаларни ҳимоя қилиб турса бўлади. Мен, шунингдек, аскарни кўпайтирмайман ва тинчингларни бузмайман. Бироқ, агар сизлар тинч яшамасанглар ёки чегарани бузиб кўчиб-кўнсанглар, талон-ғарож ҳамда тўполон қилсанглар, унда ўзинглар жанжалга сабабчи бўласизлар. Ўшанда бизнинг аскарлар сизларни жазолайдилар. Сизлар ўқиниб қоласизлар ва кейин қандай қилиб бизнинг раҳм-шафқатимизга эришасизлар.

2. Бердиҳўжанинг қирғизларга ҳужумлари тўғрисида баён.

«Қирғизларнинг асосий душмани ҳар доим мардлиги ва топқирлиги билан машҳур бўлган Бердиҳўжанинг худди ўзи эди. У ўзи ҳукмронлик қилган 500 қозок жангчисини бошлаб келиб, 1785 йил октябрда улар қирғизларга ҳужум қилади,

униги ҳўжуми даврида қирғизлар оғир мағлубиятта дуч келишган, чунки уларга қарши 1500 жангчиси бўлган Хитой кўшини билан биргалашиб курашган.

Бердихўжа уларга Аягуз ўзани томондан, хитойлар Или тарафдан ўт очади. Бунгача ғалабаларидан қувонган Бердихўжа минг жангчидан иборат кўшин тўплаб қирғизларни бутунлай қириб ташлайман, деб ўйлаб, 1786 йил январда қайта қирғизларга ҳўжум уюштирди. Жидис дарёсига етиб, улар у ерда ортдан келадиган аскарларни ва ҳўжум қилиш учун қулай фўрсатни кутиб туриб қолишади. У ер қирғиз овулларида олис бўлганлигидан, улар ўзларининг ҳар қандай хавф-хатардан олисмиз деб ҳисоблаб, отларни яйловга қўйиб юбориб, ҳеч нарсадан беҳабар уйкуга кетишиди. Бироқ қасдлашган ёв уларнинг бундай вазиятидан фойдаланиб, дастлаб отларни ҳайдаб кетишади, сўнг 80 (қирғиз) жангчиси қўшилиб, ухлаб ётган қозокларга тўсатдан ҳўжум қилишади, баъзи бирларини ўлдириб, айримларини, шу жумладан, саркарда Бердихўжани асирга олишади. Бердихўжани қирғизлардан бири отига миндириб, ўз ҳўқмдори Эсенгелдига олиб келган...»

(Академик Б.Жамғирчиновнинг асаридан).

Саволлар ва топшириқлар

1. Қўқон хонлиги қачон ва қаерда тузилган?
2. Ажибийнинг фаолияти тўғрисида нималарни биласиз?
3. Кубатбийнинг фаолияти ҳўсусида нималарни айта оласиз?
4. Цинь Хитойи билан қирғизларнинг муносабатларига доир нималарни биласиз?
5. Аблайхоннинг ҳўжумлари қандай яқунланган?
6. Россияга дастлабки қирғиз элчилари қандай мақсадда юборилган? Нима учун униги муваффақияти чиппақка чиқарилган?

27-§. Қирғизларнинг XVI—XVIII асрлардаги маданияти

Маданий булоги. Ўтган мавзулардан маълум бўлганидек, қирғизлар XV аср охириларида бошлаб қирғизистоннинг туб аҳолисига айланган. Шунинг учун бундан буён қўпинча қирғизларнинг маданияти ҳақида гапирилади. Бунинг устига яна ўша даврда Олатоғда элат халқининг шаклланиш жараёни умуман охирлаб қолган. Бундай муҳим воқеа бир халқнинг ягона маданиятининг шаклланишига, ўсиб-ривожланишига шароит яратиб, янги босқичларга йўл очгани аниқ. Бу даврда қирғиз халқининг маданияти қадимги ва ўрта асрлардаги Марказий Осиёда тўпланган бой маданий ҳазина — минг хил меросларни ўзига сингдириб олди. Қирғизлар яшаган Тангритоғ тизмаси ва унга чегарадош

Гарбий, Шаркий ва Жанубий Осие халкларининг маданий, савдо, маънавий (диний) алоқаларининг кўприги сифатида хизмат қилган.

Ўрта асрларда Қирғизистонда ва унга туташ худудларда оташпарастлик, бутпараст (буддизм) тангричилик ва бошқа томонларга ишониш; христианлик, ислом, ламаизм (бутпарастлик динининг бир оқими) каби динларга ишонган, ўз ёзуви ва дунёкарашини ёйишга ҳаракат қилган ҳар хил маданий оқимларнинг вакиллари яшаб, ўз изларини қолдиришган. Афсуски, бундай меросларни сингдириш осон бўлмаган. Ҳар хил тарихий даврлар, ички ва ташқи урушлар, сиёсий, диний ўзгаришлар, ёзув маданиятидаги янгиланишлар, мажбурий кўчишлар ва бошқа дахшатли таҳдидлар маданий ривожланишга тўсиқлик қилиб турган.

Халқ оғзаки ижоди. Қирғиз халқи маданиятининг сезиларли қисмини халқ оғзаки ижоди ташкил қилишини ўрта асрлардан буён европалик ижодкорлар таъкидлаб келишган. Оғзаки ижод турлари ичида қирғиз халқи энг улуғ даражада ривожлантирилган жанр дostonчилик бўлиб ҳисобланади.

XVI асрда Сайфиддин Аҳсиқентийнинг "Маясму-ат-таварих" номли асарида Манас ботир билан боғлиқ ривоят келтирилган. Демак, ўша асарлардаёқ "Манас" достони Фарғона қирғизлари орасида кенг тарқалган. Достон халқ бирлигини мустаҳкамлашга, дўстликни, иннокликни кучайтиришга ва она Ватанини севишга ундайди. "Манас" учлигининг (Манас, Семетей, Сейтек) асоси — ўзагини қирғиз халқининг мустақиллик учун асрлар оша юргизган қаҳрамонона курашлари, мустақил давлатни тузиш, унинг ҳавфсизлигини, халқнинг фаровон турмушини, яхлит бирлигини ёвдан ҳимоя қилиш ғояси ташкил қилади. Унинг тўлиқ варианты 500 минг сатрдан иборат. Ўзининг кўлами, мазмунининг бойлиги, аке эттирилган воқеаларнинг муҳимлиги жиҳатидан у "Илиада" ва "Одиссея", "Маҳобҳоро", "Шоҳнома", "Колевала" сингари дунёга машҳур эпослардан бир неча марта катта. Шунинг учун океансимон "Манас" достонини қирғизларнинг маънавий маданиятининг юкори чўққиси, жаҳон маданиятининг ажойиб ҳазинаси дейишади. Бизгача эпоснинг 60 дан ортик варианты етиб келди. Дастлабки манасчилар Манаснинг қирк жўраларидан бири, жарчи Ираманиннг Ирчи ўғли, Ойкўлнинг замондоши Жайсан ирчи, ака-ука Толубай синчи, Токтогул ирчи (XIV аср) бўлган. Кейинги даврда машҳур манасчилар қаторига Келдибек, Балик, Тинибек, Чоюке, Сағимбой, Саякбой ва бошқалар



Ок ўрга

кирган. Достонда киргиз халқининг қадимги даврдан тортиб янги давргача бўлган тарихидаги муҳим воқеалар халқ оғзаки ижодида баён қилинади. Узоқ вақтда шаклланган (айрим олимларнинг (М.Авезов, А.Бериштам фикрича) дostonнинг бошланиши VII асрга тегишли. Бу эпос нихоясида киргизларнинг бошқа майда дostonларини ҳам ўзига сингдириб, мақол-матал, панд — насихат, географик, космографик, этнографик ва бошқа билимлар манбаига айлана борган.

Киргиз дostonчилиги — бир қатор тарихий босқичларнинг кўзгуси. Масалан, Қайберген билан куч синашган кўзга отар мерган ва эр юрак ботир ҳақидаги дoston "Кожожаш" деб аталади. Бу дostonда киргизларнинг жонлиги ҳам, жонсизга ҳам муқаддас куч деб караган энг қадимги (исломгача) диний ва фалсафий тушунчалари акс эттирилган. Ўзининг авлодларини сақлаб, насл-насабини давом эттиришга бўлган табиий ҳуқуқи учун курашиб, Кожожашни енгиб чиққан Сур она эчкининг овози ҳозирги пайтда ҳам экологик тенгликни сақлашга, табиатга астойдил муомала қилишга чақиради.

"Эр туштук" номли сеҳрли эртақдан униб чиққан дoston бўлса киргизларнинг исломгача бўлган даврдаги дунёнинг тузилиши ҳақидаги тушунчаларини акс эттирган. Эр Туштук ер остидаги дунёга ҳам саёҳат қилади. Саян-Олтойдаги кардош халқларнинг дунёнинг уч қатлам сифатида тасаввур қилувчи тушунчалари фақат киргизлардагина бўлмаганини шу дoston тасдиқлайди. Ер тинглари Мамит, Куюн Мамит сингари сеҳргар боболаримиз



Жания Мирза

олиедан хабар олишда, узоқ сафар қилганда тезликни, илдамликни хоҳлашганини ифода этишган. Шунингдек, Алп Қора куш оракали бошқа шарқ халқлари сингари киргизлар ҳам ҳаво йўдларини забт этишни орзу қилганини исботлайди.

XVII—XVIII асрлардаги тарихий воқеалар киргизларнинг қахрамонлик дostonларини анча бойитди. Бир томондан ўйрот-қалмоқлар, хитой-манжуулар билан курашлар, иккинчи томондан ана шу кураш пайтида дўстлик, интиқликнинг бузилиши, унинг зарари янги дostonнинг прототипларини яратиб тургандай бўлди. Натижада "Жаниш Ботир", "Қурманбек", "Эр Топилди" каби қахрамонлик дostonлари яратилган. Чийирди, қиз Сайқал, Қаникей, Ойчурек, Чачикей каби оқила аёлларга бағишланган ривоятлар "Манас" дostonининг ҳар хил бўдимларига бевосита киритилган. Кейинчароқ, "Манас" дostonининг асосий сюжетли тўлиқ варианты шакллангандан сўнг пайдо бўлган ботир қизлар ҳақидаги афсоналар "Жания Мирза", "Тулқак" каби алоҳида дoston сифатида халқ орасида айтилиб, сақланиб қолди. Ўйротларга қарши

курашларда донги чиккан Жангил Мирза киргиз жамиятидаги аёлларнинг эгаллаган эркинрок ўрнини тасдиқлайди.

Киргизларда ижодкорлик илҳами, маҳорати кучайган туғма оқинлик санъати жуда ривожланган. Киргизларнинг туғма оқинлари кўзга кўришганини бўрттириб, кўшик қилиш санъати ўрта асрлардаёқ мусулмон саёхатчилари томонидан ёзиб қолдирилган. X асрдаги араб саёхатчиси Абу Дулаф киргизларнинг тили куйга тушишга қудайлиги билан ажралиб турганини ёзган.

Токмо (бадиҳагўй) оқимлар махсус йиғин, тўйларда ва халқ кўп тўпланган ерларда айтишув санъати (кўшик айтиш бўйича тортишув, мусобақалашув) орқали ўз маҳоратини синашган.

Шунингдек, мусикий кўшикларни яратишда бўлса киргизлар ёш хусусиятига, касбига, яшаган ҳудудига мос ҳар хил жанрдаги ижод намуналарини ривожлантиришган. Севги, ошиқнинг ишқий кўшиклари, армон кўшиклари, кўпинча аниқ муаллифи бўлмаган, улар барча халққа тегишли ижодга айланиб, кенг тарқалган. Яйловда пода бокқая ёшларнинг ёз тунларидаги кўшиклари (кизларнинг "Бекбекейи" йилкичи йиғитларнинг "Ширилданги"), хирмондаги "Хўп майда" каби кўшиклари яратилиш характерига кўра фарқ қилган.

Киргизларнинг мусиқавий санъати кўмизда, қил қиёқда, темир ва ёғоч чанғқовузда, найда, карнай-сурнайда, жезнай, сибузгада ва бошқа асбобларда ўйнаб, куй чиқарган санъаткорлари билан машҳур бўлган. Улар шўҳ, кайғули, чуқур психологик ўйга тортувчи куйларни авлоддан-авлодга мерос қилган. Ҳарбий юришда домбира, карнай-сурнай қўлланилган.

"Кет бука", "Синган буғи", "Камбархон", "Догочи", "Жаатолгоо" ва бошқа залварли куйлар ўша даврдаги муҳим воқеаларни комузнинг таъсирли овози билан баён қилган. Кўғирчоқ ўйини, масхарабозлик, қалмоқ бой ва бошқа театрлаштирилган санъатлар ҳам бор эди.

Киргизларнинг оғзаки фалсафий ўй мероси нотиклик санъатида ҳам мужассамлашган.

Теран мазмунда сўзлаган нотикларнинг, "кўзи очик"ларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳодисаларнинг олдини олиб, айтишга нитилган (бахши) хосияти ҳақидаги ривоятлар Толубой синчи, Асанқайғи, Жееренче чечан (нотик) каби донишманд инсонларга бағишланган.

Қадимий халқ билимлари ва диний эътиқодлари. Ўйин-эрмақлари, моддий маданияти. Халқ билимлари. Киргиз халқларининг билим манбаи билан шерик бўлиб, оламини англаш, таниш бўйича турмуш тажрибаси асосида эга бўлган. Албатта, ўрта асрдаги мусулмонларидagi илм, таълим, маданиятнинг қайтадан гуллаб яшнашининг таъсири бўлгани аниқ (астрономия, медицина).

Астрономик билимлар бўйича киргизлар авлоддан-авлодга ўтган бой тажрибага эга эди. Белек Солтоноевнинг маълумотига кўра киргизлар Хулқар, Толтойнинг ўки, уч архар-Тарози, Катга айик, Кичик айик, Олтин қозик, Ёруғ юлдуз, Чўлпон юлдуз, Қуёш

сингари юлдуз ва планета номларидан фойдаланишган. Уларнинг тасавурида Олтин Қозикдан бошқа барча юлдузлар силжиб туришади, шунинг учун улар ўз вақтини аниқлаш учун улар Олтин Қозикқа қараб ҳукм чиқаришган. Сомончининг йўли ҳам доимий вақтни, йўналишни аниқлашда қўмакчи бўлган.

Қирғизлар йил ҳисобини барча турк-мўғул халқлари каби мучал тартибида (ўн икки ҳайвоннинг номи билан боғлиқ) қуёш календари асосида юргизган. Мусулмонча ой календарига асосланган ҳижрий йил ҳисоби диний ишлар учун расмий мусулмонча адабиётда, хат ёзишдагина ишлатилган. Ўн икки йил бир мучал деб ҳисобланиб, кишининг ёшини аниқлашда йил билан бирга мучал эсга олинган. Одатда буни йил суриш деб қўйишган (жадвални кўриб, ўрганиб олинг).

Халқ календарига кўра, ҳар бир йилни қирғизлар ўн икки ойга бўлган (жадвалга қараб, ўрганинг).

Ойлар ҳайвонларнинг номлари ва тўққиздан биргача тоқ сонлари билан аталган. Бундай аталиш табиатни қадимий овчилик орқали ўрганишдан келиб чиққани шубҳасиз. Янги йил ёлғиз куран (март) оини билан бошланган.

Мусулмончиликка кўра ҳар ҳафтани Ўрта Осиё халқларининг одати бўйича: шанба, якшанба, душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба, жума деб аташган.

Марказий Осиёнинг географияси ҳақида қирғизлар бой маълумотга эга бўлишган. "Манас" ва бошқа дostonларда Қангай, Орқун (Ўрхун), Иртиш, Олтой, Лоп (Лобнор), Коконор, Хўтон, Тибет, Қорашаҳар, Қамбил (Кобул), Афғон (Афғонистон), Помир, Бадахшон, Хўжанд, Самарқанд, Бухоро каби ҳар хил ўлкалар, тарихий-географик тушунчалар кўп учрайди.

Табиатдаги ҳодисаларни башоратчилар, ҳисобчи-мунажжимлар аввалдан айтиб беришган. Албатта, уларнинг гапи рост чиққанда "қорни ёғдириб қўйди", "бўронни тўхтади қўйди" деб ошириб, уларга хосиятли сирни, кучни тенглаш-тирганлар. Иш бўйича бундайлар узок тажрибаларга таянишган.

Халқнинг табиб, шифокорлари доривор ўсимликларнинг (исирик, кийик ўти ва бошқалар) сирини пухта билиб, касал одамларга оқ дори (илоннинг қуритилган



Накшли попукли куржун



Күү-күр, идишлар

тузатишга (масалан, тиш оғриғи) даво килувчи табиблар "жин-шайтонни" кувишга кодир бўлган бахшилар ҳам бўлган.

Қирғизлар масофани элик (бир панжа), қарич, кадам, кулоч, саржин, чакирим, от чопим билан ўлчашган. Қалинликни майда, суюк ва қаттиқ жисмларни ўлчаш тизимдан фойдаланишган.

Диний эътиқодлар. XVII—XVIII асрларда қирғизлар, асосан ислом динига киришган. Лекин Жунғориядаги қалмоқ-қирғиз аталган гуруҳларнинг дини ламаизм (бутпарастлик оқими) бўлган. Тангригоғдаги қирғизларда ислом динигача бўлган диний эътиқодларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Улар мусулмончиликка даъво қилмай синтезланган. Масалан, исломда Худо — Олло-таолонининг синоними катори "Тангри" деб сиғинишган.

Қирғиз мифларида (афсоналарида) Тангри — бир вақтнинг ўзида оламнинг яратувчиси ва осмоннинг (кўкнинг) худоси бўлган. Ундан ташқари, ер ва сувга сиғинишган. Момо ер хақидаги тушунчадан бошқа момоларга, бола-чақани кўриқловчи Умай-Момога (Энага) ишониш ҳам бўлган. Қирғизлар ҳар хил офатлар, тошқинлар, ҳатто ҳайвонларнинг "эгаси", авлиё сингари кишининг мададкори (йўлбарс, бўри, аждар киёфасида) бўлишига ишонишган. Айрим қирғиз уруғларининг буғу, бўри, бағиш, илбирс (барс) ва бошқа ҳайвонот билан боғлиқ бўлган тотеми (сиғинадиган нарса-си) бўлган. Йилкининг эгаси — Қамбар ота, туяники — Ойсул ота, сигирники — Зангги бува, кўйники — Чўлпон ота, эчкиники — Чечан ота, қанотликини — Будайик, "ит тўраси" — Кумайик деб ҳисоблашган.

Энасой қирғиз хоқонлиги давридагидай ўтга сиғиниш одати сақланган. Арча билан

гўшти), ҳайвонлар ва бошқа ёввойи жониворларнинг ҳар хил тана аъзолари ёрдамида даволашган. Турли минерал моддалар (мумиё) дан ҳам фойдаланишни билишган. Беморни баъзан янги сўйилган қора кўчкор ёки тойчокнинг терисига ўрашган. Жароҳатга куйдирилган кигизни ёпишган. Жангда, курашда ярадор бўлганларга жарроҳлик ёрдами кўрсатишган. Қўли чикса, синикчилар уни ўрнига солган, пой тортилганда, суяк синганда куш патини қўйиб боғлашган. Танадаги ўкни тинтув асбоби билан суғуришган. Қон олиш, зулук солиш, томир ушлаш каби табиблик ҳам бор эди. Албатта, дам солиш, дуо ўқиш орқали касални

халослаш, жангдан ёки олис сафардан кайтган кишининг бошидан чўғни уч марта айлантириши ва бошқа ирим-сиримлар мусулмон удумларини тўликлаб турган.

"Нариги дунё" хакидаги тушунча, киёматнинг кил кўприги, жон, арвох, ғойиб бўлиш (хеч кимга кўринмас ҳаётга ўлмайдиган бўлиб ўтиш) каби тушунчалар кенг тарқалган.

Қирғизларнинг насли, уруғларнинг насаби, кўшни халклар билан муносабатлари ва қисқача оғзаки тарихи шажарада баён қилинган (арабча Шажара-дарак сўзидан). Шажарачилар қирғиз уруғларининг наслини дарахтсимон бутоклаб чиқишган. "Етти отасини билиш-фарз" деган тушунча бўлажак шажарачининг кўнглидан ўрин олган.

Халқнинг ўйин-эрмаклари. Эркини, кучни, эпчилликни, чакқонликни ва чидамликни талаб қилган куч синашув, тортишув (спорт) ўйинлари йигитларни аскарлардай шер юракликка, ихчамликка ўргатишга шароит яратган. Бундай ўйинлар найза отиш, яккама-якка олишув, эр йиқитиш, полвон кураш, мол (хайвон), тош кўтариб куч синаш, кўпкари (улок) тортиш, қиз қувди каби ўйинлар бўлган. "От — одамнинг қаноати" дейилади қирғиз хикматларида. От чопиш, йўрға солиш, ғунон чопиш, ағдариш, кўпкари каби от ўйинлари халойиқнинг кўнглини ўстириб, кўп ишларга илҳомлантирган. Белек Солтанов XVII—XVIII асрларда шухрати тош ёрган ботирларнинг ажойиб аргимоқларини (Шарп Қула – Саяк Тугал бой козоқ хони Эшимга тортиқ қилган. Тулпори, Кер Қулан — Атаке ботирнинг ёвга қарши минган аргимоғи ва бошқа отларни) санаб чиқиб, буғи уруғидан чиққан Найман, Жонибек деган синчилар уларни 18 турга бўлганини айтади.

Шунингдек, ўрда эркаклари-нинг тўп-тўп бўлиб ўйнайдиган ўйини томондан мантикий, иккинчи томондан чакқонликни, маҳоратни талаб қилувчи ўйин эди. Ёшларнинг ҳалинчак, ок чалмок, кўз тангиш, рўмол ташлаш, қиз қувиш каби ўйинлари бор эди.

Моддий маданият. Кўчманчи чорвадорлик билан кун кўрган қирғизларнинг турар жойи бўз уй бўлган. Унинг энг чиройлиси ҳурматли кишига ёки қиз-куёвга атаб махсус ясалгани "Ок ўрға" деб аталган. Остона-устунлари, кесакилари мустахам, решеткалари кўчиб-кўнишга мос, тўнтарилган чиннисимон бўз



Заргар буюмлар

уйлар шамол, ёгин-сочинга, қорга чидамли бўлиб, яшаш учун қулай бўлган. Кигиздан ясалган эшик, тунги ёпқичлар, жундан тўкилган турли хилдаги ўйиб нақш туширилган чий, чиглар бўз уйнинг совуққа чидамлилигини ошириб турган. Ички, ташки ясатилиши ярашикли бўлгани ҳар хил уйнинг чиройини очиб турган. Уй бекалари ширдоқ килиб, гилам ва шолча тўкиб, ола кигиз, узук туурдук ясаб, кийим тикиб, сайма (ости кигиз) тўкиб машғул бўлсалар, усталар ўз санъатига яраша (темир уста, ёғоч уста, заргар, иморат қурувчи, қайиш тери ошловчи) машғулотлар билан банд бўлишган.

Умуман, XVI—XVIII асрларда қирғиз халқининг Шарқий Туркистонда, Олатоғда, Помирда ёки бошқа ерларда макон тошган гуруҳларнинг маданияти қадимдан шаклланган миллий урф-одатга тарихий қўшниларнинг таъсирини сингдириш билан фарқ қилган. Қирғизлар ҳам ёнма-ён яшаган қўшни халқларга этник-маданий таъсир этиб тургани шубҳасиз.

Саволлар ва топшириқлар

1. Қирғизларнинг XVI—XVIII асрлардаги маданиятига умумий таъриф бера оласизми?
2. Халқ оғзаки ижоди, "Манас" достони ҳақида айтиб беринг.
3. "Эр Туштук" ва бошқа дostonлар эсингизда борми? Бадиҳагўйлик санъати нима дегани?
4. Қирғизларнинг мусиқавий қўшиқлари, мусиқа санъати ҳақида айтиб беринг.
5. Халқ билимлари, тажрибаларга асосланган билимлар нима дегани?
6. Астрономик билимлар, қирғизча йил суриш ҳақида айтиб беринг.
7. Қирғизларнинг диний эътиқоди, ўйин-эрмақлари ҳақида нималарни биласиз?
8. Қирғизларнинг моддий маданияти қандай шароитларда ривожланган?

Якуний такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ватан тарихини ўқиб ўрганишда қандай воқеалар ёдингизда қолди?
2. Булук Қирғиз давлатига доир нималарни биласиз?
3. Қирғизлар IX асрда Ўрта Осийда қандай ютуқларга эришган?
4. X- XII асрлардаги тангритоғлик қирғизлар тўғрисида қандай маълумотларни биласиз?
5. Қорахонийлар ҳоконлиги қачон ва қайси ҳудудда шаклланган?
6. Мўғул босқини даврида қирғизларнинг сиёсий аҳволида қандай ўзгаришлар бўлди?
7. Мўғул босқини даврида Қирғизистон ҳудудида қандай воқеалар бўлган?
8. Хайду, Мўғулистон давлатлари қачон, қайси ҳудудларда шаклланган?
9. XVII- XVIII асрларда Сибирь қирғизларининг ижтимоий сиёсий турмушида қандай ўзгаришлар бўлган?
10. XVII- XVIII асрларда қирғиз хўжалигининг асосий тармоқларига изоҳ беринг.
11. XVII- XVIII асрларда қирғизларнинг ижтимоий тузулишига ўзгача тушунча беринг.
12. Қирғиз-қозок, қирғиз-қалмоқ муносабатларида нималар аҳамиятга эга эди?
13. Фарғоналик ва Помирлик қирғизлар ҳақида нималарни биласиз?
14. Қирғизларнинг Шарқий Туркистондаги сиёсий воқеаларга иштироки ҳақида нималарни биласиз?
15. XVIII асрнинг иккинчи ярмидаги қирғизларнинг ички ва ташқи сиёсий аҳволига изоҳ беринг.

Хронологик жадвал

- 820 йил - Қирғиз ҳоконлигининг ўз мустақиллигининг эълон қилиниши, қирғиз-уйғур урушининг бошланиши.
- 840 йил - Уйғур ҳоконлигининг пойтахти Ўрдабаликнинг қирғизлар томонидан босиб олинниши. Уйғур ҳоконлигининг парчаланиши.
- 924 йил - Буюк Қирғиз давлатининг даври.
- 840 йил - Қирғиз ҳоконлиги ўрдасининг Энасойдан Мўғулистондаги Қирғиз-нўр худудида кўчирилиши. IX — X асрлар-қирғизларнинг Шарқий Тангриотқа келиши.
- 842 йил - Тану Алп Сол деган қирғиз йўлбошчисининг элчи сифатида Хитойга бориши.
- IX-X асрлар - Қирғизларнинг шарқий Тангриотқа келиши.
- 940 йил - Қорахонийлар ҳоконлигига асос солиниши.
- 960 йил - Қорахонийлар ҳоконлигида исломнинг расмий дин сифатида эълон қилиниши.
- 999 йил - Қорахонийларнинг Бухорони босиб олиши, Мавороннахрни батамом эгаллаши.
- 1008 йил - Пул-и - Чархий жанги.
- 1069-1070 йиллар - Юсуф Баласоғуний ўзининг «Қутаду билиг» («Саодатга етакловчи билим») номли достонини ёзди.
- 1070 йил - Қорахонийларнинг Шарқий ва Ғарбий ҳоконликларга биратўла бўлиниши.
- 1072-1077 йиллар - Махмуд Қошғарий (Барсхоний)ўзининг Девони луғат ат-турк» («Турк тилларининг сўзлиги») номли асарини ёзди.
- 1125-1128 йиллар - Қирғизларнинг қорахитойлар босқинига қарши кураши.
- 1130 йил - Қорахитойларнинг Еттисувга келиши, Боласоғунни ўзига бўйсундириб олиши.
- 1141 йил - Кативан жанги.
- 1206 йил - Темучиннинг «буюк хон» қилиб кўтарилиши ва «Чингизхон» номини олиши.
- 1207 йил - Жўчи бош бўлган мўғул аскарларининг “Ўрмон халқларига” ҳужуми. Қирғизларнинг бўйсундирилиши.
- 1208 йил - Найман хонходаси Қучлукнинг Тангриотқа келиши.
- 1211 йил - Қучлукнинг қора хитойларни бўйсундириши.
- 1218 йил - Мўғулларга қарши тумат-қирғиз кўзғолони.
- 1219-1221 йиллар - Чингизхоннинг Ўрта Осиёни забт этиши.
- XIII аср - Тангриотқа Эна сойдан ва Мўғулистонда қирғизларнинг янги ўчишлари.
- 1264 йил - Қирғиз ерларининг Юань империяси таркибига киргизилиши.
- 1269 йил - Хайду давлатига асос солиниши.
- 1276 йил - Хайдунинг Мўғулистонга йирик юриши; қирғизларнинг уни қўллаб қувватлаши.
- XIII асрнинг 80 йиллари - Қирғизларнинг жоон тўпининг Мўғулистон маркази Қорақурумга кўчирилиши.

- 1286 йил - Хайду хоннинг Мўғилистонга иккинчи марта юриши.
 1292-1293 йиллар - Тутуха бош бўлган Мўғулларнинг Энасойга хужуми ва киргизларни босиб олиши.
 1293 йил - Киргизларни бир қисмининг Манчжурияга кўчирилиши.
 1295 йил - Мўғул Олтой тоғларида яшаган киргизлар бир бўлагининг Шаньдун вилоятига кўчирилиши.
 1348 йил - Туглук Темурнинг хон кўтарилиши. Мўғулистон давлатининг тузилиши.
 1358 йил - Мавороуннахрнинг Тўғлук Темурга бўйсуниши.
 1365 йил - Чирчикдаги «Илай жанги».
 1371 йил - Амир Темурнинг Мўғулистонга дастлабки хужуми.

XIV-XV асрлар - Тангритоғда киргизларнинг йирик кабила бирлашмаларининг бошқа кабилаларни ўзига бирлаштириши.

XV асрнинг 80-йиллари - Олатоғда киргизларнинг мустақил сиёсий бирлашмасининг шаклланиши.

- 1484-1504 йиллар - Қиргиз хонлигида Ахмадхоннинг ҳукмронлик қилиши.
 1504-1508 йиллар - Султон Халил Султон - "киргизларнинг подшоиси".

XV аср - Олатоғ худудининг Қирғизистон деб атала бошлаши.

XVI аср - Қирғизларнинг давлат арбоби Муҳаммад Қирғиз яшаган давр.

1508 йил - Чарин-Челек жанги.

1510 йил - Қирғизларнинг Мўғилистонга тўла ҳукмронлик қилиши.

1514-1533 йиллар - Қирғизларнинг мустақил ҳукмрон сифатида Муҳаммад Қирғиз номининг тарихий манбаларда учраши.

1514 йил - Муҳаммад Қирғизнинг Ёркент, Қашқарга юриши.

1517 йил - Барскоон жанги.

1517-1522 йиллар - Қирғизларнинг Маворауннахрга юришлари.

1524 йил - Қирғизистонга Тохирхоннинг келиши. Қирғиз-қозок харбий иттифоқининг тузилиши.

1575 йил - Помирлик киргизлар тўғрисида дастлабки маълумот.

1598 -1628 йиллар - Эшим хон билан Кўкумбийнинг дўстлиги.

XVII асрнинг - Тауке хан билан Тейши бийнинг дўстлиги. Қирғиз-қозок бирлиги, иккинчи ярми иттифоқининг мустаҳкамланиши.

1633 йил - Жуңғор хони Хара-Хуланинги сибирлик киргизларни бўйсундириши.

1643 йил - Қалмиқларнинг қирғиз ерига (Олатоғга) дастлабки юриши.

1670 йил - Қирғиз Қайсари бийнинг Қашқар хокимлигига кўтарилиши.

1703 йил - Жуңғор хони Цевон - Рабданнинг 3000 тутқун киргизни Сибирдан Жуңғорияга ҳайдаши.

1709-1710 йил - Кўкон хонлигининг тузила бошлаши.

XVIII асрнинг 20 йиллари - Окбўтабийнинг Хужандни бошқариши.

1723 йил - Қалмоқларнинг навбатдаги янги хужуми натижасига қозок ва киргизларнинг кўчиши.

1747 йил - Акмаббий бошқарган (қўшин) киргиз қўшинининг Қашқар тарафдаги қалмоқларга хужуми.

- 1754 йил - Шарқий Туркистонлик Юсуфхўжага қирғизларнинг кўмаклашиши.
1755-1758 йиллар - Жунгор хонлигининг парчаланиши (емирилиши).
1758 йил - Цинь – манчжурлар билан қирғизларнинг тўқнашуви. Хитойга қирғиз элчилигининг бориши.

XVIII аср 60-йиллари - Қирғизларнинг жанубий-ғарбга оғган қисмининг Олатоғга қайтиши.

- 1762 йил - Ажи бийнинг Ўш билан Ўзганни кўқонликлардан муҳофаза қилиши.
1770 йил - Аблайхоннинг Талас, Чуйга юриши.
1785 йил - Атаке бий элчиларининг Россияга юборилиши.

Хрестоматик илова

ҚИРГИЗЛАР, ТУРК ХАЛҚЛАРИ ВА ҚИРГИЗИСТОН ТЎҒРИСИДА ЁЗМА МАНБА МАЪЛУМОТЛАРИДАН ПАРЧАЛАР

1. Хитой манбаларидан «Тан сулоласининг тарихи». (Н.Я.Бичурининг русча таржимасидан қирғизча, сўнг ўзбекчага ўзгирилди).

Қирғизлар ... Улар урушда ёй-найза ва байрок қўллашади. Отликлар ўткир килич ва найзадан сакланиш учун қўл-оёқларини ёғоч билан коплайдилар, ўзини юмолоқ ёғоч қалкон билан ёпади. Давлат бошлиғи Ажо (инал) деб аталади; шу сабабли бошлиқнинг номи Ажо (инал) дейилади. У турган жойда байрок ўрнатилган бўлади.

Ажо киша тумок, ёзда жияги ташқарига қаратилган, тилла билан безакланган қалпоқ, қолганлар эса кийгиз қалпоқ кийишган. Аёллари Аньси, Бейтинг ва Дася (Шарқий Туркистон ва Ўрта Шарқ)дан олинган жун ёки ипак газламалардан тикилган кўйлақлар кийишади...

Никоҳ тўйларида қалинга йилки ва кўй беришади. Бойлари 100, 1000 бошдан беришади.

Ўлган кишини кўмишда юзларини очишмайди, мархумни уч қатор ўраб йиғлашади. Ундан кейин уни ёқиб юборишади, хокини тўплаб, бир йилдан сўнг кўмишади. Бундан кейин маълум вақтларда овоз чиқариб йиғлашади. Ёзуви ва тили уйғурларникига деярли ўхшаш.

Уларнинг қонунлари ўта қаттиқ: жанг олдидаги қатъиятсизлиги, элчилик вазифасини ўтамаганлиги, давлат бошлиғига нотўғри маслаҳат берганлиги учун ва ўғрилиқ қилганлиги учун бошини олишга ҳукм қилинади,

Қирғиз-кучли давлат бўлган. Эгаллаган майдони бўйича туркларнинг ери билан тенг. Турк бошлиқлари қизларини уларнинг бошлиқларига беришган...

... Бу давлат Даши (Араб халифалиги), Туфони (Тибет) ва қорлуқлар билан доим дўстлик муносабатида бўлишган. Бироқ тибетликлар қирғизлар билан алоқа қилишда уйғурлар тарафидан талон-тарож қилинишдан қўрқишган, шу сабабли қорлуқлардан ҳамроҳлар олишган.

... Бироқ уйғур давлати заифлаша бошлаганида Ажо ўзини-ўзи хон, тургашлардан бўлган онасини бева малика, қорлуқ жабғунинг кизи бўлган хотинини малика деб эълон қилган. Уйғур хони ўз вазирини (жазолашга) жўнатган, бироқ у муваффақиятга эриша олмаган. Хон урушини 20 йил давом эттирган. Ажо ўзининг

ғалабасидан мағрурланиб, шундай деган: «Сенинг кунинг битди. Мен яқинда сенинг олтин ўрдангини оламан, унинг олдида отимни боғлаб кўяман, байроғимни тикаман. Агар мен билан уруша олсанг тезроқ кел; агар журъат этолмасанг шу он кет»...

(Бу маълумотлар Энасой киргизларининг VIII—IX асрлар тарихини ўз ичига олади).

«Тан сулоласининг қадимий тарихи».
(X асрда тузилган) — «Цзю Тан шу»
(А.Г.Малявкиннинг русча таржимасидан киргизча
ва ўзбекчага ўзгирилди).

Қайчэн бошқаруви даври (837-841 йиллар) минг бошида уйғур вазири бўлган Ань Юнь-хе ва Чай-цао тегин хонни тахтдан қулатишга ният қилишди. Ҳокон Са-тегин буни билиб қолиб, Чай-цао билан Ань Юнь-хени ўлдиради. Сўнг Цзуэ-ло-у исмли уйғур вазири ташқаридаги аскарлар кўмагида, Чай-цао билан Ань Юнь-хе ўлимига қахрланиб, Са-тегин ҳоконни ўлдириб, Лу-йэи тегинни тахтга ўтказди.

Кучли Бага (Цзуйлу мо-хэ) исмли саркарда Цзуэ-ло уни ёмон кўрар эди. У кучли Бага хитойларни чакиради ва юз минг отлик аскарни бошлаб, уйғурнинг бош шаҳрини хонавайрон қилди, Лу-цзини ўлдирди, Цзуэ-ло унинг бошини олдирди... Уйғурлар турли элларга бошпана излаб қочишди. Са-чжи исмли уйғур вазири Пан-тегинни, унинг беш ака-укасини ва 15 қабилани олиб, қарлуқлар томонга — ғарбга қочди. Яна бир қисми тибетликларга бўйсунди, яна бири Аньсига кетди. Бундан бошқа ҳокон ҳудудига яқин турган 13 қабилла ўзлари учун У-цзе исмли тегинни ҳокон деб эълон қилиб, жануб томон кетганлар...

... Хой-чап бошқаруви даврининг 3 йил 2 ойида Оксаройга киргизларнинг Чжу-у Хэ-су исмли элчиси келиб, икки аргумок отни совға сифатида тортиқ қилган. У, шунингдек ўз ҳокони уйғурларни Тологут-султон, хоннинг хос навкарлари, хизматкорлари тор-мор қилганини ва ватанига кетиш учун хитойлик Тай-хэ исмли бегойим (насл-насабли кишининг кизи)ни никоҳига олганини хабар қилди. Ачинарлиси шуки, уйғурларнинг қолган-қутган қисми бегойимни ўрта йўлда тортиб олишган...

(847)... Уйғурлар У-цзэ ҳоконни Цзинь-шань тоғларида ўлдириб, унинг ўрнига укаси Э-нянь тегинни ҳокон деб эълон қилишди.

(848) _ Қиргизларнинг вазири А-бо ҳар хил қабилалардан тўпланган 70 минг аскарлик кўшини билан Тянь Дэ деворининг шимолий чегараларини жануби ғарбдан бузиб босиб кирди. У Э-нянь билан уйғурларни бўйсундирмоқчи бўлган эди. У шивей элини каттик мағлубиятга учратди, сўнг шивейларнинг тасарруфидаги уйғурларнинг барчасини йиғиб, уларни Гоби чўлининг шимолига қайтарди.

*Цзуй-чжэи бош бўлган сарой
тарихчиларининг комиссияси (974 йил)
«Беш сулоланинг тарихи (907—1125 йиллар) —
«Ляо-ши» (А.Г.Малявкиннинг русча таржимасидан қирғизчага
ва ўзбекчага ўзгирилди).*

Хой-чан бошқаруви даври (841-846 йиллар)нинг бошида Уйғур давлатига қирғизлар бостириб кирди, уйғурларнинг қабилалари ва уруғлари саросимага тушиб, қочишди...

*«Киданларнинг Ляо давлати тарихи» (907—1125 йиллар) — «Ляо ши»,
(А.Г.Малявкиннинг русча таржимасидан қирғизчага
ва ўзбекчага ўзгирилди).*

(952 йил 15 ноябрда, яъни Инди бошқаруви даврининг иккинчи йили ўнинчи ойда У-шень куни) уйғурлари билан қирғизлар совға-салом билан элчиларини юборишди.

*Оуян Сю. Беш сулоланинг тарихи бўйича
ёзишмалар-«Удай шингзи».
(В.С.Таскиннинг русча таржимасидан қирғизчага
ва ўзбекчага ўзгирилди).*

(Етти йил киданларнинг тутқунлигида бўлган хитойлик Ху Цзяо деган хизматчи 953 йили ватанига қайтиб келиб, кўрган-билгани ва эшитганини хикоя қилади).

... Фучжоу (ҳозирги Ганьсу худудидаги ер)га келганимда киданлар мени аянди ва ватанимга қандай қочиб кетишни ўргатишди. Улардан мен турли ўлкалар ва улар жойлашган ерлар тўғрисида билиб олдим...

Жануби-ғарбда Жучжоу худудигача илгари хитойликлар эгаллаган майдонлар жойлашган. Ғарбда турклар ва уйғурлар яшайди. Шимоли-ғарбда эса чегара оуцзюэлуи қабиласига етади...

Оуцзюэлуи қабиласидан ғарбда қирғизлар яшашади...

*Ван Янденинг 981—982 йиллари Турфон паст текислигидаги
Уйгур ҳокимиятига қилган сафарининг баённомасидан.
(Проф. Ўзкан Изгининг туркча таржимасидан қирғизчага
ва ўзбекчага ўгирилди)*

... (Турфондаги Уйгур идикут (ийиккут-VIII аср басмил хукмдорининг, кейинчароқ Турфондаги уйгур хукмдорининг IX аср иккинчи ярми-XIII асрдаги мақомилигининг хукмдори) жанубий ва шимолий туркларнинг, катта ва кичик чигилларнинг, яғмо, карлук, киргиз, барман, урунг кабилаларининг устидан хукмронлик қилган. Бу ерларда кашшок кишилар йўқ. Улар мухтожларга озик-овқатдан ёрдам бериб туришади. Кишилар узок умр кўришади. Умуман юз ёшгача яшашади),

... Тўртинчи ойнинг юзи эди. Арслонхон Бешбаликда дам олаётган эди...

(Бешбалик билан Кўча шаҳарларини ўрда қилган уйгур хукмрони Арслонхон бу ерда юкорида номлари аталган элларнинг барчаси эмас, фақатгина Турфон пастекислигида яшаган вакиллари устидан, шу жумладан, шаркий тангритоғлик айрим қирғиз кабилалари устидан хукмронлик қилган).

II. Энасой, Ўрхун, Талас, Руний ёзувларидан.

Энасойдаги Олтинкўл ёдгорликлари.

(Абакан ўзанининг ўнг тарафида Олтинкўлдан бир чақирим олисроқдаги адирдан топилган тош юзасидаги ёзув).

Биринчи ёдгорлик.

Олд юзаси:

1. Ердаги эрлигим (вариант: Барс насл-насабим)га Жасоратимга конмадим.
2. Отувчи алп эдингиз, голиб куч эдингиз; инили Бўри ура (қочиб), Барс айрилмай...
3. Бу отимиз-Умайбек, биз насл-насабимиздан алп баҳодирмиз. Ўзингни кийнамадинг. Ўзинг учун от, ўзинга қўшиб уч эрни олмадинг. Агтанг сен менинг урф-одатимдан, тилагимдан айрилма, эл ичида менинг обрўйим...

Ўнг юзи:

4. Баҳодирлик обрўйим учун ичим, оғамнинг машхурлиги учун белгимни (ёдгорлигимни) ўрнатиб берди.

5. Тўрт ака-ука эдик, бизни кучли қудрат айриди, аттанг-эй.
6. Олтин чурок, ёш кийикни изла, йиғлатиб-сикатгин; куч қувватидан Барсин айрилаверди, аттанг.

Чап юзи:

7. Ўн ой кўтарди онам, кейин элимга (давлатимга) келтирди. Обрўйим учун яшаб келдим.
8. Элим, ... шафқатсиз ёв билан олишиб, айрилдим, аттанг.
9. Инингизга, оғангизга... юкни (туя юкидек кийинчиликни) ордингиз.

Иккинчи ёдгорлик.

Олд юзаси:

1. Жасоратли элни, юртни, кучли элни билган эр отим-Эрен Улуғ, обрўли ботирман.
2. Қахрамон, нуфузли давлатим барчаси учун юрт кўзгалмади...
3. Юқоридаги бўз уйдаги қаллиғим-маликамдан айрилаётирман, мен ўғлимга... эл юртимга қонмадим.
4. 38 ёшимда.

Чап юзи:

5. 10 ой кўтарди онам. Ўғил туғилдим. Балоғатга етдим.
6. Давлатимдан тўрт марта сафарга чиқдим. Обрўйим учун Инанчу Алл ичиди... да...

Ўнг юзи:

7. Обрўли қахрамонлар шундай бўлади. Аттанг, мен Олтинкирга кетдим.
8. Баҳодирлик нуфузим учун Тибетхонга элчиликка бориб келмоқчиман (келмай қолдим).

Энасойдаги Бегре ёдгорлиги.

Олд юзаси:

1. Тўрпе (ёки Тўропа) — мен, ички хизматга 15 ёшимда олинганман; маликамдан... билан сизлардан айрилдим, Куёш, ойни кўришдан қолдим.
2. Уч ўғлимдан айрилдим, Аттанг, қонмадим, Ғайратлангиз!

Ўнг юзи:

9. 15 ёшимда табғоч (хитой) хонга бордим. Баҳодирлик нуфузим учун олтин, кумушли бу давлатдан кишили (хотинли) бўлдим.

10. Етги бўрини ўлдирдим, барсни... улошни (кўм-кўк) ўлдирган эмасман.

(Ёдгорликдаги ёзувлар қискартириб берилди).

Тувадаги учинчи ёдгорлик.

(Тус ва Эрба водийларига яқин ерда топилган).

1. Қорахон (ўлкасининг) ичидаги хизматдаги мен-Эзгене.
2. 26 ёшда эдим.
3. Мен ўлдим. Тургаш давлатининг ичкарасида. Бек мен эдим. Бу ёзув...

(Тувада топилган бир неча ёзувнинг ичидан биттасинигина намуна сифатида қискартириб эътиборингизга ҳавола этдик).

Мўғулистондаги Сужин — Довон ёдгорлиги.**Ўқилиши:**

1. Уйғур йиринте йағлақар қан ата келтим.
2. Қирғиз ўғли мен. Бўйла қутлуг йарған.
3. Мен қутлуг Баға Тарқан ўге буйруқи мен...

Таржимаси:

1. Уйғур ерида, мен, Йағлақар хонни суриб чиқариб келдим. (Бошқа варианты Уйғур ерида Йағлақар хонни суриб чиқариб келдим.- С.Г.Кляшторний таржимаси).
2. Қирғиз ўғлиман. Мен — Бўйла, қутли ёрлиқ чиқарувчиман (судман).
3. Қутли Баға Торхоннинг маҳеус буйруқ ижрочиси ман... (Ёдгорликдаги ёзув 11 сатрдан иборат, қискартириб берилди.)

(Туркиялик олим Усмон Фикри Серткайя бу ёзув учун янги таржима вариантини тайёрлади).

**Мўғулистоннинг Кошо-Сайдам деган еридаги
Култегинга бағишланган ёдгорлик**

- 17) ... Кўгмандан ошиб, Қирғиз срига лашкар тордик.
- 20) ... Барс бек эди. Ҳокон унвонини бунда биз бердик. Синглимни никоҳига бердим. Ўзи адашди, ҳокон, халки чўри, қул бўлди
- 23) Қирғиз ҳоконни бўйлаб хайкал қўйдим.
- 34) ...Қул тегин 26 Қирғиз томонга лашкар тордик. Найза ёққан қорни кечиб, Кўгмаи Қирғиз юртини уйқуда босдик. Ҳокони билан Суиға майдонида жанг қилдик
- 36)... Қирғиз ҳоконини ўлдирдик, давлатини олдик. Ўша йили Турғаш томонга Олтин йишга кўтарилиб, Иртиш дарёсини кечиб ўтдик. Турғаш халқини уйқуда босдик. Турғаш ҳокон лашкари Бўлучуда ўтдай, бўрондай келди. Жанг қилдик.
- 38)...Ҳоконини ўшанда ўлдирдик, юртини вайрона қилдик. Турғаш халки бутунлай таслим бўлди.
- 39)...Соғдақ халқини тузатайин деб, Сирдарёни кечиб, Темир дарвозагача лашкар тордик.
- 53)... Кул тегиннинг ошига халқидан турғаш ҳоконидан Макрвч тамғачи, Уғуз билга тамғачи келди. Қирғиз ҳоконидан Гардуш Инанчу Чор келди...Табғач ҳоконидан (тан империясининг) вакили Чаиғ-сенун келди.

**Мўғулистоннинг Баин-Цокто ҳудудидаги
Тонюқуққа бағишланган ёдгорлик.**

- 19) ...Табғач ҳокони душманимиз эди, 10 ўк ҳокони ҳам душманимиз эди.
- 20) Ундан ортиқ қирғизнинг қудратли ҳокони душманимиз бўлди, ўша уч ҳокон маслаҳатлашиб, Олтин йиш устига талон солайлик дебди, шундай маслаҳат қилишибди.
- 23) Кўгман йўли битта экан. Йўлни қор босган деб эшитиб, бу йўл билан юрса ярамайди, дедим. Ерчи (ер билладиган киши) суруштирдим. Чўллик аз қабиласидан бир йигитни топдим.
- 26) Йўл кўрсатувчи ҳам янгилишиб, бўғизланди. Ҳокон хафа бўлиб, отларни чоптиринглар, деди.
- 27) Ани дарёсидан борайлик!-дедим. Дарё сувининг қуйи томониға юрдик. Лашқарни санагани туширдик, отларни ўтга бойладик. Қув ҳам, тун ҳам елиб бордик. Қирғизни уйқуда босдик.
- 28) Найза билан йўл очдик. Қирғиз ҳоконлигининг лашқари йиғилди. Жанг

килдик, санчдик, ҳоконни ўлдирдик. Бизнинг ҳоконга қирғиз халки таслим бўлди, таъзим қилди. Қайтдик. Кугманни айланиб келдик.

29) Қирғиздан қайтдик.

58) Турк Билга ҳокон давлатида бу битикни ёздирдим, мен-Билга Тўнюқук.

Мўғулистондаги Билга Ҳоконга бағишланган ёдгорлик.

26) 26 ёшимда Чик халки қирғиз билан душман бўлди. Кам дарёсини кечиб ўтиб, кўшинини тор-мор қилдим. Аз халқини таслим этдим. 27 ёшимда яна қирғиз томонга лашкар тортим. Найза ботими қорни ёриб, Кўгман йишга қўтарилиб, қирғиз халқини уйқуда босдим. Ҳокони билан Сунга йишда жанг қилдим. Ҳоконни ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. Ўша йили Туркистон тарафга Олтин йишни (давонни) ошиб ўтаб, Иртиш дарёсини кечиб ўтиб, юриш қилдим. Турғаш ҳоконининг кўшини ўтдай, бўрондай келди.

28) Бўлчуда жанг қилдик. Ҳокониш йабғусини, шадини ўшанда ўлдирдим. Давлатини ўшанда олдим. 30 ёшимда Бешбалиқ тарафга кўшин тортдим. Олти марта жанг қилдим...

33) Тангри ёрлакагани учун, мен муваффақиятга эришганим учун, турк халқи галаба қозонди. Мен томондан давлат бундай бошқарилмаса, турк халқи ўлажак эди, йўқ бўлажак эди...

Мен яшадим, турк беклари, турк халқим.

Билга ҳокон битигини Йўллуғ тигин ёздим. Бундай иморатни, накшни ... ҳоконни жияни Йўллуғ тигин, бир ойю тўрт кун ўтириб ёздим, накшладим.

Талас водийсидаги ёдгорликлар.

Биринчи ёдгорлик.

1. ... Баҳодир отим - Удун ...
2. Қаллиғи эр қушида тул қолди.
3. Инилари: Қора Барс, Ўғил Барс.
4. Ўзининг жўра-ўртоқларидан (айрилди).

Иккинчи ёдгорлик.

1. Ўтуғ ўғлон. (30 ўғил), соқчилари мечин (маймун) йилининг. 16...
2. Эр отим-Қора чур. Ардокли аргумоқи-Қора йазмас.

3. Олти қабиланинг онаси, кейин синглиси Инал ўлди.
4. Қора Чур, отим-кула, Қора йазмас.
5. Қора Чур сизлардан, ўз кадрдонларидан айрилди.
6. Отасининг оти-Тўғон, ўғлининг оти-Қора Чур...

Учинчи ёдгўрлик.

Ота Чур. (У) ўттиз ўғлондан, дунёнинг айш-ишратидан йироқлашди. Сизларга ишониб, ўғлон Чур мерос қолди. Қаллиги (хотини) тул қолди.

(Талас ёдгўрликларидан «ўттиз ўғлон» билан қирғизлар доирасидаги «ўттиз ўғил» қабила атамасининг мос келиши, айниқса, қизиқарлидир.

Талас ва Энасой ёзувларининг типологик яқинлиги туфайли ҳар иккисини ҳам Энасой қирғизлари ва улар билан маданий-тарихий алоқалари бор этнос вакиллариининг яратишгани маълум бўлмоқда).

III. МУСУЛМОН МАНБАЛАРИДАН.

Араб географи Ибн Хўрдорбек (IX аср)

ёзган «Китоб ал-масалик ва ал-мамалик» асаридан.

Туркларнинг вакиллари куйидагилар: тўғузгуз-уларнинг ўлкаси туркларнинг ўзгача кенг ўлкасидан бўлиб, ас-Син (Хитой), Тибет, Қорлуқ билан чегарадош: Қимок, Ўғуз, Чағир, Беченек, Турғаш, Азқиш, Қипчоқ, Қирғиз... Қорлуқ, Қалач-бу ўлка Жайхун дарёсининг бериги жанубий соҳилида.

Араб саёҳатчиси Абу Дулаф (X аср) ёзган

«Биринчи баённомаси»дан.

...Ундан кейин биз қирғиз деган қабилага етиб келдик. ...Уларнинг ибодат-хонаси ва ёзадиган қалами бор. Тили қофияланиб (шерсимон кўйилиб) келади,

ибодат пайтида уни қўллашади. Уларнинг байроғи яшил... (киргизлар яшил тусни, ҳам баъзи вақтларда “кўк” деб атайверишади).

Юзларини жанубга бериб сиғинишади; Кўк юлдуз (Сатурн) билан Чўлпонни мукаддас ҳисоблашади, Миррих (Марс) юлдузини унча суюшавермайди. Улар янги тутилган гўдакни эъзозлашади ва ҳомиладор аёлларга кўз ёрғунларигача хизмат қилиб туришади. Улар (киргизлар) барча кийимларни кийишади. Улар савдо-сотикни юрита олади ва йилнинг фасллари ҳамда турли вақт учун ўз мезон-ўлчови бор. Уларнинг ўлкасида қўп сонли ҳайвонот бор. Улар тунда ёритувчи тошга эга. Уларнинг билимдон подшоши (жони) бор...

***Истахрийнинг (X аср) «Китоб масалик
ал-мамалик» деган арабча асаридан.***

...Энди тўғузғуз, кирғиз, кимек, ўғуз ва қарлук каби турклар тўғрисида сўз очсак, улар барчасининг тили бирдек, уларнинг ҳар бири иккинчисини тушуна олади... Қирғизлар эса тўғузлар, кимаклар мулкларининг, уммоннинг (океаннинг) ва қарлук юртининг оралигида қўним топишган.

...Ҳалиги тоғлар Гур ортида бутун Хуросон бўйлаб Бамиanning чеккасидаги Банжхиргача чўзилиб, ундан нари Ваххан ўлкасига кирадида, Мовароуннаҳрдан бўлиниб, туркларнинг ички ҳудудларига-киргизларнинг ёнидаги Илоқ билан Шош (Тошкент) атрофларигача чўзилади. Бу тоғлар бошдан-оёқ олтин-кумуш қонларига лик тўла, энг бой қонлар кирғизларнинг ўлкасида жойлашган...

***«Худуд ал-олам» номли муаллифи номаълум форсча
географик асардан. (982)***

...Ўн биринчи қўл-бу чигиллар билан тўғузларнинг ўртасидаги Иссиқкўл. Унинг узунлиги 30 фарсанг, эни 20 фарсанг; Барсхон шаҳри ўша қўлнинг жанубий соҳилидан ўрин олган...

Унинг (киргизлар ҳудудининг) шаркида Чин (Шимолий Хитой) ҳудуди билан денгиз-Шарқ уммони ўрин олган, жанубида тўғузлар билан қорлуқларнинг айрим ҳудудлари гарбида кимекларнинг ерлари, (шимолида эса) одам қадами етмаган шимолий кенгликлар.

...Уларнинг ҳукмдорларини “киргиз ҳоқони” деб аташади.

...Фурих (қурикан) — бу элнинг номи, улар ҳам кирғизларга киради; улар кирғизлардан шарқда жойлашган ва бошқа кирғизларга ҳеч аралашмайди... Буларнинг тилини бошқа кирғизлар тушунмайди, улар йиртқич ҳайвонларга ўхшаш.

Улардан унча олис эмас бир шаҳар бор. Уни Кемичкет деб аташади. Бунда киргиз ҳокони яшайди.

Кесим киргизларнинг яна бошқа бир элидан. Улар тоғ кўйида бўз уйларда яшайди. Ҳайвонлар териси, шохлари ва бошқаларни тўплашади. У киргиз элларидан бири, тили қорлуқларникига яқин, кийим — кечаги эса қимокларникига ўхшаш.

Қиргизларнинг бу турлари барчасининг, албатта, кишлоғи ҳам, шаҳари ҳам йўқ, уларнинг ҳаммаси ҳокон яшаган жойни ҳисобламаганда, олачикларда (бўз уйларда) кун кўришади.

...Пенчул қарлуқлар макон қилган ҳудудда ўрин олган. Ўтган бир замонда унинг ҳукмдори тўғузгузлардан эди. Энди уни киргизлар бошқаришади.

...Қаркираҳон-қимокларга тааллуқли яна бир ҳудуд. Унинг халқи расм-русмлари ва урф-одатлари бўйича киргизларга ўхшаб кетади.

...Ўш-ғавжум ва мўл-қўл жой. Унинг халқи жангаридир. Тоғнинг этагида жойлашган; бу тоғда кофир туркларни кузатиб турувчи қоровуллар кўп...

Ўзган-Фарғона билан (кофир) туркларнинг чегарасидаги шаҳар.

Гардизийнинг (Хаср) форсча «Зайн ал-ахбор» асаридан.

Қиргизларнинг ўз ҳукмдорининг бирлашишининг сабаби куйидагича: у славяндардан ... чиқиб, славян зодагонларидан бўлган... Ўша зодагон чатоклашиб кетиб, (Урумдан, яъни Византиядан келган) элчини ўлдириб қўйдида, славян ўлкасини ташлашга мажбур бўлди... Юрт кезиб юриб у қимоклар билан тўғузгузларнинг мулклари ўртасидаги бир ҳудудга келди. Тўғузгузларнинг хони ўз қабиласи билан жанжаллашиб, уларга қаҳрини очди, кўпини ўлдириб юборди. Қолгани ёйилиб қочди, бир-бирдан ҳалиги славянга кела бошлашди... Ўз атрофига тўпланган ҳалиги қабиллага у Қиргиз деб от қўйди... Славян аждод-ларининг белгилари киргизларнинг юз — кўздан ҳам билинади, улар қизил сочли ва оқ юзли оқ терида бўлишади.

Қиргизлар тарафга кетувчи йўл тўғузгузларнинг ўлкасидан Чинамчкет шаҳридан Ҳасанга чўзилади. Ҳасандан Нухбекка, Кемизартгача бир ёки икки ой, ундан сўнг — чўл орқали беш кун юриш керак. Кемизартдан Манбек-Лу юртига тоғ оралаб юриш керак, кейин ўрмонга дуч келасиз. Манбек-Лудан сўнг Кўгманга келишади. Йўлда катта яйловлар, ширин булок сувлари ва қўшлаб турли жониворлар учрайди. Худди шундай ерлар оралаб тўрт кун юриб, Кўгман тоғига келишади. Бу тоғ баланд, унда қарағайлар кўп, йўли тор. Кўгмандан киргизлар ўрдасигача етти кунлик йўл. Бу ерда киргиз ҳоконининг ҳарбий ўрдаси жойлашган. Бу ерга уч йўл орқалигина бора бўлади, баланд тоғлар ва қалин ўрмон бошқа тарафни бутунлай тўсиб туради. Уч йўлдан бири жанубга-тўғузгузларга, иккинчиси қимоклар билан қарлуқларга-ғарбга кетади; учинчи йўл — далага (шимолга) кетади.

Ҳиндистонликлар сингари киргизлар ҳам марҳумнинг жасадини ёқиб юборишади ва шундай дейишади: “Ўт энг тоза нарса, ўтга тушган барча нарса пок бўлиб

тозаланади. Ўлган одамни ҳам ўт ғубор ва гунохлардан фориг этади”. Айрим киргизлар молга, бошқалари шамолга, учинчилари типратиконга, тўртинчилари загизгонга, бешинчилари шумқорга, олтинчилари дарахтларга сиғинишади.

(Гардизийнинг киргизлар хусусидаги асосий хабарлари VIII асрда яшаган Ибн Мукаффанинг маълумотларига асосланган).

***Маҳмуд Қошғарийнинг 1072—1077 йиллари ёзилган
“Девони- лугатит-турк” асаридан.***

...Мен ўзим уларнинг (туркларнинг) чаккон-чечанидан, сўзи очик нотигидан, бағри кенг тетигидан, энг оқсуяк наслу-насабидан, найзаси тўғри эпчилидан бўлишим билан бирга турк, туркман ўғуз, чигил, яғмо киргизларнинг шахарлари ва далаларидан изландим, уларнинг тиллари ва накл сўзларини зехнга олдим. Ниҳоят, уларнинг хар бир қабиласи тилини ўта диққат билан ёд қилдим тўптамим тартибини ўта пухталаб хат қилдим. Ушбу китобимни абадий эслашсин, изланишсин, деб ёзиб битдим, унга «Туркий тиллар сўзлиги» деб от қўндим...

Ўзининг насл насаби бўйича турклар 20 қабиладан иборатдир. Уларнинг ҳаммасини шажарада Нуҳ пайғамбарнинг, Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин! - ўғли Ёфаснинг ўғли Туркка такашади. Уларнинг (шажарасининг) жиҳати Иброҳим пайғамбарнинг, Оллоҳ уни ўз раҳматига олган бўлсин! — ўғли Исҳоқнинг ўғли Урум (Рум) авлодларининг аҳволига ўхшашдир.

Улар хар бир қабиласининг Оллоҳдан бошқа ҳеч кимга номалум сондаги уруғлари бор. Мен уларнинг энг бош қабилаларинингина санаб ва ўғуз-туркманларнинг авлодларидан бошқа майда-чуда уруғларини қолдирипман. Уларнинг (ўғузларнинг) уруғларини ва молга солувчи эн-тамгаларини одамларнинг ўрганишга муҳтож бўлгандиги учун баён қиламан. Уларнинг (туркларнинг) шарк диёридан тортиб чўзилган кофир ҳам, мусулмон ҳам қабилалари хар бирининг манзилгоҳларини Урумдан Шарққа томон тартиб билан изохлайман. Қабиалар ичида Урумга (Византия, Кичик Осиёга) яқин турган энг дастлабкиси- беченек Ундан сўнг-кичюк (кипчюк). Кейин ўғуз, сўнг йемек, кейин бошгирд, кейин йасмил (басмил), сўнг қай, сўнг йабку, кейин татар, сўнг эса киргиз. Бу қабила Чиннинг ёнида. Бу қабиаларнинг барчаси Урумнинг қаршисидан тортиб шарққача қўним топганлардир.

Ундан сўнг чигил, кейин тўхси, кейин йағма, сўнг ўтрок, кейин чарук, кейин чўмил, сўнг уйгур, кейин тангут, сўнг хитой. Бу – Чиннинг (ас-Син) ўзи. Сўнг табгоч. Бувиси-Мочин. Бу қабиалар жануб билан шимолнинг оралиғида қўним топганлардир.

Буларнинг манзилгоҳларини бутун ўша алқоқ ичида (яъни харитада) баён қилдим.

Турк тилларининг ётиқлиги тўғрисида сўз.

Тилларнинг энг тозаси биргина тилни билувчи, форслар билан кўшилмаган ва шаҳар турмушидан йироқ халқникидир.

Икки тилга эга бўлиб ва шаҳар халқи билан апоқ-чапоқ яшаган эл сўзлашганда гализлик пайдо бўлади. Улар-сўгдак, кенжек, арғу кабилалардир.

Иккинчи гуруҳга кирувчилар — Хўтан халқи, тубут (тибет) ва айрим бир тангутлар каби халқлар. Бу турдагилар-турк ўлкаларидан кўним топганлар. Мен уларнинг ҳар бир қабиласи тилини баён қилиб бераман.

Жабарқанинг (Япония) халқини олсак, уларнинг олисда эканлиги ва улар билан Мочин ўртасидаги Залқар денгизининг ҳалакит бериши сабабли, улар номаълум.

Мочин билан Чин халқининг алоҳида-алоҳида тиллари бор. Шу билан бирга уларнинг пойтахтидаги халқ туркий тилни дуруст билади. Бизга жўнатиловчи хатлар турк ёзуви билан тайёрланади.

Улар каби Искандар Зулқарнайн курдирган девор ва Мочин ёнидаги тоғлар билан денгизнинг ҳалакит бериши сабабли яжуж билан мажужларнинг тили бизга номаълум.

Тубут (тибет) алоҳида бир тилга эгадир, шунингдек, Хўтан халқининг ҳам ўзича бир ёзуви ва тили бор. Иккаласи тенг туркий тилда тузук сўзлай олишмайди.

Уйғурларга бўлса соф туркий тил тааллуқли ва шунингдек, ўзаро бирлашганда қўлланувчи бошқа яна бир тили бор. Улар, биринчидан, ёзув таркибида мен шу китобнинг сўз бошисига эслатиб ўтган 24 ҳарфдан иборат «туркий ёзув» ни қўллашади. Хатларни ҳам шу усулда ёзишади.

Шунингдек, уларга ва Чинга (халқига) тааллуқли иккинчи бир ёзуви ҳам бўлиб, у билан маҳкама дафтарлари ва иш қозғоларини юритишади. Буларни кофирдан (бахшилардан) бошқа ҳеч ким ўқий олмайди.

Буларнинг барчаси тенг, мен «шаҳарликлар» деб атаган халқлардир.

Энди кўчманчи халқларга келсак, уларга чўмил қиради. Уларнинг алоҳида ўзига хос тили бор ва туркий тилни ҳам билишади.

Шу каби қай, ябаку, татар, басмиллар-булар ҳар бирининг ўз тили бор. Шу билан қатор туркий тилларда дуруст сўзлашади.

Ундан сўнг киргиз, кипчок, ўғуз, тухси, яғмо, чигил, ўтрак, чаруқлар. Уларнинг соф туркча ёлғиз тили бор. Йемак билан бошғирд тили буларнинг тилига яқин. Булғар, сувар ва Урумга яқин жойлашган беченек тили сўзларининг бошидан оёғи бир хил усулда ютилиб айтиловчи туркий тилга мос келади.

Тиллар ичида энг шон-шарафлиси-ўғузларга тааллуқли. Энг тўғриси — Яғмо, Тухси ва Или, Эртини, Йамар, Этал дарёлари водийларида жойлашиб, Уйғур ўлкаси (Турфон идиқутлиги)гача кўним топганларга тегишли.

Ўта мусикий тил хаканиялик ҳукмдорлар ва уларга эргашганларга тааллуқлидир.

Баласогун халки бўлса сўғдларча ҳам, туркча ҳам сўзлашаверади. Тарознинг халки ҳам шундай, Оқшаҳар халки ҳам шуларга ўхшаш.

Бутун аргу худудидаги бу Испижобдан Баласогунгача деб хисобланган худуд, халк нуткида гализлик бор.

Кашкар халкида кенжекча сўзлайдиган кишлок вилоятлари бор. Бош қалъа-пойтахт ичидаги халк эса хаканиялик туркийлар тилида сўзлашади.

Урумдан Мочинга томон чўзилган туркий ўлкаларнинг энг салмокли қисми кенглиги бўйича беш минг фарсахни ташкил этади. Умумун олганда у саккиз минг фарсах, чиқади.

Ўқиб ўрганишлари учун бунинг ҳаммасини мен ер тузилиши сифатланган халиги алкоқда (харитада) ёритдим...

УЛУШ — чигил тилида «кишлоқ» маъносини билдиради,, Баласогундаги халк ва унга қўшни аргу ўлкасидагилар тилида «шаҳар» маъносини англатади. Шундан эътиборан Баласогун шаҳри “Куз улуш” улуш» деб номланган.

АЛА — Фарғона ёнидаги яйловнинг номи (Олай).

ЎРДА (ЎРДУ) — ҳукмдорнинг — пойтахти Шу сабабли Қашкар шаҳри Ўрдакент, арабчада ўрда шаҳри ва ҳукмдорларнинг пойтахти, деганидир.

ЎРДА — Баласогун ёнидаги бир пойтахт. Шу сабабли Баласогунни ҳам Кузўрда деб аташади.

ЎРДА БОШИ — ҳукмдорларнинг бош хизматчиси.

ТЕМУР — темир. Шундай мақол бор: «кўк темир тек турмас».

Маъноси: кўк темир қимирламай туrolмайди, яъни қандайдир бир нарсага тегмай қолганда ҳам, бари бир у ярадор қилади.

Унинг яна бошқа маъноси бор. У куйидагича: қирғиз, ябаку, қипчоқ ва бошқалар бировга қасам ичирганда ёки у билан шартлашганда, қиличини кинидан суғуриб чиқаришадида, рақибининг олдида тўсиб, шундай дейди: «бу кўк кирсин, қизил чиқсин». Маъноси: бу темир, илоҳим, кўк бўйича кириб, қизил бўлиб чиқсин; яъни агар халиги ваъдага қарши чиққан ва уни бузган киши қонга белансин, дегани, бошқача айтганда, у киши темирдан ўлибди, демак, темир ундан ўч олади. Шундан кўринибдики, улар темирни ўта ардоқлашади.

КЎБУЗ — чертиб ўйнайдиган мусика асбоби (қомуз).

ТАЛАС — «Тароз» деган ном билан машҳур бўлган шаҳар. Бундай икки (шаҳар) бор. Бирини Улуғ Талас, арабча «Буюк Талас» маъносида. Иккинчи — мусулмон дунёсининг чегарасидаги Кемин Талас.

ҚАБАҚАРТ — Қашкар билан Ўзган ўртасидаги бир довоннинг номи. Беделарт-Уч билан Барсхон ўртасидаги довоннинг номи. Жуда ваҳимали.

ЧИГИЛ — турклар қабиласининг номи. Улардан бири-қуясни макон қилган кўчманчи халқнинг бир қабиласи. У (Қуяс) Барсхондан кейинги кичик шаҳар.

Иккинчиси Тароз ёнидаги кичик шаҳар халки. У шаҳарча ҳам Чигил деб аталади.

Ўғузлар Жайхун (Аму дарё)дан Юқори Чингача барча туркларни чигил деб аташади. Бу — тўғри эмас.

Учинчиси Қашқардаги кишлоқлар аҳолиси. Улар ҳам чигил деб аталади. Улар ҳам бир ердан тарқалишган.

СИГУН-САМУР — бир жойнинг номи. Бу ерда Буграҳонга заҳар ичирилган.

ТАТАР — туркларнинг бир қабиласи.

ҚИРҚИЗ — туркларнинг бир қабиласи,

СЎҒДОҚ — Баласоғунда ўтроқлашган қабила. Улар Бухоро билан Самарқанд оралигидаги Сўғд ўлкасидан бўладилар, бироқ улар турк киефасига кирган ва уларнинг феъл-атворини қабул қилишган.

ҚАРЛУК — туркларнинг бир қабиласи.

Ўғузлардан бошқа кўчманчилардан. Улар ҳам туркманлар бўлиб ҳисобланади.

ҚИПЧОҚ — туркларнинг бир қабиласи. Қипчоқ-Қашқар ёнидаги бир жойнинг номи.

ҚУЛБАҚ — бир тақводор туркнинг исми. У Баласоғун тоғлари (яъни ҳозирги Қирғиз тоғ тизмаси)да кўниқиш ҳосил қилиб яшаган.

Айтишларича, у бир қора қояга ўз қўли била «Таңгри қули «Қулбақ» араб-часига — «Оллоҳнинг қули Қулбақ» деб ёзиб қўйган экан. У ердаги ок рангли ёзув кўзга яққол кўринади, шундай қилиб, ок қояга ҳам ёзилган қора рангли ёзувлар дона-дона ифодаланган. Улар шу қунагача сақланиб келинмоқда.

ТАТ — форсий киши. Барча туркийлар тилида...

ТАТ — ямғо, тухси тилида кофир уйғурларни (шундай) аташади. Уларнинг ўлкаларидан ўзим эшитдим. Шу туйғайли Тат-тағғоч сўзи келиб чиққан. У уйғур ва хитойлик деган маънони англатади.

ЙЕМЕК — туркларнинг бир қабиласи. Бизнинг фикримизча, улар — қипчоқ (қифчоқ)лар. Бироқ қипчоқ турклари ўзларини бошқа бир қисм (бошқа эл) ҳисоблашади.

ЙАҒҒУ — Барсхон ёнидаги бир шаҳарнинг номи. Йағғунинг худудидан ўрин олган доvon «Йағғуарт» деб аталади.

ЯҒМО — туркларининг бир қабиласи. Уларни қора яғмо деб қўйишади.

ИССИҚҚЎЛ — Барсхон кўлининг номи. Унинг узунлиги ўттиз фарсах, эни ўн фарсах (1 фарсах — 6 чақиримча) келади.

СИЗИНГКЎЛ (Сузинкул) — Қурўнқўлга деярли тенг келадиган Қўчқарбошнинг ёнида жойлашган бир кўлнинг

БООЧИ ҚОБУЗ — чертма асбобларнинг бир тури (барбат-қирғизларнинг қилқиеғи сингари қилчивик, медиатор ва бошқалар ёрдамида чертиладиган асбоб; демак, бооччи қобуз чертма асбоблардан кўминининг ўзгартирилган туридир.

ҚОРАСЕНГИР — Барсхон ёнидаги бир жойнинг номи.

...Барсхонда яшовчилар бугдой деб айта олишмайди. Улар аксинча, будгаи деб аташади. Бу сўз билан «у ёк (Барскон)дан эмасман» деган кишини синашади (текширишади).

ҚЎЧҚОРБОШИ — бир шаҳар номи.

БАРСГАН — Афросиёб ўғлининг исми. Барсхон (Барсган)ни кўрган ўша киши. Махмуднинг отаси ҳам ўша шаҳардан бўлади...

ИНЧКЕНТ — Оллохнинг қарғишига қолгур Муқаннинг одамларига тааллуқли бўлган бир кичик шаҳарнинг номи. Кейин у шаҳарча вайрон қилинган (Муқанна VIII асрнинг 70 — 80-йилларида Ўрта Осиёдаги феодалларга ва араб босқинчиларига қарши қўзғолонга бошчилик қилган, 783 йили ҳалок бўлган, Унинг бу шаҳри ҳозирча Ҳақатгина Махмуд Қошгарий томонидан эсга олинади).

ЗАНБИ — чигиртка.

ЗАНБИАРТ — Қўчқорбоши билан Баласоғун ўртасидаги бир довоннинг номи.

(Иесикқўлдаги Барсхон шаҳрида тугилиб ўсган тилчи — шевашунос ва этнограф Махмуд Қошгарийнинг арабча ёзилган асаридан бу парчалар Т.К.Чоротегин таржимасида тавсия қилинди. Мазкур асарнинг беш жойида қирғизлар эсга олинган).

*Юсуф Баласоғунийнинг «Қутадғу билиг»
(1069 — 1070 йиллар) асаридан.
(Т. К. Чоротегин таржимасида).*

Қора билан ёзилган кириш сўзи.

...Шарқ вилоятида умуман Туркистон элларида Буграҳон тилида турк дугатида (туркча) бу китобдан кўра яхшироғини ҳеч ким ҳалигача ёзган эмас. ... (Бу китобга) турунликлар «Қутадғу билиг» («Саодатга етакловчи билим») деб ном қўйишди. Бу китобни ёзган Баласоғунда туғилган бир такводор киши, бироқ бу китобни Қашқар элида тугаллаб, Шарқ малиғи (подшоси) Тавғоч Буграҳоннинг ўзига бағишлади...

54. Фахмлаб кўр, китобни бу ёзган киши,
Хунарли ўғлон, оқсуякнинг боши.
55. Бу хил хурмат — обрў, нархларни билиб,
Яшаган у ўз давридан кулиб.
57. Бу кишининг юрти — Куз Ўрда эли,
Асл насл-насабининг тоғлидир тили.

58. Бу туғилган элидан чикиб боргани,
Китобни кофиялаб, тугал ёзгани.
59. Барчасин битирди, интилиб аскарга
Чиқариб сўнгигига айтилган Қашқарда.
60. Маликнинг (подшонинг) манглайида ўкиди ани,
Бу Тавғоч Қора Буграҳонларнинг хони.
63. Бу маъно учун, баҳолашади кўргин,
«Юсуф Хос Ҳожиб» деб бўлишади кўнглин.
73. Арабда, тожикда китоблар нағиз,
Бизнинг тилимизда бу ёзмам ёлғиз.
75. Бу туркча китобни чиқардим сенга
Ўқиғач унутмай дуо қил менга.
6495. Ёил-олтмиш икки ила тўрт юзи билан,
Ёзувни тугатдим, бу-намуна, билинг.
6521. Учган бир булутдай йигит кез кетди,
Ел каби елиб умрим кечди.
6522. Соғиниб, йигитлик, ўқиндим,
Ўқинчим нафи йўк, кесарман сўзим.

а) бундай рақамлар-асардаги байтнинг — кўшсатр шеърининг тартиб сонини кўрсатади; б) Баласоғун шаҳрининг бошқача айтилиши— Куз Ўрда бўлган; в) Юсуф Баласоғуний ўз асарини «турк дугатининг Буграҳон тилида» ёзганини таъкидлайди. Бу тил Қорахонийлар ҳоконлиги халқларининг умумий адабий тили бўлган.

*Аҳмад Юғнакийнинг (XII аср ахири — XIII аср боши)
умумий туркча «Ҳибат ал-хақойиқ» («Ҳақиқатлар тухфаси»)
номли таълимий-маърифий дostonидан.*

87. Илмлиқ киши билан илмсиз одам қачон тенг бўлади.
89. Суякка ёғ, одамга эса билим керак.
107. Илмнинг кадрини кишига билим билдиради.
355. Катта-кичikka мулойим сўзла.
486. Ўзи билмаганини биламан, дейиш айб бўлади.

(Мўгул босқинигача даврдаги суфий-фалсафий шоир ва донишманд Аҳмад Юғнакий Ўрта Осиёдаги туркий халқларга ўз ижоди билан чуқур таъсир этган. Унинг

«Сақлагил тилингни, озайтгил сўзинг, Сақланса бу тил, сақладинг ўзинг» каби ҳикматли сўзлари, инсоний ва ватанпарварлик ўйлари билан қардош халқлар маънавий хазинасини бойитган).

*Мутасаввуф шоир, шайхул машойих,
Хўжа Аҳмад Яссавийнинг (XII аср) «Девони ҳикмат»
номли умумтуркий таълимий-маърифий достонидан.*

Аё дўстлар, нодон бирла улфат бўлиб,
Бағрим куюб, жондан тўюб ўлдим мано.
Тўтри айтсам, эгри йўлга бўйин тўлғор,
Қонлар ютиб гам зах, рига тўйдим мано.
Ғариб, фақир, етимларни қилгил шодмон,
Халққа қилиб, азиз жонинг айла қурбон...

Олимга китоб керак,
Сўфиларга масжид керак,
Мажнунларга Лайли керак...
Уйи паст, нодон жонга дунё керак,
Оқилга илм керак...

*Тоҳир Марвозийнинг «Табан ал-ҳайаван» (1120 йил)
деган арабча асаридан.*

Уларга (туркларга) қирғизлар ҳам қиради. Улар кўп сонли элдир. Уларнинг юрти билан шимол ораллиғида жойлашган. Қимоклар эса улардан шимолроқда, яғмолар билан қарлуқлар ғарброқда яшайдилар. Куча билан Арк – жануби-ғарб билан жанубда. Қирғизлар марҳумларни ўтда ёкиш удумини ушлашган. Ўт уларни тозалайди деб таъкидлашади. Улар бундай расм-русмга қадимдан амал қилишади. Муслмонлар билан кўшни бўлиб яшай бошлагач, улар марҳумни қабрга қўма бошлашди.

*«Муъжмал ат-таварих ва-л-қисас» номли
муаллифи номаълум форс тилидаги асардан (XII аср).*

Турк ибн Ефаснинг хабаридан: Турк шарққа томон юзланиб, бир ердан кўним топди. Бу жойнинг номи Сқук (Иссиқкўл) эди. Бу ерда кичик бир денгиз, қўнлаган булоқлар

бор эди. Ёёнида серўт, сувга сероб бир тоғ бор экан. Турк Оллоҳ таолога ҳамду сано айтиб, ўша ерда макон курди... Бу токка «Андукарт» деб от қўйди. Ҳозир ҳам ўшандай деб аталади... Туркнинг Тутл (Тўнг), Чигил, Барсхон ва Илок каби ўғиллари бор эди. Бугунги барсхонликлар, илокликлар ва чигиллар уларнинг авлодларидан бўлади.

***Ибн ал-Асирнинг (XIII аср)
«Ал-К.амил фи-т-тарих» номли арабча асаридан.***

...Улар (араблар билан хитойликлар) Тароз дарёсининг бўйида учрашди. Мусулмонлар уларни енгиб, 50 мингтини кириб ташлашди. 20 мингга яқинини асирга олишди, колгани ас-Син (Хитойга) коча берди. Жанг хижрий 133 йили зу-л-ҳижжа ойи (751 йил июль)да бўлиб ўтди.

...Бу йилнинг сафар ойи (1043 йил сентябрь)да кофир турклардан 10 минг онла аъзолари мусулмон динини қабул қилди.

...Туркларнинг мусулмон динига ўтмаган қисми бўлиб татарлар билан хитойлар қолишди. Улар ас-Син (Шимолий Хитой)да жойлашган.

***Жамол Қаршийнинг (XIII—XIV асрлар)
«Мулҳақат ас-сураҳ» асаридан.***

...Буюк саркарда Сатук Буграҳон Абдулкарим ибн Базир Арслонхон ибн Билгечур Қодирхон — Афросиёб наслу насабидан... У (Сатук) халиф Мутиъли-ллонинг даврида Қашқар билан Фарғона худудларидаги турк хошларининг ичнда дастлабкилардан бўлиб мусулмон динини қабул қилган...

Ўш шаҳри. Бу ерда Барокўҳ ва Ҳанаф деган икки кичик тоғ бор, Барокўҳнинг ёнида авлиёлар билан азизларнинг мазорлари, улар каторида Сулаймон ибн Довуднинг вазири-Асаф ибн Бурхийнинг-ҳар иккисининг жойи жаннатда бўлсин!- қабри ўрин олган.

***Рашид-ад-Диннинг форсча (XIV аср боши)
«Жами ат-таворих» асаридан.***

Қирғиз кабиласи.

Қирғиз ва Кем-Кемжиут бир-бирига чегарадош икки вилоят; улар бирикиб, бир

давлатни ташкил этишади. Кем-Кемжиут-кагга дарё, бир томондан у Мўғулистон билан чегараланса, иккинчи томондан Селенга дарёси билан чегараланади, у ерда эса тажиут қабилалари яшаган; бир томони Ибир-Сибирь худуди чегараси-Ангари-мурўн (Ангара дарёси) номли кагга дарё худудигача чўзилади. Кем-Кемжиутнинг бир тарафи найман қабилалари яшаган ерлар ва тоғларга бориб тақалади...

Тўлай йили, бу куён йили, (хикрий) 603 йилга тўғри келади, Чингизхон (киргизнинг) икки бегига Алтан билан Буқрани элчи килиб жўнатиб, уларни бўйсунушга даъват қилди. Улар эса ўзларининг уч амири — Урут-Утужи, Элик-Темур ва Аткиракни кичикнинг каггага иззатининг ифодаси сифатида ок тулпор билан кўшиб бериб итоатда бўлишди.

Орадан ўн икки йил ўтгач, йўлбарс йили Барғужин-Тўкум билан Байлукут яшаган тумет қабилаларидан бири кўзғолон кўтарганда, (мўғуллар) улар киргизларга якин ерда бўлгани учун киргизлардан черик (аскар) беришни талаб қилишди. Улар аскар бермай, ўзлари хам кўзғолон кўтаришди. Чингизхон уларга ўз ўгли Жўчини кўшини билан юборди... У (Жўчи) киргизларни енгиб, бўйсиндириб, кайтиб келди.

***Низомиддин Шамийнинг (XV аср боши) форсча
«Зафарнома» асаридан.***

...Амир Темур Қамариддинни йўк қилиш учун бор ҳаракатини кўрди. У амирзода Умаршайхга ва Окбуга ботир, Хитой ботир каби бошка амирларга (Қамариддин) изига тушиб, уни тутиб қелиш учун бутун чора-тадбирларни қўллашга буйруқ берди... Улар буйруққа мувофиқ жунаб кетишди ва Иссиқкўлнинг Боом тоғ йўлларида Қамариддинга яқинлаб қелишди. Улар қахрамонларча жанг қилиб, Қамариддинни яна бир марта қочишга мажбур қилишди. Унинг вилоятини талон-тарож қилиб, яна орқага қайтишди...

... Амир Темур Жахоншоҳ ботир, Умар ботир ва Учқора ботирни 30 минг аскарлик кўшини билан Иртиш дарёси томонга ёвни излаб топишга отлантирди, Улар буйруққа биноан Иртишга етиб қелишди. Улар вилоятнинг фуқароларини талаб, сон-саноксиз бойликни ўлжа қилиб, асирларни Лаъл исмли амирга топширишди, у эса (тутқунларни) Самарқандга олиб келди...

***Амир Темурнинг (1336—1405) чигатойча
«Тузуклар» асаридан.***

...Қахрамон лашкарбошиларим ва аскарларим кўмаги билан мен 27 мамлакат: Эрон, Турон, Урум, Мағриб, Сурия, Миср, Араб, Ироғи, Форс, Мозандоран, Ғилон,

Ширвон, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Жете, Улуғ Татаристон, Хоразм, Хўтан, Қобулистон, Бактрзамин, Ҳиндистон ўлкаларининг ҳукмдори бўлдим. Бу ўлкалар менинг ҳокимиятимни тан олишиб, амирга итоат қиляпти, уларга конун-қондамни кўрсатма қилдим.

...Тажрибадан равшанки, дин билан конунларга таянмаган ҳокимият узок вақт ўз куч-қудратини саклай олмайди... Худди шу бонсдан мен ўз қудратимнинг иморатини исломга асосладим, унга қондалар ва конунларни қўшимчалаб, уларни ҳукмронлик пайтимда аниқ бажариб келдим... Мен масжидлар, мадрасалар ва хонақоҳларни (дарвишлар, сўфилар ва уй-жойсизлар учун бошпана) шаҳарларга қурдирдим, йўл бўйларига қарвонсарой, дарёларга кўприк қуришга буйруқ бердим.

...Мен Туронни бўйсундирдим ва Мовароуннаҳрия ўзбеклар талон-тарож қилишдан қутқардим; бироқ кўплаб қабила бошликлари менинг ҳокимиятимни ҳали ҳам тан олишгани йўқ.

*Абдураззоқ Самарқандийнинг (XV аср)
«Матлаҳ ас-саҳдайн...» асаридан.*

...(Амирзода Искандар) пари юзли Олмалик, Хўтан сулувлари билан киргизлар ва Бешбаликнинг гўзал кизларидан бир нечасини олиб шайх Ясовул ҳамкорлигида Темур (Амир Темур)га узатди.

*Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг (XVI аср)
«Тарих-и Рашидий» асаридан.*

... Мўғулистонда ҳеч ким унга (Султон Аҳмадхонга) қарши тура олгани йўқ. У бир неча марта қалмоқларга қарши муваффақиятли юришлар қилди. У уларнинг кўпчилигини кириб юборди. Икки марта у Энасой-тойши билан олишиб, ҳар икковида ҳам ғолиб чиқди. Унинг дастидан қалмоқлар озайди. Қалмоқлар уни Олачахон деб атадилар. Мўғул тилида олача қирувчи, ўлдирувчи деганидир. Бу лақаб хонга муносиб эди. Халойиқ уни Олачахон деб атайдиган бўлди... 909 хижрий йилда Аҳмадхон вафот этди.

...Шу орада Мўғулистонда Султон Маҳмудхон, Султон Сайидхон ва Султон Халил Султон учаласи ўртасида жанжал чиққанлиги тўғрисида хабар келди. Мансурхон Мўғулистонга келди...

Мансурхон Чалиш билан Турфонга Мўғулистондаги киргизларни ва бошқа кишиларни кўчиб кеташга мажбурлади. Қирғизлар Мўғулистондаги барча қўзғолонларнинг

бошловчилари бўлиб қолганлигидан, у уларнинг кўпчилигини аччикланиб кириб ташлади. Уларнинг бир оз қисми Мўғулистонга (қайта) қочиб кетди... У (Мансурхон) Чалиш билан Турфонга қайтиб келиб, (хижрий) 950 йилда вафот этди.

...(Султон Сайидхон) Муҳаммад Қирғизни асирга олди ва тутқинликнинг занжирига боғлатди (923 хижрий йил, яъни 1517 йил). Ўн беш йил мобайнида у тутқунликда бўлди.

928 хижрий йилда (Султон Сайидхон) ўзининг кичик ўғли Рашид Султонни Мўғулистонга отлантириб, Мўғулистон билан қирғизларни бўйсундирди.

...Менинг оғам (Сайид Муҳаммад мирзо) шундай деб (хонга) айтди:

«Гапнинг пўстқалласи шундай кўндан бери асирликда ётган Муҳаммад Қирғизни тутқунликдан бўшатиш керак...» Ахийри хон менинг оғам фикрига қўшилиб, шундай қилди. Бош амир этиб Мирзо Али Тоғайни тайинлаб, қирғизларга Муҳаммад Қирғизни хукмдор этиб жўнатди...

... Рашид Султон Мўғулистонга келганда, Муҳаммад Қирғиз барча қирғизларни йиғиб, Мўғулистонни тўла бўйсундирди.

...Турфон билан Қашқар ҳудудида ўттиз мингча мўғул қолди, сўнг Мўғулистонни ўзбеклар (ўзбек-қозоқлар) ва қирғизлар эгаллаб олишди. Қирғизлар мўғул қабилаларидан бўлгани билан, улар (мўғул) ҳоконларига қарши тез-тез кўзғолон кўтариб, ахийри мўғуллардан бўлиниб кетишди. Барча мўғуллар мусулмон бўлиб қолди, улар ҳақиқат динидаги халққа қўшилди. Қирғизлар эса аввалгидек кофирликда қолаверишди. Худди шу боисдан ҳам улар мўғуллардан бўлиниб кетишди.

...916 йили мўғулларнинг ҳаммаси қирғизларнинг дастидан Мўғулистонда тура олмай қолди. 928 йили Мўғулистонни бошқарган хоннинг қудрати ниҳоясига етди.

***Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг (XVI аср)
«Тарихи Рашидий» асарининг давоми***

Қашқарни забт этилиши ҳақидаги ҳикояда, Муҳаммад Қирғизни Мўғулистонга келганлиги ва ўша жанглар пайтида уни қилган ишлари тўғрисида эслатилиб ўтилган. Ғалабадан сўнг у жуда катта ҳарбий ўлжага эга бўлди. Серқирра хизмати ва садақати учун хон унга қилични осиб қўйса бўладиган белбоғ, тилла ва қумуш қувғонлар, идиш ва бошқа қимматбаҳо совғалар ҳадя этди

... Мартабаси ошган ва ўз ниятига етган Муҳаммад Қирғиз Мўғулистонга қайтганда барча қирғизлар бўй сунди. У Туркистон, Тошкент, Сайрамга юриш қила бошлади ва уларни бўйсундирди. Шайбони султонларининг Муҳаммад Қирғизни у ердан ҳайдаб чиқариш йўлидаги ҳаракатлари муваффақият қозонмади. Бу гал Туркистонга юриш қилиб, у катта ўлжа билан қайтди.

Кучумхон ўгли Абдуллох султон ўша даврда Туркистон ҳукмдори бўлган. У унинг (Муҳаммад Қирғиз) ортидан тушди. Шаҳардан анча йироқлашгач, Муҳаммад Қирғиз ортга қайтади, ва улар тартибсиз жангларда тўқнашишди. Бу жангда Муҳаммад Қирғизнинг кўли баланд келди. Душмanning кўп кўшинларини талофатга учратиб, у асрга тушган султонни ўзи билан бир кун ушлаб турди, сўнгра унга илтифот кўрсатиб, колган кўшинлар билан бирга Туркистонга жўнатиб юборади ...

Унинг ўзбошимчалиги ҳақидаги хабарлар хонни (Султон Сайид) газаблантириб юборади, у ўз кўшинларининг бошида туриб, 1517 йилнинг баҳорида Мўғилистонга Муҳаммад Қирғизни жазолаш учун йўл олади.

Ҳимоясиз колган қирғизлар Туркистон, Сайрам ва Андижонга юриш қила бошлайдилар ...

Сайфуддин Ахсикентийнинг (XVI аср)

«Маъжму ат-таворих.» асаридан.

...Хўжанд тоғларида яшаган қирқ гиз (қирқ ўғуз)нинг авлодлари имом (Иброҳим) билан учрашдилар. Аналҳакнинг ўғиллари бўлган Лурхон билан Лурбузург имомга кулдук қилишди-да, имом Жаҳфар Содикнинг умр йўли санаси бор муҳрни кўрсатишди. Имомнинг бу муҳрига тавоф қилган имом Иброҳим Лурхон (Азхон)ни ўнг қанот бошлиғи, Лурбузург (Азбузург)ни эса сўл қанот бошлиғи қилиб тайинлади...

Қирқ гизларнинг ўнг ва сўл қанотлари имом Иброҳим Султон Заранжиш томонидан тузилган, Бу 521 йили (1127 йили) имом Иброҳим Султон Малик Заранжиш Косон (шаҳри)ни эгаллаб олган чоғда бўлган. Бу қирқ гизлар бир кезде Урум (Кичик Осиё)даги кўчманчилардан бўлишган.

Сайид Мир Жалилга мурид бўлишга

(уни руҳий маънавий раҳномаси сифатида тан олишга келганлар хусусида).

...Ундан сўнг Оқ ўғил икки ўғил Ўттиз ўғил ва Салуабек Булғачи билан бирга келиб руҳий покланиш йўлига ўтганлигини айтди. Ундан кейин (Мир Жалилни) ўзининг маслаҳатчиси сифатида тан олди ва унинг муридлари бўлиш учун Булғачининг ўғиллари Бўстон, Тейит, Жоокесек, Доолос, Қидирша, Қандилар келишди.

Сўнг Ўттиз ўғилнинг фарзандлари Адине (Адигенё), Мунгуш, Қорабағиш, Тоғай келишиб, Мир Жалилни ўз маслаҳатчиси сифатида тан олишди ва унинг муридларидан бўлиб қолишди. Куу ўғил ва унинг олти фарзанди Басиз, Лалим қушчу, Ойбошмундуз, Чўнбағиш, Саруу, Суижек Хитой (ҳам) келиб, унинг муридларидан бўлиб қолишди.

Муаллифи номаълум «Тазкираи Хўнса Муҳаммад Шариф- «Муҳаммад Шариф хожанинг умр йўли» (XVI аср иккинчи ярми) номли умумтуркий асаридан.

... Ўша вақтда Қашқарнинг ҳокими Абдурашидхоннинг ўгли Абдуллатиф султон эди. У пайтда қирғизлар Қоратегинда эди. Улар олисдан бўлса ҳам шаҳар кўрмаган эдилар. Қозилар қирғизлардан закотни қиличнинг кучи билан тўплаб олардилар. Қирғизларда илож йўқ эди.

У вақтда барча кишиларнинг ниятлари тўғри эди. Ислому қудратли куч эди. Қирғизлар ноиложликдан ўзлари закотни олиб келиб бериб туришган. Молни масжид ва мадраса бўлган барча ерга, қолган-қутганини камбағалларга (тарқатиб беришган).

Бир сафар қирғизлар хирож тўламагани, деган хабар тарқалди. Абдуллатиф султон бу хабардан сўнг бир неча йиғит билан овга чиқди. Овчилик қилиб юриб у қирғизлар юртига келди. Қирғизлар уни (яқинлаб қолганини) сезишмади. Султоннинг қўшинини кўриб, уларнинг бари қочибди. Абдуллатиф султон қирғизларнинг болачақаларини асирга олиб, сон-саноксиз молни ўлжа қилди. Қирғизлар ҳукмдорининг қизини султон ўзига хотинликка олди ва бир неча кун у ерда роҳат-фароғатда яшади. Бироқ қирғизлар тўсатдан уларнинг беҳабар ётганини билиб қолиб, тўпланишдида, ҳужумга ўтишди. Султонни қўшини билан чиқишга имкон бермай, барча мусулмонларни қирди. Султон ҳам ўлдирилди... Эртаси хон (Абдурашидхон) бутун қўшини билан чиқиб, қирғизларни Иссиқкўл номли жойда топди. Улар йиғирма кунча жанг қилишди. Ҳазрати Улуғхўжа шу йиғирма кун ичида бошқа мазорларга ҳам сиғиниб, мадад сўраб, уни (хонга) бағишлади. Ахирги азизларнинг қўллаб-қувватлаши билан қирғизларни енгишди. Йиғирма кишидан бошқа ҳаммасини ўлдиришди...

(Кўчманчи қирғизлар ўзларини мусулмон ҳисоблагани билан сўфийларнинг ўзаро қурашувчан оқимлари учун мусулмон солигини тўлашдан бош тортишгани маълум. Худди ўша сабабли уларга қарши урушувчи томонлар ўзларини диний муқаддас уруш-адолатли уруш олиб боровчилар деб ҳисоблашган. Диний шажараларни танқидий кўз билан ўқишнинг зарурлиги шу жиҳатга боғлиқ, чунки диндорлар ўз сиёсий рақиблари, қарши фикрдошларини дарров кофир, деб эълон қилишган).

С. Зокировнинг «Қирғиз шажараси» номли китобидан.

... Шундан сўнг, кўп ўтмай Эдил, Нурадаги нўғойлардан энеше бўйли Эр Эшим деган чиқиб, қирғиз, козокка келади. У хоннинг наслидан экан деб – уни козок, қирғизлар

хое қилиб сайлаб, кўтаришади. Ўшанда Эр Эшим маслахатлашиб иш қилайлик деб, Тошкентнинг куйи томони Сир бўйидаги Кўктепа деган ерга кенгаш чакиради. Бу кенгашга солтодан Чаа, сарибағишдан Сарисейит, саякдан Тутал, Тунготар, бағишдан Кўкум, саруудан Тўнтўрук, Боркемик, кушчудан Қайназар, хитойдан Хонкелди борган. Эр Эшим қадимий одатни қайта кўзгаб, Ўтархон, Барокхонларнинг қонун-қоидаларини ўз ҳолига қайтаради. Шундан буён: «Эр Эшимнинг эски режаси» деган нақл қолган.

... У «а» дегандаёқ (жуда тез) Тошкентдаги қалмоқларни қувиб чиқади. Тошкент бу даврда ўн икки дарвозали йирик шаҳар экан, Олти дарвозасини қозоқларга, олти-тасини қирғизларга бериб, «ўзингиз шаҳарга хон сайлаб олинган» дейди. Қозоқлар улуг жаздан чиққан Чанкулининг қора Байтиги деганини хон қиладилар. Қирғизлар маслахатлашиб, бағишнинг Кўкумини хон қилиб, кўтаришади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг (1483—1530) «Бобурнома» асаридан.

(Умаршайхнинг) авлоди: уч ўғил, беш қиз мирзодин қолиб эди. Бори ўғлонларидан қаттаси мен-Заҳириддин Муҳаммад Бобур эдим; менинг онам Қутлук Нигорхоним эди.

...Қутлук Нигорхоним Юнусхоннинг иккинчи қизи, Султон Махмудхон, Султон Аҳмадхоннинг эгачиси эди.

Юнусхон Чингизхоннинг иккинчи ўғли Чигатойхоннинг наслидаидур. Юнусхон ибн Вайсхон ибн Шерали Ўғлон ибн Муҳаммадхон ибн Хизр Хожажон ибн Тўқлук Темурхон ибн Эсан Буғахон ибн Дўвахон ибн Барокхон ибн Есун Тува ибн Мутугон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон.

...Анджон вилоятининг саҳронишиқларидин бири Чакрак элидур, қалин элдур. Беш-олти минг уйлук эл бордур. Фарғона бида Қашғар орасидаги тоғларда бўлурлар. Отлари кўп ва қўйлари қалиндур. Ул тоғларда уй ўрнига қўтоғ сакларлар. Қўтоғлари ҳам бисёр бўлур. Черикни Қосимбекка бошлатиб Чакракка йиборилдиким, Чакракдан мол олиб, черикка нима тегургай. Қосимбек бориб, йиғирма мингта ёвуқ қўй ва миш беш юз от олиб, черик элига улашди.

...Оёғимда ўк яраси жиҳатидин асо тутуб ташвиш бида юрур эдим.

...Ярамни бокқали Атика (Абика) бахши отлик мўгул жарроҳини йибориб турдилар. Мўгул эли жарроҳни ҳам бахши дер.

Шоҳ Маҳмуд Чурасининг асаридан (XVII аср)

... Қирғизлар Муҳаммад хоннинг вафот этганини билишгач, беш миң кишилик қўшинни тўплаб, Тилеке бий билан Бойбўта-Қорани йўлбошчи қилиб тайинлашди. Ак-Сууга юришди ва талон-тарож қилишни бошлашди. Мирза Хошим Баарин Султонни эргаштириб, қирғизларга қарши жўнади. Мирза Хошим чурас Учнинг (Уч

- Турпоннинг) хокими эди. Султон (тимур-Султон) билан мирза Хошим кирғизларга етиб келишди. Тилеке бий икки минг аскари билан бир ерга яширинди.

Бойбўта-Қора уч минг кишилик қўшини билан юзма-юз турди. Иш жанг билан якуланди. Шу ернинг ўзида Мирза Хошим чурас Учтук ботирларини бошлаб кирғизларга оркадан хужум қилди. Бойбўта – Қора енгилди.

Қирғизлар Шахноз² кишлогини кийратганда Абд-ал-Латифхон кирғизларга Газибек⁴ни, мирза Алишер⁵ни. Урус хўжани жўнатди. Амирлар кирғизларга яқин келганда кирғиз навкарлари пистирма уюштирди. Пистирма уюштирган кирғизлар аскарларга хужум қилишди.

Мирза Алишер шошиб қолди, Лутф Али кирғизлардан қочиб қолди. Мирза Алишер ҳалок бўлиб, 70 яқин киши ўлди.

Абдуллоҳ хоннинг Ўзга юриши ҳақидаги баёндан.

Хонни қувлаган кирғизлар унга ета олмади, бироқ Чонкан қушчу хонга Қоплон-Қулқол деган ерда етиб олиб жанг қилди. Монголча барунгар деб аталган ўнг қанотнинг амирлари Чонкан билан жанг қилишди... Чонкан ортага қайтди. Бу вақтда кирғиз амирлари гўпланишган эди. Чонкан ортага қайтганда бу амирлар унга қўшилдилар. Ак-Суу, Уч ва Бойнинг аскарлари билан хоннинг амирлари келишди. Улар аскарларининг тайёргарлиги тахт, шайма-шай эди. Бироқ амирлар орасида талаш-тортишув бўлди. Қирғизлар амирларга қарши туришди, беш қун, беш тун жанг қилишди. Охир оқибатда ислом аскарлари енгилиб, кирғизлар енгиб чиқишди.

... Орадан йил ўтгач, хон ўз аскарларини Тилеке бийнинг ўғли Койсари ва Жолбўлдуниинг кирғизларига қарши олиб жўнади. Ак-Сойга келиб, жанг қилди. Бу жангни Ак-Сой жанги деб аташди. Қирғизларни Мўғилстон фидокор, жафокаш арслонлари деб аташди.

Абдулғози Баҳодирхоннинг (XVII аср) «Шажарайи турк» номли умумтуркий асаридан.

Қирғиз ва Камкамчут элининг зикри.

Ўғузхоннинг Қирғиз отли бир набираси бор эди. Аниинг насли турурлар. Аммо бу вақтда Қирғиз наслидин киши оз турур. Мўғулдин ва ўзга уруқлардин ўтка ва сувга бўлуб, кирғиз юртина бориб ўлтуруб, кирғиз отин кўтариб турурлар. Ўзлари қайси уруқдин эрканларини билурлар.

Қирғиз ва Камкамчут икки вилоят турур. Бир-бирига яқин. Бир тарафи Саланга отлик ва бир тарафи Айкирамуран отлик. Иккиси ҳам улуғ оқар сув турур. Абир (Ибир) ва Сибирь теган икки вилоят бўлур. Қирғиз юрти анга яқин турур. Қирғиз эли тўрасина Инал дер. Мўғулхон ва тожик подшоҳ, тегандек, ул вақтда тўралари Урус нал теган эрди. Чингизхон Бура теганни элчи қилиб манга боқинсин теб, қирғиз элини юборди.

Ўрмонқут элининг зикри.

Бу элининг юртлари калинг яғочнинг ичинда турур. Анинг учун Ўрмонқит от кўйдилар, Буларнинг юртлари қирғиз вилоятини яқин бўлур...

Тумат элининг зикри.

Тумат таки Ўйратнинг бир уруки турур. Буркучин Тукум теган ерларда ўтурурлар эди. Қирғиз вилоятини яқин бўлур... Булғочин, Карлучин, бу икки урук қаринтош бўлурлар. Буларнинг юртлари қирғиз юртига яқин бўлур.

Филипп Ефремовнинг Туркистон ўлкасига қилган саёҳатининг (1774—1782) баённомасидан.

Хўжанддан Қўқон деган юртгача бир кун юриш керак, у эса Сирдарёнинг юқори оқимида жойлашган. Унда минг қабиласидан чиққан бир ўзбек хукмронлик қилади, унинг исми Норбўтабек...

(Марғилондан) Ўш шаҳрига 3 кун йўл юриш керак, унинг 2 шаҳар дарвозаси бор, кичик сойдан сув оқиб туради.

Ўшдан Қашқаргача 13 кунлик йўл. Ўш билан Қашқарнинг оралигидаги тоғларда қирғизлар (қирғисцк) кўчиб юради. Улар қозоклардан (қирғис-қайсақ) фарқланиб туради.

Имел Молдобаевнинг «Жаниш-Байиш» достонидаги халқ тиббиёти билан боғлиқ маълумотлардан.

Жаниш ва Байиш эпоси Тарихий этнографик булоқ қатори деган 1983 йили нашр этилган асардан.

Ярадор киши ичар деб,
Синиги бўлса битар деб,

Оти яхши мўбия (мўмиё)
 Дори берган бўлишди...
 Арча билан авайлаб,
 Ҳар балодан халослаб,
 Исириклар тутатиб,
 Қошига келди шайланиб..
 Асбоб солиб титкилаб,
 Ўйнаган ўкни топишди...

Чўқон Валихоннинг қирғизлар ҳақидаги асаридан.

...Эшимхоннинг (1630 йилларда яшаган) энг яқин навқари уруғ бошлиғи Қоқумбий эди, унинг ёрдами орқали у катагонлар ва чанчқлининг Турсунини хокимиятдан қулата олди. Қирғизлар билан қозокларнинг дўстлигини эслаб юриш учун Эшимхон Тошкентга минора қурган. У ҳозир ҳам бор, Қўқумбийнинг қўқ гумбази деб аталади.

Жангир (Жаҳонгир)нинг ўғли, Эшимнинг набираси Тауке қирғизларни уларнинг бийи-тейишнинг ёрдамига таяниб бошқарган. Тауке—Тейшиннинг бирга бирлашишини аниқ амалга ошган чора сифатида кўришади.

...Аблай солто ва саяқ уруғларининг Сарибелда, Қораболта-жилғаларида яқсон қилиб, ўша ерда солтонинг бошлиғи, машхур Жайил ботирни ўлдирган. Аблайнинг 1770 йилдаги жанги ўзгача шарафланади.

Ўша қирғинга ўн ва сўлнинг барча қирғизлари катнашган. Бу жанг Жайил-нинг қирғини дейилади. У сарибағишларни Чиликнинг юқоридаги Олатоғ адирларидан, бугуларни Иссиқкўлдан маҳрум қилди. Унда қирғизларнинг ботири Атаке-Жирик ва бошқа қирғизлар ҳам бор эди. Қирғизлар Аблайдан кўп марта енгилган... Найманларнинг султони Қокжал-Бароқ қирғизларга ҳужум қилади. У бахтидан мағрурланган. У ўзини ўта эркин сезиб, ҳеч нарсадан таб тортмай, қаҳрамонликларидан мақтаниб, қирғизлар муқаддас ҳисоблаган Қўчқорота қабристонини вайрон қилган. Унинг тошбағир раҳимсиз, шафқатсизлигига ғазоби қайнаган қирғизлар яширин маслаҳат қилиб, кечаси унинг овулига ҳужум қилишади. Енгилмас Бароқ ҳеч қандай қаршилиқ кўрсата олмай, овулни батамом ташлаб қочди ва Илигача қувилди.

...Аблай аргинлар, найманлар ва усунлардан ташкил топган кўп қўшин билан Бароқни илгари учун ўч олишни кўзлаб, Талас бошидан, Учқўшойдан ўтиб, Крумбелес тоғи этакларида яшаётган солто, саяқ овуллари кийратиб, беҳисоб ўлжа ва асирлар билан Чуйга қуюлувчи Қизилсув, Шаминг орқали ортга қайтганда у ўнг билан сўл қирғизларининг сон-саноксиз кўп лашқари билан тўқнашади. Жанг Чуй ҳудудидаги Оксув ва Кизтуққан қуйган ёйиқда ўтди. Тўқнашнинг Қоратепасида қозок қўшини турган. Қирғизлар жонини фидо қилиб, жанг қилса ҳам, қозоклар ғалаба қилишди. Солтоининг уруғ бошлиғи Жайил икки ўғли Усан ва Теке билан жанг майдонида кўз

юмди Қирғизлар жуда катта йўқотишларга дучор бўлди: чўнгбағиш уруғидан икки дона овул, ўнг талқан қисмидан 40 киши омон қолди, холос.

Жайилнинг кизи, Атакенинг умр йўлдоши Бегимжоннинг кўшиги ҳалигача халқнинг ёдида сақланади. Ўша жангдан кейин барча қирғиз уруғларининг элчилари Кўкчатокқа дўстлашиш учун жўнашган. Унда биринчи марта бир-бирини ўлдирмаслик ҳақида мажбурият олишган ва омонат беришган:

Эсенгул (Сарибағиш) ўзининг ўғли Найманни, буғунинг орик уруғидан Жонболани, асиқ уруғидан унда йўқотиш йўқ эди бирни берди. Ўша уч уруғ энг кучли эди.

Аблайнинг айнан улар (қирғизлар) Илени қолдиришди ва ҳозирги кўшвиларининг ерини эгаллашди. Тинчлик келишими бўйича шундай қарор қилишди: кўлдан тортиб Чуйгача қирғизлариники, тоғлардан Илигача эса қозоқларники...

Асир қирғизлардан Аблай Янги қирғиз ва Бой қирғиз дейилган икки бўлимини тузди, улар ҳозир ҳам Кўкчаток ҳудудидаги атигай уруғининг таркибида яшайди.

Снифдан ташқари ўқиш учун адабиётлар рўйхати

- Анвар Байтур.** Кыргыз тарыхынын лекциялары. 1—2-китептери. — Бишкек, 1992.
- Барс-бег** — кыргыздардын каганы. *Тарыхый повесть* /Туз. Т. Насирдинтегин. — Бишкек, 1993.
- Бартольд В. В.** Избранные труды по истории кыргызов и Кыргызстана /Сост., доп. и коммент. и предисл. О. Караева. — Бишкек, 1996.
- Бутанаев В. Я., Худяков Ю. С.** История енисейских кыргызов. — Абакан, 2000.
- Восточные авторы о кыргызах.* /Сост. О. Караев. — Бишкек, 1994.
- Гумилев Л. Н.** Древние тюрки. — Москва, 1993.
- Караев О.** Чагатайский улус. Государство Хайду. Могулистан. — Бишкек, 1995.
- Калашников И.** Каар заман. — Бишкек, 1991.
- Кыргыздар:** санжыра, тарых, мурас, салт. 1-китеп. /Туз. К. Жусупов. — Бишкек, 1991.
- Кыргыздар:** санжыра, тарых, мурас, салт. 2-китеп. /Туз. К. Жусупов. — Бишкек, 1991.
- Кыргыздар:** санжыра, тарых, мурас, салт. 3-китеп. /Туз. К. Жусупов. — Бишкек, 1995.
- Кыргызы:** Источники, история, этнография. /Сост. О. Караев, К. Жусупов. — Бишкек, 1996.
- Өмүркул Кара уулу.** Көөнө түрктөр тарыхы. — Бишкек, 1994.
- Реми Дор.** Ооган Памириндеги кыргыздар. Тарыхый-этнографиялык баян: Французчадан котор. /Туз. П. Казыбаев. — Бишкек, 1993.
- Солтоноев Б.** Кызыл кыргыз тарыхы. 1-китеп. — Бишкек, 1993.
- Стамов А.** Жортуул. — Бишкек, 1994.
- Сыдыкбеков Т.** Көк асаба. Тарихий роман. — Фрунзе, 1989.
- Урстанбеков Б. У., Чороев Т.К.** Кыргыз тарыхы. Кыскача энциклопедиялык сөздүк. Мектеп окуучулары үчүн. — Фрунзе, 1990.
- Худяков Ю.** Кыргызы на просторах Азии. — 2-ое изд., испр. — Бишкек, 1995.
- Чороев Т. К.** Махмуд ибн Хусейин ал-Кашигари жана анын «Түркий тилдер сөз жыйнагы». — Фрунзе, 1990.
- Ян В. Г.** Чыңгыз хан. Роман. — Фрунзе, 1981.
- Ян В. Г.** Батый. Роман. — Фрунзе, 1982.
- «Аалам кыргыздары». Журнал. 2009-ж. №1,2,3,4,5.
- «Ала-Тоо». Журнал. 2009-ж. №2,3.

Дареликда Киргизистоннинг тарихий - маданий атласидан (Тузувчи: М. К. Иманкулов ва б. Москва, 2001) баян тарихий хариталар ва расмлар фойдаланилди.



*Бадий мухаррир: Ю. А. Ким
Тех.мухаррир: Ю. Балигер
Компьютерда терувчи: Н. Чайкина
Мусаххилар: А. Абдугафуров, С. Собиров
А. Джураев*

Босишга 09.01.10. имзо чекилди
Коғоз формати 70x90 1/16.
Шартли босма тобоғи 12,0 б.т.
Буюртма № К 0906021, Нусхаси 15000
«Азур» нашриёт уйи
720020 Бишкек ш., Огонбаев кўчаси, 222

«Continent Print» МЧЖда чоп этилди.
720054 Бишкек ш., Интергельпо кўчаси, 1.
тел.: (0312) 65 55 56
e-mail:postmaster@continent.kg



